

# БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

*(Манбалар таҳлили)*



Тошкент  
«Sano-standart»  
2019

**УЎК**  
**КБК**

**Баҳоуддин Нақшбанд** (*манбалар таҳлили*). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н.Наврўзова. Тошкент. “Sano-standart” нашриёти. 2019. 252 бет.

**Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг  
700 йиллигига тухфа**

*Масъул муҳаррир:* **Ҳайдархўжа Йўлдошхўжаев**  
тарих фанлари номзоди, доцент

*Тақризчилар:* **Болтаев Муҳаммад**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Тўраев Ҳалим**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Рахматова Холида**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) жаҳоншумул нақшбандия таълимотининг асосчисидир. Мазкур тўплам бу муборак зот таваллудларининг 700 йиллигига бағишланган. Тўпламда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимотини ёритувчи асосий манбалар ҳақида маълумот, уларнинг таржималари, изоҳ ва шарҳлари берилган. Тўплам ислом тарихи ва манбашунослиги, тасаввуф таълимотларининг тадқиқотчилари ҳамда мазкур масалалар билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 3016-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*

*Бухоро Мир Араб олий мадрасаси Илмий кенгаши томонидан 2018 йил 28 октябрдаги №1-сонли баённомага асосан нашрга тавсия этилган.*



*Мовароуннаҳрнинг гўзал ва бетакрор шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива кўп асрлар давомида ислом илм фани, маданияти ва бутун мусулмон цивилизациясининг марказлари сифатида шуҳрат қозонган. Бу саховатли заминдан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муъин Насафий, Бурхониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд каби кўплаб буюк аллома ва азиз авлиёлар етишиб чиқди.*

*Инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган мусулмон ренессанси буюк аجدодларимизнинг диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда.*

**Ш.М.Мирзиёев**



**АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ  
915 ЙИЛЛИГИНИ ВА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД  
ТАВАЛЛУДИНИНГ 700 ЙИЛЛИГИНИ  
НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ  
ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
фармойиши, № Ф-4988, 11 июль 2017 йил*

Бутун умрини инсоннинг маънавий-руҳий камолоти йўлига бағишлаган буюк ватандошларимиз Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги муносабати билан улуғ алломаларнинг ҳаёти ва фаолиятини, улар қолдирган бой илмий-диний мероснинг гуманистик моҳиятини чуқур ўрганиш, шу асосда халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Бухоро вилояти ҳокимлигининг 2018 йил сентябрь-октябрь ойларида Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш

ҳамда уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ушбу режада:

Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга бағишланган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва ижодига оид нашрлар ҳамда уларнинг меросидан намуналарни, жумладан, хорижий тилларда чоп этиш;

Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, фаолияти, илмий меросига оид хорижий мамлакатлардаги қўлёзма манбалар, илмий тадқиқотлар ва адабиётлар ҳақидаги маълумотларни жамлаш ва нашр этиш;

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги муносабати билан халқаро илмий-амалий анжуманни ўтказиш;

Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг асоси бўлган меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, илм-маърифатга интилиш, меҳроқибатли бўлиш ғояларини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш;

Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилсин.

4. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд қадамжоларига маҳаллий ҳамда хорижий зиёратчилар ва сайёҳларнинг кенг кўламли ташрифларини ташкил этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига юбилей тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти**

**Ш.Мирзиёев**

## БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

Инсоният тарихида ўз ўрнига эга бўлган улуғ зот, Ўзбекистон халқининг фаҳри, Бухоройи Шарифнинг асл фарзанди, юртимиз номини жаҳонга машхур этган ва ҳозирги кунгача инсонлар қалбида яшаб келаётган Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийдир. Бу муборак зот Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Хожаи Бузург ва Балогардон номлари билан маълум ва машхур валий, Бухоронинг еттинчи пири, жаҳоншумул нақшбандия таълимотининг асосчисидир.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли ва таълимоти ҳақидаги асосий манбалар: Салоҳиддин ибн Муборакнинг “Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин” маноқиби, Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Ҳазрат Хожа Нақшбанд”, Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи кудсия”, Яъқуби Чархийнинг “Рисолаи унсия” асарларидир. Бу манбалар асосида кейинчалик Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар ўз тазкира, рисола, мақомот ва маноқибларида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида маълумот берганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 718 йилнинг муҳаррам ойида таваллуд топганлар.<sup>1</sup> Бу сана милодий 1318 йилнинг 5 мартдан 3 апрелигача бўлган вақтга тўғри келади. У комил инсон туғилган муборак макон Бухоро шаҳрига яқин Қасри Ҳиндувон бўлиб, ҳозирги кунда Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган. Бу манзил Баҳоуддин Нақшбанд туғилгандан кейин Қасри Орифон деб атала бошлан-

---

<sup>1</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд. Бухоро: Бухоройи Шариф, 1327/1909. – Б 3, (Бундан кейин Мақомот).

ган ва ҳозирги кунгача шу ном билан маълум ва машҳурдир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг асл исмлари Муҳаммад Баҳоуддин – у киши эришган мақом, даражани тавсифлаб, улуғлаб берилган номдир. “Баҳо” – араб тилидан олинган сўз бўлиб, қиймат, ҳусн, жамол, гўзаллик, равшанлик маъноларини англатади. Баҳоуддин – диннинг ҳусни, жамоли, гўзаллиги, равшанлиги демакдир. Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий шундай камолот даражасига етганларким, у кишига назар қилиб ислом динимизнинг қадру-қийматини, ҳусни-жамолию гўзаллигини, дилларни равшан этувчи нуру тароватини кўриш мумкин бўлган.

Шоҳ Нақшбанд – нақш боғловчиларнинг шоҳи деган улуғ ном оталари билан кимхоб матосига нақш боғлаш касби билан машғул бўлганларини билдирсада, аслида Баҳоуддин Наққоши Азал – Оллоҳни қалбларида мукаммал нақшлаган ва мудом унинг зикри, фикри, шукри билан машғул бўлганлари ва таълимотлари, назарлари, ибратлари орқали инсонлар қалбида ҳам Оллоҳ нақшини нақшлай олганларини англатади. Баҳоуддин “Нақш банд, ба дил банд” – “Нақшни боғла, қалбда боғла” деб таълим берганлар. Баҳоуддиннинг Нақшбанд номларини мазмун-моҳиятини Алишер Навоий “Хамса” асарининг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр”да жуда гўзал тавсиф этган.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. 82–85-бетлар.



Баҳоуддиннинг дунёга келишини башорат қилган Муҳаммад Бобои Самосий (вафоти 1336) у кишини Балогардон бўлишини айтганлар. Балогардон – балоларни қайтарувчи маъносини англатади ва Баҳоуддинга берилган илоҳий фитрат, камолот даражаси, истеъдод шу даражага эканлигини кўрсатадиган, у кишининг дуолари, назарлари, нафаслари, қадамлари туфайли ёмонликлар йўқолган, одамлар ғафлат ботқоғидан қутулиб, уйқудан уйғониб абадий тирик, хушёр, огоҳ, икки дунёда бахтли бўлиш даражасига етганлар.

Баҳоуддиннинг юқоридаги гўзал сифатларини улуғлаб Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия” асарида у кишини шундай тавсифлаган:

Гашт бе кибру, риёю, кина,  
Нури қудсиро рухаш оина.  
В-он лиқои ў жавоби ҳар савол,  
Мушкул аз вай ҳал шавад бе қилу қол.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Кибру, риё, кинасиз бўлди,  
Юзи пок нурнинг оинасига айланди.  
Унинг бу кўриниши ҳар саволга жавоб,  
Мушкул ундан ҳал бўлар ҳеч шубҳасиз.

Баҳоуддин Нақшбанднинг оталари Сайид Муҳаммад Бухорий ибн Сайид Жалолиддин бўлиб, кимхоб тўқувчи хунарманд бўлганлар. Оналари Биби

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Бухоро, 1327/1909. Бухоро музейи, №12545, 36-бет.

Орифа Хожаи Хизр авлодидан бўлганлар. Ота-оналари ва насл-насаби жуда пок эканлиги манбаларда кўрсатилган.

Баҳоуддин Нақшбанд уч кунлик чақалоқ бўлганларида Муҳаммад Бобои Самосий у кишини маънавий фарзандликка қабул этадилар ва умрларининг охиригача таълим тарбиялари билан машғул бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбанд “Биз талқини зикрни бузургвор Шайх Хожа Муҳаммад Бобои Самосийдан олганмиз”, деб айтганлар. Баҳоуддин хуфия зикрга амал қилганлар. Муҳаммад Бобои Самосий бош бўлиб Баҳоуддиннинг 18 ёшида уйлантириш маросимларини ўтказганлар. Боболари Баҳоуддинни Самарқанддаги пиру устозлардан илм олишларига кўмак берадилар.

Илоҳий иноят билан Баҳоуддин Нақшбандга Абдулхолиқ Ғиждувоний – Хожаи Жаҳон (вафоти 1220) руҳлари тариқатнинг ибтидоси, ўртаси ва охиридаги илму амалдан ўғит берадилар ва Нақшбанд увайсийлик мақомига этадилар. Абдулхолиқ Ғиждувоний ишоралари билан Баҳоуддин Нақшбанд Амир Кулол (вафоти 1370) билан учрашиб, у кишидан таълим оладилар.

Шунингдек Абдулхолиқ Ғиждувоний ишоратлари билан Баҳоуддин Нақшбандга Муҳаммад Бобои Самосий берган Хожа Али Ромитанийнинг (вафоти – 1321) кулоҳи этади ва у кишининг ҳолатларида илоҳий нурлар тажаллийси зоҳир бўла бошлайди. Шунинг учун Баҳоуддин ўзларини “Бизлар Ҳазрат Азизоннинг муридимиз” деганлар. Хожаи Жаҳон

ўғитлари асоси Баҳоуддин Қишлоқийдан ҳадисларни ўрганганлар. Манбада Мавлоно Баҳоуддин Деггаронийдан ҳам ҳадис ўрганганлари ёзилган.

Хожа Амир Кулолдан Хожагон таълимотининг одобларини ўрганаётганда Баҳоуддин Нақшбанд тушларига яссавия тариқати пири Ҳаким ота – Сулаймон Боқирғоний киради ва келгуси тарбияларини турк машойихи Халил отага ҳавола этади. Баҳоуддин Нақшбанд 1336 йил куз фаслида Бухорода Халил ота билан учрашиб у кишига мурид бўладилар, 12 йил у кишидан таълим ва тарбия оладилар. Баҳоуддин олти йил 1336–1341 йиллар Халил ота хизматида бўладилар. Ж.С.Тримингэм Халил отани Чигатой улуси хони Ясавурнинг ўғли деб ёзади, 1341–1347 йиллар Султон бўлганлигини қайд этган.

1341 йилда Халил ота – Султон Халил бўлади, уни Ғозонхон дейдилар. 1341–1347 йилларда ҳукмронлик қилган даврида ҳам Баҳоуддин Нақшбанд у кишига хизмат қилиб таълим олганлар. Султон Халил Ғазонхон салтанати таназзулидан кейин 29 яшар Баҳоуддин Бухорога яқин Ревартун қишлоғига яшай бошлаган ва бутун умрини дарвешликка бағишлаган.

Баҳоуддин Нақшбанд Халил Ота – Халил Султондан кейин яна Сайид Амир Кулол хизматида бориб у кишидан таълим олади ва 7 йил у кишининг даргоҳида бўлади. Амир Кулол ўзларидаги билимларни Баҳоуддинга бергандан кейин унинг истеъдодини кўриб, яна илм олишни давом эттириши лозимлигини айтадилар. Кейин Баҳоуддин Нақшбанд

Ориф Деггаронийдан 7 йил таълим олади. Уч ой яссавий шайхларидан бўлган Қусам Шайхдан ҳам илм олади.

Манбадаги Баҳоуддин Нақшбанд Амир Кулолдан 7 йил таълим олган деган маълумотга асослансак, 1347 йилдан 1354 йилгача Баҳоуддин Амир Кулолдан илм олганлар. 1354 йилдан яна 7 йил то 1360 йилгача Ориф Деггароний хизматида бўлганлар ва Қусам Шайхдан илм олиб 1361 йилдан ўзлари мустақил тариқатни ташкил эта бошлаганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд хожагон тариқати шайхларидан Абдулхолиқ Гиждувоний ва Ҳазрат Азизон руҳидан, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳазрат Амир Кулол, Ориф Деггаронийнинг ўзларидан илм олдилар. Шу билан бирга Яссавий тариқати шайхлари Халил ота, Қусам шайхлар орқали яссавия таълимоти билан ҳам танишдилар ва бу икки тариқатдаги энг илғор, халқ камолоти учун керакли ғояларни олиб, улар асосида янги камолот йўлини ярата бошладилар. 1370 йил Амир Кулол вафотларидан кейин Баҳоуддин Нақшбанд мустақил тариқатни ташкил этдилар. Бу тариқат номи Нақшбандия бўлиб у Бухорои Шарифда ташкил топган ва кейинчалик жаҳоншумул тариқатга айланган.

Манбада ёзилган маълумотларга асослансак, Баҳоуддин Нақшбанд 1387 йилда айтадиларки, 22 йилдан бери Ҳаким Термизий тариқатига эргашамиз<sup>1</sup> ва улар бесифат эканлар. Шу муддатда биз

---

<sup>1</sup> Мақомот. 15-бет.

бесифатмиз. Маълум бўладики, 1365–1387 йилларда у киши Ўрта Осиёда илк тасаввуфий тариқатдан бири бўлган ҳакимия тариқатини асослаган, буюк валий, кўп асарлар муаллифи Ҳаким Термизий руҳидан таълим олганлар. Манбада Увайс Қараний, Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий ва Жунайд Бағдодий руҳларига таважжуҳ қилганлари ёзилган ва бу алломалар ғоялари нақшбандия таълимотининг шаклланишида ўз таъсирига эга.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз руҳий камолотларида катта ўринга эга устозни тилга олганлар, лекин унинг номини айтмаганлар. Жазба ҳолатининг бошларида устозлари аввало нафсини жиловлашни ўргатадилар. Кейин одамлар кўнглини топиш, ожиз ва нотавонлар, хусусан, халқ эътибор қилмайдиган кимсалар ҳолига машғул бўлиш, ҳожатмандлик ва камтаринлик билан муомалада бўлишини ўғит берганлар. Бу ишларни амалга оширгандан кейин устозлари ҳайвонлар тарбиясига барқарор туриш ва ниёзмандлик йўлида бўлишини ўғит берган. Баҳоуддин етти йил бу йўсинда юрганлари манбада қайд этилган. Устозлари ўғитига асосан йўл хизматига киришиб, йўлларда одамларга ёқмайдиган нимаики бўлса, олиб ташлаганлар, токи улар зиён топмасинлар. Манбада ёзилишича Баҳоуддин: “Шу етти йил ичида енгим ва этагим тупроқдан асло холи бўлмас эди. Бу Ҳақнинг дўсти қандай амални буюрса садоқат билан бажо келтирдим, ҳар бир амалнинг натижасини ўзимда мушоҳада қилардим ва аҳволимда тўлиқ тараққий юз

бераётганини сезардим”,<sup>1</sup> деб айтганлар. Баҳоуддинга ўғит берган устозни биз Хожа Хизр деб тасаввур этдик. Чунки барча авлиёлар камолотида Хожа Хизрнинг ўрни бор. Хожа Хизр ўғитлари асосида Баҳоуддин одамлар, ҳайвонлар, жонли ва жонсиз бутун борлиққа муҳаббат билан муносабатда бўлдилар. Баҳоуддин Нақшбанд бу йўлда вужудни инкор этиш, борини нисор этиш, кам кўриш ва йўқлик улуғ ишлардан эканлиги ва булар Ҳақни кўриш, билиш давлатига етиш илми, қабул воситаси бўлганлигини таъкид этганлар. У киши нафсларини таниб, бутун борлиққа муҳаббат ва мурувват назари билан қараш, муомала этиш даражасига етиб, мазкур ғояни ўзлари яратган нақшбандия таълимотининг асосига қўядилар. Шунинг учун бу таълимот барча тасаввуфий таълимотларнинг қаймоғи ва хулосаси деб баҳоланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий камолотга оид қўйидаги фикрлари барча нақшбандияга оид манбаларда келтирилган: “Биз бу йўлнинг талабига қадам қўйганимизга икки юз киши эдик. Менинг ҳимматим буларнинг ҳаммасидан ўтиш эди. Илоҳий иноятга ноил бўлиб, бу жамоатнинг ҳаммасидан ўтиб кетдим ва асл мақсадга етдим”.<sup>2</sup> Демак, бу йўлда ҳимматнинг ўрни катта экан. “Ҳиммат” араб тилидан олинган сўз бўлиб, кучли ирода, азм, аҳд, қасд, жидду жаҳд ва тиришмоқ маъноларини англатади. Демак бу йўлга кирган инсон жидду жаҳд ва кучли ирода билан

---

<sup>1</sup> Мақомот. 17-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 16-бет.

ҳаракатда бўлиши лозим экан. Баҳоуддин Нақшбанд ўз шогирдларига шундай ўғит берган эдиларким, “Мақсад талаби йўлида ҳимматингиз менинг бошимга қадам қўйиб, мендан ҳам ўтиб кетиш бўлмаса мен сизни кечирмайман”. Манбада Баҳоуддин етти йил риёзатда, мушоҳадада бўлганлиги ёзилган.

1370 йилдан кейин Баҳоуддин Нақшбанд янги мустақил камолот йўлини яратдилар. Уни Баҳоуддин Нақшбанд номидан нақшбандия деб аташ бошладилар. Бу йўл асосида 11 тамойил туради. Нақшбандия тариқатига хожагон тариқатидаги саккиз тамойилга яна учта қўшилиш асосида Баҳоуддин Нақшбанд инсонларни ғафлат уйқусидан уйғотиб Ҳақ йўлига киритишнинг янги услубини кашф этдилар. Баҳоуддин Нақшбанд инсоният камолоти учун зарур деб ҳисоблаган ва ўзи киритган янги уч тамойил – “Вуқуфи замони” – замондан огоҳ бўлиш, “Вуқуфи адади” – адад, сондан огоҳ бўлиш, яъни касрат ичида аҳадни кўра олиш, “вуқуфи қалби” – қалбдан огоҳ бўлиш, яъни инсон қалбига таважжуҳ қилиб, юзланиб, қалби эса Оллоҳдан келадиган файзга интизор бўлиб, уни қабул этиб мушоҳада этишдир. Баҳоуддин вақт, сон, қалб ҳақидаги тасаввуфий таълимотларни бойитиб, уларнинг янги қирраларини кашф этди ва биринчи бўлиб инсон камолоти учун асосий тамойил сифатида киритди.

Баҳоуддин Нақшбанд асос солган нақшбандия таълимоти жаҳоншумул аҳамиятга эгадир. Бу таълимотни Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо,

Алоуддин Гиждувоний, Яъқуби Чархий такомиллаштирдилар, Хожа Аҳрори Валий уни жаҳоншумул таълимотга айлантирди ва бу тариқат нақшбандия-мужаддия, нақшбандия-халидия номлари билан кенг тарқалди.

Баҳоуддин Нақшбанд икки марта Ҳажга борганлар ва иккинчи бор Зайниддин Тойибодий билан учрашганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 791 йил душанба кечаси раббиул-аввал ойининг учинчисида милодий 1389 йил 2 мартда вафот этдилар. У кишининг муборак қабрлари Қасри Орифонда жойлашган бўлиб, жуда обод зиёратгоҳдир.

Баҳоуддин Нақшбанд араб, форс, турк тилларини билганлар. Ўз даврининг қутби Шоҳ Нақшбанд Қуръон ва ҳадислардан таълим олган зиёли, нури, табаррук зот бўлганлар. Бу улуғ зотдан бизга жаҳоншумул нақшбандия таълимоти ва тариқати, “Аврод” рисола<sup>1</sup> ва қудсий – муқаддас каломлари мерос бўлиб қолди. Биз Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” асарининг Санкт-Петербургдаги нусхасини топиб, уни таржима этиш бахтига муяссар бўлдик. Шунингдек “Аврод” асарида тўрт шарҳ борлигини аниқладик. Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид муқаддас сўзлари Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” ва Яъқуби Чархийнинг “Рисолаи унсия” асарларида сақланган. Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид қудсий каломларининг моҳиятини

---

<sup>1</sup> Баҳоуддин Нақшбанд. Авроди Баҳоия. Бухоро. “Бухоро”, 2000 йил, 30 бет.



англаш анча қийин бўлганлиги учун Муҳаммад Порсо “Рисолои қудсия” асарида уларни шарҳлаган. Баҳоуддин Нақшбанддан насрий ва назмий кўринишдаги ўғитлар сақланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг анфоси қудсиялари – илоҳий, муқаддас ўғитлари биринчи ёзилган маноқиб ва мақомотда сақланган. Кейинчалик улар бошқа нақшбандияга оид тазкира ва рисолаларда келтирилган. Баҳоуддин ўғитлари тасаввуф аҳли ва хусусан нақшбандия таълимотини ўрганаётганларга қарата айтган ҳикматли сўзлари асосан насрий кўринишдадир.

Баҳоуддин Нақшбанддан назмий байтлар ҳам сақланган. Манбада у кишидан “Нега хизматкор ёлламайсиз?” деб сўраганда: “Қуллик хожалик билан мос келмайди”, деган жавоблари билан бирга мана бу икки байт улардан деб, қуйидаги назмий парча келтирилган:

На моро мафрашу, на мафрашкаш,  
На ғуломони турку тиркашкаш.  
Ҳама шаб, чун сағони қаҳдоний,  
Сар ба дум оварам ва бихусбам хваш.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Менда на гилам бор, на гиламни олиб юрувчи,  
На турк ғуломию, на суянадиган киши.  
Тунда мен ит мисоли,  
Думимга қўйганимча бош ётарман хуш.

---

<sup>1</sup> Мақомот. 38-бет.



парвардигор” эди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётларида мудом ҳалол луқмани истеъмол этганлар ва шогирдларига ҳам шуни ўғит берганлар. Баҳоуддин: “Бизнинг йўлимиз Имом Қушайрий ва Фаридуддин Аттот сўзларига мувофиқ келади”, деганлар. Демак, Ҳазрат бу икки алломанинг ғояларидан хабардор бўлиб уларга амал қилган эканлар.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўллари ва у киши яратган таълимот энг комил инсон, буюкларнинг буюги Муҳаммад (с.а.в.) суннатларига уйғундир. Шунинг учун Абдурахмон Жомий Баҳоуддин Нақшбандни тавсифлаб шундай ёзганлар:

Сикка, ки дар Ясрибу Батҳо заданд,  
Навбати охир ба Бухоро заданд.  
Аз хатти он сикка нашуд баҳраманд,  
Жуз дили бенақши Шаҳи Нақшбанд.  
Он гуҳари пок на ҳар жо бувад,  
Маъдани ў хоки Бухоро бувад.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Ясриб-Мадина, Батҳо-Маккада урилган  
муқаддаслик муҳрини,  
Охирги навбатда Бухорода урдилар.  
Ул муқаддаслик муҳри хаттидан баҳраманд  
бўлмади,  
Шоҳи Нақшбанднинг бенақш дилидан ўзга.  
Ул пок гавҳар, яъни Баҳоуддин ҳар ерда  
бўлавермайди,  
Унинг маъдани Бухоро тупроғидадир.

---

<sup>1</sup> Шарафиддин Роқимий. Тарихи Томм. Тошкент. “Маънавият”, 1998. 16-бет.

1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантанали нишонланди. 2019 йилда Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги ўтказилади.

Умумий хулоса қилганимизда:

- Баҳоуддин Нақшбанд XIV асрда яшаган, Бухорои Шарифда туғилган маърифатли, ҳақиқатни англаган улуғ зотдир. У киши Силсилаи Шарифнинг ўн олтинчи, Бухорои Шарифнинг еттинчи пиридир.

- Баҳоуддин Нақшбанд жаҳоншумул нақшбандия таълимоти ва тариқатини асослаган тасаввуф оламининг йирик намояндаси.

- Баҳоуддин Нақшбанддан “Аврод” рисоласи, маърифатга оид қудсий каломлар, насрий ва назмий кўринишдаги ўғитлар сақланган.

Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот асосидаги меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, илм-маърифатга интилиш ва бутун борлиққа муҳаббат ғояси ҳозирги даврда ҳам долзарб бўлиб, комил инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

## БАҲОУДДИН НАҚШБАНДГА ОИД ИЛК МАНОҚИБ

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) номи билан машҳур бўлмиш Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ҳаёти ва таълимоти ҳақида асосий ёзма манбаларнинг энг биринчиси ва муҳимларидан бири Салоҳиддин ибн Муборакнинг “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин” асаридир.

Бухоро давлат музейида бу асарнинг қўлёзма нусхаси 27772/11 тартиб рақами билан Салоҳ бинни Муборак ал-Бухорийнинг “Мақомоти Нақшбандия” асари сифатида қайд этиб сақланмоқда. Бу манбани таржима ва таҳлил этиш жараёнида асарнинг муаллифи, номи, таркиби ва хусусияти ҳақида аниқланган масалалар юзасидан фикримизни билдирмоқчимиз.

Асарнинг муаллифи ҳақида манбалар ва тадқиқотларда икки хил қараш мавжуд. Шарқшунос олим А.Т.Тагиржанов Санкт-Петербургда сақланган тожик ва форс тилидаги қўлёзмалар каталогини тузиб, “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин”<sup>1</sup> асари ҳақида батафсил тўхталган. У қатор мантиқий мулоҳазалар асосида бу асарнинг муаллифини Муҳаммад Порсо деб исбот этишга уринган.<sup>2</sup> “Ислому” қомусий луғатида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги мақоланинг адабиётлар рўйхатида ҳам бу асарнинг муаллифи сифатида Муҳаммад Порсо кўрсатилган.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей Ленинградского государственного университета. –Л.: Изд-во ЛГУ, 1962, - с. 132–134, 286–310.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша асар. – 287-288-бетлар.

<sup>3</sup> Акимускин О.Ф. Нақшбанд/Ислам. Энциклопедический словарь. – М: Наука, 1991-с. 186.

Нақшбандийлик мафкурасига доир чоп этилган охирги илмий асарлардан бирида ҳам Муҳаммад Порсо асари сифатида “Анис ат-толибин” тилга олиниб, тавсиф этилади.<sup>1</sup>

Бу асарнинг муаллифи Муҳаммад Порсо эмас, балки Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорий деган фикрни А.А.Семёнов,<sup>2</sup> таъкидлайди. Бу ғоя Туркияда чоп этилган “Ислом” қомусида ҳам қайд этилган.<sup>3</sup>

“Анис ат-толибин”нинг Бухоро музейи нусхасида муаллиф ўзини “заиф банда Салоҳ бин Муборак ал-Бухорий”,<sup>4</sup> деб айтади. У хижрий 785 йили валийлар муршиди хожа Алоуддин Аттор хизматида кирган-лигини ёзади. Шу кишининг воситаси билан “ориф-ларнинг қудратлиси, мукаммалларнинг қутби” бўлган ҳазрат шайх Баҳоуддин Нақшбанд жанобларининг назари қабулига мушарраф бўлганлигини ёзади. Салоҳ ибн Муборак ўзи бевосита Ҳазрат Хожани кўрганини айтиб, у кишига шундай тавсиф берган:

Гар бигуем васфи шарҳаш, бардавом,  
Бигузарад умр ва нагардад у тамом.<sup>5</sup>

---

<sup>1</sup> Муҳаммадходжаев А. Идеология нақшбандизма – Душанбе; Дониш, 1991 – с. 77.

<sup>2</sup> Семёнов А.А. Бухарский шейх Баҳоуддин//Восточный сборник в честь А.Н.Веселовского. –М., 1914. - с. 294.

<sup>3</sup> Ислом энциклопедияси. – Истамбул, 1914. –Т. 9. -54-бет (турк тилида).

<sup>4</sup> Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. 1267 хижрий йилда кўчирилган. Бухоро музейида 27772/11 рақам билан сақланаётган қўлёзма нусхаси, 3б варақ.

<sup>5</sup> Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. 1267 хижрий йилда кўчирилган. Бухоро музейида 27772/11 рақам билан сақланаётган қўлёзма нусхаси, 3б ва 4а варақлар.

Мазмуни:

Унинг сифатлари шарҳини батафсил айтсак,  
Умр ўтадию, шарҳ тугамайди.

Асарнинг муаллифи Ҳазрат Хожани кўриб, у киши суҳбатларидан шарафёб бўлганидан кейин, унда Баҳоуддин Нақшбанд тариқати ҳақидаги маълумотларни жамлашнинг кучли истаги туғилган. Бу тўғрида у шундай ёзади:

Гар маро аз ҳоли мардон нест бахр,  
Зикри он беҳтар, ки андар ком захр.

Мазмуни:

Агарки менда сўфийларга хос ҳол сифатидан  
бахра олиш имкони йўқ экан,  
Унинг зикри – томоқдаги захардан яхшироқ.

Бу мисралар Салоҳ ибн Муборак Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқатини ёритиш орқали келажак авлодларни баҳраманд этишни олдиға мақсад қилиб қўйганлигидан далолат беради.

Бухоро музейида сақланаётган китобнинг ўзи асарнинг муаллифи Салоҳиддин Муборак эканлигидан гувоҳлик берувчи асосий далилдир. “Анис ат-толибин”нинг бу қўлёзма нусхаси билан тошбосма нусхаларини, асл форсий тилда ёзгани билан турк тилидаги таржимасини таққослаш ва таҳлил этиш асосида ҳам асарнинг муаллифи Салоҳиддин Муборак ал-Бухорий эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Асарнинг Бухоро музейи нусхасининг 1506  
варағида бу нусха ҳижрий 1267 милодий 1850/51  
йилларда кўчирилганлиги қайд этилган. Душанбе  
шаҳридаги Фирдавсий номли Давлат кутубхонаси-  
нинг қўлёзмалар бўлимида сақланаётган асарнинг  
445-сонли нусхаси билан танишдик. У ҳижрий 1226  
милодий 1811/12 йилда Сулаймон Иззий томонидан  
турк тилига таржима қилинган. Али Каррий бу  
таржима қўлёзмасини турк тилидаги нусхалар билан  
таққослаб, ҳижрий 1328 милодий 1910/11 йилда тош  
босмада нашр этган. Демак, турк тилидаги таржима  
нусхаси Бухоро музейида сақланаётган нусхадан 40  
йил олдин ёзилган. Унда ҳам асарнинг муаллифи  
Салоҳ ибн Муборак эканлиги қайд этилган.

“Анис ат-толибин” асарининг муаллифи  
Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий эканлигига  
бошқа муҳим асослардан бири ҳазрат Баҳоуддин  
Нақшбанд ҳаёти ва таълимотига оид асосий иккинчи  
манба бўлмиш Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти  
ҳазрати хожа Нақшбанд” асарида келтирилган  
далилдир. Бу манбада нақл этилишича, бир  
кишининг ўн фарзанди вафот этади. Баҳоуддин  
Нақшбанд ёрдами билан у қайта бир қиз ва икки  
ўғилли бўлади. “Мақомот”да таъкидланади:  
“Мавлоно Салоҳ ад-дин, соҳиби “Анис ат-толибин”  
навишта, ки дар он вақте, ки ин асар ва алтофи илоҳи  
дар қалам меоварда, он дарвеш бо он ду писар дар он  
мажлис зоҳир буданд”.<sup>1</sup> Мазмуни: “Анис ат-толибин”

---

<sup>1</sup> Абул-Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Ҳазрати Хожа  
Нақшбанд. Бухоро. Бухорои Шариф матбааси, 1327 ҳижрий, 150 бет.



асарининг муаллифи бўлган Салоҳ ад-дин Муборак ёзадики, бу илоҳий лутф ва осорни қаламга олаётган вақтда ўша дарвеш икки ўғли билан, ўша мажлисда кўринди”.

Муҳаммад Боқир томонидан келтирилган бу нақл, биринчидан, “Анис ат-толибин” асарининг муаллифи Салоҳ ад-дин ибн Муборак эканлигини кўрсатса, иккинчидан, “Мақомот”ни ёзишда “Анис ат-толибин” асари манба бўлганлигидан далолат беради. Диққатга сазовор далил шуки, “Мақомот”да келтирилган шу нақл “Анис ат-толибин” асарида ҳам келтирилади ва муаллиф бу воқеани қаламга олаётганимда “бу дарвеш икки ўғли билан шу мажлисда бор эди”, - деб ёзади. Демак, икки асарда келтирилган маълумот бир-бирига мос келади. Шу билан бирга бу далил Баҳоуддин Нақшбанднинг валийлик даражаларидан гувоҳлик беради.

“Анис ат-толибин” асарининг муаллифи Салоҳ ад-дин ибн Муборак эканлигини исботловчи ҳужжатлардан яна бири шарқшунос олим О.Ф.Акимушкиннинг Санкт-Петербургда 10 апрель, 1992 йилда Бухорога шарқшунос олим Б.А.Казаковга ёзган мактубидир. Унда бу масала қуйидагича ёзилгандир:

“...”Анис”... дошло до нас в 2-х редакциях; не версиях, а редакциях! Первая не имеет в тексте имени автора, хотя он говорит, что пользовался советом и воспоминаниями ходжи Аттара-халифы, приводит дату 791 г.х.-год смерти Накшбанда и полное название «Анис». Но ко всему сочинению имеется отдельное со своей басмалой предисловие,

написанное в третьем лице; в нем указывается, что труд был осуществлен стараниями Ходжи Парса, там же дается описательное название «Макамат», которое впоследствии стало широко распространенным.

Вторая: Там указаны две даты: 785 г.х.-автор Салах б.Муборак приступил к работе, помощ Аттара; 791 г.х.-смерть Нақшбанда, полное название «Анис». . . Отличие второй редакции: нет предисловия от имени Парса, сильно расширено авторское предисловие (раза в 4), добавлены новые рассказы о Нақшбанде.

Вывод: автор обеих редакций Салах б.Муборак ал Бухорий. Но в первой он по каким-то своим соображениям (возможно чисто этически) себя не указал. Дело в том, что его труд прошел редакторскую обработку Мухаммада Порсы, который по современным меркам мог стать либо редактором – соавтором как шеф братства и патрон автора. Эта знаем мы, что традиция считала Парсу автором первой редакции. Отсюда и его имя в литографированных изданиях”.<sup>1</sup>

Мактубнинг матнидан маълум бўладики, “Анис ат-толибин” асарининг икки редакцияси мавжуд бўлиб, ҳар иккисининг ҳам муаллифи бир киши – Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийдир. Шарқшунос олим О.Ф.Акимускин шу мактубида “Ислом” қомусий луғатининг Нақшбандга оид адабиётлар рўйхатида

---

<sup>1</sup> Акимускин О.Ф. Санкт-Петербурдан 10 апрель, 1992 йилда Б.А.Казаковга ёзган мактубининг асл нусхаси – Б.А.Казаковнинг шахсий архивида сақланмоқда. У киши лутф билан кўрсатган ёрдамларидан мактубнинг нусхаси муаллифининг шахсий архивида ҳам мавжуд.

Муҳаммад Порсони бу асар муаллифи сифатида хато қайд этилганини айтади: “В библиографии допущены две ошибки в наборе. Идет: “Рисолайи кудсия”; Парса. Анис ат-толибин. Должно быть: Парса, “Рисолайи кудсия”; “Анис ат-толибин”. Обратите внимание, в тексте обеих статей я не дал указаний на авторство Муҳаммада Парсы. Для меня он редактор первой редакции труда Салах ал-Бухари, который есть автор обеих редакций”.

“Анис ат-толибин”нинг Бухоро музейи ва Душанбе шаҳридаги Фирдавсий кутубхонасида сақланётган нусхалари орқали бу манбаинг ёзилиш тарихини билиш мумкин. Муаллиф кириш сўзида ёзадики, бундай асар ёзиш истагини Баҳоуддин Нақшбандга билдирилганда, у тириклик вақтида розилик бермаган. Ҳижрий 791 йил рабиул аввал ойининг учинчисида душанбе кечаси Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу фоний оламдан боқий оламга томон рихлат қилади,<sup>1</sup> вафотидан кейин муаллиф асарни ёзиб тугатган.

“Анис ат-толибин” асари манбаларда турли номлар билан қайд этилган. Уни “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин”,<sup>2</sup> “Мақомоти Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд”<sup>3</sup> номлари билан тилга оладилар. Асарнинг Бухоро музейи нусхасида муаллиф асарни ёзиб тугатгани ва унинг номи “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин” деб қўйганини ёзади.

---

<sup>1</sup> Семёнов А.А. Бухарский шейх Бахауддин. – с.204.

<sup>2</sup> “Анис ат-толибин”нинг турк тилидаги нусхаси шу ном билан аталади.

<sup>3</sup> Анис ат-толибин. Бухоро музейи нусхаси. . . 46 varaқ.

Бу манба барча қўлёзма ва тошбосма асарлар рўйхатида “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин”<sup>1</sup> деб киритилган. Шуларга асосан биз ҳам асарнинг номини “Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин”, яъни “Толиблар – ҳақиқат йўлини изловчиларнинг дўсти ва соликлар – тариқатга кирганларнинг жамланмаси” шаклида қабул қилдик. Бу асар “Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд” номи билан маълум бўлганидан, “Ислом” қомусий луғати “Анис ат-толибин” номи ёнида қавсда “Мақомот” ҳам ёзилган.<sup>2</sup>

“Анис ат-толибин” асарини “Мақомот”, яъни Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий камолот даражалари ва босиб ўтган руҳий манзиллари ҳақидаги асар дейиш билан бирга, “Маноқиб” деб аташ ҳолатлари ҳам мавжуддир. Асарнинг Бухоро музейи нусхасининг охирида келтирилган сўзлар бунга далил бўла олади: “Ин китоб маноқоби (таъкид бизники – Г.Н.) шайх ал-орифин, қутб ал-восилин ҳазрати Шоҳ-и Нақшбанд (к.с.а.)”.<sup>3</sup> Мазмуни: “Бу китоб орифларнинг шайхи, Аллоҳ васлига етганларнинг қутби бўлган Шоҳ Нақшбанднинг маноқоби”. “Маноқиб” араб тилидан олинган сўз бўлиб, бу сўз шайхларнинг фазл ва мартабаси, яхши сифат ва гўзал ахлоқлари ҳақидаги асарни ифода этади. “Анис ат-толибин” асарининг мазмуни бизга котиб томонидан бунга маноқиб деб баҳо берилишига асос бор, деб хулоса

---

<sup>1</sup> Собрание восточных рукописей АН Уз ССР.-Т.: Изд-во АН Узб., 1965, – Т.3. – №2402-2408.

<sup>2</sup> Акимущкин О.Ф. Нақшбанд – с.186.

<sup>3</sup> Анис ат-толибин. Бухоро музейи нусхаси. . . 1506 варак.

қилиш имконини беради. Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган №11594 асар нусхаси Салоҳиддин ибн муборак ал – Бухорийнинг “Маноқиб хожа Баҳоуддин Нақшбанд” деб қайд этилганлиги ҳам бу асарнинг маноқиб эканлигидан далолат беради.

“Анис ат-толибин”нинг Бухоро музейи нусхасининг таркиби муқаддима ва тўрт қисмдан иборат. Муқаддимада асарнинг ёзилиш мақсади, муаллифи, асарнинг номи ҳақида маълумот бор. Биринчи қисм 5а варақдан бошланиб, “Вали ва валоят таърифида” деб номланади. Шуни таъкид этиш лозимки, “Анис ат-толибин” асари Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд” асаридан бирта қисм ортиқлиги, айнан, шу биринчи қисми борлиги билан фарқ қилади. Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрати Хожа Нақшбанд” асари уч қисмдан иборат бўлиб, унда валийлик ҳақидаги масала алоҳида ажратилмаган.<sup>1</sup>

Асарнинг иккинчи қисми 8а варақдан бошланиб, унда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳолларининг ибтидоси ва хожагон тариқатининг силсиласи зикр этилган.

Манбанинг учинчи қисми 27а варақдан бошланади. Унда Баҳоуддин Нақшбанднинг сифатлари, феъллари, ахлоқлари масаласи ёритилади.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Наврўзова Г.Н., Қосимова З.И. Нақшбандия тасаввуф тариқати тўпламининг Бухоро музейи нусхаси//Памятники истории и культуры Бухары. Сб.статей. – Бухара, 1194. – Выл.3.-с.65-69.

Асарнинг асосий қисмини тўртинчи қисм ташкил этади. У 47а варақдан бошланиб, 150б варақгача давом этади. Унда Ҳазрат Хожанинг кароматлари батафсил, нақллар асосида ёритилгандир.

Манба қисқа хулоса ва котибнинг якуний сўзи билан тугайди.

Манбанинг Бухоро музейи ва Душанбе шаҳридаги Фирдавсий кутубхонасида сақланаётган нусхаларининг таҳлили ва улар билан бошқа нусхаларни қиёслаш асосида “Анис ат-толибин” асарининг ўзига хос қўйидаги хусусиятлари мавжуд деган хулосага келдик:

1. “Анис ат-толибин” – Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, таълимот ва тариқатига доир ёзилган биринчи маноқибдир.

2. Асар ўзидан кейинги ёзилган Баҳоуддин ҳақидаги барча маноқиб, мақомот, рисола ва тазкиралар учун манба бўлиб хизмат қилган.

3. Асарнинг муаллифи Салоҳиддин Муборак ал-Бухорий бўлиб, у Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга доир бошқа маноқиб, мақомот ва тазкираларнинг муаллифларидан фарқли равишда, Ҳазрат Хожани олти йил бевосита кўриб суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, бу асарни ёзган. Шунинг учун асарда ёритилган нақл ва далилларнинг илмий аҳамияти бошқа асарларга нисбатан қимматлидир.

“Анис ат-толибин”нинг Бухоро музейи нусхаси қўлёзма ҳолатида асл форсий тилидаги нусхадан кўчирма бўлганлиги учун нодир манбалар қаторига киради.

**САЛОҲИДДИН ИБН МУБОРАК  
АНИС АТ-ТОЛИБИН  
ҚАТРАЛАР**

**Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида.**

Гар бигуем васфи шарҳаш, бардавом,  
Бигузарад умр ва нагардад ў тамом.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Унинг сифатлари шарҳини батафсил айтсак,  
Умр ўтадию, у тугамайди, яъни унинг  
тавсифини бериш учун умр етмайди.

\* \* \*

Ҳазрат Шоҳ Нақшбанд орифлар – Аллоҳни таниган ва билган маърифатли кишиларнинг шайхи ва восиллар – Ҳақ васлига етганлар қутбидир.

Алоуддин Аттор шундай нақл қилади: “Бизнинг хоҷамиз муборак нафасларидан кўпинча шундай бўлардики, толиблар аввалги қадамлариданоқ мууроқаба давлатига мушарраф бўлар эдилар ва бу назар кўпайса, унинг табиатига иноят қилиб кўпроқ эътибор қилсалар адам-йўқлик даражасига етар эди, бу назар ундан ҳам кўпайса фано даражасига етиб, ўзларидан тўла фоний бўлиб Ҳақда боқий бўлар эдилар”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. 1267 хижрий йилда кўчирилган. Бухоро музейида 27772/11 рақам билан сақланаётган қўлёзма нусхаси, 36 ва 4а варақлар.

<sup>2</sup>Мақомот. 44-бет, Анис ат-толибин. – В. 79-бет.

## Баҳоддин Нақшбанднинг ибратли каломлари:

“Валий қалби маъдани анвори Жалолдир. Валий юзидаги нур ва латофат валий қалбидаги ана шу анвордандир. Ул нурнинг акси валийнинг сиймосидан зоҳир бўлур ва ҳар ким унинг юзига назар айласа, ул киши Ҳақ таолони ёд этар ва унинг зикрига машғул ўлур”.<sup>1</sup>[1]

\* \* \*

“Ориф кишилар топа оладиган ва бошқалар топа олмайдиган йўл уч қисмга – м у р о қ а б а , м у ш о ҳ а д а в а м у с о ҳ а б а га бўлинади”.<sup>2</sup>

\* \* \*

“Муроқабачи Ҳақ йўлидан бораётган кишининг доимо аҳадият – яккаю ягона Оллоҳ жамолининг нозири бўлиши, ундан ўзга нарсаларни унутиши, йўқ деб ҳис этиши ва фано ҳолатида бўлишидир”.<sup>3</sup>

\* \* \*

“Яратувчига доимий назар қилиш билан одамларни унутиш-муроқабачидир”, “ёки айтамин давому-л-назари ила-л холиқи би-нисиёни руъяти-л махлуқи”.

\* \* \*

“Мушоҳада – в о р и д о т и ғ а й б и я дурки қалбга нузул этур”.<sup>4</sup>[2]

---

<sup>1</sup>Анис ат-толибин. 7-бет.

<sup>2</sup>Мақомот. 66-бет, Анис ат-толибин. 78а-варақ.

<sup>3</sup>Мақомот. 66-бет, Анис ат-толибин. 78-бет.

<sup>4</sup>Мақомот. 66-бет, Анис ат-толибин. – В. 79-бет.



\* \* \*

“Бир луқмани ғафлат билан ема! Агар бир таом ғазаб, кароҳат ва душворлик билан табақ бўлган бўлса, уни егин демаймиз”.<sup>1</sup>

\* \* \*

Бизга бу таомни ейиш мумкин эмас. Бунга сабаб шуки, у ғазаб билан пиширилгандир. Агар таомнинг бир капгири ғазаб ва кароҳат билан пиширилган бўлса, бизлар емаймиз. Ҳар ишки ғазаб ва нафрат, қароҳат ва душворлик билан бўлса, унда хайру баракот йўқдур, ҳавойи нафс ва шайтон унга йўл бўлишадир. Ҳосили аъмоли ҳасана таоми ҳалолдadir, уни ғафлатда емаймиз.<sup>2</sup>

\* \* \*

Баҳоуддин Нақшбанддан сўрадилар:

– Ҳузури қалб намозда нимадан ҳозир бўлур?

Буюрдилар:

– Таомни ҳалол егул. Доим воқиф ва огоҳликда бўл.<sup>3</sup>[3]

\* \* \*

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш.

Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.<sup>4</sup>

Мазмуни:

Ичдан ошною, ташқаридан бегонадай бўл,

Бундай гўзал равиш бутун жаҳонда кам топилур.[4]

---

<sup>1</sup>Анис ут-толибин. 47-бет.

<sup>2</sup>Анис ат-толибин. 47-бет.

<sup>3</sup>Анис ат-толибин. 48-бет. Мақомот. 67-бет.

<sup>4</sup>Анис ат-толибин. 58-бет.

\* \* \*

“Бизнинг тариқатимизда жаҳр-баланд овоз билан зикр этиш ва рақс йўқ. Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватдир анжуманда ва ватанда сафар этишдир. Хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офат. Хайрият жамиятдадир”.<sup>1</sup>[5]

## ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР

1. Баҳоуддин инсон камолоти масаласига эътибор бериб, “валий”лар масаласини махсус тадқиқ этган. Салоҳиддин ибн Муборак ал Бухорийнинг “Анис ат-толибин ва уддат-ус-соликин” асарининг биринчи қисми “Дар маърифати валояти валий” (“Валийлик валояти маърифатига доир”)да таъкидланишича, “валоят нурдан иборатдир”. Бу нур Тангри инояти ила ибоднинг қалбини тўлдиради ва натижада исломнинг ҳақиқий нури яқинда жамол кўрсатади. Асарда таъкидланмоқдаки, валоят даражасига етишда Тангрининг инояти шарт. Илоҳий нур-нур ал – яқин – аниқ, тўғри нур бўлгани ила бошқа нурлардан фарқ қилади, шу нур, ила тўлган қалб – валий қалби бўлади. Унга Ислом ўзининг ҳақиқий кўринишида намоён бўлади.

Манбалар таҳлили кўрсатадики, кўп назарий масалаларни ечишда бу сулук Хожа Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий асарларидан ғоявий манба сифатида фойдаланган. Валийликка дахлдор масалаларда ҳам бу аллома асарларидан иқтибослар келтирилган.

---

<sup>1</sup>Анис ат-толибин. 58-бет.

Нақшбандия таълимотига кўра, валийни кўрган киши Тангрини зикр этади, ўзи ва жумлаи оламни яратган бу мутлақ зотга қараб ҳайратга тушади.

Нақшбандия таълимотига кўра, валийлик даражасига етганлар иккига бўлинади. Биринчиси – муршид раҳбарлигида риёзат чекиб, қалбини софлаган ҳолда шу даражага етганлар. Лекин булар учун ўз башарий истакларини ўлдириш жуда қийин кечади. Иккинчиси – Тангрининг ўзи уларни тарбия қиладиган кишилар. “Анис ут-толибин” асарида бундай валийлар мажзуб-жазб қилинган, яъни Ҳақ майдонига тортилган маъносида таърифланган. Валийларнинг бу турида илҳом тариқи ила қалб ва тилларидан каломи ҳикмат иншо этилиши таъкидланади. Яъни Тангрининг нури уларнинг қалбига илҳом ила кирган ва улар бу илоҳий нур орқали шундай сифатга эга бўлган зотлардир. Ҳозирги илмий тил билан айтганимизда, валийларнинг бу даражасида латиф қувват – биоэнергия майдони бемалол олам қувват-ахбор қатлами билан алоқа қилишга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам улар ўзгалардан ажралиб турадилар.

2. Инсон камолотининг барча босқичларида нафс тарбияси муҳимдир. Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, ориф кишилар топа оладиган ва бошқалар топа олмайдиган нафсни тарбиялашнинг йўли уч қисмга – мушооба, мушоҳада ва мусоҳабага бўлинади. Демак орифлик даражасидаги шахслар бу уч восита билан ўзини бошқаради.

М у р о қ а б а – орифларнинг руҳий камолот йўлларида биринчиси. “Билгинким, муроқабамуштоқ бўлишдир. Муроқабатароққабамуштоқ – интизор бўлмоқ сўздан олинган. бунда солиқ-Ҳақ йўлидан бораётган киши ўзига хос ҳайъат билан ўтириб Оллоҳдан келадиган файзга интизор бўлади. Шунинг учун уни муроқабамуштоқ деб атайдилар”.<sup>1</sup> Демак, муроқабамуштоқлик, интизорлик бўлиб, Оллоҳдан келадиган файзга мунтазир бўлиб туришга айтилар экан. Нақшбанд муроқабамуштоқ ҳақида яна шундай деган: “Муроқабамуштоқ йўлидан бораётган кишининг доимо аҳадият яққо ягона Оллоҳ жамолининг нозир бўлиши, ундан ўзга нарсаларни унутиши, йўқ деб ҳис этиши ва фано ҳолатида бўлишидир”.<sup>2</sup> Бошқача қилиб, тагин у таъкидлайди: – “Яратувчига доимий назар қилиш билан одамларни унутиш-муроқабамуштоқлик”, “ёки айтаман давому-л-назари ила-л холиқи би-насиёни руъяти-л махлуқи” – яратилганларни кўришни унутиш билан яратувчига доимий назар қилиш, яъни бу йўлда юривчи доимо Тангри жамолига нозир (назар қилувчи) бўлиши керак. Унутиш, йўқлик ва фано рақамини барча махлуқотларнинг пешонасига битиши лозим. Нақшбанд таъкидлайдилар: “Муроқабамуштоқ давомийлиги нодир ҳолдир. Биз бунинг ҳосилини топганмишди, бу нафсга қаршиликдир”.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Абдураҳим Нақшбанди. Шажарайи таййибайи машойихи нақшбандия - муҷаддидия 71-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 66-бет, Анис ат-толибин. 78-бет.

<sup>3</sup> Мақомот. 66-бет.

Демак, юқорида берилган икки таърифдан кўриниб турибдики, мууроқаба тўла Оллоҳга юзланиш бўлиб, бошқа барча нарсалар асли Оллоҳ эканини кўриш, бошқа нарсаларнинг йўқ бўлиб кетишини шу даражада англашки, уларни кўрмаслик ҳолатига етиш. Мууроқаба, Абдурахим Нақшбандий таърифига кўра ўзига хос ўтириб, файзни кутиш бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд уни чуқурроқ ва кенгроқ тушунтириб беради, яъни ҳамма вақт ҳамма ҳолатда ўзингиз шу оламда бўла туриб, унинг билан машғул бўлсангиз-да, бу олам касратини эмас, уларнинг асли бўлмиш Оллоҳни кўриб туриш даражасига етишдир. Мууроқаба билан доимо нафсни жиловлаб туриш мумкин, дейди Баҳоуддин. Баҳоуддин Нақшбанддан шундай ўғит сақланган:

Доим, ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳамма кор  
Мидор нуҳуфта чашми дил жониби ёр.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Доимо, ҳамма ерда, ким билан бўлсангда,  
барча ишда,  
Қалб кўзингни яширин ҳолатда ёр-Оллоҳга  
қаратиб тургин.

Абдурахмон Жомий таважжуҳ ва мууроқабани Ҳаққа етишишнинг бир шарти сифатида эътироф этган.<sup>2</sup> Таважжуҳ тўла юзланиш ва мууроқаба файзга интизор бўлиш экан.

---

<sup>1</sup> Рисолаи Мавлави Жомий. – Бухоро: Бухорои шариф, 1327 х. й. 138-бет.

<sup>2</sup> Рисолаи Мавлави Жомий. 147–148-бетлар.

Нақшбандия аҳли орасида қуйидаги муроқаба ҳолатлари мавжуд:

1. Муроқабаи а ҳ а д и я т .
2. Муроқабаи қ а л б .
3. Муроқабаи р у ҳ .
4. Муроқабаи с и р .
5. Муроқабаи х а ф и .
6. Муроқабаи а х ф о .
7. Муроқабаи б а й ь а т .
8. Муроқабаи Исм-аз-Зоҳир.
9. Муроқабаи Исм-ал-Ботин.
10. Муроқабаи камолоти нубувват.<sup>1</sup>

Муроқабаи а ҳ а д и я т да Оллоҳнинг якка-ягоналиги, мислсиз ва поклигини тасаввур этиб, унинг шу сифатларидан келаётган нурларни, ф а й з ларни қабул қилишдир. Ундан кейинги бешта муроқаба нақшбандия таълимотида инсонда мавжуд бўлган Амр оламининг беш латоифи муроқабасидир. Шу латоифларнинг асли бўлган зотга юзланиб қ а л б , р у ҳ , с и р , х а ф и , а х ф о билан ф а й з олиш туфайли уларни ф а н о га етказиш ва инсон ўз зотининг жавҳари билан юзма-юз бўлиши мумкин. Муроқабаи б а й ь а т да инсон Оллоҳни қандай дўст тутса, у ҳам инсонни шундай дўст тутишини англаб туриб муроқаба ҳолатида туришдир. Зоҳир ва Ботин – бу Оллоҳнинг исмлари бўлиб, бутун оламда бор нарсалар унинг зуҳурроти эканлиги ва шуларнинг ботинида ҳам унинг моҳияти турганлигини англаб

---

<sup>1</sup> Абдурахим Нақшбандий. Шажарайи таййибайи машойихи нақшбандия – мужаддидия. 58–84-бетлар.

туриб Оллоҳга юзланиш муроқабайи исми Зоҳир ва Ботин бўлади. Камолоти нубувват муроқабаси Оллоҳнинг биринчи яратган нури ва бутун борлиқдаги энг мукаммал дўсти Муҳаммад эканлиги ва унга берилган рисолат ҳам мукаммал эканлигини англаб қилинган амалиётдир. Бу муроқабалар натижасида инсон ва Оллоҳ ўртасидаги пардалар тўла кўтарилади.<sup>1</sup>

Баҳоуддин нигоҳдошт талабини фикрлар муроқабаси деб таърифлаган.<sup>2</sup>

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд орифлар руҳий камолот йўлларида иккинчиси деб м у ш о ҳ а д а ни кўрсатган. М у ш о ҳ а д а ҳақида у шундай дейди: – “Мушоҳада – в о р и д о т и ғ а й б и я дурки қалбга нузул этур”.<sup>3</sup> Бу таърифнинг мазмунини тушуниш учун “Воридоти ғайбия”ни тушуниш керак. “Воридоти ғайбия” – ғайб оламидан кирувчи ҳолатдир. “Нузул” юқоридан тушиш маъносини англатади. Демак, авлод-аждодлар, фарзанду шогирдларимизнинг қувватлари бир-бири билан боғланган бўлиб, ана шу руҳий занжирнинг қайсидир ҳалқасида бирор савоб иш қилинса, инсон қалбида ғайб оламидан шодлик тушади, хато қилинса кўнгли қора бўлади.

Демак, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд м у ш о ҳ а д а га берган таърифни шундай изоҳлаш мумкинки, бу бизга кўринмас оламда бўлган ҳолат(ёмон – ё яхши)нинг қ а л б га тушиши.

---

<sup>1</sup> Аҳмад Сирхиндий Мужаддиди Алфи Соний. Панж латоифи нодираи муаззама Бухоро: Когон, 1338. ҳ. й. 22-бет.

<sup>2</sup> Рисолаи қудсия. 84-бет.

<sup>3</sup> Мақомот. 66-бет, Анис ат-толибин. – В. 79-бет.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мушоҳада ҳақида фикрини давом эттириб, шундай дейди: “Замон ўтувчидир, яъни унда сокинлик йўқ, шунинг учун ғайб оламидан кираётган бу ҳолатларни идрок қила олмаймиз. Лекин бу ҳолатнинг қ а л б га тушиши натижасида бизда сифат ўзгариши бўлади. Қалбга кирган ҳолатнинг сифатига қараб бизда қ а б з – сиқилиш, ёки б а с т – шодлик бўлади ва бундан биз уни била оламиз. “Қабз ҳолида мушоҳадаи ж а л о л – Оллоҳнинг улуғлиги ва азамати ва б а с т ҳолида мушоҳадаи ж а м о л – Оллоҳнинг марҳамати, меҳрибонлиги, ҳусни ва гўзаллигини этармиз”.

Ҳаққа етишмоқчи бўлган киши м у ш о ҳ а д а даражасида юксалиши учун қ а л б ининг ҳар бир ҳолатини кузата оладиган бўлиши ва шу ҳолатнинг сабабларини таҳлил этиб топа оладиган бўлиши керак. Бунинг учун инсон “ҳуш дар дам”, яъни ҳар бир нафасда ҳушёр Оллоҳдан огоҳ бўлиши, ғ а ф л а т ни тарк этган бўлиши лозим.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтар эди: “Зикрнинг ҳақиқати – ғ а ф л а т майдонидан чиқиб, мушоҳада фазосига чиқишдир”.<sup>1</sup> Демак, қалбнинг ғафлатдан уйғонишида з и к р – Оллоҳни ёдлаб туришнинг аҳамияти катта экан. Қалб тирилгандан, аслини танигандан сўнг ҳар бир нарсанинг асл сабабини била оладиган ва кўра оладиган даражага етгандан кейин ўз ҳолатини мушоҳада эта олар экан. Қалб тарбияси мушоҳада даражасига кўтарилиши-

---

<sup>1</sup> Рисолаи қудсия. 84-бет.



мизнинг асосий йўлидир. Бу бизнинг фалсафамизга кирган мушоҳада тушунчасидан тамоман фарқ қилади. Баҳоуддин Нақшбанд ёддошт талабини мушоҳада деб таърифлаган.<sup>1</sup>

Муҳосаба орифлар камолотининг учинчи йўли бўлиб, ўтаётган умрнинг ҳар бир нафасини ҳисоблаш, назорат этишдир. Муҳосаба умрни самарали ўтиши ва ўзгаларга наф келтирувчи бўлиб, камолга етишнинг асосий воситасидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу учинчи йўл – орифларнинг Ҳаққа етиш воситасини шундай изоҳлаган: “Муҳосаба – ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз, нафасимиз ва замонамиз ҳузур билан ўтдимиз ёки нуқсон биланми, агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса, қайтамиз ва амални аввал бошдан бошлаймиз”.<sup>2</sup>

Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба билан вуқуфи замон тушунчасини бир маънода ишлатади.<sup>3</sup> Муҳосаба даражасига етиш учун ориф вақтнинг қадрини биладиган бўлиши керак.

3. Баҳоуддин Нақшбанд огоҳликка ҳамма ерда, хусусан таом тановулида риоятни шарт, деганлар. Манбаларда таъкид этиладики, агар дарвешлардан бир киши луқмани ғафлат ичра егучи бўлса, Баҳоуддин дарҳол уларни шафқат ва тарбият қилиб айтарди: “Бир луқмани ғафлат билан ема! Агар бир таом ғазаб, кароҳат ва душворлик билан табақ бўлган

---

<sup>1</sup> Мақомот. 66-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 66-бет.

<sup>3</sup> Мақомот. 64-бет; Рашаҳот. 26–27-бетлар.

бўлса, уни егин демаймиз”.<sup>1</sup> Ўзлари ҳам мудом шунга амал қилганлар. Ғадият деган жойда у киши келтирилган таомни емайдилар ва сабабини сўраганларида айтадилар: “Бизга бу таомни ейиш мумкин эмас. Бунга сабаб шуки, у ғазаб билан пиширилгандир”.

Махдуми Аъзам нақшбандия таълимоти моҳиятини ёритиб таъкид этганларки, инсон камолотида лутқа ва ҳамсухбат таъсири жуда каттадир.

4. Баҳоуддин Нақшбанднинг бу мисралари барча мақомот, маноқиб, тазкира ва рисоаларда келтирилган. Бу мисралар орқали инсон қалбида Тангрини сақлаши ва бунини бошқаларга билдирмаслиги ҳамма қатори меҳнат қилиб яшаши зарур, дейилади. Бундай пок, гўзал равишни жаҳонда оз учраши кўрсатилади. Бу мисралар нақшбандия таълимотининг асоси “хилват дар анжуман” тамойилининг моҳиятини инъикос этади. Нақшбандияда Тангрини таниш учун анжумандан узоқлашишга зарурат йўқ. Балким “Даст ба кору, дил ба Ёр”, “Дил ба Ёру тан дар бозор” деб, ҳалол меҳнат қилиш лозим. Баҳоуддин Нақшбанд таъкид қилганларки, Тангрини таниш учун чилла ўтириш, узлатга чекинишга зарурат йўқ. Аксинча, ҳалол меҳнат билан, жамоага фойда келтириб, фано бўлиш ва боқийлик даражасига етиш мумкин. Чунки ҳалол меҳнат жараёнида инсон нафсини жиловлайди, ўзини танийди ва шу орқали Тангрини ҳам танийди. Нақшбандия таълимотида “хилват дар анжуман” талаби асосида вужудга келган “Даст ба кору, дил ба

---

<sup>1</sup> Анис ут-голибин. 47-бет.

Ёр” талаби орқали бу тариқат XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳунармандлар ўртасида катта эътибор топган. “Хилват дар анжуман”даги кундалик турмуш билан зоҳирӣ ҳаракатда фарқ йўқлиги, яхшилик, олий ҳиммат, меҳнатга муҳаббат, ҳунармандчилик, деҳқончилик қилиш, фақат ўз меҳнати билан кун кечириш, текинхўр, мағрур, насабпараст ва шунга ўхшаш дарвешларни танқид қилиши бу йўлнинг обрў ва нуфузини халқ ичида кўтарди. Шунинг учун Хожа Исмат, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар бу йўлни танладилар.<sup>1</sup>

5. Нақшбандия таълимотидаги “хилват дар анжуман”нинг хусусиятлари хуфӣя зикр ва суҳбат билан боғлиқлигидир. Таълимотнинг суҳбат билан боғлиқлигига махсус эътибор бериб, Баҳоуддин шундай буюрган: “Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир, хилватдир анжуманда ва ватанда сафар этишдир. Хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офат. Хайрият жамиятдадир”.<sup>2</sup> Яхши кишилар билан суҳбат инсон камолотига ёрдам беради, аммо хилват бўлса шуҳрат келтиради, дейди Баҳоуддин Нақшбанд. Шуҳрат офати шундаки, бунинг натижасида инсон турли йўллар билан уни сақлашга уриниб руҳий таназзулга учрайди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳамсуҳбатнинг сўзлари инсон қалбига таъсир этиши ва унинг ҳолатини ўзгартира олиши мумкинлигини таъкид этадилар.

---

<sup>1</sup>Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. – Душанбе, 1989. – С. 85. 2

<sup>2</sup>Анис ат-толибин. 58-бет.

Ёмон ҳамсуҳбат инсон ўй фикри амалларини салбий томонга ўзгартира олади. Яхши ҳамсуҳбат бўлса, инсон қалбини поклаб унда эзгу фикру амалларнинг вужудга келишига сабабчи бўлади. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд: “Бизни тариқатимиз суҳбатдир” деганда яхши инсонлар, тариқат аҳли ва валийлар билан суҳбатда бўлишни тавсия этадилар.

## МУҲАММАД БОҚИРНИНГ «МАҚОМОТИ ҲАЗРАТ ХОЖА НАҚШБАНД» АСАРИ ҲАҚИДА

Маънавий меросимизнинг қимматли нусхаларидан бири “Мақомоти ҳазрати Хожа Нақшбанд” асари бўлиб, унда XIV асрда ўтган машҳур валий Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум Муҳаммад ибн Муҳаммаднинг (1318–1389) ҳаёт йўли ва таълимоти ёритилгандир.

“Мақомоти ҳазрати хожа Нақшбанд” асарини Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музейи фондида 12545-11 сонли тўплам таркибидан топдик. Асарнинг муаллифи Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир бин Муҳаммад Алидир.

Манба 192 бетдан иборат ва тошбосма кўринишда сақланган. У “Бухоройи шариф” матбаасида хижрий 1327, милодий 1909 йилнинг жумодил аввал ойининг иккинчисида чоп этилгандир. Асар араб ёзуви билан форс тилида ёзилган.

Муҳаммад Алининг ўғли Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир “Мақомоти Ҳазрат Хожа Нақшбанд” асарини хижрий 804, милодий 1401–1402 йилда ёзиб тугатган. Бу асар шарқшунос олимлар А.А.Семёнов, В.А.Гордлевский томонидан қисман таҳлил этилган. О.Ф.Акимушкин, А.Муҳаммадхўжаевлар ўз тадқиқотларида бу асарга таянганлар. Лекин бу ёзма манба ҳозирги кунгача махсус ўрганиш объекти бўлмаган.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишлаб, 1993 йилда шарқшунос олим Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли бу асарни

Ўзбек тилига таржима қилганлар ва асар “Баҳоуддин Балогардон” номи билан “Ёзувчи” нашриётида чоп этилган. Асарнинг таржимаси ва таҳлили борасида олиб борилган илмий изланишларимиз мазкур асарнинг ҳозирги кун учун ҳам ниҳоятда қимматли манба эканлигини кўрсатди. Чунки, Муҳаммад Боқирнинг «Мақомот» асари Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан 12 йил ўтгач, ёзилганлиги учун ҳақиқатга яқиндир.

Асарда Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамзанинг “Мақомоти Амир Кулол” асари, Баҳоуддин Нақшбанд халифалари Алоуддин Аттор (вафоти 20 ражаб 802-22 апрел 1400) ва Муҳаммад Порсо (24 ражаб 746-20 ноябрь 1345, Бухоро – 24 зулҳижжа 832-11 январь 1420) нақллари асос қилиб олинган. Бу шахслар Баҳоуддин Нақшбанддан бевосита таълим олиб, унинг халифаси бўлиш бахтига сазовор бўлганлиги учун асардаги маълумотлар илмий асос сифатида ғоят қимматлидир.

“Мақомот” асари муқаддима, уч мақсад ва хотимадан таркиб топган. Муқаддима (3–5-бетлар) қисмида Баҳоуддин Нақшбанднинг туғилиш вақти ва нақшбандийлик силсиласи ҳақида маълумот ёзилган. Асарда кўрсатилишича, Баҳоуддин Нақшбанд милодий 1318 йил муҳаррам ойида туғилган. Шарқшунос олим А.А.Семёнов бу сана 1318 йил 5 мартдан 3 апрель орасидаги муддатга тўғри келишини аниқлаган.

Асарнинг “Мақсади аввал” (5–36-бетлар) қисмида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг дастлабки аҳволи, таълим олиши ва устозлари ҳақида маълумот берилган.

Истиқлол мафкурасини яратишнинг муҳим манбаларидан бири сифатида асарнинг учинчи қисми хизмат қилиши мумкин, чунки унда (36–78-бетлар) Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган ибратли сўзлари, ўғит ва йўл-йўриқлари келтирилган. Уларнинг моҳиятидан маълум бўладики, нақшбандия тариқати ҳалоллик, поклик, холислик ва меҳнат асосида кун кўришни ҳаётий қоида қилиб олган.

Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилган кўйидаги сўз манбада келтирилади: “Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг, ҳам нимаики қилсанг беадаблиқдир”. Ҳазрат тўла, мукамал одобли бўлиш лозимлигини таъкидлаб: “Тариқат қўлли одобдир”, деганлар ва ҳақиқатга эришмоқчи бўлган кишининг йўли мукамал одоб йўли эканлигини кўрсатган.

Баҳоуддин асослаган тариқат Нақшбандия деб аталиши бир томондан, ўзлари кимҳоб матоларига нақш босиш касби билан шуғулланиб, “Нақшбанд” номи билан машҳурликларидан киргандир. Бу тариқат аҳли барчаси ҳалол меҳнат билан ўз луқмасини топиб, Оллоҳдан огоҳлик билан уни истеъмол қилган. Манбада бу тариқатга ҳунарсиз кишини, яъни ўз қўли ва қувватларини ўз меҳнати билан ризқ топишга сарфламайдиган кишиларни қабул этмасликлари кўрсатилган. Бу жуда ибратли ҳол бўлиб, унинг аҳамияти ҳозирги кунгача сақлангандир.

Халқимиз эъзоз билан тилга олаётган Амир Темур ўғитларида шундай нарса келтирилган: “Пири комил шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг “Кам егин,

кам ухла, кам гапир” деган панду насихатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: “Кам енглар – очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар – мукамалликка эришасизлар, кам гапиринглар – доно бўласизлар”. Амир Темур ўз давлат сиёсатларини олиб боришда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ўғитларига амал қилган ва у кишининг барча эришган муваффақиятларида бу таълимотнинг хизматлари бўлган.

XVI асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё мафқурасини шакллантиришда катта ҳисса қўшган Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Махдуми Аъзам Даҳбедий ўз асарларида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга шундай таъриф берадилар: “Ҳожа Баҳо-ул Ҳақ ва Дин қуддиса сирраҳу луқмада андоғ эҳтиёт қилур эрдиларким, таом пишурмоққа ҳеч ким ҳеч нимарсага бетаҳорат қўл урмас эрди. Агар киши ғафлат бирла жамини қозонга урса андин ёронларга едурмас эдилар ва ўзлари ҳам емас эдилар. Айтур эрдиларким, агар таом ғафлат билан пишса, натижаси ғафлат бўлгай. Шунинг учун уларнинг изларидан борувчиларнинг ҳаммаси ҳузур ва огоҳликка мушарраф эдилар”. “Мақомот” асарида Махдуми Аъзам сифатлаётган Баҳоуддин Нақшбанд ҳислатлари батафсил ёритилган. Дарҳақиқат, у киши ҳар бир кишидан доимо ҳушёр, огоҳ бўлиши ва ҳар бир дақиқада қилаётган ишларини сарҳисоб қилиб туриш ва хато камчиликларга йўл қўймасликни талаб этардилар.



“Мақомот” асарида келтирилишича, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд вақтни жуда қадрлаганлар ва ҳар бир он, лаҳзани ҳақиқат учун сарфлаганлар. Агар ҳозирги аҳволни таҳлил қилсак, биз баъзида инсонларнинг қанча вақтлари беҳудага учиб кетаётганига гувоҳ бўламиз. Ҳолбуки Нақшбандия таълимоти “Дунёда жуда кўп мусибат бор, лекин уларнинг ичида энг буюғи бу вақтни зое ўтказишдир”, деб кўрсатади.

Бу асарни чуқур таҳлил этиш ва ундаги ғояларни одамларга етказиб, уларнинг қалбига нақшлаш туфайли биз уларнинг қалбларида ҳалоллик, поклик, эзгулик, ҳушёрлик, вақтни қадрлай олиш, қаноатлилик, меҳнатсеварлик, нафс балосига қарши тура олиш, ўзини ўзи бошқара олиш каби ажойиб фазилатларнинг тантана қилишига эришамиз. Бундай фазилатли кишилари кўп бўлган жамият, албатта мустаҳкам бўлади.

Устозим Қосимов Иброҳим (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) билан бирга бу манбадан таржималаримизни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

**МУҲАММАД БОҚИР**  
**“МАҚОМОТИ ҲАЗРАТ ХОЖА НАҚШБАНД”**  
**АСАРИДАН**

“Билгилки, ҳазрати хожаи Бузург, яъни Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари етти юз ўн саккизинчи йилининг муҳаррам ойида юз берган. Бу Азизон яшаган асрдир.”<sup>1</sup>

\* \* \*

“Ҳазрати Хожамиз нақл қилиб дедилар: “Ёшим ўн саккизга етганда уйланмоқчи бўлдим. Бобом мени Самосийга – Ҳазрати Хожанинг ҳузурига юбориб, уларнинг муборак қадамлари бизнинг манзилимизга етишини ва бу хайрли иш уларнинг муборак назарлари остида анжом топишини истадилар. Уларнинг юзларини кўрганимда сезган биринчи каромат шу бўлдики, уларнинг суҳбатлари шарофатидан менда илтижо ва зору тазарруъ ҳолати пайдо бўлди, ўрнимдан туриб уларнинг масжидларига кирдим ва икки ракаат намоз ўтадим. Сўнг бошимни саждага қўйиб, кучли ҳожатмандлик илтижоси билан тилимдан: “Илоҳо, бало ва кулфатнинг юкини кўтара олиш ва муҳаббатнинг меҳнатини торта олиш қувватини менга арзон тут”, – деган сўз ўтди.

Тонг отгач, Ҳазрати Хожа ҳузурларига кирдим. Шундай дедилар: “Эй фарзанд, дуода: “Илоҳо, Сенинг улуғ ризоинг нима ишда бўлса, бу бандани ўша ишга мубтало эт”, демак лозимки, Ҳақ Субҳонаҳу ва таоло

---

<sup>1</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 ҳ.й. – Б 3, (Бундан кейин Мақомот).

Ўз ҳикмати билан ўз дўстига муҳаббат балосини юборади ва ўз инояти билан ўша юкни тортишни ўз дўстига ато қилади. Бунинг ҳикмати эса унга аён қилади. Ўз ихтиёри билан бало талаб қилмоқ душворким, бу борада густоҳлик қилмаслик керак!”<sup>1</sup>

\* \* \*

“Мен отам билан кимхоббофлик касби билан машғул эдик ва ёшлар одатига мувофиқ алоҳида хонамиз бор эди. Бир куни кечаси турк машойихларининг улуғларидан бўлган Ҳаким Ато қуддиса сирруҳини тушимда кўрдим. Улар мени бир дарвешга топширар эдилар. Уйғонган пайтимда дарвешнинг афту ангори эсимда қолган эди. Солиҳа бувим бор эдилар, бу тушни уларга айтдим. “Турк машойихларидан сенга насиба ҳосил бўлади”, – дедилар. Мен доимо ўша дарвешни кўриш орзусида юрардим.

Бир куни Дарвозаи Оҳангарондан чиқаётиб, ўша дарвешга дуч келиб қолдим. Сочлари мулоҳ шаклида, бошида минг баҳяли кулоҳ, қўлида ўн бадли уд дарахтидан қилинган ҳасса бор эди. Орқасидан равон бўлдим. У менга қайрилиб боқмасди, мен эса қолмасдан кетавердим. Мурғкуши кўчасига етиб, бир уйга кирди. Мен эса орқага қайтдим.

Тунда танишларимдан бири менинг олдимга келди. “Халил номли бир турк шайхзодаси сени йўқлаяпти”, – деди. Хурсанд бўлиб ўрнимдан турдим. Куз фасли эди. Бухоро неъматларидан бироз ҳадя олдим ва бордим. У ерда бир хона бўлиб, дарвеш

---

<sup>1</sup> Мақомот. 6-бет.

хонанинг бурчагида ўтирган экан. Олдида бир гуруҳ киши бор эди. Салом қилиб ўтирдим. Сўнг ўша тушни айтиш истаги туғён урди. Шу пайт менга туркчалаб: “Улким сенинг кўнглингдадур, ўзи бизга аёндир, айтмоқ не ҳожат?” деди. Ҳолим ўзгарди, унга майлим янада зиёда бўлди.

Мен унинг мулозаматида бўлдим. Унинг ҳузурида ажойиб ҳолатларни кўрдим. Олти йилдан сўнг унга Мовароуннаҳр подшоҳлиги муяссар бўлди. Уни Султон Халил дер эдилар. Ўша пайтда ҳам ундан улуғ ҳолатлар рўй берарди. Унинг олти йиллик салтанати даврида яна унга мулозим бўлдим, подшолар хизматидаги одобларни ўргандим ва унга хизмат қилиш одобларини жойига қўйдим. Хилватда унинг хос маҳрами мен эдим.

Шундай қилиб мен авлиёуллоҳнинг хизматини қилардим. Баъзан қаттиқ гапириб, баъзан лутфи билан менга кўп шафқатлар қиларди. Шундан сўнг уларга қарши душман пайдо бўлди. У енгилди. Бир онда унинг тамоми салтанати ҳавога совурилди. Шунда дунёнинг барча қору боридан менинг кўнглим совуди. Бухорога қайтиб келдим ва Ревартунда яшай бошладим.”<sup>1</sup>[1]

\* \* \*

“Саккиз ойдирки, биз таважжухимизни Увайс Қаранийнинг руҳониятига қаратган эдик ва уларнинг сифатига кириб сайр қилардик. Бугун уларнинг сифатидан чиқдик”.<sup>2</sup>[2]

---

<sup>1</sup> Мақомот. 8-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 15-бет.

\* \* \*

“Талаб айёмларида Мансур Ҳаллож сифати икки марта менда туғён урди. Бир дор бор эди. Икки марта ўзимни дор остига етказдим ва дедим: “Жойинг мана шу дордир!” Тангри инояти билан бу мақомдан ўтиб кета олдим”.<sup>1</sup>[3]

\* \* \*

“Султон Абу Язид мақомларига сайр қилдим. У қаерга етган бўлса, ўша ерга етдим. Шайх Жунайд, Шайх Шиблий ва Шайх Мансур қаерга етган бўлсалар мен ҳам ўша ерга етдим”.<sup>2</sup>[4]

\* \* \*

“Охири бир боргоҳга етдимки, бу боргоҳдан муаззамроқ боргоҳ йўқ эди. Билдимки, бу Муҳаммад боргоҳлари эди. Боязид қилган ишни қилмадим, яъни беадабликка йўл қўймадим”.<sup>3</sup>[5]

\* \* \*

“Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким ат Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса мен ҳам бу замонда бесифатдурман”.<sup>4</sup>[6]

\* \* \*

“Бизнинг сулукимиз тариқатда Имом Қушайрий ва Шайх Аттор айтган сўзларига жуда мувофиқ келади”.<sup>5</sup>[7]

---

<sup>1</sup> Мақомот. 21-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 28-бет.

<sup>3</sup> Мақомот. 28-бет.

<sup>4</sup> Мақомот. 15-бет.

<sup>5</sup> Мақомот. 28-бет.

\* \* \*

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд буюрдиларки, “Бизнинг тобутимиз олдида мана бу байтни ўқисинлар”.

Муфлисониём омада дар кўи ту,  
Шайъалиллоҳ аз жамоли рўи ту.  
Даст бикӯшо жониби занбили мо,  
Офарин бар дасту бар бозуи ту!<sup>1</sup>

Мазмуни:

Фақирлармиз сенинг йўлингга келганмиз,  
Сенинг юзинг жамолингга йўқ бўлганмиз  
(сенинг нарсанг бўлиб қолганмиз)  
Занбилимиз томон қўл очгин.  
Сенинг қўл ва бозуларингга офаринлар бўлсин.

\* \* \*

Ҳеч мо не ва ҳеч мо кам не,  
Аз паи ҳеч ҳеч мо ғам не.  
Жанда дар пушт, пушт гўристон,  
Гар бимирем ҳеч мотам не.<sup>2</sup>

Мазмуни:

Ҳечимиз йўқ ва ҳеч кимдан кам эмасмиз,  
Ҳечнинг орқасида ғамимиз ҳам йўқ.  
Жандамиз орқамизда, орқамиз гўристонда,  
Ўлсак-да, бу учун ҳеч мотам йўқ.[8]

\* \* \*

“Жазба ҳолатининг бошларида Ҳақ жалла жалолухунинг дўстларидан бири билан учрашув юз берди. У менга қараб: “Ошнолардан кўринасан?”,

---

<sup>1</sup> Мақомот, 69-бет.

<sup>2</sup> Мақомот, 38-бет.

деди. Мен унга: “Дўстлар назарининг баракотидан ошно бўлишга умидворман”, дедим. Ул азиз мендан: “Муомалада қандай йўл тутасан?” деб сўради. Мен унга: “Агар топсам, шукр қиламан, агар топмасам сабр қиламан”, дедим. Ул азиз табассум қилди ва деди: “Сен тутадиган бу йўл жуда енгил, аслида иш бундай: нафсингни бир чангалзорга киритки, нону ош тополмасин ва қайсарликни ташласин!” Мен ёлвориб ул азиздан мадад талаб қилдим. У менга деди: “Бир биёбонга киргинки, умидинг халқдан бутунлай узилсин, шу тариқа уч кун йўл юр, тўртинчи куни бир тоғ этагига етасан, бир отлиғ олдиндан чиқади, яланғоч отга минган бўлади. Унга салом берасан ва ўтасан. Уч қадам ўтганинган сўнг сенга: “Эй йигит, битта ноним бор, уни ол”, дейди. Унга илтифот қилма”.

Шундан сўнг мен ул азизнинг ишорати билан биёбонга қадам қўйдим ва айтганича кетдим. Уч кун ўтди ва тўртинчи куни бир тоғ этагига етиб келдим. Айтган отлиқ олдимга келди. Унга салом бердим. Узоқдан ўта бошладим. Нонни таклиф қилди, эътибор бермадим”.<sup>1</sup>[9]

\* \* \*

Баҳоуддинга устозларининг ўгити: “Одамлар кўнглини топ, ожиз ва нотавонлар, хусусан, халқ эътибор қилмайдиган кимсалар ҳолига машғул бўл, ҳожатмандлик ва камтаринлик билан муомала қил”.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Мақомот. 17-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 17-бет.

\* \* \*

Баҳоуддинга устозларининг ўғити: “Ҳайвонлар тарбиясида барқарор тур ва ниёзмандлик йўлида бўлгинки, улар ҳам худонинг махлуқларидир ва улар ҳам парвадигорнинг назарида бўлади. Агар уларнинг орқаю ёнларида яра ва жароҳат бўлса, даволаш тадбирига машғул бўл”. “Агар йўлимда бир ҳайвон учраб қолса, у биринчи бўлиб ўтиб кетиши учун тўхтаб турардим ва ундан олдинлаб кетишга уринмас эдим. Юзимни кечалари хачирлар оёғи теккан жойларга суртар эдим. Етти йил шу йўсинда бу йўлдан юрдим”.<sup>1</sup>

\* \* \*

Баҳоуддинга устозларининг ўғити: “Бу даргоҳнинг итларига бечоралик билан хизматда бўл, мақсадингни талаб қил. Бу йўлда бир итга дуч келсанки, у билан саодатга эришасан.”<sup>2</sup>[10]

\* \* \*

Баҳоуддинга устози яна шундай ўғит берди: “Энди йўл хизматига кириш, йўлларда одамларга ёқмайдиган нимаики бўлса, одамларнинг назаридан пинҳон қил, токи улар зиён топмасинлар”. Баҳоуддин: “Шу етти йил ичида енгим ва этагим тупроқдан асло холи бўлмас эди. Бу Ҳақнинг дўсти қандай амални буюрса садоқат билан бажо келтирардим, ҳар бир амалнинг натижасини ўзимда мушоҳада қилардим ва аҳволимда тўлиқ тараққий юз бераётганини сезардим”.<sup>3</sup>[11]

---

<sup>1</sup> Мақомот. 17-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 17-бет.

<sup>3</sup> Мақомот, 17-бет.



\* \* \*

“Бу йўлда вужудни инкор қилиш, борини нисор этиш, кам кўриш ва йўқлик улуғ ишлардан бўлиб, булар давлатга етиш ипи ва қабул воситасидир. Мен бу йўлда мавжудот табақаларидан бўлмиш ҳар табақага нисбатан сулукда сайр қилдим ва ўзимни зарралардан бўлган ҳар бир заррага қиёсладим, ҳақиқатда уларни ўзимдан яхшироқ эканини кўрдим, шундай қилдимки, ҳатто, чиқиндилар табақасида ҳам сайр қилдим, улардан ҳам бир манфаат топдимки, бу манфаат менда йўқ. Ит чиқиндисига етдим, шояд унда фойда йўқ бўлса деб тасаввур қилдим. Шундан кейин эса билдимки, унда ҳам фойда бор экан. Қанчалар фикрламай, нафсимда бирор фойда борлигини кўрмадим”.

Аз ҳеч касии хештан бохабарам,  
В-аз ҳеч касе беҳ наям, илло батарам.  
Ҳар чанд ба ҳоли хештан менигарам,  
Як ҳабба наярзад зи қадам то ба сарам.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Ўзимнинг ҳеч ким эканлигимдан хабарим бор,  
Ҳеч кимдан яхши эмасман, аксинча бадтарман.  
Ўзимни ҳолимга қанчалар қарайман,  
Бошдан оёғимгача битта ҳабга арзимайман.[12]

\* \* \*

Баҳоуддин Нақшбанд луқма бобида кўп эҳтиёт бўларди. Гоҳида рўза тутиб оларди. Агар ўша куни

---

<sup>1</sup> Мақомот. 77-бет.

меҳмон келиб қолса, ҳоҳ куннинг биринчи ярмида, ҳоҳ иккинчи ярмида бўлсин, овқат тайёр бўлса ва олдиларига келтириб қўйилса, меҳмон билан бирга олар эди. Рўза бўлмаса ҳам унинг овқатга нисбатан майллари оз бўлар эди. Овқат ҳозирлашга ўз диққатини кам сарфлар эди. Ҳар ким унинг шариф суҳбатида бўлса, унинг бу кам таомлик сифатлари суҳбатдошга ҳам ўтиб қоларди. Етти йилни шундай тариқада ўтказди, бироқ риёзату мушоҳадасидан одамлар беҳабар эдилар.<sup>1</sup>[13]

\* \* \*

“Жазба юз беришининг аввалларида бир тунда Маздохун мозорида эдим. Мен билан Дарвеш Муҳаммад Зоҳид ҳам бирга бўлиб, менга суяниб олган эди. Шу аснода руҳим танамдан чиқиб, айлана-айлана осмон томонга чиқиб кетди. Шу тариқа биринчи осмонни сайр қилди, ундан иккинчи осмонга, учинчи, сўнг тўртинчи осмонга ўтди. Менинг бу аҳволимдан Муҳаммад Зоҳиднинг асло хабари йўқ эди.

Мисра:

Касро вуқуф нест, ки моро чи ҳолат аст”<sup>2</sup>.

Мазмуни:

Бизнинг қай ҳолатда эканимиздан ҳеч кимнинг хабари йўқ.

\* \* \*

“Аввал ҳолда тунларнинг бирида Ревартунда устун орқасида қиблага юз қилиб ўтирар эдим. Ногоҳ

---

<sup>1</sup> Мақомот. 29-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 17-бет.

беҳудлик ва фано зоҳир бўла бошлади. Оз-оздан мени истило қилиб, охири бутунлай ўзимдан маҳв қилди. Бу тўлиқ маҳв ва фано ичида менга: “Огоҳ бўл, мақсад ва матлабинг нима бўлса унга етдинг ва уни топдинг”, дедилар”<sup>1</sup>.

\* \* \*

“Аввал ҳолда Ревартун воқеасидан сўнг, ўша боғда (ҳозир Мозор боғи) эдим ва менга алоқадор бўлган жамоат ҳам мен билан бирга боғда эди. Ногоҳ менда Илоҳий жазаба асарлари ва ниҳоятсиз илтифот ва иноятлар зоҳир бўлишга киришди. Изтироб ва беқарорлик пайдо бўлиб, истироҳатга тоқатим қолмади. Туриб қиблага боқиб ўтирдим. Ногоҳ бир беҳудлик пайдо бўлди ва бу беҳудлик ҳақиқий фано билан якунланди. Бу фанода менинг руҳимни осмон фаришталари олдидан олиб ўтаётганларини аниқ кўра бошладим. Шу даражага етдики, у юлдуз шаклига кирди ва чегарасиз нур дарёси ичра ғарқ бўлиб йўқ бўлиб кетди. Гавдамда эса ҳаётдан асар ҳам қолмаган эди. Аҳлим ва яқинларим менинг бу ҳолимга йиғлашар, изтироб ҳамда беҳудликда қолган эдилар. Охири руҳимни бўлак-бўлакка бўлиб вужудимга киргиза бошладилар. Бу тўлиқ фано ва беҳудлик ортиғу ками билан ўша онда олти нужумий (астрономик) соатга етган эди”<sup>2</sup>.

\* \* \*

“Биз бу йўлнинг талабига қадам қўйганимизда икки юз киши эдик. Менинг ҳимматим буларнинг

---

<sup>1</sup> Мақомот, 14-бет.

<sup>2</sup> Мақомот, 15-бет.

ҳаммасидан ўтиш эди. Илоҳий иноятга ноил бўлиб,  
бу жамоатнинг ҳаммасидан ўтиб кетдим ва асл  
мақсадга етдим”.

Байт:

Мардони раҳаш расидаанд аз ҳиммат,  
3-он дар раҳи ў нишон бепайдо нест.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Ҳиммат билан етдилар бу йўлга мардлар,  
Ҳиммат билан топурсан унинг нишонин,

\* \* \*

Ҳиммат туро ба кунгираи Кибриё кашад,  
Он сақфгоҳро беҳ аз ин нардбон махоҳ.<sup>2</sup>

Мазмуни:

Сени улуғлик аршига етказар ҳиммат,  
Бу ҳиммат нарвондан юксак таппа-тахт.

\* \* \*

“Мақсад талаби йўлида ҳимматингиз менинг  
бошимга қадам қўйиб, мендан ҳам ўтиб кетиш  
бўлмаса, мен сизни кечирмайман!”<sup>3</sup>

## ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР

1. Бу нақл Баҳоуддиннинг 12 йил Халил Ота  
тарбиясини олганлигини кўрсатади.

Носириддин Тўранинг “Тўҳфат аз-зойирин”  
асарида Халил Отанинг нур тўла мозори Нахшабда  
(Қашқадарё вилояти), деҳаи Шулук мавзеида  
(Қарши кўрғондан тахминан чорак тош масофада)

---

<sup>1</sup> Мақомот, 16-бет.

<sup>2</sup> Мақомот, 16-бет.

<sup>3</sup> Мақомот, 17-бет.

бўлган ўша ер аҳолисининг маъруф зиёратгоҳи эканлиги қайд этилган.

Ж.С.Тримингэм “Суфийские ордены в исламе” асарида Халил ота ҳақида Ибн Батутанинг маълумотлари асосида ёзади. Халил отани Чигатой хони Ясавурнинг ўғли дейди ва 1340–1347 йиллар султон бўлганлигини қайд этади.

Юқоридаги фактларга асослансак ва Баҳоуддин Халил отани кўриб, олти йил хизмат қилгандан кейин уни Султон бўлганлигини инобатга олсак, демак тахминан 1336 йилда ҳазрат бу дарвеш билан учрашган ва бу вақтда Баҳоуддин 18 ёшда бўлган деган мантиқий тахмин туғилади.

2. Йўлнинг бошида Баҳоуддин Нақшбанд Увайс Қараний руҳониятига юзланиб, уларнинг сифатларига кириб сайр этган.

3. Баҳоуддин Нақшбанд буюк мутасаввиф Мансур Ҳаллож (858–922) руҳониятидан ҳам таълим олган.

4. Нақшбанд буюк сўфийлар Боязид Бастомий (ваф.875), Жунайд Бағдодий (ваф.910), Шиблий (861–948) руҳоний оламидан баҳра олган.

5. Нақшбанднинг руҳий камолоти энг комил инсон Муҳаммад (570–632) пайғамбар даражасига етган. Лекин у доимо ҳушёрлик мақомида турган. Манбада унинг қуйидаги сўзи келтирилади: “Охири бир боргоҳга етдимки, бу боргоҳдан муаззамроқ боргоҳ йўқ эди. Билдимки, бу Муҳаммад боргоҳлари эди. Боязид қилган ишни қилмадим, яъни беадаб-ликка йўл қўймадим”.<sup>1</sup> Демак, Нақшбанд беҳушлик –

---

<sup>1</sup> Мақомот. 28-бет.

суқр йўлидан бормасдан, Жунайд Бағдодий каби огоҳлик, ҳушёрлик мақомида турган.

6. Манбаларда кейинги руҳий тарбия берган валий Хожа Ҳаким Термизий эканлиги кўрсатилган. Ҳижрий 789 йилда Баҳоуддин айтган эдики: “Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким ал Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса мен ҳам бу замонда бесифатдурман”.<sup>1</sup>

7. Нақшбанд, шунингдек Абулқосим Абдулкарим ибн Хавазан Қушайрий (986–1072) ва Фаридуддин Аттор (ваф. 1220) руҳониятидан тарбия олган. Мақомотда ёзиладики, у айтар эди: “Бизнинг сулуқимиз тариқатда Имом Қушайрий ва Шайх Аттор айтган сўзларига жуда мувофиқ келади”.<sup>2</sup>

8. Бу мисралар Баҳоуддиннинг “ўлмасдан олдин ўлиб”, жисман аллақачон қабристонда бўлгани ва ўлим у учун ҳеч қандай мотам эмаслигини тушуниб англаб етган комил инсон эканлигини кўрсатади.

9. Манбалардан маълум бўладики, руҳий камолотнинг асоси нафсни бошқаришдир. Баҳоуддин ҳаёт йўли нафсни бошқариш учун с а б р фазилатининг аҳамияти катта эканлигини кўрсатади. Баҳоуддин руҳий камолотининг ибтидосида ўз нафсини сабр ва очлик билан бошқарган.

10. Нақшбанднинг кейинги камолотида манбада кўрсатилган қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлган. Ҳали ёш бўлган Баҳоуддинга устозлари

---

<sup>1</sup> Мақомот. 15-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 28-бет.

камолотлари учун шундай йўл кўрсатади: “Одамлар кўнглини топ, ожиз ва нотавонлар, хусусан, халқ эътибор қилмайдиган кимсалар ҳолига машғул бўл, ҳожатмандлик ва камтаринлик билан муомала қил”.<sup>1</sup> Ҳазрат Баҳоуддин бу ўғитларга тўла амал қилиб, ҳар бир одамнинг қалбини топиш учун уриниб, ожиз нотавонларга ёрдам берди. Ҳеч ким эътибор бермайдиган, яъни Тангридан мадад сўраб турган кишиларга ёрдам берди. Доимо ҳожатмандлик қилиб, камтарин бўлди. Бу фазилатларга амал қилиш жараёнида унда инсонпарварлик, меҳрибонлик, холисона, риёсиз яхшилик қилиш, хуфия эзгу ишлар билан шуғулланиш каби сифатлар шакллана бориб, руҳи камолот сари йўл тутди.

Бу ўғитларга тўла риоя этиб, шу сифатлар унда ҳосил бўлгандан сўнг устози яна унга айтади: “Ҳайвонлар тарбиясида барқарор тур ва ниёзмандлик йўлида бўлгинки, улар ҳам худонинг махлуқларидир ва улар ҳам парвадигорнинг назарида бўлади. Агар уларнинг орқаю ёнларида яра ва жароҳат бўлса, даволаш тадбирига машғул бўл”.<sup>2</sup>

Одамларга эзгулик қилишни ўрганган Баҳоуддин ҳайвонларга ҳам меҳрибонлик билан муомалада бўлади. Манбада ёзилишича, агар бирор ҳайвон ёнларидан ўтса, ён бериб унга йўл берган ва изларини кўзларига суртган. Баҳоуддин тилидан манбада ёзиладики, “Агар йўлимда бир ҳайвон учраб қолса, у биринчи бўлиб ўтиб кетиши учун тўхтаб

---

<sup>1</sup> Мақомот. 17-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 17-бет.

турардим ва ундан олдинлаб кетишга уринмас эдим. Юзимни кечалари хачирлар оёғи теккан жойларга суртар эдим. Етти йил шу йўсинда бу йўлдан юрдим”.

Ҳар бир ҳайвоннинг хусусиятини ўрганиш олам моҳиятини чуқур англашга, Аллоҳнинг қудратини кўришга имкон беради ва у кишида бутун ҳайвонларни илоҳий қудрат ила яратилган мавжудот сифатида тан олиш тушунчаси шаклланди. Бунинг натижасида одамлар оламини тушуниш даражасидан ҳайвонот оламини тушуниш даражасига руҳи юксалади.

11. Баҳоуддинга устози яна шундай ўғит берди: “Энди йўл хизматига кириш, йўлларда одамларга ёқмайдиган нимаики бўлса, одамларнинг назаридан пинҳон қил, токи улар зиён топмасинлар”.<sup>1</sup> Баҳоуддин буюрилган иш бўйича анча муддат ишга машғул бўлди. Бу иш билан у етти йил шуғулланди. Манбада Нақшбанд тилидан ёзадилардики, “Шу етти йил ичида енгим ва этагим тупроқдан асло холи бўлмас эди. Бу Ҳақнинг дўсти қандай амални буюрса садоқат билан бажо келтирардим, ҳар бир амалнинг натижасини ўзимда мушоҳада қилардим ва аҳволимда тўлиқ тараққий юз бераётганини сезардим”. Баҳоуддин одамларга, ҳайвонларга ва йулларда хизмат қилиш туфайли бутун мавжудотга муҳаббат кўзи билан қарайдиган бўлди.

12. Баҳоуддин Нақшбанднинг бу сўзлари кўрсатадики, бутун борлиқни, ҳар бир заррани

---

<sup>1</sup> Мақомот, 17-бет.



Ўрганиш ўзини ҳам бутун оламнинг зарраси эканлигини ҳис этишга олиб келади ва нафси амморасини йўқотиб, руҳини камолотнинг олий ҳадига етказди. Ўз моҳиятини чуқур англаган Баҳоуддин олам моҳиятини ҳам билади ва борлиқнинг ҳар бир заррасини эъзозлайди, чунки уларда Тангри қувватининг тажаллиётини кўради.

Бу вақтда Баҳоуддин Қасри Орифондаги бир ҳужрада турганлар. Ҳужрада бир синиқ кўза, эски бўйра бўлиб, ажаб аҳволда кун ўтказар экан. Кучли риёзатга эга бўлишига қарамай, ҳалол ризқ талабида бошқаларнинг замбилини кўтарар экан. Баъзи вақт замбил ўз-ўзидан юриб кетар, бироқ у бунга асло илтифот қилмас экан. Ўз сифатини билдирмасликка интилар экан. У: “Риёзат натижаларига эътимод қўймаслик керак”, – дер экан.

## **МУҲАММАД ПОРСОНИНГ “РИСОЛАИ ҚУДСИЯ” АСАРИ – БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИГА ОИД МАНБА**

Хожа Муҳаммад Порсо (1345–1420) темурийлар даврида яшаб ижод этган йирик мутасаввифдир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин у Бухородаги нақшбандийлик жамоасининг муршиди бўлган. Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” асарида Улуғбек даврида Муҳаммад Порсо Самарқандга чақириб имтиҳон қилганлари ва у ўзининг рухий камолоти билан барча кишиларни лол қолдиргани, Улуғбекнинг ўзи ҳам унга тан берганлиги кайд этилган.

Муҳаммад Порсонинг “Фасл-ал-хитоб” (“Хитоб фасли”), “Рисолаи маҳбубия”, “Таҳқиқот”, “Рисола дар баёни ниятҳо” – “Ниятлар баён этилган рисола”, “Рисолаи кашфия” (“Кашф этиш рисоласи”), “Анфоси қудсияи машойихи тариқат” (“Тариқат шайхларининг муқаддас нафаслари”), “Силсилаи тариқаи хожагон”, (“Хожагонлар йўлининг занжири”), “Рисола дар одоби мурид” (“Мурид одоби ҳақида рисола”), “Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор” (“Хожа Алоуддин Аттор даражаси”) каби асарлари каторида “Рисолаи қудсия” ҳам темурийлар замонида яратилган нодир, қимматли ёзма манбадир.

Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум ва маъруф бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389) ҳаёт ва таълимотига доир “Маноқиб”, “Мақомот”, “Тазкира” ва “Рисола”лар мавжуд.

Буларнинг ичида Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асари аҳамиятга моликдир.

Рисоланинг бошида унинг мазмуни ва муаллифи кўрсатилган. У шундай сўзлар билан бошланади: “Рисолаи қудсия” аз калимаи дурарбори Хожаи хожагон, яъни Ҳазрат Хожа Баҳо ул-Ҳаққ ва-д-Дин Нақшбандки, Ҳазрат хожа Муҳаммад Порсо бо фармудаи жаноб Ҳазрат Хожа Алоуддин Аттор навиштаанд”.<sup>1</sup> Мазмуни: “Рисолаи қудсия” хожалар хожаси Баҳо-ул Ҳаққ ва Дин Нақшбанднинг дур ёғиб турувчи сўзларидан бўлиб, Алоуддин Аттор фармойиши билан Муҳаммад Порсо томонидан ёзилган”. Бу манбанинг Техронда “Қудсия” (“Каломоти Баҳоуддин Нақшбанд”)<sup>2</sup> номи билан нашр этилиши унинг асл мазмунини очиб беради.

Муҳаммад Порсо ражаб ойининг 24 ҳижрий 746 йили якшанба кунда милодий 20 ноябр 1345 йили Бухорода таваллуд топган, зулҳижжанинг 24 ҳижрий 822 милодий 11 январь 1420 йили пайшанбада вафот этган. Қабрлари Мадинада. У Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси ва у киши билан иккинчи ҳаж сафарида бирга бўлган мутасаввифдир.<sup>3</sup> Муҳаммад Порсо жуда бой мерос қолдирган мутафаккир ҳисобланади. Баҳоуддин Нақшбанд

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсийа. Бухоро, 1327/1909. Бухоро музейи, №12545, 11–37 арақлар.

<sup>2</sup> Хожа Муҳаммад ибн Муҳаммад Порсои Бухороий. Қудсия (Каломоти Баҳоуддин Нақшбанд. Бо муқаддима, тасбеҳ ва таълиқ аз Муҳаммад Тоҳири Ироқий). – Техрон, 1354. (Қаранг: Муҳаммадхўжаев А. Идеология нақшбандизма. Душанбе. Дониш, 1991. С.8.)

<sup>3</sup> Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот айн-ул-ҳаёт. Тошкент. Ғуломия матбааси, 1329/191, –Бухоро вилояти Ибн Сино кутубхонаси. №1164. 13–64 б.

Муҳаммад Порсога юксак баҳо берган. Хожанинг Порсога қарата айтган қуйидаги сўзлари манбаларда бор: “Нимаики бизда бор эди, ҳаммасини тўла олдинг”. Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Порсога айтганлар: “Хожагон тариқатида ҳар бир ҳақ ва амонатеки, бизга етган бўлса ва бу йўлда нимагаки эришган бўлсак, ўша омонатни сенга топширдим”.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари Муҳаммад Порсо у кишининг таълимоти ва тариқатини мукамал биладиган шахс эканлигини таъкидлашлари “Рисолаи қудсия” асаридаги фикрларнинг қимматли эканлигини кўрсатади. Муҳаммад Порсо мазкур манбада қуйидаги фикрларни ёзганлар: “Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак тилларидан мажлисларда суҳбат вақтида маърифатнинг латифликлари ҳақида айтган сўзларидан бир қисм бўлиб, бу қудсий – пок калималарнинг баъзиларини мубораклик ниятида ёзиб борардим ва энди ишорат билан уни китобат килаяпман”.<sup>1</sup> Бундан маълум бўлишича, “Рисолайи қудсия” Баҳоуддин Нақшбанд ўзлари айтган маърифатнинг нозик иборалари, пурмазмун сўзлари, нодир фикрларини Муҳаммад Порсо томонидан ёзиб олинганидан жамланган асар экан. Шунинг учун ҳам буни Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимотига доир асосий манба бўла олади, деб ўйлаймиз. Чунки, маърифат энг муҳим тасаввуфий тушунча бўлиб, инсон руҳий камолотини олий ҳадга

---

<sup>1</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд. Бухоро. Бухорои Шариф матбааси, 1327/1909. Бухоро музейи, №12545. 26-бет.

юксалиши масалалари хақидаги мулоҳазаларни билдиради.

Муҳаммад Порсо бу рисоласини 796/1393–94 йилларда Баҳоуддин Нақшбанднинг вафотидан бир неча йил ўтгандан кейин ёзган.<sup>1</sup> “Рисолаи қудсия”нинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида №2517/VII, 2520/III, 503/VII, 543/I, 84/IX-рақамли қўлёзмаларда сақланмоқда.<sup>2</sup> Асарнинг тошбосма нусхалари ҳам бор.<sup>3</sup> Бухоро шаҳридаги музейда 12545/II рақами билан “Нақшбандия тасаввуфий тариқати тўплами” қайд этилган.<sup>4</sup> Бу тўпламнинг ҳошиясида “Рисолаи қудсия” учинчи асар бўлиб, 100 варақда (37–137) берилган. Мазкур нусха асосида биз ўз тадқиқот ишларимизни олиб бордик.

“Рисолаи қудсия” бу тўпламда Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд”, Убайдулло Аҳрорнинг “Анфоси нафийса” (“Нозик нафаслар”), Хожа Али Ромитанийнинг “Рисолаи ҳазрат Азизон”, ва “Рисолаи ҳазрат Мавлави Жомий” билан бир жойда китобат

---

<sup>1</sup> Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей Ленинградского Государственного Университета. Часть 1. Ленинград. Издательство Ленинградского Университета. 1962. С.302.

<sup>2</sup> СВР. Т.Ш.Тошкент. “Фан” нашриёти, 1965. №2394-98.

<sup>3</sup> Щеглова О.П. Каталог литографированных книг на персидском языке в собрании Ленинградского Отдела Института Востоковедения. М.Наука,1975. Ч.1. №483. Рп.405.

<sup>4</sup> Наврўзова Г., Қосимова З. “Нақшбандия тасаввуф тариқати” тўпламининг Бухоро музейи нусхаси. /Памятники истории и культуры Бухары. Сб. Вып. 3. Бухара. 1994. С. 65–77.

қилиниши унинг бу тариқат таълимоти ва амалиёти учун ниҳоятда муҳимлигини яна бир бор кўрсатади.

“Рисолаи қудсия”нинг Бухоро нусхаси форс тилида ёзилган. У 2-жумод-ул-аввал ҳижрий 1327 йили, милодий 1909 йилда Бухоронинг “Бухорои Шариф” матбаасида чоп этилган. Китоб кейинги давр муқоваси билан қопланган ва сифати ҳам яхши сақланган.

Муҳаммад Порсо бу асарнинг ёзишдан мақсадини шундай баён этади: “Содиқ толиблар ва ҳақиқий дўстлар бу калималарни эшитишдан фойда олсинлар ва улар Баҳоуддин Нақшбанд суҳбатлари шарафига эришиб сўзларини тинглаётгандай бўлсинлар”.

Рисола бошида Аллоҳга ҳамд, Муҳаммад пайғамбарнинг оила ва асҳобларига салаватлар айтилган. Кейин Баҳоуддин Нақшбандни Ҳақ йўлини кўрсатувчиларнинг олийси, ҳақиқат ва маърифат аҳли, орифларнинг пешвоси, ҳақиқатга етган киши, анбиёи мурсалинларнинг вориси, шайх, Сайид, раббоний лутфларни зуҳур этиш маҳалли, субҳоний ахлоқнинг кўриниши деб тавсифланган ва таъкидланган:

Гашт бе кибру, риёю, кина,  
Нури қудсиरो рухаш оина.  
В-он лиқои ў жавоби ҳар савол,  
Мушкил аз вай ҳал шавад бе қилу қол. (39 бет).

Мазмуни:

Кибру, риё, кинасиз бўлди,  
Юзи пок нурнинг оинасига айланди.

Унинг бу кўриниши ҳар саволга жавоб,  
Мушкул ундан ҳал бўлар ҳеч сўзсиз.

Баҳоуддин Нақшбандга берилган тавсифлардан кейин “Зикри аҳвол, мақомот, каромоти шарифа ва осори ажиба” деган ном билан асосий қисм бошланади. Унда бу тоифа, яъни ҳақиқат даражасида юксалган маърифатли орифларнинг сўзлари ҳол даражасида, варосат оламидан, завқ ва ишорат билан айтилган бўлиб, илоҳий каломнинг тажаллийси эканлиги таъкидланади (33-б.).

“Рисола”дан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг асосида Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний ғоялари турган. Баҳоуддин увайсий бўлиб, у кишининг руҳларидан таълим олган. Абдулҳолиқ Гиждувоний шундай деган: “Қадамни азиматда ургин, рухсатлардан узоқда бўл, суннатга тобеълик қил, бидъатлардан узоқда бўл”. Шу билан бирга сулукнинг боши, ўртаси ва охирига зарур бўлган ўғитларни берганлар. Баҳоуддин Нақшбанд уларга тўла амал қилиб, шу буюк даражага етганликларини айтадилар.

Манбада Баҳоуддиннинг иродат силсиласи берилади. Силсилаи шарифдаги машойихларнинг кўплари увайсийлардан эканлиги учун Баҳоуддин Нақшбанд увайсийлар тариқатидан эдилар, деб таъкидланади. Бу манбанинг қимматли томони яна шундаки, увайсий деган сўзга изоҳ бериб шарҳ этилади: “Уларнинг зоҳир томондан пирга муҳтожликлари бўлмайди. Чунки уларни Ҳазрат рисолат ўз

иноят ҳужраларида Увайсни тарбиялагандек ўзгалар воситасисиз тарбия берадилар. Бу мақом азим ва олийдир”. Демак, увайсийлик номи, бир томондан, бориб Увайс Қаранийга тақалса, иккинчидан, пирсиз камолотга етиш йўлини кўрсатади. Баҳоуддин Нақшбанд ана шундай азим ва олий мақомга эришган тариқат аҳли эканликларини бу манба исботламоқда.

Манбада илоҳий Жамол ва Жалол сифати, тамкин, фано, бақо, авлиё ва унинг хосиятлари ёритиб берилган. Муҳаммад Порсоннинг “Рисолаи қудсия” асарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимотини ўзлаштиришга ва ундан инсон руҳий камолотини такомиллаштириш йўллари ўрганишга имкон беради.

Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи Қудсия” асарини таржималарини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан нашр этилган “Шарқшунослик” тўпламининг 1996 йил 7-сон 115-123-бетларда ва “Бухоро ҳақиқати” рўзномасининг 1994 йил 22 октябр сонидеда чоп этилган. Қуйида шу таржималаримизни бир қисмини диққатингизга ҳавола қилмоқдамиз:



**МУҲАММАД ПОРСО**  
**РИСОЛАИ ҚУДСИЯ**  
**БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ**  
**ИБРАТЛИ КАЛОМЛАРИ**

Маърифат ва адабнинг камоли шуни талаб қиладики, Оллоҳнинг валийси Ҳақ Субҳонаху иродатини ўзининг иродасига эмас, балким ўз иродатини Ҳақ Субҳонаху иродатига тобеъ қилади.

Авлиёро ҳаст қудрат аз илоҳ,  
Тири жаста боз гардонат зи роҳ.

Мазмуни:

Авлиёларнинг қудрати Илоҳдандир  
Учаётган ўқни улар қайтара оладилар. (63-бет)

\* \* \*

Авлиёларнинг камоли Ҳақнинг ҳаётбахш нуридан ким, зотнинг сифатидур ва унинг акси инсон фитратида намоён бўлади. Улар табиатлари пок ва башарий зулматдан тўла қутулганлар. Улар ҳақиқий ҳаёт нури орқали толибларнинг қалбларини тирилтирадилар. Ҳақиқий (руҳий, асл боқий ҳаётга) одамни тирилтириш ҳиссий ҳаётга тирилтиришдан кўра афзалдир. (64-бет)

\* \* \*

Банданинг қанча табиий (тана таъсирида ҳосил бўлган ҳиссий) истаклари ва шу таъсир асосида вужудга келадиган ихтиёрий сифатлари камайса, шу миқдорда унинг башарий вужуди йўқ бўлади. Бунинг яхшилиги шундаки, натижада банданинг Олий

ҳақиқатга яқинлиги тобора ортиб боради. Чунки айтганлар:

Қурби Ҳақ дурии туст аз буди хеш,  
Бе зиёни худ наёби буди хеш.

Мазмуни:

Оллоҳга яқинлашиш ўз борлиғингдан, танангдан узоқлашиш (яъни Оллоҳ сифатларига киришдир). Бундай фойдани сен риёзатсиз тополмайсан.

Ихтиёрини йуқотиш билан (яъни ўз ихтиёрини илоҳий ихтиёрга бўйсундириш билан) банданинг Ҳақ таоло билан мувофиқлиги кўпроқ бўлади. У ризо ва саодат мақомига яқинроқ бўлади. Банда (тана таъсирида вужудга келган) ихтиёрларини йўқ этиш натижасида башарий сифатлардан узоқлашиб (илоҳий сифатларни ўзида такомиллаштириб), қурб (Оллоҳга яқинлик) даражасига тараққий этади ва аста-секин олий даражадаги ихтиёрсизликка етади, яъни тўла ўз иродасини Илоҳий иродага бўйсундиради. Унинг (Оллоҳ ризолигидан ўзга) олий ҳақиқатдан ҳеч қандай истаги қолмайди, булар уни фано ва бақо мартабасига етказди. (67-бет)

\* \* \*

Илоҳий сифатларда сайр этишни вусул мақоми дейдилар. Башарий сифатларнинг фаноси ва ҳақиқий ихтиёрсизлик муяссар бўлгач, икки оламда унинг ҳеч мурод ва истаги қолмайди, ихтиёрсизлик шайх валоятига таслимлик воситаси ила бўлади. (69-бет)

\* \* \*

Ҳақ Субҳонаҳунинг зикри ёдқард – хотирага келтиришдир. Бу сулукнинг буюк асосий шартлари-

дан бўлиб, (Оллоҳдан ўзга нарса билан боғланган) хотираларни йўқотишдир. (73-бет)

\* \* \*

Вуқуфий қалбий – қалбдан огоҳлик шунинг учунким, илоҳий жазба-тортишнинг асарини қалбида мутолаа этсин ва бу асар қалбда қарор топсин. Қалб зикрида адад-сонга риоя этиш хотирани жамлаш учундир. Агар қалб зикрида адад 21 дан ўтсаю, лекин банда ўзида асар сезмаса, бу унинг амалларининг ҳосилсизлигидан далолатдир.

Зикрнинг асари булдурким, башарий вужуд йўқ бўлиб, киши ўзининг бандалигини (яъни Оллоҳнинг мулк ва малакутининг бир зарраси эканлиги ва шунинг учун у билан боғланиб унинг ризолиги учун яшаши кераклигини) мутолаа этади. (74-бет)

\* \* \*

Мусулмонликнинг асли Ло Илаҳа Иллалоҳ калимаси бўлиб, у зикрнинг сарчашмаси ва асосидир. Барча ибодатлар бу зикрнинг таъкидидир. Намоз руҳи натижасида қалбда Ҳақ зикри тозаланади. Рўзадан мақсад шаҳватни йўқотиш, қалбни унинг таъсиридан поклаш ва қалбни фақат Оллоҳнинг қароргоҳига айлантиришдир. (75-бет)

\* \* \*

Дунёни, шаҳватни ва гуноҳларни тарк этиш фақатгина зикрнинг фароғати учундир. Амр ва наҳйдан мақсад ҳам зикрдир.

Зикрнинг ҳақиқати барча нарсани Илоҳий муҳаббат билан боғлаш, бошқа ҳеч бир нарсага илтифот қилмасдан Оллоҳдан ўзга ҳеч бир маъбудга ибодат қилмасликдир. (76-бет)

\* \* \*

Тариқат йўлининг бошқа шароити шудирки, талабда содиқ бўлсин. Бундай талабдан унга камол ҳосил бўлади. (77-бет)

\* \* \*

Сўзларнинг нурли бўлиши, яъни қалбнинг замирига бориб етиши, қалбнинг нуронияти даражасидандир. Қалбнинг нуронияти бўлса, қай даражада инсон ўз ҳис-туйғу ва ҳаваслари устидан ҳукмрон бўла олганлиги даражасига боғлиқ. Ҳақ йўлининг бошидан аввали шудирки, ёмон сифатларни йўқотиш зарур. Ерда яхши ҳосил чиқиши учун қандай уни хасу хошокини тозалаш шарт бўлса, худди шундай ботинни поклаб унга зикр уруғини экиш керак. Шу билан бирга бундан олдин унда бўлмаган ёмон сифатларга мубтало бўлмаслик учун ҳам ҳаракат қилиш керак.

Аввало қ а л б ни поклашга ҳаракат қилиш керак. Қалби поклангандан сўнг у таҳорат қилган одамга ўхшайди. (78-бет)

\* \* \*

Ҳақ йўлидаги кишига фақат к о м и л и м у к а м м а л пирлик қила олади. Чунки Ҳақнинг йўли ёпиқдир, шайтоннинг йўллари унга қўшилган. Ҳақнинг йўли бирта, ботил йўл бўлса мингларчадир.

Нест мумкин дар раҳи ишқ, эй писар!  
Раҳ бурдан бе далили раҳбар.  
Рав, бижу ёри худоро ту зуд,  
Чун чунин карди худо ёри ту буд.

Хилват аз ағёр бояд на зи ёр  
Пўстин бахри дай омад, на баҳор.  
Ёр оинааст, жонро дар ҳазар  
Дар оина, эй жон, дам мазан.

Мазмуни:

Эй ўғил ишқ йўлида раҳбарнинг далилисиз йўл  
кезиш мумкин эмас,  
Сен бориб, Оллоҳнинг ёрини излагин.  
Ана шундай қилганингда,  
Оллоҳ сенинг ёринг бўлади.  
Хилватни ёрдан эмас, балки ағёрдан излаш  
керак.  
Пўстин қиш учун керак, баҳор учун эмас.  
Ёр ойна кабидир, сен ундан ҳазар қилиб,  
Унинг юзига дам урмагин. (79-бет)

\* \* \*

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин айтадилар: “Қалб аҳли  
билан машваратнинг фойдаси кўпдир”. (80-бет)

\* \* \*

Ҳазрат Хожамиз (Баҳоуддин Нақшбанд) зикр  
вақтида нафасни сақлаш лозим, дер эдилар. Зикр  
вақтида унинг адади эмас, балки унинг бориб қалбга  
етишига, яъни қалбнинг воқиғлигини муҳим деб  
ҳисоблар эдилар. Чунки зикрнинг барча мақсадлари  
ва хулосаси бу зикрдан қалбнинг огоҳлигидир.

Оламдаги бор бўлган имкониятли нарса ва  
ҳодисалар ўткинчи, фоний деб, Ҳақ вужудини эса  
бақолик сифатини мушоҳада этиш зокир қалбида  
ҳақиқий т а в ҳ и д ягоналик суратини қарор топишга  
олиб келади. Натижада унинг қалб кўзи очилади ва

унинг ақли ва тавхид орасида ҳеч қандай фарқ қолмайди. Бу мақомда зикрнинг ҳақиқати қалбнинг зарурий сифатига айланади. Бундан кейин шундай даражага етадики, зикрнинг ҳақиқати, жавҳари (яъни одамнинг асли бўлган Илохий нур) билан бир бўлади ва Оллоҳдан ўзга унда ҳеч қандай андиша қолмайди. (82-бет)

\* \* \*

Руҳнинг зикри вақтида зокир зикрнинг чексиз уммониға ғарқ бўлади.

Зикр кун, зикр то туро жон аст,  
Покии дил зи зикри Раҳмон аст.  
Чун ту фориг шави зи зикр ба зикр,  
Зикри хуфия ки гуфтаанд он аст.

Мазмуни:

Жонинг борича зикр қил, Оллоҳни эсга ол, чунки қалбнинг поклиги Раҳмоннинг зикридандир. Бир зикрдан иккинчисига фориг бўлишинг, хуфия зикри шунинг ўзидир. (83-бет)

\* \* \*

Тил ва дил зикридан мақсад нигоҳдошт – бутун вужудни Оллоҳга юзлантириш, каратиш ва шу холатни сақлашдир. Бу хотиранинг муурокабаси, яъни илохий Ҳақиқатга яқинлашувидир.

Ёддошт – хотирани сақлашдир, мушоҳада ва фоний бўлишдир. (84-бет)

\* \* \*

Бошда руҳ Ҳақни ягоналикда билсада, лекин ягоналикда таний олмайди. Чунки таниш шухуддан вужудга келади. Шухуд вужуддан эмас унга зиддир.

Ҳазрат Ҳожамиз (Баҳоуддин) айтганлар: “Зикрларнинг мазмуни ё д к а р д – Ҳақ Субҳонаҳ тавфиқи”ни ёдга келтиришдир. Зикрнинг маротибларитил, дил, руҳ, сир. (86-бет)

\* \* \*

Қалбнинг хуфия зикри руҳоний ва жисмоний олам (мулк ва малакут) орасида воситадир. Руҳ қалб олами билан сир (ғайб) олами орасида воситадир. Руҳ ва қалб мартабасидан Оллоҳ аҳли олдида сир мартабаси юқоридир. Мақомнинг охирида қалб ва руҳнинг айнийлигидир.

Мушоҳада – Олий ҳақиқат зотини тажаллийси учун. Мукошафа – Илоҳнинг сифатларининг тажаллиёти учун. Муҳосаба – Илоҳий феълларнинг тажаллиётидир. Лисоний зикрнинг мақсади куллий (тўла) таважжуҳ – юзланишдир. Бутун руҳоний ва жисмоний қувватлар (ёт) хотирани йўқотиш ва тўла Оллоҳга юзланиш учун керакдир. (86-бет)

\* \* \*

Зикрнинг давомийлигидан зикр қалбга етади ва тилдан дилга кўчади. Булар фанога олиб келади.

Чист меърожи фалак? Ин нести!

Ошиқонро мазҳаби дин нести.

Ҳеч касро гар нагардад ў фано.

Нест роҳ дар боргоҳи кибриё.

Мазмуни:

Фалакнинг меърожи нимадир? Бу йўқлик!

Йўқлик бу ошиқларнинг дину мазҳабидир.

Ҳеч кимга агар фано бўлмас экан.

Кибриёнинг боргоҳида (Оллоҳнинг боқий даргоҳида) унда йўл йўқ. (88-бет)

\* \* \*

Фанога етгач, унда малакут (руҳий олам) сурати равшан бўлмай, анбиё, авлиё, малоикалар-фаришталар жавҳари-асли, моҳияти кўринар. Бу йўл айтиш йўли эмас, балки бориш йўлидир. Бундай шахснинг руҳоний вужуди ҳам фоний бўлади, ақл ва нафси ҳам фоний бўлади. (90-бет)

\* \* \*

Зикрнинг бардавомлиги малакут (ғайб олами, руҳий оламнинг) ажойиб калитидир ва ҳазрат Оллоҳ билан қурбат, яъни у кишига яқинлашиш воситасидир. Зикрнинг бардавомийлиги тил зикри эмас балки, қалбнинг малозимати ва мууроқабасидир.

Мууроқабанинг давомийлиги катта давлатдир. Қалбни бир сифат ва бир ҳолатда сақлаш жуда қийиндир. Ҳақга етиш ҳақиқий истиғфор, тааллуқотлардан воз кечиш, сабр қилиш, нафсга хилоф бўлиш, ёмонлар сўхбатидан узоқда юриш орқали муяссар бўлиши мумкин.

Оламдаги барча нарса кераклидир. Ҳар бир киши дарахт кабидир! Дарахт натижасиз бўлмас: мева беради, агар меваси ёмон ва ё мевасиз бўлса ҳам, ё соясидан фойдаланилади ёки хусни тароватидан эътибор назари билан баҳра оладилар. (92-бет)

\* \* \*

Ботин аҳлининг тариқи (йўли) – камтаринлик, хомушлик, йўқлик ва маърифатдир. Истиғфордан мақсад гуноҳлари учун узр сўраш, тавба қилишдир.



Гуноҳларнинг сабабчиси бўлган башарий вужуддан истиғфор тавбаларнинг ҳақиқатидир.

Халқ тарсад аз ту, ман тарсам зи худ,  
Ки зи ту неки дидаам, ва зи хеш бади.  
Давлати дарди мусулмонаам дех.  
Нестии нафси зулмониам дех.

Мазмуни:

Халқ сендан (Оллоҳдан) кўрқади, мен эса ўзимдан кўрқаман, чунки сендан фақат яхшилик кўрганман, ўзимдан эса ёмонлик кўрганман. Менга (Оллоҳим) мусулмонлик, яъни фақат сенгагина итоатда бўлиш дардидек давлатни бергин. Менинг зулмоний нафсимни (аммора нафсимни) йўқ қилишга мадад бергин. (106-бет)

\* \* \*

Бу тариқатда ботинга муносабат шундаки, у қанча ёпиқроқ бўлса жавҳар каби шунчалик софроқ бўлади. Шу маънода (Баҳоуддин Нақшбанд) деганлар:

Аз дарун шав ошною, аз берун бегона ваш,  
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

Мазмуни:

Ичдан, ботиндан Оллоҳ билан дўст бўлгину, зоҳирда уни намойиш қилма. Бундай зебо равиш (яъни холисона, фақат Оллоҳгагина, унинг ризолиги учун) хуфиёна ҳаракатлар жаҳонда жуда камдир. (109-бет)

\* \* \*

Ҳар бир амал суратининг руҳи ниятдадир. Ният-сиз иш кўзланадиган натижа бермайди. (110-бет)

\* \* \*

Ўз вужудини тўла Оллоҳга топшириш керак.  
Ишларнинг натижаси фақат унга боғлиқ. (111-бет)

\* \* \*

Ҳеч ким фано бўлган вужудни ўзгартирмас.  
Башарий вужуддан мурод табиий аслий вужуддир  
(яъни инсон танаси кишини ўз аслини англаш учун  
хизмат этиши керак).

Мусо андар дарахт оташ дид,  
Сабзтар мешуд дарахт аз нор.  
Шаҳвати ҳирси марди соҳибдил,  
Ҳамчунон дону ҳамчунон пиндор.

Мазмуни:

Мусо пайғамбар (Оллоҳ билан учрашишдан олдин) дарахтнинг ичида оловни кўрди. Бу оловдан дарахт куймас, аксинча яхшироқ кўқарар эди. Қалбнинг соҳиби бўлган кишининг, яъни бутун қалбда Оллоҳ бўлган кишининг ҳаракату ғайратини худди шундай билгин ва шундай ўйлагин. (117-бет)

\* \* \*

Маърифат аҳли сифати фанодан сўнг бақо мартабасига етади. Улар нимани кўрсалар ўзларида кўрадилар, нимаики танисалар ўзларида танийдилар, уларнинг ҳайрати ўз вужудларидандир.

Зи завқи ин адам жаҳони жон дар вужуд,  
Зиҳи адам, ки чу омад аз ў вужуд афзуд.

Мазмуни:

Бу йўқлик – а д а м нинг завқидан вужудга бутун жаҳоннинг жони келади. Яшагин адам – йўқлик! Сенинг келишинг билан вужуд юксалди.

Баҳоуддин айтганлар: “Бу йўқлик уни маҳрумлик деб аташ мумкин бўлган йўқлик эмас, балки бу йўқлик шундай даражадирки, барча борлик, унинг қулидир ва унга таъзим этади”. (118-бет)

\* \* \*

“Илм ва Ақлнинг йўли то ф а н о нинг соҳилидир. Ундан сўнг ҳайрат ва бенишонликдир”. (124-бет)

\* \* \*

Ҳазрат Хожа Баҳоуддиндан сўрадилар:

– Фано неча хил бўлади?

Жавоб бердилар:

– Икки хил, биринчиси-зулмоний, табиий вужуддан фоний бўлиш, иккинчиси нуруний, руҳоний вужуддан фоний бўлишдир. (126-бет)

\* \* \*

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: Сенинг ҳижобинг бу сенинг вужудингдир (яъни сени аслингни кўришга тўсқинлик қиладиган ва ўртадан олиб ташлаш керак бўлган нарса сенинг танангдир).

Худро ба дар мон ва он гоҳ даро.

Мазмуни:

Ўзингни ташқарида қўйгин ва кейин киргин.

Аз ту то дўст раҳ басте нест, туи,

Дар раҳи ту хошоку хасте нест, туи.

Мазмуни:

Сендан дўстинг (Оллоҳгача) ўзингдан ўзга йўл йўқ. Бу йўлда ўзингдан ўзга хасу хошок, яъни тўғоноқлар йўқ. Яъни вужудингни поклагач Олий ҳақиқатга ета оласан. (127-бет)

**Форс тилидан Иброҳим Қосимов ва  
Гулчеҳра Наврўзова таржимаси**

## БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЯЪҚУБИ ЧАРХИЙ ТАВСИФИДА

Нақшбандия таълимотининг намоёндаларидан бири олим, ориф, Хожа Аҳрор Валийнинг устози Олтин ҳалқа силсиласининг 18-пири Мавлоно Яъқуби Чархийдир.<sup>1</sup> У киши – Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифаси. Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин у кишининг тарбиясини Алоуддин Аттор давом эттириб охирига етказганлар. Тоҳир Эшон “Тазкирайи нақшбандия”асарида Яъқуби Чархийга қуйидаги тавсифни берган:

Рухсати аввал зи Хожа Баҳоуддин,  
Дуввўмашро бикард Алоуддин.

Мазмуни:

Биринчи рухсатни Хожа Баҳоуддиндан олган,  
Иккинчи рухсатни Алоуддин берган.

Мавлоно Яъқуби Чархий ибн Усмон, ибн Маҳмуд, ибн Муҳаммад Ғазнавий тахминан 1363 йилда Афғонистоннинг Чарх деган жойида туғилганлар. Чархий 1447 йил 1 май сафар ойининг 5-чисида вафот этганлар. Қабрлари Душанбедан 5 км йироқда Рўдакий ноҳиясидадир, мақбаралари обод зиёратгоҳ бўлиб, Ҳазрат Мавлоно номи билан машҳур.

Яъқуби Чархий Баҳоуддин Нақшбанднинг сеvimли шогирди бўлган. Хожа Аҳрор Валий айтганларки,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Раззоқова М. Мавлоно Яъқуб Чархий. Т.: “Muharrir”, 2013. 111 б.

Ҳазрати Мавлоно Яъқуби Чархий менга қўлларини чўзиб дедилар: “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд менинг қўлимни тутиб айтганларки: “Санинг қўлинг бизнинг қўлимиздур. Ҳар ким санинг қўлингни олди, демак, бизнинг қўлимизни олган ҳисобланур. Эй Хожа Ахрор, агар бизнинг қўлимизни олсангиз, Ҳазрат Баҳоуддиннинг қўлларини олгандай бўласиз!”<sup>1</sup> Шунингдек “Рашаҳот”да ёзилишича, Мавлоно Яъқуби Чархий дедилар: “Термизда бир шайхнинг суҳбатига бордим, жуда ҳам муболағалар қилиб айтдиларки: “Муриднинг муроди шайхсиз ҳеч ҳосил бўлмас”. Мен унга: “Қуръони Каримдаги “Моида” сураси, учинчи оятини ўқидим: “Бугун сиз учун динингизни тугал (комил) қилдим ва сиз учун неъматимни тўлиқ (эхсон этдим). Мана шу оятга мувофиқ киши китоб (яъни Қуръони Карим) ва суннатга тўлиқ амал этса кифоядир. Ва лозим эрмасдурким, кишига зоҳир юзидин пиру муқтадо бўлса”. Бу сўзларимни эшитиб шайх хижолат бўлди. Кейин ушбу воқеани Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга баён қилдим, ул зоти шариф бу фикримни қўллаб-қувватладилар.

Яъқуби Чархийнинг Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимоти ҳақидаги асосий асари “Рисолаи қудсия”дир. Яъқуби Чархий Бухорога келиши, Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашиши ва кейинги ҳаёти ҳақида “Рисолаи унсия” (“Дўстлик ҳақида рисола”) асарида ёзиб қолдирган. Бу асар Чархийнинг икки устози Баҳоуддин Нақшбанд ва Алоуддин

---

<sup>1</sup> Рашаҳот айнул ҳаёт. 3276.

Атторга бағишланган. Шунингдек, бу асарда нақшбандия тариқатининг одоб ва усуллари ҳақида маълумот берилган.

“Рисолайи унсия” асарини Чархий Алоуддин Аттор тавсияси ва кўмаги билан ёзган. Яъқуб Чархий асарининг муқаддимасида ёзади “Бу фақийри ҳақир Баҳоуддин Нақшбанддан ўзига етган сийрат ва тўғри тариқат ҳақида бир шингилни китобат қайдига киритди, токи унинг фойдалари ҳаёт саҳифасида абадий қолсин, асҳоб ва аҳбобларнинг тараққийсига, камолотига сабаб бўлсин” (384а-бет).

Баҳоуддин Нақшбанд Яъқуб Чархийни муридликка қабул қилиб, унга таълим беради. Чархий ўз юртига кетаётганида Баҳоуддин Нақшбанд шундай деганлар: “Биздан ниманики эшитган бўлсанг, ҳаммасини Худонинг халқига етказ”. Чархий ёзадики “Мен Ҳазрат Хожанинг буйруғига мувофиқ ҳузуримда бўлган кишиларга хитоб-сўзлаш билан, узоқдагиларга эса китобим билан етказдим” (384б-бет). Бундан маълум бўладики, Яъқуби Чархий 1447 йилда вафот этган бўлсалар, Баҳоуддин Нақшбанддан кейин 58 йил умр кўрганлар ва шу муддатда устозлари таълимотини гоҳ итоб – овоз, нутқ, ваъз, суҳбатлар ва гоҳ китоблар билан тарғиб этганлар. Яъқуби Чархий Нақшбандия таълимотини ҳам оғзаки ҳам ёзма тарғиб этган улуг валийдир.

Баҳоуддин Нақшбанд баъзи бир синовлардан сўнг Чархийни муридликка қабул қилиб, тариқат бўйича “вуқуфи ададий” вазифаси билан шуғулланишга

тавсия берганлар. Унинг тарбиясини биринчи халифалари Алоуддин Атторга топширганлар.

“Рисолайи унсия”нинг қимматли томони шундаки, унда Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз оғзидан эшитган силсилалари мукаммал баён этилган.

Баҳоуддин ҳақидаги манбаларда у кишининг Балогардон, Шоҳ Нақшбанд, Хожаи Бузруг эканлиги қайд этилган. Яъқуби Чархий асарида Баҳоуддинни “Намаки машойихҳо” – “Шайхларнинг тузи” унвони ила улуғлангани қайд этилган. “Ҳазрати Хожамизнинг тасаввуфда нисбатлари тўрт хилдир. Бири – Ҳазрати Хожа Хизрга; иккинчиси – Ҳазрати Шайх Жунайдга; учинчиси – орифлар султони Султон Боязидга; охири – Абу Бакр Сиддиқ ва Ҳазрати Алига етади, шу сабабли уларни “Намаки машойих” (“Шайхларнинг тузи”) дейдилар” (3846-бет).

Яъқуби Чархий “Рисолайи абдолия” асарида шундай ёзади: “Фақир айтадики, алҳамдулиллаҳ Аллоҳ бизга “Қутбул иршод”ни кўриш тавфиқини берди ва унинг муборак назарини топдик. Бу Ҳазрат Махдумимиз Хожа Баҳоуддин ал-Бухорийдур. Ҳазрати Баҳоуддиннинг ўзлари айтдиларки, йигирма йилдирки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бу хизмат хилаътини менга арзон тутганлар. Бу иноятнинг толиблари икки юз киши эди, Аллоҳ фазли билан бу иноят менга етди”. Яъқуби Чархийнинг асаридан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд ўз замонасининг қутби бўлганлар.

Чархий қутб тушунчасини маъно-мазмунини очиб, қутб ул-абдол ва қутб ул-иршод тушунчаларини



изоҳлайди ва Баҳоуддинни қутби иршод сифатида эл-юрт ободончилигига таъсирлари бўлганини ёзади.

“Рисолаи унсия” асарининг биринчи боби: “зикри хуфиянинг фазилатлари баёнидадир”. Унда ёзиладики, Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: “зикри хуфиядан зоҳир ва ботин таҳоратлари ҳосил бўлиб, қалб барча ёмон сифатлардан, чунончи ҳасад, адоват, бахилликдан йироқ бўлади. Дил Аллоҳ муҳаббати билан ором топади. Юрак ёмон сифатлардан тозаланиб, ёқимли сифатлар билан зийнат топгач соғломлашади. Бу жаҳоннинг барча офатларидан соғлом дил билан омон бўлиш мумкин”. Нақшбандия таълимотида Баҳоуддин Нақшбанд мудом зикри хуфия – яширин зикр этишни тавсия берганлар. Зикрда “вуқуфи қалбий” – қалб доим Аллоҳдан огоҳ бўлиши ва зокирнинг ўз қалбига юзланиши муҳим саналган.

“Мен уларнинг (Баҳоуддин Нақшбанднинг) муқаддас руҳларидан доимо фойда олардим, – деб ёзади Чархий, – бу улуғ йўлда менга буюрилган ишлардан бири доимий таҳоратда бўлиш, “вуқуфи қалбий”га амал қилиб доимо зикр қилиш, шариф вақтларда нафл намозларига амал қилиш эди. Мазкур васият ва унинг фойдалари ҳақида бу рисолада баён қилинди”. (385-бет)

Яъқуби Чархий рисоласида ёзади: “Ҳожамиз (Баҳоуддин Нақшбанд) айтар эдилар: “вуқуфи қалбий” га амал қилиш барча ҳолатларда муҳимдир, масалан еб-ичишда, ухлашда, юриш-туришда, олди-сотдида, таҳоратда, намозда, Қуръон ўқишда, ёзиб-чизишда, ваъз айтишда”.

Чархий рисолада Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилган байтларни ҳам келтиради:

То туи ба дидаам, эй Шамъи Тероз,  
На кор кунам, на рӯза дорам, на намоз.  
Чун бо ту бувам, мажози ман жумла намоз,  
Чун бе ту бувам намози ман жумла мажоз.

Мазмуни:

То сен менинг дийдамда экансан, эй Тероз  
Шами-Нақш солувчи шам,  
На иш қиламан, на рӯза тутаман, на намоз ўқийман.  
Сен билан бўлганимда, мажозим барчаси намоздир,  
Сенсиз бўлганимда намозим барчаси мажоздир.

Бу мисралар билан Баҳоуддин Нақшбанд огоҳлик билан қилинган ибодат самарали ва ғафлат билан қилинган иш, тугилган рӯза ва намознинг самараси йўқлигини таъкид этмоқдалар.

Яъқуби Чархий “Рисолайи қудсия” деган бошқа бир асариде тасаввуф масалаларини ёритишда Баҳоуддин Нақшбанд ғояларига уйғун фикрларни баён этади. У тавҳид тушунчасини “Аллоҳдан бошқа барча нарсани кўнгилдан бутунлай кеткизишдир”, деб изоҳлайди.

Чархий “нигоҳдошт” рашҳаси ҳақида ўз мушоҳадаларини ёзаётганлигида Баҳоуддин Нақшбанддан эшитган қуйидаги фикрларни ёзади: “Нигоҳдошт” билан шуғулланиш нафаснинг кириши ва чиқишидан воқиф бўлишдан иборат бўлиб, бунда хаёлнинг Аллоҳдан доимо огоҳда бўлишига нуқсон йўл

топмайди. Бу билан шуғулланиш бора-бора ҳеч бир қийинчиликсиз ҳосил бўлади”. Чархий бу қондани “мушоҳада” деб ҳам юритилишини таъкид этади ва шундай ёзади: “Баъзи тоифа доимо огоҳликдан иборат бўлган “нигоҳдошт”ни мушоҳада деб атайдилар. Бу мақомга етган зоҳирий машғулотлар ботиний машғулотга монелик қилолмайдиган даражага етади”.

Чархийнинг устоз ва шогирд масаласи ҳақидаги фикрлари ҳам Баҳоуддин Нақшбанд фикрларига уйғундир Нақшбанд айтадилар: “Муршид (устоз) ҳар куни толибнинг ҳолидан хабардор бўлиши, фаросати ёки сўраб-суриштириши орқали толибнинг аҳволини билиб туриши зарур”.

Чархий нақшбандия таълимотида суҳбат таъсири ҳақида гапириб: Баҳоуддин Нақшбандни бу борадаги шундай сўзларини келтиради: “Толиб амал қилиши зарур бўлган шартлардан бири шуки, у Ҳақ таоло дўстларидан бўлган бир дўст билан суҳбатда бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур... бу азизнинг суҳбатида мулозиматда бўлишни ўзи учун фарзи айн деб ҳисобласин”.

Яъқуби Чархий “Рисолайи қудсия” асарида ўз васиятларини киритган “Бу фақирнинг дўстлар ва фарзандларига нисбатан васияти шуки” деб ёзилган васиятларининг биринчи қисмида шундай ўғит келтириладики, Ҳақ йўлида ғайрлардан – Аллоҳдан ўзга барча боғланишлардан озод бўлиш, нафсни ёмон нарсалардан поклаш, бутун ҳимматини Ҳақ зикрига қаратишга бағишлаш лозим. Чархий бу мақсадга

эришишни Баҳоуддин Нақшбанд йўлидан юришга деб билади ва ёзади: “Бунга етишиш Хожагонлар тариқати ва уларнинг халифалари, хусусан охирги халифа Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сулукида муяссар бўлади”.

Яъқуби Чархий “Шарҳи асмауллоҳ” (Аллоҳ исмларининг шарҳи) асарида Аллоҳни 99 исмининг моҳиятини тасаввуфий нуқтайи назар билан тадқиқ этган. У бу асарни ёзишда ҳам ўз устози Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига таянади. Бу ҳақда асарда шундай маълумот мавжуд: “Ҳазрати қутбул машойиқ, бу фақирнинг пири Нақшбанд номи билан машҳур Хожа Баҳо ул-ҳақ ва-д-дин (Баҳоуддин) ал Бухорийдан эшитганманки, улар мисол тариқасида айтган эдилар: “Ҳар ким “ар-Раззоқ”ни ўқиса, ер юзида бир дона гиёҳ ўсмай қолса ҳам унинг дилида ризқ ташвиши бўлмайди. Шунингдек ким Аллоҳ исмларини ўқиса, исм эгасидан, яъни Аллоҳдан бир насиба ҳосил бўлади”. Баҳоудинни бу ғояси тариқат орасида машҳур.

Чархийнинг энг машҳур асари “Тафсири Чархий” номи билан маълум Қуръонга ёзилган тафсиридир. Чархий “Таборақ” сурасини шарҳида “Аййухал аҳсану амала” оятини тафсир этиб, Баҳоуддин Нақшбандни ёдга олади ва шундай ёзади: “Мўминнинг насибаси шундайки, у олдинда ўлим борлигини ёдда тутиши ва унга нисбатан тириклигида тайёргарлик кўриши, ғурур саройидан нуфур қилиши, яъни қочиши зарур. Бу фақирнинг Ҳазрат Шайхи бу бандага “Ҳар куни мен ўзимни қирқ

марта гўристонга элтаман ва ҳисоб-китобимни қиламан”, деган эдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига оид маноқибда Яъқуби Чархийга айтган қалб зикри ҳақидаги шундай фикрлари бор:

Дил чун моҳи зикр чун об аст,  
Зиндагии дил ба зикри Ваҳҳоб аст.

Мазмуни:

Қалб балиққа ўхшайди зикр эса сувдир,  
Қалбни тириклиги Ваҳҳобни зикридандир.

“Чархи тафсири” асарида “Қалам” сурасини таҳлил қилиб, Баҳоуддин Нақшбанд унга қалб зикрига доир айтганларига уйғун ғояларни ёзади ва уларни ривожлантиради. Чархий ёзади: “Дарвешнинг насибаси шуки балиқдек жим, қаламдек қалби шикаста бўлмоқ керак, шундагина унинг қалбида илоҳий илмлар пайдо бўлади”. Айтилган фикр маъносини англатиш учун Чархий қуйидаги байтни келтиради:

Хомуш чу моҳию, софий чу оби баҳр,  
То зуд бар хазинайи гавҳар шави амин.

Мазмуни:

Балиқдек хомуш ва денгиз сувидек соф бўл,  
Шунда тезгина гавҳар хазинасига етасан.

Бу мисралардан мақсад умрни бирор нафасини беҳуда ўтказмаслик, беҳуда сўз айтмаслик, беҳуда иш билан шуғулланмаслик, сабрли бўлиш ва муомалада кечиримли бўлишдир.

Баҳоуддин Нақшбанд “Даст ба кору, дил ба Ёр” деганда холис Аллоҳ ризолиги учун меҳнат қилиш, таъмасиз бировни оғирини енгиллаштиришни тарғиб этганлар. Чархий “Тафсир” асарида “Қалам” сура-сини шарҳлаб шундай ёзган: “Дарвешнинг насибаси шуки, ўзининг дўстларидан дунёвий нарсаларни таъма қилмайдики, таъмадан инсонийлик табиати нафрат қилувчидир ва диний ишлар учун ҳеч кимдан ҳақ талаб қилмайдики, улуғ иш шудир”. Бунинг замирида ҳалол меҳнат қилиш ётади. Чархий бу маънида қуйидаги байтни келтирган:

Бори худ бар кас мадеҳ бар хеш них,  
Сарвариро кам талаб, дарвеш беҳ.

Мазмуни:

Юкингни биров елкасига ташлама, бу юкни  
ўзинг кўтар,  
Бойликни кўп сўрама, дарвешлик яхшидир.

Ҳалол меҳнат билан кун кечириш ва бировга юк бўлмаслик ғояси нақшбандия таълимотининг асосий тамойилидир. “Ал-Маориж” сурасининг шарҳида Чархий шундай ёзади: “Бизнинг шайхимиз айтар эдилар: “Бидъат ва залолат билан қилинган кўпгина тоатдан чин дилдан ва холисона қилинган озгина тоат устундир”. Чархий шайхининг фикрига асос-ланиб ҳар бир ишда ва амалда риёкор бўлмасликни тарғиб қилади.

Чархий “ва-н-Нозиот”сураси тафсирида Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ибратли сўзларини тилга

олади. Баҳоуддин Нақшбанд фарз қилинган ибодатдан ташқари қўшимча ёки ўз хоҳишича қилган ибодат билан мақтаниш нафс кўйига киришнинг бир тури эканини Чархийга тушунтирган эканлар. Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд биринчидан, яхши кишиларнинг ҳаётий тажрибасидан ибрат олиш лозимлигини айтса, иккинчидан тажрибага эга бўлган устознинг кўрсатмасисиз ҳар қандай ишга қўл уравермаслик лозимлигини билдирмоқчи бўлган. Чархий Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзига қарата айтган чуқур маъноли қуйидаги сўзни келтиради “Ҳеч қандай пишган узум қайта ғўрага айланмайди, ҳеч қандай пишган мева қайта хом бўлмайди”. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳикмат тўла сўзида катта илм ва тажрибага эга кишини пишган узум ва мева билан қиёсламоқда. Бундай киши ҳеч қачон адашмаслиги ва хато қилмаслигини таъкидламоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Яъқуби Чархий Баҳоуддин Нақшбанднинг энг садоқатли шогирдларидан бўлиб, у кишининг ўғитларига асосан кўпгина издошларни тарбиялади. Унинг шогирди бўлган Хожа Аҳрор Валий нақшбандия таълимотини жаҳоний тариқат бўлишга сабабчи бўлди. Яъқуби Чархий Баҳоуддин Нақшбандга бағишлаб махсус “Рисолайи унсия” асарини ёзди ва бошқа асарларида ҳам устозининг ғояларини ҳам итоб, ҳам китоб воситаси билан тарғиб ва ташвиқ этиб ривожлантирди.

(Яъқуби Чархий ҳақидаги матнни тайёрлашда М.Раззоқованинг илмий ишларидан фойдаландик.)

## ЯЪҚУБИ ЧАРХИЙ РИСОЛАИ УНСИЯ

Мавлоно Яъқуб Чархий (1363–1447) Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифасидир. Унинг “Рисолаи унсия” (“Дўстлик ҳақида рисола”) асари Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган. “Рисолаи унсия” асарининг ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари хазинаси инв.№5825/V1 нусхаси асосида Баҳоуддин Нақшбандга оид маълумотларни қуйида келтирамыз.

\* \* \*

“Бу фақийри ҳақир (Яъқуби Чархий – Г.Н.) Баҳоуддин Нақшбанддан ўзига етган сийрат ва тўғри тариқат ҳақида бир шингилни китобат қайдига киритди, токи унинг фойдалари ҳаёт саҳифасида абадий қолсин, асҳоб ва аҳбобларнинг тараққийсига, камолотига сабаб бўлсин”. (384а-бет)

\* \* \*

Яъқуб Чархийга Баҳоуддин Нақшбанд шундай деганлар: “Биздан ниманики эшитган бўлсанг, ҳаммасини Худонинг халқига етказ!” Чархий ёзадики “Мен Ҳазрат Хожанинг буйруғига мувофиқ эшитганларимни ҳузуримда бўлган кишиларга хитоб-сўзлаш билан, узоқдагиларга эса китобим билан етказдим”. (384б-бет)

\* \* \*

“Ҳазрати Хожамиз Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфда нисбатлари тўрт хилдир. Бири – Ҳазрати Хожа Хизрга; иккинчиси – Ҳазрати Шайх Жунайдга; учинчиси – орифлар султони Султон Боязидга; охири



– Абу бакр Сиддиқ ва Ҳазрати Алига етади, шу сабабли уларни “Намаки машойих” (“Шайхларнинг тузи”) дейдилар”. (384б-бет)

\* \* \*

“Мен (Яъкуби Чархий – Г.Н.) уларнинг (Баҳоуддин Нақшбанднинг – Г.Н.) муқаддас руҳларидан доимо фойда олардим. Бу улуғ йўлда менга буюрилган ишлардан бири доимий таҳоратда бўлиш, “вуқуфи қалбий”га амал қилиб доимо зикр қилиш, шариф вақтларда нафл намозларига амал қилиш эди. Бу васият ва унинг фойдалари ҳақида бу рисолада баён қилдик”. (385б-бет)

\* \* \*

Ҳожамиз (Баҳоуддин Нақшбанд) айтган эдилар: “Вуқуфи қалбий”га амал қилиш барча ҳолатларда муҳимдир, масалан еб – ичишда, ухлашда, юриш-туришда, олди-сотдида, таҳоратда, намозда, Қуръон ўқишда, ёзиб-чизишда, ваъз айтишда”.

\* \* \*

Баҳоуддин Нақшбанд айтган эдилар: “Зикри хуфиядан зоҳир ва ботин таҳоратлари ҳосил бўлиб, қалб барча ёмон сифатлардан, чунончи, ҳасад, адоват, бахилликдан пок бўлади. Дил Аллоҳ муҳаббати билан ором топади. Юрак ёмон сифатлардан тозаланиб, ёқимли сифатлар билан зийнат топгач соғломлашади. Бу жаҳоннинг барча офатларидан фақат соғлом дил билан омон бўлиш мумкин”. (386б-бет)

\* \* \*

Яъкуби Чархий шундай деб ёзади: “Ҳазрат Ҳожамиз (Баҳоуддин Нақшбанд – Г.Н.) мана бу байтни

айтган эдиларки, хатто, бу байтни тумор қилиб олганда эди, бемор сихат топган бўлар эди:

То туйи ба дийдаам, эй Шамъи Тироз,  
На кор кунам, на рўза дорам, на намоз.  
Чун бо ту бувам мажози ман жумла намоз,  
Чун бе ту бувам намози ман жумла мажоз”.

(386б-бет)

Мазмуни:

Эй Нақш солувчи Шам, сен менинг дийдамда экансан,

На иш қиламан, на рўза тутаман на намоз ўқийман.  
Сен билан бўлсам мажозим барчаси намоздир,  
Сен билан бўлмасам, намозим барчаси мажоздир.

\* \* \*

“Ҳазрат Хожамиз (Баҳоуддин Нақшбанд) менга (Яъқуби Чархий – Г.Н.) айтган эдилар: “То лукма ҳалол бўлмас экан, мақсад ҳосил бўлмайди. Баъзилар биз дарёмиз, бизга зиён қилмайди, – дейдилар. Йўқ, улар нотўғри гапирадилар, чунки Расул алайҳис-салом зўрлаб, тортиб олинган қўйнинг гўштидан емас эдилар”. (394а-бет)

\* \* \*

Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳадисни кўп такрорлар эдилар: “Ибодат ўн қисмдан иборат бўлиб, унинг тўққизтаси ҳалолни қидиришдир”.

\* \* \*

Яъқуби Чархий Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдиларки, “Биз нимани топган бўлсак, улуғ ҳимматимиз орқали топдик”.

\* \* \*

Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд) бу бандага (Яъқуби Чархийга) буюриб дедиларки, “Сендан кечиб кетганга бориб қўшил, зулм қилганни бориб кечир”. (395б-бет)

\* \* \*

Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: “Агар айбсиз дўст қидирсанг, дўстсиз қоласан”. (395б-бет).

## ЖОМИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ

**Абдурахмон Жомий** – форс-тожик шоири, мутафаккири ва файласуфи, Алишер Навоийнинг устози ва дўсти. Абдурахмон Жомий (1414–1492) ҳаёти ва фаолияти нақшбандия тариқати билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Абдурахмон Жомий ҳаётига доир ишончли манбалардан муҳими деб Алишер Навоийнинг асарини айтиш мумкин. Жомийнинг дўсти ва шогирди бўлган ўзбек халқининг йирик мутафаккири Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида шундай ёзади: “Зоҳир юзадан ўзларин Қутбул-муҳаққин ва Ғавсул-солиқин Мавлоно Саъдул-миллати ваддинил-Қошғарий муриди кўргузулар эрди, аммо ҳамоноки Увайсий (таъкид бизники – Г.Н.) эрдилар ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд руҳония-тидан тарбия топиб эрдилар (таъкид бизники – Г.Н.)”<sup>1</sup>.

Манбадан келтирилган бу иқтибос кўрсатадики, Абдурахмон Жомий ҳам ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд каби увайсий экан ва ботиний илмни бевосита Баҳоуддин руҳи покларидан олган экан. Бу Жомий Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини асл моҳиятини англаб етганлигини ва шунинг учун ҳам унинг ҳар бир сўзи бу тариқат таълимотини билишда ниҳоятда аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул - муҳаббат. Асарлар. 15 томлик. Т. 15. Тошкент, 1968. 185-бет.

Жомий ҳаётини тадқиқ этган рус шарқшунос олими Е.Э.Бертельс унинг устози сифатида Саъдуддин Қашғарийни ёзиб, уни Низомиддин Хомуш орқали Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти билан боғлиқлигини кўрсатади. У Низомуддин Хомуш Баҳоуддин Нақшбандни учинчи халифаси Алоуддин Ғиждувонийнинг муриди эканлигини ёзади.<sup>1</sup> Лекин асосий манбаларда булар Низомуддин Хомуш, Алоуддин Аттор орқали боғланганлигини кўрсатади.<sup>2</sup> Алоуддин Аттор Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи муриди бўлган. Жомий нақшбандликни чуқур билган устозлардан таълим олган. Бу ҳам йирик ориф ва шайх даражасига юксалиши, таълимотида баркамоллик намоён бўлишига таъсир этган.

Абдурахмон Жомий Самарқандда таълим олаётган вақтида нақшбандийлик тариқати билан қизиққан. У Ҳиротга келгандан сўнг 40 ёшида тўла бу йўлни ўзига ҳақ йўл деб тан олган. Ҳижрий 860 йил жумодиал аввалнинг 7 сида, милодий 1456 йил 13 майда устози Саъдуддин Қашғарий бу фоний оламдан рихлат қилганидан кейин Абдурахмон Жомий нақшбандийлик тасаввуфий тариқатининг Ҳирот жамоасида пиру муршид бўлган ва руҳий баркамолликка интилган кишиларга Ҳақ йўлини кўрсатган.

Сўфийлик тариқатларини чуқур тадқиқ этган инглиз олими Ж.С.Тримингэм Жомийни нақшбан-

---

<sup>1</sup> Бертельс Е.Э. Джами. Эпоха. Жизнь. Творчество. Сталинабад: Тадж. Госиздат. 1949. С. 64.

<sup>2</sup> Ҳасанхўжа Нисорий. Музакири Аҳбоб. / Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. Тошкент: А.Қодирий номли Халқ мероси нашриёти, 1993. 42 бет.

дийлик силсиласидаги ўрнини кўрсатган. Ж.С.Тримингэм нақшбандия силсиласига изоҳ бериб ёзади: “Мы включили Джами в это древо не по причине какой-то особой роли его в силсиле, но для того, чтобы подчеркнуть влияния, которое он оказал на персидский, тюркский и индийский суфизм, а также для того чтобы, отметить значение его сборника биографий суфиев “Нафаҳот ал-унс”<sup>1</sup>.

Демак, инглиз тадқиқотчиси Абдурахмон Жомийнинг нақшбандийлик силсиласининг форс, турк, хинд тармоқларига кўрсатган таъсирини ва унинг “Нафаҳот ул-унс” асарини жуда юксак баҳо берганидан уни силсилага киритган экан.

Бухоролик шарқшунос олим Б.А.Казаков музейда сақланаётган архив ҳужжатларига таяниб нақшбандийлик силсиласини тартибга келтирган.<sup>2</sup> Унда Абдурахмон Жомийга нақшбандия силсиласининг Мовароуннаҳр тармоғи сифатида алоҳида ўрин берилган.

Юқорида кўрсатилган қатор далиллар Абдурахмон Жомийни нақшбандийлик тариқатида муносиб ўринга эга эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам у ёзган асарларнинг барчаси бу таълимотни ўрганиш учун қимматли бўлиш билан бирга, шу тариқатга махсус бағишланган “Рисолаи Мавлави Жомий”си бу таълимот учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга Абдурахмон Жомий

---

<sup>1</sup> Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. М.: Наука, С. 84.

<sup>2</sup> Носириддин Тўра. Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари.//Тўплам тузувчи Б.Казаков Тўпламга илова қилинган “Нақшбандия – хожагон шайхлари силсиласи”. Бухоро, 1993.

ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт ва таълимотига доир бўлган асосий манбалар билан чуқур таниш бўлган. Жомий ўзининг машҳур “Нафаҳот ул-унс” асарида хожа Баҳоуддин Нақшбанд зикрида воқеалар баёнида “Мақомот”га батафсилроқ ёзилган деган иборани қўллайди.<sup>1</sup> Бу билан у Муҳаммад Боқир томонидан ёзилган “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд” билан чуқур танишганлигини намоён этади.

Абдурахмон Жомий Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига доир илк манба Салоҳиддин ибн Муборакнинг “Анис ат-толибин ва уддат ал-соликин” (Толиб Ҳақиқат йўли талабида бўлганларнинг дўсти ва солик – тариқатдан бораётганларнинг жамғармаси) билан таниш бўлиш билан бирга уни қўлда кўчирганлиги ҳақида маълумот бор. Бу асарнинг 1557 йил Шоҳ Ҳусайн бин Исамуддин ал-Бухорий томонидан кўчирилган нусхасининг асли Абдурахмон Жомий томонидан ёзилганлиги қайд этилган.<sup>2</sup> Бевосита Баҳоуддин Нақшбанд руҳидан тарбия олиш ва у ҳақидаги асосий манбалар билан таниш бўлиш, камолотга етган устозлардан таълим олиш Жомий маънавий оламини чуқур бойитди ва бу ҳолат унинг асарларида ўз аксини топди. Умумий хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- Абдурахмон Жомий нақшбандия таълимотини яхши устозлардан ўрганиш билан бирга увайсий бўлган ва Баҳоуддин Нақшбанд руҳониятидан таълим олган.

---

<sup>1</sup> Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ал-унс. Саййидита нашриёти. 1284 ҳиж. 248-бет.

<sup>2</sup> С.В.Р. Т. III. Тошкент, 1965.

- Абдурахмон Жомий нақшбандийларни Хиротдаги Мовароуннахр жамоасида пиру муршидлик қилиш даражасига етган комил инсон бўлган.

- Абдурахмон Жомий қолдирган бой маънавий меросда нақшбандия моҳияти очилган.

Баҳоуддин Нақшбанд муборак таваллуд саналари 675 йиллигида Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асарида ҳазратга оид маълумотни таржима этган эдик. Бу таржима “Мовароуннахр мусулмонлари” журналида нашр бўлган. (1993 йил. №1. 9-11-бетлар.) Бу таржима изоҳ ва шарҳлари билан тўпламга киритилган.



**АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ**  
**“НАФОҲАТ УЛ-УНС МИН ҲАЗАРОТУЛ ҚУДС»**  
**ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД (қ.с.)**

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг (қаддаса сирруху) исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийдир. У кишига фарзандликка (маънавий) қабул назари Хожа Муҳаммад Бобо Самосийдан[1] ва зоҳир (ташқи) томондан тариқат одобининг таълими Сайид Амир Кулолдандир. Лекин, ҳақиқатда у киши увайсий бўлиб, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний руҳиятидан тарбият топганлар. Баҳоуддин Нақшбанд (қаддаса сирруху) дейдиларки: “Бир кеча, ҳол даражасига тушишимнинг дастлабки пайтларида, жазабот ғалаба қилганида Бухоронинг табаррук зотлари ётган мозорлардан бирига етдим. Ҳар бир мозорда чироқ кўрдим. Чироқлар ёндирилган, ичида ёғи тўла ва пиликлар ёғ ичинда. Пиликлар ёғдан чиқиб, равшанроқ ёниши учун уларни озгина ҳаракатга келтириш керак эди. Охирги мозорда қибла томонга мутаважжиҳ бўлиб (юзланиб) ўтирдим. Шунда ғойибдан бир ҳол зоҳир бўлди. Мушоҳада қилдим ва кўрдимки, қибла девори очилиб, буюк тахт пайдо бўлди. Тахт олдида яшил парда тортилган, атрофида жамоат ўтирибди. Уларнинг орасидан Хожа Муҳаммад Бобони танидим ва билдимки, улар марҳумлар эканлар. Жамоат ичидан бири менга деди:

– Тахтда Хожа Абдулхолиқдирлар ва бу жамоат у кишининг хулафолари (ўринбосарлари).

Кейин у жамоатнинг ҳар бирига ишорат қилиб деди:

– Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Калон, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний (қадасаллоҳу таоло арвоҳаҳум).

Хожа Муҳаммад Бобога етганидан сўнг деди:

– У кишини сен ҳаётлик чоғларида кўргансан, сенинг шайхингдирлар, сенга бўрк (қалпоқ) берганлар ва каромат қилганларки, келадиган балолар сенинг баракотинг ила йўқолур.

Шу пайт жамоат деди:

– Қулоқ тутиб, тугал тинглагин, улуғ Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний сенга сўзлайдилар. Ҳақ таоло сулуки йўлида улардан сенга ўзга чора йўқдир.

Жамоатдан ўтиниб дедим:

– Ҳазрат Хожага салом берсам, у зотнинг муборак жамоллариға мушарраф бўлсам.

Пардани менинг олдимдан олдилар. Нуроний Пирни кўрдим. Салом бердим, жавоб бердилар. Шу вақт Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (сулук) ҳақиқат йўлининг боши, ўртаси ва охириға тааллуқли сўзларни баён этдилар:

– Бунда сенга кўринган чироқлар сендаги истеъдод ва қобилиятға ишорат, башоратидир. Аммо пиликлар равшанроқ ёниши ва сирлар намоён қилиши учун бу истеъдод пиликларини ҳаракатға келтириш керақдир.

Яна Абдулхолиқ Ғиждувоний айтдилар ва муболаға қилдилар:

– Барча аҳволда қадамни амру наҳйи қоидасига қўйгил, азимат бирла амал қил, суннатни бажо келтиргил, рухсат ва бидъатлардан йироқ бўлгин.

Муҳаммад Мустафо (саллоллоҳу алайҳи васаллам) ҳадисларини ўзинга пешво қил ва у кишининг муқаддас асҳобларининг (розиаллоҳу анҳум) хабар ва асарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!

Бу сўзлардан сўнг жамоат менга айтдики, сенинг ҳолингни сидқан эканлигига гувоҳ шу бўладики эртага тонг отиши билан фалон жойга борасан ва фалон ишни қиласан. Буларнинг тафсили у кишининг (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) “Мақомот”ларида баён қилинган. Улар яна дедилар:

– Сўнг Насафга юз тутгин, Амир Кулол хизматларида бўлгин.

Уларнинг айтганларича, Насафга, Амир Кулол хизматларига етдим. Амир Кулол илтифотлар қилдилар ва лутфлар кўргуздилар. Менга зикр талқин қилдилар, йўқлик ва исбот тариқати ила хуфия йўли билан машғул этдилар. Мен ҳақиқатда маъмур бўлганлигим учун амал ва азиматда алония зикри билан шуғулланмадим.

Бир киши ҳазратдан (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.дан) сўради:

– Дарвешлик сизга меросми ёки касб қолганми?

У киши дедилар:

– Ҳақ таоло жазаботи ила бу саодатга мушарраф бўлдик.

Яна у кишидан (Баҳоуддин Нақшбанддан қ.с.) сўрадилар:

– Сизнинг тариқатингизда зикри жаҳр, хилват ва самоъ бўлурми?

Дедилар:

– Бўлмас.

Ҳазратдан (Баҳоуддин Нақшбанддан қ.с.)

сўрадилар:

– Тариқатингизнинг асоси нимада?

Айтдилар:

– Жамоат ичида хилватда бўлиш: Зоҳиран халқ билан ва ботинан Ҳақ таоло билан.

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш,

Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон,

Мазмуни:

Бўл ошно ичдану тошдан бегона,

Бу равишча равиш бўлмас яна.

Шахслар борки, тижорат пайтида ҳам Тангри ёдидан фориф бўлмайдилар. Бу шу мақомга ишоратдур.

Айтадиларки, у кишида (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.)да қул ва чўри бўлмас эмиш. У кишига бу борада савол берибдилар. Дебдилар:

– Бандалик хожалик билан тўғри келмайди.

Бир киши ҳазратдан (Баҳоуддин Нақшбанддан қ.с.) сўради:

– Сизнинг силсилангиз қаерга етади?

Дебдилар:

– Киши силсила билан ҳеч ерга етмайди.[2]

Яна дедилар:

– Ўз нафсларингизга туҳмат этингиз ва муттаҳам қилингиз. Ҳар кимки, Ҳақ таолонинг инояти ила ўз нафсини ёмонлик билан таниган бўлса ва унинг макру хийлаларини билган бўлса, унинг олдида бу

амал сахлдур. Бу йўл билан борувчиларнинг кўпи бошқалар гуноҳини оладилар ва унинг юкини кўтардилар.

Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) дейдилар.

– Ҳар доим табиий вужуд нафйи ва ҳақиқий маъбуд исботини қилиш керак. Шайх Жунайд дердиларки, вужуднинг нафйи ва исботи тариқатнинг, бизнинг назаримизда, Аллоҳга яқинлаштирувчи воситадур. Лекин бу амал ихтиёрни тарк этиш ва ўз амалларининг қусурини кўришдан ташқари хосил бўлмайди.

Ҳақиқат аҳли иймонга бундай таъриф берганлар:

– Иймон қалб ақидасидир. У Аллоҳ ризолигидан ўзга барча масалаларни қалбдан йўқ қилади.

Баҳоуддин Нақшбанд (қ. с.) деганлар:

– Бизнинг тариқатимиз суҳбат, хилватда шуҳрат, шуҳратда офат. Хайрият жамиятда ва жамият суҳбатдадир. Шарти шуки, бир-бирларига нафълари тегса. Бу йўл толибларининг жамъи бир-бири билан суҳбат қурса, унда жуда кўп хайр ва баракот бўлар. Умидимиз борки, мулозимат ва мудовимат ила ҳақиқий иймон бўлгай.

Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) дерлар:

– Солик (тариқат йўлидан борувчи) қай вақтки, Аллоҳ дўстларининг бири билан суҳбат қилса, ўз ҳолидан огоҳ бўлсин ва суҳбат вақтини ўтган суҳбат билан мувозанатга келтирсин (таққосласин). Агар тафовут, фарқ яхшилиқка томон топса, бу азизнинг суҳбатини ғанимат билсин.

Яна дейдилар:

– “Ла илаҳа” олий табиат нафйидур. “Иллаллоҳ” Ҳақ таоло маъбудлигининг исботидир. “Муҳаммадур расулуллоҳ” ўзни “фатабаъуни” мақомига киритиш. Зикр этишдан мақсад тавҳид калимасининг ҳақиқатига етишишдур. Бу калиманинг ҳақиқати ўзга калималарни айтишдан тўла озод бўлмоқ. Кўп айтиш шарт эмас.

– Ҳазрат Азизон айтардиларки, ер бизнинг назаримизда суфра (дастурхон) кабидур. Биз, тирноқ юзи кабидур, деймиз. Ҳеч нарса бизнинг назаримиздан ғойиб эмас...

– Тавҳиднинг сиррига етиш мумкин, лекин маърифатга етиш қийиндур.

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) муборак Ҳаж сафарига боришларида Хуросоннинг улуғ кишиларидан бирига зикр таълимини берган эдилар. Хожага мурожаат қилиб дедиларки, “Фалон киши зикрнинг такрори билан кам шуғулланади”.

Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) дедилар:

– Зарари йўқ.

Кейин ундан сўрадилар:

– Бизни уйқуда кўрдингми?

Деди:

– Ҳа, кўрдим,

Дедилар:

– Шунинг ўзи етарлидир.

Бир киши ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандга (қ.с.) деди:

– Фалон киши ранжурдир, хотири шарифингизга талабгордир.

Айтдилар:

– Аввал хасталигини йўқотсин, сўнг шикаста хотири билан бўлсин.

У кишидан (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) каромат талаб қилдилар, (у киши) дедилар:

– Бизнинг кароматимиз зоҳирдир. Шунча гуноҳлар юки билан ер юзида юра олурмиз.

Айтурларки, шайх Абу Сайид Абул Хайрдан сўрабдилар:

– Сизнинг жанозангиз олдидан қайси оятни ўқисинлар?

Жавоб берибдилар:

– Оят ўқиш буюк ишдур. Бу байтни ўқинглар:

Оламда бундан яхшироқ не бор,

Етса дўстига дўсту ёрига ёр.

Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) айтибдурлар:

– Бизнинг жанозамиз, олдида бу байтни ўқингиз:

Ожизлармиз, сенинг куйингга келдик,

Юзинг жамолидан шайъан-лиллоҳмиз

(яъни Аллоҳники бўлиб қолганмиз).

Мавлоно Холидийдан сўрабдилар:

– Хожа Баҳоуддин (қ.с.) тариқининг мутаоххирин (охирги) машойихлар тариқининг қай бири билан муносабати бор.

Дебдурлар:

– Қадимроқдан гап очмоқ керак: охирги ўтган машойихлардан икки юз йилдан ортиқроқ. Ҳазрат Хожада (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.)да Тангри таоло инояти ила зухур этган осори валоят ҳеч кимда йўқдир.

Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) асҳобидан шайх Қутбиддин исмли пир Хуросонга келган эди. У деди. Мен ёш эдим. Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) менга фалон кабутар хонасига бориб, неча кабутар боласин келтиргин, дедилар. Мен бир нечта кабутар болаларини олдим. Хаёлимдан уларнинг бирини тирик ўзимга сақлаш фикри ўтди. Қолганини Хожа ҳузурларига келтирдим. Кабутарларни пишириб ҳаммага тақсимлаганларидан сўнг, менга бермадилар ва дедилар:

– Фалончи ўз насибасини тирик ҳолатда олган...

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.)нинг вафотлари душанба кечаси, Раббиул-аввал ойининг учинчиси, етти юзу тўқсон биринчи йилдир (милодий 1389 йилнинг 2 март). Ул зотни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло раҳмат қилган бўлсин.

**Форс тилидан Зевара Қосимова  
ва Гулчеҳра Наврўзова таржимаси.**

## **ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР**

**1. Муҳаммад Бобои Самосий** – жаҳонда машҳур нақшбандия таълимотининг асосчиси бўлган Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389) устози, Ҳазрат Азизон Хожа Али Ромитанийнинг энг комил саҳобалари, Амир Кулол устози, хожагон тасаввуфий тариқатининг йирик намояндаси, Бухорони етти иқлимга танитган Етти Пирнинг бешинчисидир.



Муҳаммад Бобои Самосий ҳижрий 736, милодий 1335–36 йилларда вафот этганлар.

У кишининг таваллуд жойи Ромитаннинг Самос қишлоғидир. Бобои Самосийнинг табаррук қабри ўша жой Ромитан ноҳиясидаги Самос қишлоғидадир. Хожа Муҳаммад Бобои Самосийнинг тўрт халифаси бўлгандир. У киши вафотидан кейин улар содиқ кишиларни даъват қилиш билан машғул бўлганлар.<sup>1</sup> Шамоили: буғдойранг, нуроний, назари таъсирли, қатъий фикрли, жўшқин ҳиссиётли эди.

Муҳаммад Бобои Самосий отаси Сайид Абдуллоҳнинг тавсияси билан Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийга мурид бўлади, Анжир Фағнавий эса уни Хожа Али Ромитанийга ҳавола қилади. Хожа Азизонга мурид бўлган Муҳаммад Бобо Самосий бир умр устозининг хизматида бўлган. Ҳатто пири Бухородан Хоразмга ҳижрат қилганларида бирга кетганлар. Атрофдагиларга ва ўзларига кўп фойда етказганлар. Муридлар орасида номдор халифа бўлганлар. Боғбонлик сирларини билиб, боғларига ўзи қарарди. Жуда сергак эди. Баъзан хизматлари асносида ҳол ғалаба қилар, қўлидан иш асбоблари тушиб кетарди. Кўпинча муридларини ўзи танларди.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Қаранг: Носир-ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар ал-Ҳанафий ал-Бухорий. Хўжа Ба-хо-ад-дин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари. / тўпламни тузувчи, таржимон, кириш сўзи, муқаддима ва изоҳлар муаллиф Б.Қозоқов. Бухоро, 1993. 13-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Сайфиддин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. Хожагон-нақшбандия машойихлари. / Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. / таржимон, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари Сайфиддин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. Т.: Янги аср авлоди, 2003. 47-бет.

Муҳаммад Бобои Самосийда башорат қилиш қобилияти бўлган. Башорат келажакни кўриш шакли тарзида одамлар ақлини доим эгаллаб келади. Дастлаб одамларнинг амалий фаолияти доирасида вужудга келган башорат ўз ривожланишида қадимги, ноилмий шакллардан ҳозирги илмий асосланган прогнозлар ва башоратларгача бўлган узоқ йўлни босиб ўтди.

Башорат одатдаги (интуитив), диний, фалсафий ва илмий (илк илмий) соҳаларга ажрала бошлаган. Башоратнинг дастлабки шакли сезги, ишора, ақида, кундалик тажриба ва ҳ.к.га асосланган одатдаги (интуитив) башорат ҳисобланади.

Диний шакл, қоида тариқасида, башорат қилиш, «ваҳий келиши», олдиндан айтиш шаклида намоён бўлади.

Башоратнинг илмий (илк илмий) шакли анча кейин вужудга келган ва муайян билимларга, инсон тажрибасига асосланади. Илмий башоратга келсак, бу ерда диний ва илк илмий башоратнинг диалектик бирлиги яққол кўзга ташланади.

Муҳаммад Бобои Самосий башоратлари ҳақида манбада қуйидаги ривоят Баҳоуддин Нақшбанд тилидан келтирилган: “Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг бу фақирга нисбатан қилган меҳрибонликларидан бири шу эдики, болалик чоғларимда бузургвор шайх Хожа Муҳаммад Бобои Самосий қуддиса сирраҳунинг назари муборақларига мушарраф бўлдим ва улар мени фарзандликка қабул қилдилар. Туғилишимдан бир неча вақтлар илгари Қасри

Ҳиндувондан кўп марта ўтган эканлар ва ҳар гал: “Бу ердан бир эрнинг ҳиди келмоқда, тез фурсатда Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айланади”, – дер эканлар. Бир куни ўз халифаларидан бўлган Ҳазрати Сайид Амир Кулолнинг манзилларидан Қасри Орифонга кетаётиб айтибдиларки: “Ўша ҳид зиёда бўлибди, ўшал эр туғилганга ўхшайди”. Шундан сўнг Қасри Орифонга тушибдилар.” Шу куни Ҳазрати Хожамизнинг туғилганига уч кун бўлган экан. Хожамизнинг бобоси Хожа Муҳаммад Бобои Самосийнинг мухлисларидан эканлар. Уларнинг кўнгилларидан, бу фарзандни уларнинг муборак назарларига олиб борай, деган хаёл ўтибди. Бу хаёл билан қаттиқ ниёзмандлик кўрсатиб, уларнинг олдиларига олиб борибдилар. Ҳазрати Муҳаммад Бобо: “У бизнинг фарзандимиз ва биз уни қабул қилдик”, – дебдилар. Сўнг Сайид Амир Кулолга қараб айтибдиларки: “Фарзандим Баҳоуддинга шафқатингни дариғ тутмагайсан, агар нуқсонга йўл қўйсанг, сени кечирмайман!”

Шундан сўнг уларнинг муборак ботинларида нур мавж ура бошлаган ва ёшлигидаёқ улардан ажойиб ва гаройиб воқеалар мушоҳада қилинди.<sup>1</sup>

Баҳоуддин Нақшбанд таъкид этадиларки, Муҳаммад Бобо кунлардан бирида – “Таом еб бўлгач, менга битта нон бериб, сақлаб қўй, дедилар. Кўнглимдан, бу ерда тўйиб едик, тез орада манзилга етамиз, нон нега керак экан, деган фикр ўтди. Хожа менга: “Олавер, яраб қолади”, дедилар. Улар йўлга

---

<sup>1</sup> Баҳоуддин Балогардон. 23-бет.

равона бўлдилар, мен эса уларнинг жиловида зору ниёз билан борардим. Агар менинг кўнглимда паришон хаёллар пайдо бўлса, улар менга назар қилиб: “Дилни тиймоқ лозим”, – дер эдилар.

Йўлда уларга қарашли бир дарвешнинг уйига етдик. Ул дарвеш ўта ниёзмандлик ва илтижо билан яқин келди. Улар уйга тушгач, мазкур дарвешда изтироб белгилари пайдо бўлди. “Ахволинг ҳақида гапир”, дедилар. Ул ҳожатманд: “Сутнинг бети бор, аммо нон йўқ”, деди. Хожа менга боқиб: “Ҳалиги нонни келтир, ишга ярайдиган бўлди”, дедилар. Бу ҳолнинг мушоҳадасидан дилда муҳаббатим янада зиёда бўлди.”<sup>1</sup>

Муҳаммад Бобои Самосий Қасри Орифонга етиб келиб, бобомнинг уйига тушдилар, дейди Баҳоуддин Нақшбанд. Бобом уларнинг ҳузурларида уйланишим қиссасини сўзладилар. Хожа: “Бу хайр ишни адо қилиш керак”, дедилар. Бобом бу иш уларнинг ҳузурида адо бўлишини хоҳладилар. Аммо отам расму одат бўйича бу ишнинг тантанавор ўтишини истар эдилар. Хожа: “Вақт ғанимат, тантанага ҳожат йўқ, кечиктириш керакмас”, – дедилар. Отам ул маҳаллани танимас эдилар, Хожанинг истакларига қарши турдилар. Хожа бориб совчилик қилдилар. Бу ҳолдан отам бир онда ўзгардилар ва тантана қилишга қувватлари қолмади. Бундан маълум бўладики, Бобои Самосий тўй маъракалардаги ортиқча тантаналарга қарши бўлганлар.

---

<sup>1</sup> Баҳоуддин Балогардон. 24-бет.

Хожа Муҳаммад Бобо қариб қолган пайтларида Баҳоуддинни бобоси Самарқанддан олиб бордилар. Қаердаки бир дарвешни кўрсалар уни уларнинг суҳбатига олиб борардилар ва беҳад ҳожатмандлик изҳор қилардилар. Манбада ёзиладиким, шу аснода Ҳазрати Сайид Амир Кулол ташриф буюрдилар ва: “Менга Хожа Муҳаммад Бобо васият қилиб, фарзандим Баҳоуддиндан шафқатингни аяма, агар бу ишда нуқсонга йўл қўйсанг, сени кечирмайман”, – дедилар. Агар Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобо васиятида нуқсонга йўл қўйсам эркак эмасман”, – дедилар.

Баҳоуддин Нақшбандни Балоғардон бўлишини ҳам Муҳаммад Бобои Самосий башорат қилганлар ва бунга ёрдам берган ҳазрат Азизон кулоҳини ҳам ўз муборақ қўллари билан берганлар.

Муҳаммад Бобои Самосийни ҳаётлари таҳлили кўрсатадики, у киши соҳиббашорат зот бўлганлар:

- Баҳоуддин Нақшбанд туғилишини башорат этганлар.

- Қасри Ҳиндувон Баҳоуддин Нақшбанд туфайли Қасри Орифонга айланишини олдиндан айта олганлар.

- Баҳоуддин Нақшбанд буюк валий, соҳибқаромат бўлишини кўриб билганлар.

- Баҳоуддин Нақшбандга Ҳазрат Азизон кулоҳини бериб, Балоғардон бўлишини айтганлар.

- Амир Кулолга Баҳоуддиннинг тарбиясини топшириб, ўз умрларини поёнини билганлар.

- Кўриш, ҳид билиш, сезиш даражалари юксак бўлган улуғ зот бўлганлар.

Нақшбандия таълимотидаги асосий тушунчалардан бири ризодир. Ризо ҳақидаги таълимотни шаклланишида Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Муҳаммад Бобои Самосийнинг ҳам ўз ўрни бор. Бу ҳақда манбаларда қуйидаги маълумот берилади: Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Бобои Самосийни хизматларига бориб, уйлари ёнидаги масжидда тун билан ибодат қилиб, бошини саждага қўйиб, кучли ҳожатмандлик илтижоси билан тилидан: “Илоҳо, бало ва кулфатнинг юкини кўтара олиш ва муҳаббатнинг меҳнатини торта олиш қувватини менга арзон тут”, – деган сўз ўтди. Тонг отгач, Баҳоуддин Ҳазрати Хожа Бобои Самосий ҳузурига кирди. У киши шундай дедилар: “Эй фарзанд, дуода: “Илоҳо, Сенинг улуғ ризоинг нима ишда бўлса бу бандани ўша ишга мубтало эт!” демоқ лозимдир, чунки Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз ҳикмати билан ўз дўстига муҳаббат балосини юборади ва ўз инояти билан ўша юкни тортишни ўз дўстига ато қилади.”<sup>1</sup> Бу иборалар Нақшбандия тариқатидаги ризо ғоясининг шаклланишида асослардан бири бўлиб хизмат қилган. Муҳаммад Бобои Самосий кўрсатмалари асосида нақшбандия тариқати аҳли учун “Худовандо! Мақсуди ман туи ва ризогии туро металабам”, яъни “Тангрим! Менинг мақсудим сенсан ва сенинг ризолигингни тилайман!” деган ўғит кирган ва бутун сулук аҳли бу иборани мудом тилида, дилида такрорлаб туради ва унга амал қилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Баҳоуддин Балогардон. 24-бет.

2. Киши силсила билан ҳеч ерга етмайди – Баҳоуддин Нақшбанд сулукининг Нақшбандия деган ном билан аталиши ҳам бу тариқат аҳли Оллоҳни ўз қалбларига нақшлаб қўйганларидан гувоҳлик беради. Бу тариқатда зикр этиш ва сўфиёна амалиётни ташқи томонига амал этиб бошқаларга кўрсатиш, шуҳрат учун ҳаракат этиш қаттиқ қораланади. Ҳар бир қилинган ҳаракат қалбдан чиқиши ва Оллоҳ учун бўлиши керак, – дейилади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан сўрайдилар: “Сизнинг силсилатингиз қаерга етади?” Ҳазрат жавоб бердилар: “Киши силсила бирла ҳеч ерга етмас.”

Бу ибора билан Баҳоуддин Нақшбанд айтмоқчи бўлаяптиларки, киши маълум ва машҳур тариқатга киргани, сўфиёна кийим кийгани ва қўлида тасбеҳ олгани билан унда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди, яъни агар ёмон бўлса ёмон, яхши бўлса шу сифатини сақлайди. Фақатгина бу тариқат таълимотини ўзлаштириб, унга ҳам зоҳирий – ташқи ва ҳам ботиний – ички томонидан амал қилганида, у Ҳақиқатга томон юксала боради.

Абдурахмон Жомий Баҳоуддин Нақшбанднинг “Киши силсила билан ҳеч ерга етмас” деган ғоясини қуйидаги назмий сатрлар билан шарҳ этади:

Аз далқу асо сидқу сафое нарасад,  
В-аз сабҳа ба жуз бўи риёе нарасад.  
Гўянд, кужо расад силсилаат,  
К-аз силсила ҳеч кас ба жое нарасад.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Абдурахмон Чоми. Баҳористон. Душанбе. Адиб, 1987. 32-с.

Мазмуни:

Дарвешлик кийими ва асосидан сидку сафо  
етмайди,

Улардан риёдан ўзга нарса етмайди.

Айтарлар сизни силсилангиз қаерга етади?

Силсиладан ҳеч ким бирор жойга етмайди.

## **РИСОЛАИ ҲАЗРАТ МАВЛАВИ ЖОМИЙ [1]**

### **Бисмиллоҳир роҳманир роҳим**

Сарриштаи давлат, эй бародар, ба даст ор,[2]

Ин умри гиروми ба хасорат магузор.

Доим, ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳама ҳол,

Медор нухуфта чашми дил жониби ёр.

Мазмуни:

Эй биродар, давлатнинг боши (асли, асосини)  
қўлга киритгин,

Бу қимматли умрингни зиёнга (беҳудага)

ўтказма.

Доим, ҳар ерда, ҳар ким билан, ҳамма ҳолда,

Қалб кўзингни Ёр томон (Оллоҳга қаратиб),

пинҳон сақлаган.

Хожаи Бузург (Баҳоуддин Нақшбанд – Г.Н.) ва у кишининг хулафолари тариқатининг ҳосили (Ҳақиқат йўлининг натижаси) эътиқодни тўғрилаш деганлар. Бу ишни амалга оширишда пайғамбар (Муҳаммад с.а.в.) авлодлари, суҳбатдош ва издошлари айтган йўлдан бориб, солиҳ амаллар билан суннатга издош бўлиш, ман қилинган, ҳаром дейилган нарса ва ишлардан парҳез қилиш ва ҳузур



(Оллоҳдан доимо огоҳ бўлиш) нинг давомийлигига эришмоқ, шунингдек, бу сифат солиқ (ҳақиқат йўлидан бораётган шахс) нинг малакасига айланмоғи ила ҳосил бўлгай.

**Дину давлатга эришишнинг уч хил йўли бор. [3]**

**Биринчи** – тариқат йўлининг аввали зикрдир. [4] Бунда қалбнинг Оллоҳдан огоҳ бўлиши ҳолатида пок калима Ла Илаҳа Иллаллоҳ (Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ) ни такрорлашдир.

Барча ҳодисотларга адам (йўқлик) ва фано ҳолати билан қараб, мутолаа этиш ва уларни инкор этиш. Оллоҳни азалий ва абадий вужуд назари билан мушоҳада этиб, уни исбот этиш лозим.

Калимани такрорлаш вақти қалбни Ҳақа юзлатиб бутун куч билан айтсинки, унинг асари юрагига бориб етсину, зоҳирда билинмасин. Зикр айтувчининг ёнида бирор киши бўлса, унинг ҳолатидан хабардор бўлмаслиги керак. Бутун вақтларини шундай зикрга ғарқ ҳолатида ўтказсин ва бирор иш билан машғуллик уни бу ишдан сақламасин. Юраётганда, сўзлаётганида ва тинглаётганда, ётганда ва уйғонганида нима билан машғул бўлса, унинг қалб кўзи очиқ бўлиши ва ҳеч вақт ғофил бўлмаслиги керак.

Тонгдан олдин бу калимани такрорлашга кўпроқ ҳаракат қилса, умид борки, унинг баракоти кечгача етади ва бунга шак-шубҳа йўқ.

Бу калимани такрорлашга аҳамият берганида баъзи вақтда унда ўзидан кетиш ва шуурсизлик ҳолати бўлади. Бу ҳолат жазба (илоҳий тортиш)нинг

муқаддимасидир. Ўзини шу кайфиятда сақлаш керак. Қанча муддатда имкон етса, шу ҳолатда туриш даркор. Бу кайфиятда нуқсон юз берса, қайтадан калимани такрорлашни давом эттириш керак, унда малака ҳосил бўлиб, бу кайфиятга озгина таважжух (юзланиш) билан етишиш мумкин бўлади.

Нафасини сақлаб, бир нафасда 1,3,5,7... қанча қила олса калимани такрорлаб, хотирани йўқ қилиш лозим. Бу кайфият жуда азим ҳаловат эканлигини билиб қўй.

**Иккинчи** – таважжух[5] (Оллоҳга юзланиш) ва мууроқаба[6] (Оллоҳга яқинлашиш)дир, яъни Оллоҳдан ўзгани мулоҳаза этмаслик. Бутун қувват ва мадорларни қалбга юзланишга сарфлаб, шу маънида ҳаракатни давом эттириш ва шу ҳолатни сақлаш лозимдир, токим ўртадан кулфат кетсун. Бутун мавжудотларга басират кўзи билан қараб, қувват ва мадорлари билан қалбга юзлансин, токим ўртадан орадаги барча суратлар кетсин.

**Учинчи** – робита. [7] Пир – устоз, муршидга тобеъ бўлиши керак, лекин бу пир мушоҳада мақомига етган бўлиши, Оллоҳ зотини тажаллийси ҳақиқатини англаган бўлиб, унинг дийдори зикр фойдасини бериши керак. Бу пир суҳбатидан дийдор давлатига муяссар бўлиб, бунинг асарини имкони борича ўзида сақласин. Агар шу ишда путур етса, унинг суҳбатига яна муурожаат этсин ва шу кайфият унинг малакаси бўлиб қолиши керак.

Шу даражага етиш лозимки, агар у азиз бўлмаса унинг суратини хаёлга олиб бутун зоҳирий ва

ботиний қувватларни йиғиб, қалбга юзлансин ва барча хотираларни йўқотсин. Бу ишда то ғайбат (руҳий олам сирлари намоён бўлиш даражаси), то бохудлик кайфияти юз бергунча ҳаракат қилиш ва бу муомалани такрорлаб малака ҳосил қилиш керак.

Кўпинча ҳаракат қилиш керакки, муридда шундай қобилияти бўлсинки, пир унга соҳибихтиёр бўлиб, суҳбатнинг аввалида уни мушоҳада мартабасига етиштирсин.

Бу уч тариқ – Ҳақга бориш йўлидан маълум бўладики, (бу тариқат нақшбандийдиқда) қалбга юзланиш бу тоифа (амалиёти ва таълимотининг) асосида бор экан. Буни (таълимот ва амалиётни) вуқуфи қалби (қалбдан огоҳлик) деб атайдилар.

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд вуқуфи қалбийни барча вақтда зарурий деб ҳисоблаган.

Монанде мурге бош, ки он бар байзаи дил посбон,  
К-аз байзаи дил зоядат мастии завқу қаҳ-қаҳа.

Мазмуни:

Шундай қуш каби бўлсинки, у қалб байзаси  
(тухми) қўриқчисидир,  
Чунки шу қалб байзасидан завқ, қаҳ-қаҳанинг  
мастлиги туғилади.

Яна:

Рў бар дари дил биншин, ки он дилбари хиргоҳи,  
Вақти саҳари ояд, ё ба ним шаби бошад.

Мазмуни:

Қалбинг эшигига юзланиб ўтиргин, чунки у дилбар,  
Ё саҳар вақти келади, ё ярим тунда намоён бўлади.

Вуқуфи замоний – замондан огоҳлик бу вақт муҳофазасидир. Вақтни назорат қилиш лозимки, у Оллоҳ билан бирга ўтдимиз, ё ундан ажралган ҳолда ўтдимиз.

Вуқуфи адади – сондан огоҳлик – зикрдан ададнинг мулоҳазасини у натижа беридими ё йўқми.

Агар шу уч (калимаи қудсия)га[8] риоя вақтида туш кўрса, тушга эмас, балким асосий мақсадга юзлансин, Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд айтадиларки, туш кўриш тоатни қабул қилиш аломатидир. Аммо тушда ҳосил йўқдир.

Байт:

Чун ғуломи офтобам, ҳама зи офтоб гўям,  
На шабам не шабпарастам, ки ҳадиси хоб гўям.

Мазмуни:

Мен қуёшнинг қулиман (бу ерда барча нурларнинг манбаи назарда тутилмоқда), ҳамма нарсани қуёшдан дейман. Мен тун ҳам эмасман ва уни эъзозлаб асрайдиган ҳам эмасманки, тушнинг ҳадисини айтсам.

Кимга Ҳақ Таоло бу йўл (тариқ) билан машғул бўлишни давлат қилиб ато этса, ўзни машхур этмасин, ошкор қилмасдан имкони борича унинг хуфия – яширин бўлишига ҳаракат қилсин. Бу йўлни маҳрам ва номаҳрамдан пинҳон этсин.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан сўрадилар:

– Сизнинг тариқатингизнинг баноси (асоси) нимада?

Ҳазрат айтдилар:

– Анжуманда хилват. Зоҳирда (ошкора) халқ билан, ботинан (аслида, ичидан, қалбдан) Ҳақ субҳонаҳу билан.

Аз дарун шав ошнову аз берун бегонаваш,  
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

Мазмани:

Ичдан ошно, лекин ташқаридан бегонадай бўл,  
Бундай зебо равиш жаҳонда кам бўлади.

Бу тоифадан баъзилар айтганлар: - бу тариқатнинг энг латиф ҳижоби (ўзгалардан пинҳон асровчи тўсиғи) ифода ва истифода этиш суратидир. Бу илмнинг намояндалари ўзгалар суҳбатидан парҳез айлаши керак. Имон нуридан узоқ, табиати зулматига масрур ва даъвогарларнинг суҳбатидан узоқ бўлсин.

Бу силсила хулафоларидан бирида шул рубоий бор (бу рубоий Хожа Али Ромитаний – Ҳазрат Азизонга мансуб – Г.Н.).

Бо ҳар ки нишастию нашуд жамъ дилат,  
В-аз ў нараמיד заҳмати обу гилат.  
Знҳор зи сўхбаташ гурезон мебош,  
Варна накунад руҳи Азизон беҳилат.

Мазмуни:

Ким билан ўтирдингу қалбингдир ноҷам,  
Кетмади суву гилнинг заҳмати ҳам.  
Улар суҳбатидан узоқда бўлмасанг,  
Азизоннинг руҳи кечирмас ҳеч ҳам.

Бу тариқа (нақшбандия) сўзларини айтган ва ёзган бу фақир (Абдурахмон Жомий) улардан ихлос ва завқ олди ва шу маънига келди:

Рубоий:

Бо ин ҳама беҳосилию ҳеч каси,  
Дурмондаю норасою булҳаваси.  
Додем туро зи ганжи мақсуд нишон,  
Мо гар нарасидем, ту шояд бираси.

Мазмуни:

Бу ҳосилсизлик ва ҳеч ким бўлишимиз билан,  
Сендан узоқда, етишолмайдиган бир  
булҳаваслик билан.  
Сенга мақсад ганжини кўрсатдик,  
Биз етишолмасак, мабодо сен етсанг.

Ҳақ Субҳонаху барча кераксиз нарсалардан ўзи асрасин, бўлиши керак бўлмаган ҳодисалардан паноҳ берсин.

Жомий рисоласи тугади.<sup>1</sup>

**Форс-тожик тилидан Иброҳим Қосимов ва  
Гулчехра Наврўзова таржимаси**

## **ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР**

1. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) ҳаёти, таълимоти ва тариқати ҳақида “Мақомот”, “Маноқиб”, “Тазкира”лар билан бирга у

---

<sup>1</sup> Таржима Наврўзова Г. Нақшбандия камолот йўли. Т.: Фан, 2007. 183–187-бетларда нашр этилган.

кишининг издошлари томонидан ёзиб қолдирилган “Рисола”лар сақланган.

Рисола – бирор илмий масалага бағишланган кичик ҳажмли асар бўлиб ҳисобланади. Нақшбандийлик таълимоти ва тариқатига оид муҳим манбалардан бири қаторига “Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий”ни киритиш мумкин. Бу рисола “Нақшбандия тасаввуф тариқати тўплами”да<sup>1</sup> Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Ҳазрат Хожа Баҳоуддин”, Убайдулло Аҳрорнинг “Анфоси нафиса”, Хожа Али Ромитанийнинг “Рисолаи Ҳазрати Азизон” ва Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарлари билан бирга ёзиб қолдирилганлиги унинг нақшбандия таълимоти ва тариқатини ўрганиш учун аҳамиятини сўзсиз ифода этмоқда.

“Рисолаи ҳазрат Мавлави Жомий” Бухоро музейидаги 12545-11 рақамли жиҳоз сифатида сақланмоқда. “Рисола” киритилган “Тўплам” тош босма ҳолатида бўлиб, араб графикасида, форс-тожик тилида ёзилган. У Бухородаги “Бухорои Шариф” матбаасида ҳижрий 1327, милодий 1909–1910 йилларда жумодиал аввал ойининг 2-чисида чопдан чиққан. Асарнинг тошбосма нусхаси охирида котиб Мир Мухсин Мулло Зиёуддин бин Файзулло Маликул Мубин деб ёзилган.

“Рисолаи ҳазрат Мавлави Жомий”нинг шу нусхаси Бухоро вилоят Ибн Сино номли кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари бўлимида 1158-998

---

<sup>1</sup> Наврўзова Г., Қосимова З. “Нақшбандия тасаввуф тариқати” тўпламининг Бухоро музейи нусхаси // Памятники истории и культуры Бухары. Сб.статей. Вып. 3. Бухара, 1994. С. 65-77.

жиҳоз номери билан ҳам мавжуд. Бухорода Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд авлодларидан бўлган Ақобиров Раҳмат ва Хожа Аҳрор Валийнинг авлодларидан Орифхўжа ибн Муҳиддинхўжаларнинг шахсий кутубхоналарида ҳам бу манба сақланмоқда.

“Рисолаи ҳазрат Мавлави Жомий” “Нақшбандия тасаввуф тариқати” тўпламининг ҳошиясида тўртинчи асар сифатида 138-158-бетларда чоп этилган.

Бу “Рисола” ҳақида манбаларда маълумотлар мавжуд. Шарқшунос олима О.П.Щеглова манбанинг бу нусхаси ҳақида маълумот берганда уни Абдурахмон Жомийнинг асари сифатида кўрсатган.<sup>1</sup> Унинг маълумоти бўйича бу асар яна “Рисола-йи таважжух-и хожагон”, “Рисола дар тариқати нақшбандия” ва “Рисолаи тариқати хожагон” номлари билан маълум.<sup>2</sup>

Тоҷикистон Фанлар академияси қўлёзмалар ва шарқшунослик бўлимининг 2064/У номерли жиҳоз сифатида Абдурахмон Жомийнинг бу асари “Тариқати хожагон нақшбанд” номи билан қўлёзма нусхасида сақланмоқда.<sup>3</sup>

Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва тариқати мафкурасини махсус тадқиқ этган тоҷик олими А.Муҳаммадхўжаев бир жойда Абдурахмон Жомийни “Тариқати хожагон” асари борлигини қайд этса, бошқа жойда асосий манбалар қаторида уни номини

---

<sup>1</sup> Щеглова О.П. Каталог литографированных книг на персидском языке. Част.1. М.: Наука, 1975. С.259.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ражабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. Душанбе: Ирфон, 1968. С. 305.



“Сарриштаи тариқати хожагон” (Қобул 1343 ҳижрий 1964) деб ёзади.<sup>1</sup>

Турколог олим В.А.Гордлевский ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга махсус бағишланган мақоласида бу манбани “Рисолаи Мавлави (Мавлоно) Жомий” деб келтиради.<sup>2</sup>

Абдурахмон Жомий ва нақшбандийликка оид манбалар ва тадқиқотлар таҳлили кўрсатадики, “Рисолаи Мавлави Жомий” ҳақида маълумот бўлса-да, лекин бу асар махсус тадқиқ этилмаган.

“Рисолаи Мавлави Жомий”да муаллифи ҳақида маълумот берилган. “Рисола”нинг бошида шундай ёзилган: “Бидон, ки яке Сайид Аҳмад ном аз муқаррибон ва шогирдони Жаноб Ҳазрат Мавлоно Шайх Абдурахмон Жомий ба қалами худ навишта аст, ки ин рисола аз навиштаи жаноби Мавлоно Ҳақоикпаноҳ Марҳум Маҳдум Ҳазрат Мавлави Жомий (қ.с.а.) жиҳати шоҳи Гилон бо илтимоси вай навиштааст ин аст”<sup>3</sup>. Мазмуни: “Билгинки, Сайид Аҳмад номли Жаноб Ҳазрат Мавлоно Шайх Абдурахмон Жомийнинг яқини бўлган шогирдларидан бири ўз қалами билан қайд этгандирким, бу рисола жаноб Мавлоно Ҳақоикпаноҳ Марҳум Маҳдум Ҳазрат Мавлави Жомий (қ.с.а.)нинг асарларидан бўлиб, Гилон шоҳи учун, унинг илтимосига асосан ёзилган”.

“Рисолаи Мавлави Жомий” йирик мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг қаламига мансуб бўлганлиги

---

<sup>1</sup> Мухаммедхожаев А. Идеология нақшбандизма. Душанбе: Дониш, 1991. С.9.

<sup>2</sup> Гордлевский В.А. Изв. соч. Т. III. М., 1962. С. 377.

<sup>3</sup> Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомии. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327/1909. С. 138.

бу манбанинг нақшбандийлик таълимоти ва тариқати учун ниҳоятда қимматли эканлигини кўрсатади.

2. “Рисолаи Мавлави Жомий” 1994 йилда Қобулда беҳуда “Сарриштаи тариқати хожагон” (Хожагон тариқати – тасаввуф йўлининг асли) номи билан нашрдан чиқарилмаган. Бу ном “Рисола” моҳиятини кўрсатади. “Рисола”нинг мазмуни кўрсатадики, у нақшбандийлик тасаввуфий тариқатининг аъзоларига ҳақиқатга эришиш йўлининг асл моҳиятини очиб беради.

Сарришта деган сўз айнан калаванинг учи, ипнинг боши маъносини англатса-да, у ишнинг асоси, бирор масалани ҳал этиш йўлининг боши, ибтидосини кўрсатади. Абдурахмон Жомий бу “Рисола”си орқали ҳақиқатга етиш, боқийликка эришиш йўлининг асосларини кўрсатади.

Бу ерда Абдурахмон Жомий давлат сўзини абадий, боқий бахту иқбол маъносида ишлатмоқда ва ҳаётнинг асл жавҳарини англаб умрни беҳудага ўтказмасликка ундамоқда. Жомий бундай асл моҳиятти англаш йўлини қалб кўзини пинҳон равишда доимо Оллоҳга қаратишда эканлигини айтмоқда.

Абдурахмон Жомийнинг асосий тасаввуфий асари “Лавоих”ни эркин таржима қилган профессор М.Н.Болтаев қалб кўзи иборасига тўхталиб, уни инсоннинг ботиний томони, қалб руҳи, инсоннинг моҳияти деб шарҳ этганлар.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Болтаев М.Н. Абдурахман Джами о человеке, его смысле жизни и назначении. Бухоро, 1993. С. 10.

Инсон қалб кўзини Оллоҳга қаратиш учун ўзини-ўзи чуқур англаши, ўз моҳиятини кўра билиши керак. “Лавоих” асарида келтирилган Жомийнинг мисралари “Рисола”сидаги сўзлари билан ҳамоҳанглиги кўринади:

Дорам ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳама ҳол,  
Дар дил зи ту орзу, дар дида хаёл.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Ҳамма жойда, ҳар ким билан бўлганда, ҳар ҳолда,  
Дилда сенинг орзунг, дидада (қалб кўзида)  
сенинг хаёлинг билан мен.

3. Абдурахмон Жомий “Рисола”да асл моҳиятни қўлга киритиш лозим деб, дину давлатга эришишнинг асосий уч йўли борлигини айтади. Жомийнинг фикрича, зикр, таважжуҳ ва мувоқаба билан робита боқийликка етишишнинг асосий йўллари дир.

4. Зикр сўзи Оллоҳни ёдлаш учун, у билан боғланиш мақсадида тасаввуф тариқатларида амалга ошириладиган махсус руҳий машқларга айтилади. Йўлнинг боши зикр эканлиги ва бу қалб ҳузури билан амалга ошиши лозимлиги таъкидланилади. Рисоладан маълум бўладики, бу тариқатда асосан зикри хуфия – яширин ҳолда зикр этиш қабул қилинган.

5. Таважжуҳ сўзи юзланиш маъносини англатади. Тариқат йўлига кирган шахс ҳар бир нарсани кўрганда ундаги фаний ва асл томонни ажрата олиши ва фақат унинг асли бўлган илоҳий қудратига

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 25-бет.

юзланиши лозим. Таважжух ҳолатига етишган киши Оллоҳга яқинлаша бориб қурб ҳолатига етади. Бу вақтда муроқабани амалга ошириш мумкин бўлади. Чунки Оллоҳ ва солиқ орасида барча ҳижоб – тўсиқлар кўтарилади, улар бир-бирларини кўра бошлайдилар.

6. М у р о қ а б а – орифларнинг руҳий камолот йўлларида биринчисидир. “Билгинким, муроқаба муштоқ бўлишдир. Муроқаба тараққаба-интизор бўлмоқ сўзидан олинган. Бунда солиқ – Ҳақ йўлидан бораётган киши ўзига хос ҳайъат билан ўтириб ва Оллоҳдан келадиган файзга интизор бўлади. Шунинг учун уни муроқаба деб атайдилар”.<sup>1</sup> Демак, муроқаба – муштоқлик, интизорлик бўлиб, Оллоҳдан келадиган файзга мунтазир бўлиб туришга айтилар экан. Нақшбанд муроқаба ҳақида яна шундай деган: “Муроқаба Ҳақ йўлидан бораётган кишининг доимо аҳадият – яккаю ягона Оллоҳ жамолининг нозирини бўлиши, ундан ўзга нарсаларни унутиши, йўқ деб ҳис этиши ва фано ҳолатида бўлишидир”.<sup>2</sup> Бошқача қилиб, тагин у таъкидлайди: – “Яратувчига доимий назар қилиш билан одамларни унутиш-муроқабандир”, “ёки айтамыз давому-л-назари ила-л холиқи би-нисийни руъяти-л махлуқи” – яралганларни кўришни унутиш билан яратувчига доимий назар қилиш, яъни бу йўлда юрувчи доимо Тангри жамолига нозир (назар қилувчи) бўлиши керак. Унутиш,

---

<sup>1</sup> Абдурахим Нақшбанди. Шажарайи таййибайи машойихи нақшбандия – мужаддидия. 71-бет.

<sup>2</sup> Муҳаммад Боқир. Мақомоти Хожа. Баҳоуддин Нақшбанд. Тошбосма 66-бет, Салоҳиддин ибн Муборак Анис ат-толибин ва уддат ул-толибин. 78-бет.

йўқлик ва фано рақамини барча маҳлуқотларнинг пешонасига битиши лозим. Нақшбанд таъкидлайдилар: “Муроқабанинг давомийлиги нодир ҳолдир. Биз бунинг ҳосилини топганмизки, бу нафсга қаршилиқдир”.<sup>1</sup>

7. Робита сўзи алоқа, восита маъносини англатади. Робита нақшбандийлик тариқатини ўзига хос томонини кўрсатади. Чунки бу тариқатда доимий пирнинг хизматида бўлиш эмас, Оллоҳга юзланиш ва муроқабани қилиш даражасига етишгач, “даст ба кор”да бўлиш талаб этилади. Пир, муршид руҳий қувватни бошқариш йўллари кўрсатади, лекин солиқ мақсади Ҳақ ва Ҳақиқат бўлиб қолади. Шунинг учун Жомий бу тариқатга шундай таъриф берган:

Нақшбандия ажаб қофилаосоранд,  
Ки баранд аз раҳи пинҳон ба ҳарам қофиларо.  
Аз дили солики раҳ жозибай суҳбаташон,  
Мебарад васвасаи хилвату фикри чилларо.

Мазмуни:

Нақшбандийлар ажаб карвонбошидурларки,  
Пинҳон йўл билан карвонни манзилга  
элтарлар.  
Уларнинг суҳбати жозибаси туфайли,  
Солиқлар қалбидан хилвату чилланинг  
васвасаси кетади.

Нақшбандия таълимотининг “хилват дар анжуман” тамойилини амалга оширишга ёрдам берадиган хусусиятлардан бири – робитадир.

---

<sup>1</sup> Мақомот. 66-бет.

“Нақшбандия тариқати хожагон тариқати йўлига асосланиб, уни увайсийлик ва робита каби мўъжиза билан бойитди”,<sup>1</sup> деган ғояни илмий таҳлил этиш бу таълимотдаги робита ва увайсийлик хилватни анжуманда бўлишига имкон берадиган омиллар эканлигини исбот этади.

Нақшбандия таълимотида меҳнат қилиб, жамиятда фойдали киши бўлишга имкон берадиган тушунча р о б и т а дир. Абдурахмон Жомий комил инсон даражасига етишни асосий йўлларига зикр, таважжух, мувоқабат билан бирга робитанинг ўрнини қайд этган.

Асосан, нақшбандия тариқатида кенг тарқалган робита тасаввуф психологиясида муҳим ўрин тутди. Робита сабабли Арабистон ва, айниқса, Мағриб ҳудудида дарвешларга “муробит”, такаларга эса “рибот” дейилади. Робита – айна вақтда мурид жисман муршиди билан бирга бўлмаса ҳам, руҳан унинг ҳузурида эканини ва муршидининг маънавий мавқеининг давомийлигини сақловчи воситадир. Айниқса, мубтадий – янги бошловчи солиқларга робита ўз-ўзини назорат қилиш вазифасини бажарувчи фойдали асосдир. Робита мавзусида мустақил асар ёзган Абдулҳаким Арвосийнинг ёзишича, бевосита Аллоҳдан файз олиб, истифода қилишга қодир бўлмаган солиқ – робитага муҳтож. Даражаси юксалиб, бевосита Аллоҳдан файз олиш қудратига эришгач эса, робитани тарк этиши

---

<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. 9-том. Истанбул, 1954. 54-бет.

вожибдир.<sup>1</sup> Шу жумладан, Имом Раббоний ҳам соликнинг камолотга эришувида робитанинг зикрдан ҳам фойдалироқ эканига ишора қилади.<sup>2</sup>

8. “Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий”да Баҳоуддин Нақшбанд айтган уч ибратли калом ёзилган. Уларнинг биринчиси вуқуфи замоний, иккинчиси вуқуфи адади ва учунчиси вуқуфи қалбийдир.<sup>3</sup>

Баҳоуддин Нақшбанднинг “вуқуфи замони” тамойили нафсни жиловлаш учун жуда катта аҳамиятга эга. “Бу қоидага асосан, банда ҳамиша ўз аҳволидан воқиф бўлмоғи лозим, токи ҳар бир сифат ўзгаришда (замонида) банданинг ҳоли қандай кечади, мавжиби шукр бўладими ёки мавжиби узрми. Бу деган гап, солик (Ҳақ йўлидан бораётган киши) ўз умридаги ҳар бир дақиқани, яхшилиқ (хайр) билан ўтдими ёки ёмонлик (шарр) билан ўтдими, буни доимо ҳисоб-китоб қилиб яшамоғи даркор”.<sup>4</sup> Демак, “вуқуфи замони”га асосан Ҳақ йўлидан бораётган шахс ўз аҳволини назорат қилиши, тўғри иш қилган бўлса шукр қилиши, гуноҳ қилган бўлса истиғфор айтиб, Оллоҳдан мағфират сўраши лозим. Мавлоно Яъқуби Чархий маълумот берадики, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд менга, оғир ҳолатимга истиғфор этишга, тавба қилишга ва яхши, хуш аҳволимда шукр этишга амр этардилар ва шу икки

---

<sup>1</sup> Арвосий А. Робитаи шарифа, 2-бет. Иқтибос ўша ердан олинган.

<sup>2</sup> Мактубот. 1-ж, 187-бет. Иқтибос ўша ердан олинган.

<sup>3</sup> Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 153, 183-бетлар.

<sup>4</sup> Кошифий Фахриддин Али бин Хусайн Воиз ас-Сафий. Рашахот айн ал ҳаёт. Т.: Орифхонов. 1337. 26-бет.

ҳолатга риоя этиш вуқуфи замони эканлигини айтар эдилар.

Нақшбандия тариқати аҳли орасида бутун тасаввуф аҳлига хос бўлганидек, вақт жуда қадрланган. Вақтнинг нақадар қимматли ва азиз эканлигини билиш лозимлигини солиқларга уқтирганлар. Уни бекорга зое этиб сарфлашдан уларни сақлаганлар. Зеро, вақт – нақддир. Уни бошқа қайтариб бўлмайди. Шунинг учун солиқлар йўлнинг қайси мартабасида бўлсалар ҳам вақтни муҳофаза ва муҳосаба этиб, уни зое этмасликка ҳаракат қилганлар. Туркиядан чиққан “Тасаввуфий ахлоқ” деган китобда муҳосаба ҳақида гап кетганда қуйидаги мисралар ёзилган:

Нақди умри йўқ ерга сарф этма ғафлат айлайиб,  
Ҳар замон тоатда бўл, ул ғафлатла эптар бўлмагил.  
Вақтингга олим бўлиб, дарк айла дуру нафъини,  
Бўлма жоҳил вақтингга, хусронга мазҳар  
бўлмагил.<sup>1</sup>

Вақтни сақлаш, асраш учун бу таълимот кундузлари – рўзадор, кечалари бедор бўлишни талаб этади. Яъни вақтни ейиш ва ухлашга сарфламасдан, оз ейиш, оз ухлаш керак, дейди. Қалбни беқарорликдан, Оллоҳдан ўзгага боғланишлардан ҳимоя этиш, тилини қуруқ сўздан, кўзини фойдасиз нарсага боқмоқдан, қулоқларни кераксиз ва гуноҳкор овозлардан, оёқларини беҳуда ерга, гуноҳга ботган жойларга боришдан муҳофаза эта олиши керак.

---

<sup>1</sup> Аҳмад Заҳид Кутку. Тасаввуфи Ахлоқ. Истанбул: Са, 1985. 102-бет.



Ҳаром ва шубҳали нарсаларни ейишдан жуда ҳам сақланиши керак. Ахлоқи замимани тўлалигича тарк этиши, бу моддий дунёдаги тааллуқотларини узиши лозим. Вақтида қилиниши лозим бўлган тоат ва зикрларни қилиш, уни бошқа замонга қолдирмаслик керак. Дангасалиқдан жуда сақланиш керак.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бу тариқат аҳли ўртасида шундай фикр ҳукмрон бўлган: “Мусибатлар жуда кўпдир. Фақат энг буюк мусибат эса в а қ т нинг фойдасиз, бекорга кетишидир”.<sup>1</sup>

“Буқуфи замоний” тушунчасининг асоси бўлган “Ҳуш дар дам” талабини кўп мутасаввифлар таҳлил этганлар. Абдурахмон Жомий ҳам бу масалага оид махсус рисола ёзган. Унда ҳам ҳар дам, ҳар нафас, вақтни асраш лозимлиги таъкидланган. Унинг шундай мисралари бор:

Туро як панд бас аст дар ду олам,  
Ки аз жонат наояд бе худо дам.  
Агар ту пос дори поси анфос,  
Ба султони расонандат аз он пос.<sup>2</sup>

Мазмуни:

Икки олам учун сенга бир панд, ўғит басдур,  
Жонингдан Оллоҳсиз бирор нафас (дам)  
чиқмасин.  
Агар сен нафасларингни қўриқласанг, сақласанг,  
Бу муҳофазанг сени султонликка етказди.

---

<sup>1</sup> Аҳмад Заҳид Кутку. Тасаввуфи Ахлак. Истанбул: Саа, 1985. 102-бет.

<sup>2</sup> Жоми А. Рисола дар маънии хуш дар дам. ЎФАШИ. Қулёзма N 3844-В. 126а-бет.



Мазмуни:

Касрат-кўплика яхшилаб назар қилсанг,  
вахдатнинг ўзидир.  
Сенда шак бўлса, менда бунда шак қолмади.  
Ҳар бир ададга эътибор билан қарасанг,  
Сурати турлича бўлсада, аммо асли биттадир.

Жомийнинг “Шарҳи рубоиёт”ида Баҳоуддиннинг  
“вуқуфи адади” таълимоти қуйидагича изоҳланади:

Дар мазҳаби аҳли кашф ва арбоби хирад,  
Сорист аҳад дар ҳама афроди адад.  
Зеро, ки адад гар чи берун аст зи ҳад,  
Ҳам сурату ҳам модаам ҳаст аҳад.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Кашф аҳли ва хирад арбоби мазҳабида,  
Барча ададлар аҳад бўлинмасидир.  
Чунки ададлар ҳаддан ортиқ бўлсада,  
Уларнинг сурат ва асоси ягона аҳаддир.

Бу рубоий орқали “вуқуфи адади”нинг асли  
тавҳидга етиш эканлиги кўрсатилади.

Баҳоуддин бу жараён жуда мураккаб эканлигини  
қуйидагича баён этган:

Сад ҳазорон қатраи хун аз дил чакид,  
То нишони қатра з-он ёфтам.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Али Сафий. Рашаҳот айнал ҳаёт. Тошбосма. 28-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 65-бет.

Мазмуни:

Юракдан юз минглаб қатра қон томди.  
То мен ундан нишона топа олгунимча.

Демак, зикр қилиш, қалбни поклаш, тавҳид калимаси моҳиятига етиш орқали ладуний илм даражасининг аввали бошланар экан. Яъни бу илмни қабул этишда қалб юмшаб, покланиб, вужуд фано бўлиб, файзни қабул қилишга тайёр бўлар экан.

Баҳоуддин Нақшбанднинг “вуқуфи қалбий” таълимоти икки маънони англатади. Биринчиси: “ҳақиқатни англашни истаган кишининг қалби Ҳақдан огоҳ бўлиб туриши. Бунини ё д д о ш т деб айтадилар”.<sup>1</sup> Шу маънода яна у “Вуқуфи қалбий” қалбнинг Ҳақдан шу даражада о г о ҳ ва ҳозир бўлишики, худонинг ўзидан бошқа бирон нарса уни машғул қилмайди”,<sup>2</sup> деб айтади. Бошқа жойда огоҳликни зарур ҳисоблаб, уни ш у ҳ у д, в у с у л ва вуқуфи қалбий деб номлайди.

Иккинчи маъноси: “Солик ўз қалбидан воқиф бўлиши ва т а в а ж ж у ҳ қилиши, яъни унга тўла юзланиши керак. У қалбини Тангри зикри билан машғул бўлишга чорлаши ва уни ғофил бўлишга қўймаслиги керак”.<sup>3</sup>

Баҳоуддин нафасни сақлаш ва санокқа эътибор беришни асосий деб санамаган, лекин вуқуфи қалбийни шу икки маънода ҳам лозим деган. У бутун мақсадларнинг хулосасини вуқуфи қалбида деб билади.

---

<sup>1</sup> Али Сафий. Рашаҳот айнал ҳаёт. Тошбосма. 28-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

Монанди мурғе бош к-он дар байзаи дил посбон,  
К-аз байзаи дил зоядат мастиву завқу қаҳқаҳа.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Шундай қуш каби бўлгинки у дил байзасига  
посбондир,  
Чунки дил байзасидан мастлик, завқ ва қаҳқаҳа  
туғилади.

Демак, вуқуфи қалбий шундай таълимотки, инсон унга асосланиб, доимо барча ҳолат ва иш қилаётганида қалбига қараб огоҳ бўлиши, қалби бўлса фақатгина илоҳий нурларни тажаллий этиши керак. Шундагина инсон Оллоҳнинг ердаги халифаси ва бутун оламнинг гултожи вазифасини бажара олади. У шундагина кубро оламини ботинида акс эттириб, айна пайтда суғро олами бўлиб қола олади. Бу таълимотда таважжуҳ ва муроқаба амалиёти бирлашган бўлади.

“Рисолаи Мавлави Жомий” Баҳоуддин Нақшбанддан сақланган уч қудсий калима ҳақида маълумот берувчи манбалардан биридир. Демак, нақшбандия таълимоти хожагон тариқатидан “вуқуфи замоний”, “вуқуфи ададий”, “вуқуфи қалбий” рашҳа – қудсий каломлари билан фарқ қилади. Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф таълимоти ва амалиётига вақт, сон, қалб ҳақида илмни киритган орифдир.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

## НАВОИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий дўсти ва устози Абдурахмон Жомий раҳбарлигида тасаввуф фалсафаси ва нақшбандия таълимотини ўрганган. Алишер Навоий 1476 йилда нақшбандия тариқатини ихтиёр этиб, унга кирган.<sup>1</sup> У Абдурахмон Жомийни ўзига пиру муршид деб танлаган. Бу тарихий воқеа нақшбандия тариқатининг Алишер Навоий ҳаёти, фалсафий қарашлари ва таълимотида юксак ва муҳим мавқеа эгаллаганини кўрсатади.

Навоий маданий меросини ўрганиб, унинг нақшбандия тариқатига доир яратган дурдоналарини мазмун-моҳиятига қараб шартли равишда иккига бўлишимиз мумкин:

Биринчи – нақшбандия тарихига бағишланган асарлар.

Иккинчи – нақшбандия тариқатининг назарияти ва амалиёти моҳиятини очиб берувчи манбалар.

“Насойим ул-муҳаббат мин шамойимул-футувват” Алишер Навоийнинг нақшбандия тарихига доир ёзилган энг йирик асаридир. Бу асар асосан Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳотул-унс мин ҳазаротал-қудс” асарининг тўлдирилган таржимасидир.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари туркий тилда ёзилган тасаввуф тарихига оид жуда қимматли манбадир. Унда Ўрта Осиёда тарқалган тасаввуфнинг йўлбошчиси ва хожагон-

---

<sup>1</sup> Тримингэм Дж.С.Суфийские ордена в исламе. М. 1989. – С.84.; Афсаҳзод А.Джами. Душанбе. 1989-С.13.

нақшбандия тариқатининг пири Юсуф Ҳамадоний, хожагон тариқатининг асосчиси Абдулҳолиқ Гиждувоний, унинг издошлари Хожа Али Рометаний, Хожа Муҳаммад Бобои Самосий, Саид Амир Кулол, нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд, нақшбандия тариқатининг йирик намоёндалари Хожа Муҳаммад Порсо, Саъдуддин Қошғарий, Мавлоно Жомий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқалар ҳақида нодир маълумотлар берилган. Энг қимматлиси – бу асар туркий тилда ёзилган асл манбадир. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарининг бошқа форсий тилда ёзилган нақшбандия тарихига доир манбалардан афзаллиги шундаки, унда турк машойихлари ҳақида нодир маълумотлар бор. Масалан, бу асарда биз нақшбандия тариқатининг асосчиси бўлган Баҳоуддин Нақшбанднинг устозларидан турк машойихлари Қусам Шайх ва Халил ота ҳақида маълумотни топдик. Бу эса нақшбандия тарихини ёритадиган асосий манбалар Жомийнинг “Нафаҳотул-унс” ва Фахриддин Али Кошифий ас-Сафийнинг “Рашаҳот айн-ул ҳаёт” асарларида учрамайди.

Алишер Навоийнинг нақшбандия таълимотининг асл моҳияти тўғрисидаги фикрлари унинг қитъа ва шеърлари, “Ҳамса”, “Лисонут-тайр”, “Маҳбубул-қулуб” ва бошқа асарларида кенг ёритилган. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий нақшбандия йўлининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ва у кишининг издошлари бўлган шайхларни “Лисон ут-тайр” асарида сидра дарахти (жаннатдаги дарахт)даги қушларга ўхшатади. Шоир бу қушлар сокин ва тинч ҳаёт

кечирадилар, ҳеч нарсадан норози эмаслар, ҳар ёққа талпиниб парвоз қилмайдилар дея, бундай юксак даражанинг асосини нақшбандия таълимотининг тамойили бўлган тўрт рашҳа ташкил этганлигини таъкидлайди. Асарда Ҳудҳуд тили орқали нақшбандия таълимоти моҳияти қуйидагича очиб берилган:

Бор анингдек қушки очмай болу пар,  
Сидра шохи устида айлар мақар.

Келди хилватгоҳи они анжуман,  
Сайр этар, лекин ери доим ватан.

Аршпарвоз ўлдию сидранишин.  
Элга зоҳир айламай парвоз ишин.

Эрмас ул Симурғдин айру даме,  
Васлидин кўнглига ўзга оламе.

Етмайин жонига ҳажридин газанд,  
Сурати васлида ҳар дам Нақшбанд.

Боши узра мавҳибат тожи онинг,  
Жилвагоҳи васл меърожи онинг.

Васлдин мамлу, вале дам асрабон,  
Ғайрдин ҳолини мубҳам асрабон.

Васл юз минг дурридин кўнглида жўш,  
Лек улуб оғзи садаф янглиғ хамуш.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Лисонут-тайр. – Тошкент. 1991. – Б. 81.



Бу мисраларда Алишер Навоий «қушки очмай болу пар» сидра-еттинчи осмондаги дарахтнинг шохида манзил қурган деган мажозий иборалар орқали нақшбандия тариқатининг асосий ахлоқий талабларидан бўлган “Сафар дар ватан”нинг моҳиятини очиб беради. “Хилватгохи онинг анжуман” мисралар орқали эса нақшбандия ахлоқий талабларидан яна бири “Хилват дар анжуман”ни тавсиф этади. Нақшбандиянинг асосий ахлоқий талабларидан “Ҳуш дар дам” Навоийнинг “эрмас ул Симурғдан айру даме”, “сурати васлида ҳар дам Нақшбанд” каби мисралари орқали тавсиф этилган. Нақшбандия таълимотидаги хуфия зикр “лек ўлуб оғзи садаф янглиғ хамуш” мисралари билан тасвирланган.

Алишер Навоий ўзининг “Қаноат нақшининг ифшоси ва нақшбандия тариқатининг адоси” қитъасида нақшбандия ахлоқий талабларининг асоси тўртта эканлиги: “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман”ларни шеър ила изоҳлайди ва қуйидаги гўзал мисраларда тавсиф этади:

Десанг, хилватим анжуман бўлмасин,  
Керак анжуман ичра хилват санга.  
Ватан ичра сокин бўлуб, сойир ўл,  
Сафардин агар етса меҳнат санга.  
Назарни қадамдин йироғ солмағил,  
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.  
Дамингдин йироғ тутмағил хушни,  
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.  
Бу тўрт иш била рубъи маскан аро,

Чолинмоқ, не тонг кўси давлат санга.  
Бу оҳанг ила бўлғайсен Нақшбанд,  
Навоий, агар етса навбат санга.<sup>1</sup>

Нақшбандия таълимотидаги асосий камолот ҳолати – фанога оид Навоийнинг айтган фикрлари жуда қимматлидир. Алишер Навоий “Лисонут тайр” достонида фанои комил ҳақида фикр юритаркан, Баҳоуддин Нақшбанд хоксорлик қилиб ўзини итнинг изидан ҳам паст тутганлигини баён этади. Бу ерда ҳам Навоийнинг нақшбандия тариқатининг моҳиятини тўла англаб етганлиги кўрсатилади. Дарҳақиқат, бу тариқат аҳли бутун борлиқ Оллоҳнинг тажаллийси, унинг ҳусни намоён бўлиши деб уни эъзозлаганлар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг “Ал косиб ҳабибуллоҳ” ҳадисини шарҳлаб, баён этганларини Алишер Навоийнинг қуйидаги назмий мисралари очиб берган:

Нукта асносида Ҳабибуллоҳ,  
Деди, ал косибу ҳабибуллоҳ.  
Маъни айтур бу сўзга пири комил,  
Ки сўз эрди Ҳақ сари шомил.  
Ғараз эрмас бу сўздин дунё,  
Бал эрур касбдин мурод фано.<sup>2</sup>

Мисралар мазмунидан маълум бўладики, ҳалол меҳнат, холис амал натижасида фано ҳолати ҳосил бўлади ва шахс боқийлик билан боғланади. Фано

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-том. Тошкент: “Фан” 1987. 628–629-бетлар.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 5-том. Тошкент: “Фан” 1990. 487-бет.

даражасига улғайиш учун қаноат зарурлигини Алишер Навоий таъкидлаб, бу ғояларини қуйидаги гўзал сатрларда жо этганлар:

Қаноат тариқига кир, эй кенгул,  
Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.  
Десанг, шоҳ ўлай, еру кўк бас дурур,  
Бу бир тахту ул чатри рафъат санга.  
Фано шўъласида ёшур жисмни,  
Керак бўлса зарбафт хилъат санга.  
Етар лола бутган қиё қулласи,  
Мурод бўлса гулгун ҳашмат санга.<sup>1</sup>

Алишер Навоий умрининг охири – 1500-1501 йилларда яратган “Маҳбуб ул-қулуб” асарида бутун тасаввуф ва инчунин, нақшбандия учун зарур мақомлар сифатида қабул этилган тавба, қаноат, сабр, ишқ тўғрисида маълумот беради.

Поклик ва софликнинг рамзи бўлган Алишер Навоий нақшбандия тариқатининг ихлосманди сифатида нақшбандия тарихи, назарияти ва амалиётини чуқур билган. Навоий ўзининг шоҳ сатрлари орқали нақшбандия тарихи ва моҳиятини бизларгача етказган буюк алломадир. Тўпламда биз Алишер Навоий асарларидан Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган қисмларини диққатингизга ҳавола этиб, уларга имкон даражасида изоҳ ва шарҳлар ёздик.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 1-том. Тошкент: “Фан” 1987. 628-629-бетлар.

**АЛИШЕР НАВОИЙ**  
**НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ**  
**ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД Қ.Т.С.**

Аларнинг оти Муҳаммад б. Муҳаммад Бухорий-дур[1]. Аларға қабул назари[2] фарзандлиққа Хожа Муҳаммад Бобои Самосийдиндур[3] ва одоби тариқат[4] таълими зоҳир юзидин Амир Сайид Кулолдиндур[5], андоқки, ўтти. Аммо ҳақиқат юзидин алар Увайсийдурлар[6] ва тарбият Хазрат Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний[7] қ.с. руҳидин[8] топибдурлар. Андоқки, дер эрмишларки, мабодии аҳволда[9] бир кеча ғалаботи жазаботидин[10] Бухоро мозоротидин уч мозорға етишдим. Ҳар мозорда бир чироғдон кўрдум ёнадурғон, ёғи тўла ва фатилалари ёғ ичинда. Аммо фатилалаларға бирор нима ҳаракат бермак керак эрдик, яхши туташқой ва ёруғой. Сўнгги мутабаррак мозорда қиблаға мутаважжих[11] ўлтурдум ва ул таважжухда[12] ғайбате[13] воқеъ бўлди. Мушоҳада[14] қилдим. Қибла девори шақ бўлди ва бир улуғ тахт пайдо бўлди ва яшил парда ул тахт оллиға тортилгон ва теграсида жамоате. Хожа Муҳаммад Бобони алар орасида танидим. Билдимки, ул хайли ғойиблардиндурлар[15]. Ораларидин биров менга айттики, тахтда Хожа Абдулхолиқдур ва ул жамоат аларнинг хулафосидурлар ва бир-бирин аларнинг отин атади ва Хожа Муҳаммад бобоға етгонда, дедик, аларни худ хаётлари чоғида кўрубсен ва сенинг пирингдурлар ва сенга бир бўрк[16] берибдурлар ва каромат[17] қилибдурларки,

нозил бўлгон бало сенинг баракатингдин дафъ бўлғай[18]. Андин сўнгра ул жамоат айтиларки, кулоқ тут ва яхши эшитки, улуғ Хожа Ҳазратлари сенга сўзлар айтғусидурларки, Ҳақ с.т. сулуки[19] йўлида сенга андин чора йўқтур. Ул жамоатдин илтимос қилдимки, Ҳазрат Хожаға салом қилай ва муборак дийдорлариға мушарраф бўлай. Пардани илайларидин олдилар. Пире кўрдум – нуроний. Салом қилдим. Жавоб бердилар ва сўзларни сулук мабдаида, васатида[20] ва охирида керакликдур, менга баён қилдилар ва дедиларки, ул чироғларки, ул кайфият била сенга кўргуздилар ишорату[21] башоратдур,[22] сенга бу йўл қобилят ва истеъдодидин. Аммо истеъдод фатиласин ҳаракатға келтирмак керак, то ёруғай ва асрор[23] зухур қилғай ва яна буйурдилар ва муболаға қилдиларки, барча ахволу[24] ақдомни[25] барча амру наҳий жодасиға қўйғил ва азимат била амал қил ва суннатни бажо келтурғил ва рухсатлар ва бидъатлардин йироқ бўл ва доимо Мустафо (с. а. в.) аҳодисинир[26] ўзингга пешво қил ва Расул с.а.в. ва асҳоби киром р.а. ахбору осориға мутафаҳҳис[27] ва мутажассис[28] бўл! Ва бу сўзлардин сўнгра ул жамоат манга айтдиларки, санинг сидқи ҳолингнинг шоҳиди улдурки, тонгла эрта фалон ерга борғайсен ва фалон ишни қилғайсен ва муниг тафсили ул Ҳазратининг мақомотида[29] шарҳ била бор. Ва андин сўнгра дедиларки, Насафға мутаважжих бўл. Амир Сайид Кулол хизматиға! Чун алар буйруғи била Насафға бордим ва Мир хизматиға етдим. Илтифотлар қилдилар ва алтоф[30] кўргуздилар ва менга зикр[31]

талқини қилдилар ва нафю исбот тариқи била зикрга машғул қилдилар. Чун воқеъда маъмур эрдимки, амал азимат била қилғоймен. Алония зикри[32] била амал қилмадим. Биров алардин савол қилдиким, дарвешлик[33] сизга маврус[34] ё муктасаб?[35] Алар дедиларки, (Ҳақнинг бир жазбаси жинлар ва инсонларнинг барча амалига баробардир) ҳукми била бу саодатқа мушарраф бўлдук. Яна алардин сўрдиларки, сизнинг тариқатингизда зикри жаҳру[36] ҳилват[37] ва самоъ[38] бўлур? Дедиларки, бўлмас! Яна сўрдиларки, сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур? Дедиларки, анжуманда ҳилват[39], зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ с.т. била.[40]

Байт:

(Зоҳирда бегонадек ботиндан ошно бўл,  
бундай гўзал одат дунёда кам топилади)

Улча Ҳақ с. т. буюрубдурки, (уларни на тижорат ва на одил олди-сотди Аллоҳ зикридан чалғитолмайди) ишорат бу мақомгадур. Дерларки, аларга ҳаргиз қул ва додук бўлмас эрмиш. Улардин бу маънода сўрубдурлар: Алар дебдуларки, қачон бандалиғ Хожалиғ била рост келур[41]. Биров алардин сўрдиким, сизнинг силсилангиз на ерга етар? Алар дедиларки, киши силсиласи била ҳеч ерга етмас[42] ва дер эрмишларки, нафсларингизға туҳмат қилингики, ҳар ким Тенгри инояти била ўз нафсининг[43] ямонлигин ва кайду макрин билгон бўлса, агарчи анга саҳлдур, аммо бу йўл солиқларидин кўп бор

эқандурларки, биров гуноҳни ўзларига тутиб, юкин тортибдурлар ва дер эрмишларки, (эй иймон келтирганлар, Аллоҳга иймон[44] келтиринг!) ишорат ангадурки, ҳар турфат ул-айнда ўз вужуди нафъийин ва маъбудди ҳақиқий исботин қилгай.

Жунайд қ.с. дебдурки, олтмиш йилдурки, иймон келтурмақдадурмен ва лекин, ул ихтиёр тарки ва қусури аъмол[45] мушоҳадасидин ўзга нима ҳосил бўлмас ва дер эрмишларки, тааллуқ[46] мосувоға[47] бу йўл солиқиға[48] улуғ ҳижобдур.[49]

Байт:

(Ҳақдан бошқасига боғланиш тўсиқ,  
самарасиздирки, агар уларни узсанг,  
восил бўласан).

Ҳақиқат аҳли[50] иймонни мундоқ таъриф қилибдурлар. (Иймон – қалбни Аллоҳдан бошқа ўзига ром этувчи фойдали ва фойдасиз нарсалардан узиб, Ҳақга боғлашдир). Ва дер эрмишларки, бизнинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офат. Хайрият жамъиятдадур ва жамият суҳбатда бу шарт билаки, бир-бирига нафъ бўлулғай ва улча ул бузург буюрибдурки, (кел, бир соат иймон келтирайлик!) Ишорат ангадурки, агар жамъи бу йўл солиқлари бир-бири била суҳбат тутсалар, анда кўп хайру баракатдур. Умиддурки, анга мулозамат[51] ва мудовамат[52] имони ҳақиқийға мунтаҳи[53] бўлғай ва дер эрмишки, бизнинг тариқимиз (мустаҳкам тутқич) дурур. Ул илик Пайғамбар (с.а.в.) мутобаатиға урмоқдур ва саҳобаи киром осориға

иктидо қилмоқ ва бу тариқда оз амал билан кўп футуҳ етишур. Аммо суннат мутобаати[54] риояти улуг ишдурки, ҳар киши бу тариқимиздин юз ўгирса, анга дин хатаридур ва дер эрмишлар: солиқ вақтики, Тенгри дўстларидин бири била суҳбат тутса ўз ҳолидин воқиф бўлсун ва суҳбат замонини ўзга замон била мувозана қилсун. Агар тафовут топса (етдингки, лозим тут!) Ва дебдурларки, “ло илоҳа” табиат нафйидур ва “иллалоҳ” маъбуди барҳақ исботидур ва “Муҳаммадур Расуллолоҳ” ўзни (менга эргашиглар!) мақомиға кивурмақ, мақсуд зикридин тавҳид[55] калимасининг[56] ҳақиқатиға етмақдур ва калима ҳақиқати ўзга калима айтмоқдин бакулли нафий бўлмоқдур. Кўп айтмоқ шарт эмас. Дебдурларки, Ҳазрат Хожа Азизон а.р. дер эрмишларки, ер бу тоифанинг кўзида бир суфрачадур ва биз дербизки, тирноғ юзичадур. Ҳеч нима булар кўзидин ғойиб эмас ва дебдурларки, тавҳид сирриға етса бўлур. Аммо маърифат[57] сирриға етмоқ душвордур. Алар муборак сафар азимати қилурда бузургзодалардин бирига зикр таълимин дегандурлар. Ул сафардин қайтганда аларға дебдурларки, ул таълим олғон зикрга иштиғол кўрсатмайдур ва тарк қилубдур. Алар андин сўрубдурларки, бизни ҳеч туш кўрдунг? Деди: Ҳов, кўрдум! Дедиларки, сенга басдур! Мундин маълум бўлурки, ҳар кимгаки оз робита[58] бу азизлар била бўлса, охир мулҳақ[59] бўлур ва ул нажот сабаби ва даражот рафъи[60] жиҳати бўлур. Алар ҳазратида биров дедики, фалон киши бемордур ва хотирингиз таважжуҳи дарюза[61] қилур. Алардин



дедиларки, (аввал хастанинг қайтиши, сўнгра кўнгли синиқнинг таважжуҳи керак). Алардин каромат талаби қилдилар. Алар дедиларки, бизнинг кароматимиз зоҳирдур. Бовужуди бу навъ гуноҳ юки ер юзида бора олурбиз. Алар дер эмишларки, Ҳазрат шайх Абу Саид Абулхайр[62] қ.с. дин сўрабдурларки, сизнинг жанозангиз илайида қайси оятни ўқусунлар? Дер эрмишки, оят ўқумоқ улуғ ишдур. Бу байтни ўқусунларки,

Байт:

(Бутун оламда дўстнинг дўстга,  
ёрнинг ёрга етишишидан афзал нима бор?)

Андин сўнгра алар дебдурларки, бизнинг жанозамиз илайида бу байтни ўқусунларки,

Байт:

(Сенинг кўйингда жамолингдин “шайъаниил-лоҳ” деб тиловчи гадолармиз)

Мавлоно Жалолиддин Холидий хазратларидин сўрубдурларки, Ҳазрат Ҳожа Баҳоуддиннинг сулук ва тариқининг нисбати мутааххир машойихдин қайси пирнинг тариқиға муносабати бор? Ул дебдурки, сўз мутақаддимин машойихдин денг ва икки юз йилдин ортиқдирки, бу навъ осори валоят зухурики, хазрат Ҳожа Ҳазратлариға Тенгри таоло иноятидин воқеъ бўлудур. Тариқат машойихиға мутааххирлардин ҳеч кимга бўлмайдур. Алар етти юз тўқсон бирда рабиул-аввал ойининг учида душанба кечаси[63] оламдин ўтубдурлар.

(Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукам-мал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Тошкент. “Фан”, 2001. 261-265-бетлар.)

## ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР

1. Муҳаммад б. Муҳаммад Бухорий – Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг асл исмларидир. Баҳоуддин ва Нақшбанд кейинчалик у кишига берилган фахрий номлар. Баҳоуддин диннинг нури, шуъласи маъносини англатади. Нақшбанд кимхобга нақш солувчи, гул берувчи маъносини билдиради ва у кишининг отаси ўзларининг касб – ҳунари бўлгани учун берилган унвон.

2. Қабул назари – назар – нигоҳ қараш маъносини англатади. Сўфийлар назари фаросат илми нури ила кўрган инсонлардаги илоҳий нур тажаллийси ва истеъдодини кўра олган, муносиб инсонларни дарвешлар сафига қабул қилганлар. Матнда Хожа Муҳаммад Бобои Самосий ҳузурига уч кунлик гўдак бўлган Баҳоуддинни боболари келтирганда, у киши “биз фарзандликка қабул этдик”, деганлар. Чунки Бобои Самосий Баҳоуддин дунёга келишини ва юксак даражага етишини башорат қилган эдилар.

3. Хожа Муҳаммад Бобо Самосий – 1259 йил Ромитаннинг Самос қишлоғида туғилганлар. 1336 йилда вафот этганлар. Қабрлари Самос қишлоғида. Бухоронинг Ромитан туманида яшаб ўтганлар.

4. Тариқат – йўл. “Шариат” ва “тариқат” сўзлари бошқа-бошқа ўзакдан яралганига қарамасдан

луғавий маъноси бир, яъни йўл демақдир. Шу боис Юнус Эмро: “Шариат, тариқат йўлдири юрганга...”, – дейди. Лекин тариқат, шариатдан фарқли ўлароқ, бир талай хусусий талаб, усул ва қоидаларига эга йўлдири. “Агар сўрасаларки, тариқат мақомоти нечадур, айтгил: тўрт юзу қирқ тўрттадир”, дейди Ҳусайин Воиз Кошифий ва уларнинг барчаси тавба, хавф, сабрдан иборат мақомларда жамланганини баён этади. Ул зотнинг фикрига кўра, ҳатто “тариқат” сўзидаги ҳар бир ҳарф солиқ зиммасига талаб қилмоқ (Т), рози бўлмоқ (Р), яқин бўлмоқ (Й), қурб кўрсатмоқ (К) ва буткул таважжуҳ (Т) каби мажбуриятларни юклагандир. Тариқат – инсонларни махсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этадиган, охир-оқибат эса Аллоҳга яқинликни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва мафкура йўлидир. Матнда Амир Сайид Кулол Баҳоуддин Нақшбандга Абдулҳолиқ Гиждувоний томонидан асосланган Ҳожагон тариқати одобини ўргатганлиги кўрсатилган.

5. Ҳазрат Саид Амир Кулол асли исми – Саид Мир Калон бўлиб, Бухоро яқинидаги Сухор қишлоғида туғилганлар. Бу зот тахминан 1287-1288 йилларда дунёга келганлар. Ҳазрат кулолчилик билан шуғулланганлиги сабабли Мир Кулол номи билан машҳур бўлганлар “Силсилаи шариф”да ўн бешинчи пири муршид ҳисобланадилар. Пайғамбаримиз наслидан бўлганлиги сабабли Сайид ва Амир дейилар эди. Ҳожа Амир Кулол Муҳаммад Бобои Самосийга мурид бўлиб, устозининг юксак муҳаббатига

эришади. Зоҳирий ва ботиний билимлардан таҳсил олиб, замонасининг етук шайхи бўлади. Хожа Амир Кулол ўзларидан кейин тариқат ижозатини ўғли Амир Ҳамза, халифалари Мавлоно Ориф Деггароний, Шайх Ёдгор Кунсуруний, Шайх Жалолиддин Даҳистоний, Шамсиддин Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига топширадилар.

Ҳазрат Амир Кулол 1370 йилда вафот этганлар. Қабрлари Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган обод зиёратгоҳдир.

6. Увайсий – ботиний, руҳлар воситаси ила маънавий, руҳий тарбия бўлиб, хос кишиларга бериладиган тарбиянинг олий мақомидир. Матнда Баҳоуддин Нақшбанднинг Увайсий эканлари ва руҳий тарбиятни Ҳазрат Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан олганликлари таъкидланган. Баҳоуддин Увайс Қараний ва Ҳаким Термизийлардан ҳам маънавий руҳий тарбия олган.

7. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний – авлиёлар султони, қутби замон, олими Раббоний, шайхулшуюх, Хожаи Жаҳон, буюк тарбиячи, хожагон тариқатининг асосчиси. Ҳазрат Абдулхолиқ Ибн Абдужамил 1103 йил Бухоро вилояти Ғиждувон шаҳрида таваллуд топганлар. Ҳазрат Хожаи Жаҳон номи билан машҳурдирлар. Ул зот таълимотининг моҳияти: “Зоҳир юзидан халқ билан, ботин тарафдан Ҳақ бирла”, - деган ҳикматда ўз ифодасини топган. Абдулхолиқ Ғиждувоний ёшлигида исломий тасаввуф ва соф урф-одатлар қуршовида улғайган. Аллома қалб зикрини Хизр алайҳиссаломдан ўрганиб, 22

ёшларида Бухорои шарифда машхур шайх Абу Яъқуб Юсуф Ҳамадонийдан тариқат илмини ўрганадилар. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний хожагон тариқатининг асосчиси. Бу тариқат асосини 8 тамойил ташкил этади. Уларнинг тўрттаси – “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман”ни Абдулҳолиқ Ғиждувонийга устозлари Юсуф Ҳамадоний айтганлар. Шунингдек улуғ шайх хожагон тариқатига яна тўртта янги асос қўшганлар:

1. Ёдкард.
2. Бозгашт.
3. Нигоҳдошт.
4. Ёддошт.

Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан “Васиятнома”, “Одоби тариқат” “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, “Маноқиби Хожа Юсуф Ҳамадоний” каби асарлар сақланган. Абдулҳолиқ Ғиждувоний 1179 (айрим манбаларда 1220) йил марҳум бўлганлар, қабрлари Ғиждувон шаҳрида. Баҳоуддин Нақшбанд увайсий бўлиб, Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг руҳидан таълим олганлар.

8. Руҳ – илоҳий бир нафас бўлиб, у Аллоҳнинг амрларидандир. Руҳ Ҳақнинг тажаллийсидир. Руҳ наботий, ҳайвоний, инсоний, илоҳий сифатларида намоён бўлади. Матнда руҳ тушунчаси Абдулҳолиқ Ғиждувонийга тааллуқли бўлиб, ундан Баҳоуддин тарбия топганлар.

9. Мабодий аҳвол – ҳолатнинг ибтидоси, боши. Матнда Баҳоуддин Нақшбанд илоҳий ҳолат – жазба ҳолатига тушишининг бошланғич даври ҳақида сўз боради.

10. Ғалабот жазаботи – жазба – илоҳий тортиш қувватларнинг жуда кучли бўлганлиги, Нақшбанд ихтиёрлари тўла илоҳийга айланганлиги, яъни илоҳий жазбанинг ғалаба қилганлигига ишорат қилинмоқда.

11. Мутаважжих – тўла таважжуҳ ҳолатида, бутун борлиқдан узилиб Аллоҳга юзланиш.

12. Таважжуҳ – юзланиш, зеҳни диққат ила бир нарсага қаратиш. Тасаввуфий моҳиятда таважжуҳ Аллоҳга юз бурмоқ, йўналмоқ ёки тушунчаларни Ҳусни мутлаққа тўлиқ тобе айламоқ, демак. Таважжуҳда солиқ ўзлигидан кечмаган бўлса-да, шунга ҳаракат қилиши керак. Таважжуҳ важддан кейин юз берадиган ҳол саналади.

13. Ғайбате воқеъ бўлди – ғайб оламининг сирларининг намоён бўлиши, оддий инсонлар кўролмайдиган сирларнинг аён бўлиши. Ғайбат – араб тилидан олинган бўлиб, ғойиблик, ғойиб бўлиш, кўзга кўринмаслик маъносини билдиради. Матндан Баҳоуддин Нақшбанд таважжуҳ ҳолатида ғайб сирларининг намоён бўлганлигини англатади.

14. Мушоҳада – сўфийнинг борлиқни ҳар бир заррасида Аллоҳни ўзига муносиб кўринишларида кўриши.

15. Хайли ғойиблар – бу дунёдан ўтган инсонларга ишорат қилинмоқда.

16. Бўрк – қалпоқ, телпак маъносини англатади. Бўрк сўфий ва дарвешларнинг махсус бош кийимидир. Матнда Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан Баҳоуддинга Муҳаммад Бобои Самосий бир бўрк

берганлари ёзилган. Бу бўрк Хожа Али Ромитаний – Ҳазрат Азизоннинг бош кийимлари бўлиб, Баҳоуддин уни кийгандан сўнг ҳолатлари ўзгарган.

17. Каромат – икром, шараф, карам, лутф ва эҳсон демак. Каромат – пайғамбарлик даъвосидан йироқ бўлган одамда фавқулодда ҳолатнинг зуҳурланиши ёки руҳий тажриба билан боғлиқ ҳайратланарли воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлиши. Каромат иккига бўлинган: биринчиси – каромати кунния. Иккинчиси – каромати илмий. Булар “кавний” ва “ҳақиқий” деб ҳам аталган. Кавний кароматлар – қисқа фурсатларда рўй берадиган фавқулодда ғайритабиий ҳодисалар. Масалан: ҳавода учмоқ, денгизда юрмоқ, инсоннинг қуш ёки бошқа жонзотга айланиши, қушга ўхшаб парвоз қилиши шулар жумласидандир. Ҳақиқий каромат эса – илм, ирфон, маърифат, ибодат, ахлоқ ва инсонийликдаги устунлик ва шу устунликдан юзага келган турли шакллардаги ҳодисотлар. Тасаввуф аҳлининг эътиқодига кўра, асл каромат – каромати илмий ҳисобланали. Шунинг учун ақл ва маърифатнинг кучига ишонган одамлар каромати куннияга иштибоҳ билан қараганлар.

18. “Нозил бўлгон бало сенинг баракатингдин даъф бўлғай”, – бу гапда Баҳоуддиннинг Балогардон бўлишлари, яъни Аллоҳ изни билан у кишига балоларни йўқотиш куч-қуввати ва қудрати берилганлиги ва бу ҳақда Муҳаммад Бобои Самосий башорат қилганликлари ёзилмоқда.

19. Сулук – йўл, сулукда бўлиш – тариқатга кириш. Аллоҳ тажаллийси учун қалб уйини хорижий нарсалардан тозалаш. Жаҳлдан илмга, ёмон феъллардан яхши ва гўзал хулқларга, ўз вужудидан Ҳақ вужудига томон ҳаракат қилиш.

20. Сулук мабдаи ва васати – сулукнинг ибтидоси ва ўртаси. Матнда Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳияти томонидан Баҳоуддин Нақшбандга Хожагон йўлининг боши, ўртаси ва охирида керакли бўлган илмлар берилганлиги ёзилган.

21. Ишорат – илоҳий маънога даҳлдор бўлгани боис сўз билан изоҳланмайдиган ва сўзловчи сир сақлайдиган ҳақиқатдир. Ишорат фақат аҳли илмнинг улуғлари идрок қила оладиган бир нарсадир. Тасаввуф тили ишорат тили дея эътироф этилгандир.

22. Башорат – араб тилидан олинган сўз бўлиб, олдиндан берилган хушxabар, севинчли хабар маъносини англатади. Матнда мазорда кўринган чироқлар Баҳоуддинга берилган ҳақиқат йўли қобилият ва истеъдоддан хабар берилаётганлиги қайд этилмоқда.

23. Сир-асрорлар, сир – яширин, пинҳон нарса. Тасаввуфда Аллоҳ ила қул орасидаги яширин ҳақиқат, тил билан изҳор этилмас маъно. Матнда Баҳоуддин Нақшбанд учун кўп сирлар ошкор бўлишига ишорат қилинмоқда, шунингдек нақшбандия таълимотида инсон вужудида беш латоиф – қалб, рух, сир, хафи ва ахфо мавжуддир. Улар амр оламининг латоифлари бўлиб ҳисобланади. Рух –



ишқ, қалб – маърифат, сир – мушоҳада манзили эрур. Сир инсон вужудидаги руҳга ўхшаш бир латифлик.

24. Аҳвол – ҳол сўзининг кўплигидир, яъни ҳолатлар маъносини англатади. Ҳол – аҳвол, ҳолат, вазият. Муайян дамда туғилиб, сўнг ўтиб кетадиган ҳис-туйғу, ҳаяжон, эҳтирос, шавқ, ҳузур каби ҳоллардир. Тасаввуфий тушунчадаги ҳол Ҳақ туҳфаси ва ҳадяси эрур. Шунинг учун ҳол инсоннинг иродаси ва ҳаракатига тобе эмас. Кўнгли зариф, руҳи латиф, ахлоқи гўзал, маънавий ҳаёти мукамал, Ҳақнинг содиқ қулларига “ҳол соҳиблари” дейилган. Улардан бир қисми ҳолига маҳкум – талвин, яна бир бошқа тоифалари ҳолига ҳоким – саҳв ва тамкин вакиллари бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандийлар учун саҳв ва тамкин ҳолатини афзал деганлар.

25. Ақдом – араб тилидан олинган бўлиб, қадамлар, одимлар; Ақдом урмоқ – қадам босмоқ; ҳаракат қилмоқ маъносини англатади. Матнда Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳоуддинга барча ҳолатда қадамларингни амру наҳийга муносиб кўйгин ва азимат билан амал қил, суннатни бажо келтиргил, руҳсатлар ва бидъатлардан йироқ бўлгин деганлар.

26. Аҳодис – ҳадислар пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. томонидан айтилган сўзлар ва гўзал амаллар. Матнда Баҳоуддинга Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳадисларни ўрганиб, уларни ўз йўлларига раҳбар пешво қилишни таъкидламоқдалар.

27. Мутафаҳҳис – араб тилидан олинган бўлиб, таҳқиқ этувчи, изланувчи, тафтиш ва таҳқиқ этувчи маъноларни англатади.

28. Мутажассис – араб тилидан олинган бўлиб, бирор хабарни изловчи, хабар изловчи, хабар оловчи маъноларни англатади. Матнда Абдулхолиқ Гиждувоний Баҳоуддин Нақшбандга Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобаларидан сақланган хабарларни изловчиси, тадқиқ этувчиси бўлиш вазифасини юклаганлар.

29. Мақомот – матнда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли ва кароматлари баён этилган Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд” асари назарда тутилган.

30. Алтоф – лутфлар, кўп лутф кўрсатиш. Лутф илоҳий марҳамат – Аллоҳнинг ўзи танлаган бандаларини, яъни сўфийларни ўз марҳамати ва саховати билан сийлаши, шунингдек, уларнинг қалбини илм ва нур билан тўлдириши. Матнда Амир Сайид Кулол ўз хизматларига келган Баҳоуддин Нақшбандга кўп лутфлар кўрсатганлари баён этилган.

31. Зикр – сўзлаш, баён қилиш, хотирлаш, ёд айлаш, хотирдагини унутмаслик маъноларини англатадиган арабча бир калима. Тасаввуфда бу калима ғафлат ва исён – эсдан чиқаришнинг зидди ўрнида татбиқ этилган. Зикр тасаввуфдаги ҳар бир тариқатда, ҳар бир тасаввуф аҳлининг наздида барча қоида, усул ва одобларнинг бошидир. Тариқат пирлари ва муридларнинг зикр фойдалари ҳақида умумий қарашлари тахминан бундай бўлган: зикр – шайтонга қарши энг ўткир яроғ. Қалбдан ғам, қайғу ва ғуссаларни ҳайдаб, дилга қувонч, фараҳ ва кенглик бағишлар; тафаккур ва маърифатнинг юксалишини таъминлар; ҳар турли ёмонликларнинг илдизини

қуритиб, хато ва гуноҳларнинг олдини олар... Зикр фақат Аллоҳни ёд айлаш, унинг гўзал исмларини эслаш эмас, балки дил, фикр ва туйғуни Аллоҳга йўналтиришдир. Аллоҳ ила мукаммал бир шуурий, зеҳний алоқа ўрнатиш зарурки, бу бахт ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Зикр инсонларни ҳақиқий тавҳидга эриштирадиган ҳам машаққатли, ҳам завқли йўл. У камолот мақомларининг ўзаги ёки тамали сифатида тасаввуф оламида хос мавқе ва аҳамиятга эга. Зикрнинг турли кўринишлари бўлган: хафий – яширин, жаҳрий – баланд овоз билан, алония – ошкоро, самоъ – куй ва рақс билан. Баҳоуддин Нақшбанд доимо хуфия – яширин, пинҳона зикрга амал қилганлар.

32. Зикри алония – очик ҳолда амалга ошириладиган зикр. Матнда Баҳоуддин Нақшбанд Амир Сайид Кулол хизматида бўлганларида, у кишининг шогирдлари билан зикрлари алония бўлсада “мен алония зикри билан амал қилмадим”, деб айтганлар. Чунки, Баҳоуддин Нақшбандга увайсийлик услуби ила таълим берган Абдулхолиқ Ғиждувоний у кишини зикри хафий – яширин, қалб зикрида бўлишга буюрганлар. Баҳоуддин Нақшбанд мунтазам бу илоҳий амрга амал қилиб, зикри хафийда бўлганлар. У киши аслаган нақшбандия таълимотидагилар ҳам зикри хафий - яширин зикрга амал қилганлар.

33. Дарвеш – тасаввуфнинг ўндан зиёд тариқатлари асосида турган энг юксак ҳол, ўзига хос гўзал маслак ва ҳуррият мақомидир. Яссавий “Фақрнома” сида таъкидлаганки, “Ҳар ким дарвешлик даъвосини

қилса, аввал Ҳақ амрига бўйсуниб, шариат амри билан бўлғай. Ва ботил ишлардин ва бидъат ишлардин парҳез қилғай, кеча қиём бўлмагунча, кундуз хизмат қилмагунча, шайхлик даъвосини қилса, ботил турур”. Тарк мақомларида кўнгилни поклаш, том бир таслимият ичра таваккал ишонч – эътиқодини камолга етказиш, узлуксиз равишда ишқ оташида тобланиш, ўтмиш учун “ўлуб”, келажак учун қайта “туғилиш” ва руҳоний эркин, тўлақонли озод умр кечириш дарвешларга хос фазилат ва сифатлардир. Хожа Баҳоддин Нақшбанддан: “Ўзгаларнинг кўнгилдагини билиб олиш дарвешларда қандай пайдо бўлади?” –деб сўраганларида, “Кўзи очиклик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, Ҳақ Субҳоналлоҳу буни дарвешларга ато қиладики, “фаиннаҳу янзуру би нуриллаҳи” – “Чунки у (яъни дарвеш) Аллоҳ нури орқали боқади”, – деб жавоб қайтарган эканлар. Баҳоддин Нақшбанддан дарвешлик сифатини таърифлашни сўраганларида у киши шундай жавоб берганлар:

То дар ин хирқаем аз касе мо,  
Ҳам наранжем, ҳам наранжомем.

Мазмуни:

То шу хирқада эканмиз биз,  
Бировдан ранжимасмиз ва бировни  
ранжитмасмиз.

34. Маврус – араб тилидан олинган бўлиб мерос бўлиб қолган нарса, меросдан тегадиган улуш

маъносини англатади. Бу ерда Баҳоуддин Нақшбанддан дарвешлик сизга мерос қолганми, яъни сизнинг ота – боболарингиз дарвеш бўлганларми, – деб сўралган.

35. Муктасаб – араб тилидан олинган бўлиб, касб қилинган, ишлаб топилган иш ҳақи маъносини англатади. Матнда Баҳоуддин Нақшбанддан дарвешлик сизлар учун касб қилинганми деб сўралган. Баҳоуддин: дарвешлик у кишига мерос ҳам, касб билан ҳам эмас, илоҳий жазба, илоҳий амр билан бўлган деб таъкид этганлар.

36. Зикри жаҳрия – очиқ овоз чиқариб амалга ошириладиган зикр. Хожагон тариқатида Маҳмуд Анжир Фағнавийдан то Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган даврда яширин ва жаҳрия зикр амалиёти мавжуд бўлган. Нақшбандия таълимотида зикри хуфия амал қилган.

37. Хилват – арабча сўз бўлиб, ёлғизлик, ёлғиз ўтириш, ёлғиз ўтирадиган жой, бегоналардан холи бўлган жойда ўтириш маъноларини англатади. Матнда Баҳоуддиндан сизнинг тариқатингизда хилват борми деб сўраганларида у киши нақшбандияда чилла ўтириш, узлатда бўлиш ва хилватнинг йўқлигини таъкидлаб, бу йўлдагиларнинг хилвати анжуманда бўлиши, улар “Даст ба қору, дил ба Ёр” – “Қўл ишда, қалб Аллоҳ билан” ва “Нақш банд, ба дил банд” – “Нақш боғла (Аллоҳни) қалбда нақшла”, Аллоҳ нақшини қалбда боғла шиори асосида яшашларини айтади.

38. Самоъ – эшитиш, тинглаш: қўшиқ, мусиқа, рақс. Дарвешларнинг зикр мажлисларида даврада айланиб, жўшиб рақс тушишлари. Мажозий мазмунда – важд ва соликлари ҳолати. Абулқосим Бағдодийнинг таснифи бўйича, самоъ икки хилдир: 1.Сўз тингламоқ. 2.Куй тингламоқ. Самоънинг биринчи хилида бироз сўз тингланиб, ундан ибрат ва сабоқ олинади. Лекин бундай самоъ фақат поклик ва қалб ҳузури билан эшитилмоғи лозим. Иккинчи хил самоъга келсак, тасаввуф тарихининг илк босқичидаёқ мусиқа руҳнинг ғизоси ва ризқи сифатида эътироф этилган. Руҳ озиғига эришдимиз, у юксак мақомларга парвоз қилган. Имом Ғаззолий ҳам “Маърифат соҳибларига самоъ руҳнинг озиғи эрур... Шунинг учун мусиқий завқни фақат нозик бир табиат ва соф бир руҳ билан идрок айлаш мумкин”, деганлар. Шаҳобиддин Сухравардий бундай ёзганлар: “Мусиқа айримлар учун – шифо; баъзилар учун – ғизо; бошқа бировлар учун эса қувончдир”. Самоъ уч ният билан тингланмоғи жоиз бўлган; севги, важд ва хавф. Самоъда нашъанинг уч аломати кузатилган: рақс, олқиш ва қувонч. Абу Али ад-Даққоқнинг таъкидлашича, “Самоъ авом учун харом. Чунки уларнинг нафслари ўлмаган, тирикдир. Зоҳидлар учун мубоҳ (рухсат этилган). Негаки, улар нафсга қарши курашурлар. Ҳақ ошиқлари учун мустаҳаб. Чунки уларнинг қалблари тирикдир. Баҳоуддин Нақшбанддан: “Сизнинг тариқатингизда самоъ борми?” борми деб сўраганларида, у киши самоънинг йўқлигини айтганлар. Аммо Баҳоуддин

Нақшбанд самоъни инкор этмаганлар. Баҳоуддин Нақшбанд “Мо ин кор намекунем ва инкор намекунем”, яъни “Биз ўзимиз бу ишни қилмаймиз ва инкор ҳам этмаймиз”, деб айтганлар. Бу иборадан нақшбандия таълимоти бағрикенглик йўли эканлиги маълум бўлади.

39. Анжуманда хилват – Юсуф Ҳамадоний томонларидан Абдулхолиқ Гиждувонийга айтилган, кейинчалик хожагон ва нақшбандия таълимотининг асосий тамойилига айланган ҳаётбахш рашҳадир. Бу рашҳа “қўл ишда” бўлиб, яъни анжуманда меҳнат қилиб, Аллоҳ билан қалбда хилватда бўлиш мумкинлигини англатади. Бу тамойил нақшбандия таълимотига риоя этганларнинг меҳнатсевар, фаол, Ватан ва юрт тақдирига даҳлдор бўлишини таъминлайди.

40. “Зоҳир юзидан халқ била, ботин тарафидин Ҳақ Субхонаху таоало била” – Баҳоуддин Нақшбанднинг нақшбандия таълимотининг асоси сифатида берган таърифлари. Бу “Даст ба корлик”ни “Дил ба Ёрлик” билан уйғун бўлишини кўрсатувчи тушунчадир.

41. “Қачон бандалиғ Хожалиғ била рост келур” – бу ҳикматли ибора Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилгандир. Баҳоуддиндан “Нега сизга хизмат қилувчи қул, ходим йўқ?”, – деб сўраганларида у киши юқоридаги жавобни берган эканлар. Бу ҳикматнинг маъноси барча инсонлар Аллоҳнинг қулидир, одам қулдор бўлмаслиги лозим. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бу муқаддас таълимот

инсонпарварлик хусусиятига эга бўлиб, одам одамни эксплуатация қилишга мутлақо қаршидир.

42. “Киши силсила била ҳеч ерга етмас” – бу Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилган ҳикматли сўзлардан биридир. У кишидан “Сизнинг силсилангиз қаерга етар?”, – деб сўраганларида, “Киши силсила билан ҳеч ерга етмас”, – деб жавоб берганлар. Бу иборанинг маъноси инсоннинг қайси силсилада бўлиши эмас балки, қай миқдорда муҳаббат билан илоҳий талаб йўлига кирганлиги, қалби ва вужудининг поклиги, ҳолатининг юксак даражага етганлигига боғлиқ.

43. Нафс – сўфийлар инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи барча тубанликларга “доялик” қилувчи майлларни нафсга нисбат берадилар. Уларча, нафс – золим, шум, гушна, чиркин, калтабин. Тасаввуф аҳли етти нафс борлигини эътироф этадилар: Нафси аммора: инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга завқлантирувчи нафс. Нафси лаввома: бад ишлардан пушаймон қилувчи, тергаш, парҳезликка қодир нафс. Нафси мулҳима: илоҳий йўл-йўриқлар ва жозига илҳомлантирадиган нафс. Нафси мутмаина: хотиржам нафс, иймон хотиржамлигини таъминлайдиган, хатоликлардан асрай оладиган нафс. Нафси розия: Аллоҳдан рози нафс. Нафси марзия: Аллоҳ ризосини қозонган ва унга мақбул бўла олган нафс. Нафси софия: қусур ва иллатлардан батамом покланган соф нафс. Сўфийлар назарида, нафс инсонни дунёга боғлайдиган бир “занжир”. У одамни Ҳақиқатдан йироқлаштиради. Шу боис нафсга ҳоким бўлмоқ керак, уни янчмоқ



учун ранжу меҳнат камлик қилади, жиҳод лозим. Баҳоуддин Нақшбанд нафс масаласига катта эътибор берганлар. У киши айтганларки, “мен нафсимни эллик марта сув тўла ариқ лабига ташна олиб бориб, ташна келтира оламан”. Сўфийларда ким нафсини таниса, ўзини ва роббисини танийди, деган тамойил ҳукмдордир.

44. Иймон – қалб ва вужудни бирлаштирувчи, эзгу амалларга бошловчи илоҳий ҳол. Иймон учун қалбнинг тасдиғи асл ҳисобланади. Ислом нуқтаи назарича, иймон Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдирдаги яхшилик ва ёмонлик Аллоҳдан эканлигига, қайта тирилишга шубҳасиз ишониш. Иймонли юракда ҳасад, адоват, жаҳолат, қоронғуликлар бўлмайди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳақиқат аҳлининг қуйидаги фикрини билдирадилар: “Иймон – қалбни Аллоҳдан бошқа ўзига ром этувчи фойдали ва фойдасиз нарсалардан узиб, Ҳақа боғлашдир”.

45. Аъмол – амаллар.

46. Тааллуқ – боғланиш. Аллоҳдан ўзга нарсаларга боғланиш инсоннинг руҳий камолотига тўсиқ бўлади. Баҳоуддин Нақшбанд бу маънида айтганлар:

Тааллуқ ҳижоб асту беҳосилий,  
Аз ин бандҳо бигсили восили.

Мазмуни:

Тааллуқ – боғланишлар ҳижобдиру ҳосилсизсан,  
Бу боғланишлардан узилсанг, восилсан, яъни  
Ҳақа етасан.

47. Мосуво – Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса касрат демакдир. Тариқатдаги шоирлар “ғайр”, “сиво”, “даъво”, “ёлғон”, “ағёр” каби атамаларни ҳам мосиво маъносида тадбиқ этганлар. Баҳоуддин Нақшбанд “тааллуқ мосувога бу йўл солиқларига, улуғ ҳижобдур”, деб айтганлар. Яъни Нақшбандия йўлида бўлган ва камолотни истаган кишига мосувога – Аллоҳдан ўзга нарсаларга боғланиш барча тааллуқлар – боғланишлар – зоҳирпарастлик, дунёпарастлик, мансабпарастлик ва бошқалар тўсиқдир.

48. Солик – тариқат йўлига кириб, илоҳий файз талабида бўлган инсон.

49. Ҳижоб – парда, тўсиқ. Ҳақиқатга етишмоқчи бўлган инсон учун Аллоҳдан ўзга нарсаларга боғланиш ҳижобдир. Баҳоуддин “Аврод” асарларида “яқинни бизга бер”, яъни қалбимиздан, шак-шубҳалар инсон билан Тангри ўртасидаги энг катта тўсиқдир. Баҳоуддин шундай деганлар:

Гарчи ҳижоби ту берун аз ҳад аст,

Лек ҳеч ҳижобат чу пиндор нест.

Мазмуни:

Сенинг ҳижобларинг ҳаддан ташқари кўп

бўлса-да,

Лекин бирор ҳижобинг пиндор – гумон,

шак-шубҳа каби эмас.

Ҳужвирий “Кашф ул-махжуб” асарида ҳижоблар ва уларни йўқотиш йўл ва воситалари ҳақида маълумот берган.

50. Ҳақиқат аҳли – ҳақиқат йўлида бўлган инсонлар. Ҳақиқат – чиндан мавжуд нарса асл моҳият, Аллоҳни билиш, борлиқ олам сирларини тўғри ва теран англаш. Ҳақиқат шариатнинг ботини. Ҳақиқат илми мушоҳада илмидир. Бу илм муроқаба учундир ва ҳолларга хосдир.

51. Мулозамат – араб тилидан олинган сўз бўлиб, бирга бўлишлик, мулозимлик хизмат қилишлик ва хизматкорлик маъноларини билдиради. Матнда Нақшбандия тариқатини Баҳоуддин: “Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир”, – деб тарифлаганлар. У киши хайрият жамиятда эканлигини ва уларнинг бир-бири билан суҳбатлари кўп хайру барака келтиришини таъкидлаб, мулозамат ҳақиқий иймонга келтиришини айтганлар, яъни бу йўлдаги инсонлар бир-бирига доимо кўмак бериши бир-бирининг хизматида бўлиши лозим, демоқдалар. “Даст ба корлик”, бировнинг оғирини енгил қилиш, хизматида бўлиш, бу йўл толибларнинг ҳаётий фаолиятидир.

52. Мудовамат – араб сўзидан олинган бўлиб, давом эттириш, бирор ишни узлуксиз амалга ошириш маъносини билдиради. Баҳоуддин Нақшбанд тариқат аҳлининг узлуксиз ўзаро суҳбатда ва хизматда бўлиши амалиёти уларни ҳақиқий иймонга олиб келишини таъкидламоқдалар.

53. Мунтаҳий – араб сўзидан олинган бўлиб, охирга етувчи, тамомланувчи, мукамал бўлган деган маъноларни билдиради. Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандия йўлидаги толибларнинг бир-бири билан

суҳбат тутишлари ва бир-бирига ҳамда барча эзгулик йўлидаги ишларга бардавом хизматда бўлишлари иймони ҳақиқийга етишларига насиба айлар, деганлар.

54. Мутобаат – араб тилидаги сўздан олинган бўлиб, бировнинг орқасидан эргашиш, изидан бориш, пайравлик, тобелик маъноларини англатади. Матнда Баҳоуддин Нақшбанд оз амал билан кўп футухга етиштирувчи нақшбандия йўлидаги толибларга Муҳаммад пайғамбар с.а.в. изидан боришга, унга пайравлик қилишга, унинг суннатига итоатли бўлиб, риюа қилишга ундайдилар ва бу ишни улўғ иш деб, таъриф берганлар.

55. Тавҳид – луғавий маъноси бирон-бир нарсани воҳид айлаш. Илмий истилоҳда тавҳид Аллоҳнинг бирлигига ишонмоқдир. Сўфийлар эътиқодида тавҳид Аллоҳнинг азал ва абадда собит ваҳдониятига ишончдир, улар учун тавҳид мақсад, мушоҳада ва маърифат ҳисобланади. Абдуллоҳ Ансорийнинг айтишича, “тавҳид – бирликда сўзламоқ, бирликда кўрмоқ ва якто бўлмоқдир”.

56. Тавҳид калимаси – “Ла илаҳа илла Оллоҳ” – “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”. Нақшбандия таълимотида зикрдан мақсад тавҳид калимасининг ҳақиқатига етишишдир.

57. Маърифат – ақлу дониш, амалий билим, таниш, фаҳм, тасаввуфга хос илм; ҳол сирлари ва илоҳий ҳақиқатларга тегишли илм – ирфон. “Кашф ул – маҳжуб” муаллифининг айтишича, фуқаҳо

сингари бошқа кишилар ҳам Аллоҳ ҳақидаги илмга “маърифат” номини берганлар.

58. Робита – алоқа, боғланиш, занжир, тартиб ва қоида деган маъноларни англатади. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган таълимотда робита мурид, яъни Ҳақ талабида юрган кишининг муршид, яъни Ҳақ йўлининг устози бўлган инсоннинг руҳонияти ёрдами билан Аллоҳдан файз олиши маъносини англатади. Яъни, шогирд устоздан зарурий билимни олиб, ўз оиласи, Ватани, юртида хизмат қилиши мумкин. Робита шогирдларнинг мунтазам устоз хизматида бўлишидан сақлаб уларнинг ўзаро руҳий боғланишини таъминлайди.

59. Мулҳақ – араб тилидан олинган бўлиб, қўшилган деган маънони билдиради. Мулҳақ бўлмоқ, қўшилмоқдир. Матнда Баҳоуддин Нақшбанднинг шундай фикрлари билдириладики, Ҳақ йўли талабидаги солиқ оз робита билан, яъни устозлар ёрдами ила илоҳий файзларни олиш натижасида азиз авлиёлар билан албатта қўшилур.

60. Даражот рафъи – юксак даража. Матнда Ҳақ талабидаги солиқнинг оз робита билан азизлар билан қўшилиши ва бу унинг нажот топиши ва юксак даражага етишига сабаб бўлишига оид Баҳоуддин Нақшбанднинг фикри келтирилган.

61. Дарюза – форс тилидан олинган бўлиб, гадойлик, тиланчилик; фақирлик; гадо, тиланчи; фақир; дарвеш деган маънони англатади. Матнда Баҳоуддинга мурожаат қилиб, фалон бир одам бемор ва сизнинг хотирингиз таважжуҳига интизор эрур деб

айтилган. Баҳоуддин айтадиларки, “аввал бозгашти хотири хаста, баъд аз он таважжуҳи дили шикаста”, яъни ўша инсон бозгашт – қайтиб хотирини даволаши керак, кейин қалби таважжуҳга интизор бўлиши лозим.

62. Абу Саид Абулхайр (ваф. 440/1048) – Хуросон тасаввуф мактабини асосчиси.

63. Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий йил ҳисоби билан етти юз тўқсон бирда рабиул аввал ойининг учида душанбе кечаси – милодий 1389 йил иккинчи март санасида вафот этганлар.

**Алишер Навоий**  
**Хамса**  
**Ҳайрат ул – аброр.**

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддуса сирруху  
мадҳидаким, сунъ наққоши ҳикмат хомаси била  
рўзгор саҳифасида анинг вужуди нақшин исломий  
тарҳ этти ва сурати иршоди била куфр аҳли кўнгли  
варақидин хитойи ва фаранги нақши кетти.

Хожаки, наққоши сипеҳри баланд,<sup>1</sup>  
Бўлғали ер сафҳасиға нақшбанд,<sup>2</sup>

Айлади авроқ мунаққаш басе<sup>3</sup>,  
Нақш рақам айлади дилкаш басе<sup>4</sup>.

Лек анинг нақши киби дилнавоз<sup>5</sup>,  
Чекмади то хомасидур нақшсоз<sup>6</sup>.

Собит анинг кўнгли аро нақши жуд<sup>7</sup>,  
Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд<sup>8</sup>.

Нақшиға тенг тутмай ўзин нақши Чин<sup>9</sup>,  
Олам ўлуб илгида нақши нигин<sup>10</sup>.

Бўйла нигин нақшиға фармонбари<sup>11</sup>,  
Мунча ажаб нақш ила деу пари<sup>12</sup>.

Саъй ила бу гунбади бисёрнақш<sup>13</sup>,  
Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш<sup>14</sup>.

Нақшининг олдида намудор уза<sup>15</sup>,  
Нақш бўлуб сафхаи девор уза<sup>16</sup>,

Мунча ажаб нақш била аржуманд<sup>17</sup>,  
Кимса эмас ғайри Шаҳи Нақшбанд<sup>18</sup>.

Жонға чекиб ранжу ано нақшини<sup>19</sup>,  
Сизмоқ учун анда фано нақшини<sup>20</sup>,

Жони чу ул нақш макони бўлуб<sup>21</sup>,  
Нақшдин ўзга бори фони бўлуб<sup>22</sup>.

Турфа буким нақшга кўз солмайин<sup>23</sup>,  
Жонида жуз нақши бақо қолмайин<sup>24</sup>.

Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр<sup>25</sup>,  
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши ғайр<sup>26</sup>.

Сайр анга бу тоқи мунаққаш уза<sup>27</sup>,  
Нақш кафи лавҳаи заркаш уза<sup>28</sup>

Чун изининг нақшиға суртуб жабин<sup>29</sup>,  
Равшан этиб кўз фалаки нақшбин<sup>30</sup>.

(Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн  
жилдлик. Олтинчи жилд. Хамса. Ҳайрат ул-аброр.  
Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа  
ижодий уйи, 2011. 82-85-бетлар.)



## ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР

1. “Ҳожаки, Наққоши сипехри баланд” – баланд осмон, юксак фалак Наққоши бўлган Ҳожа – Аллоҳ. Наққош – нақшсоз, нақш солувчи, сураткаш, гул солувчи маъносини англатади. Наққош бу мисрада бутун борлиқ, фалакни яратган, яратувчи Худо мазмунидадир. Бутун борлиқни гўзал суратда яратган Мусаввирни Навоий Наққош деб ёзган. Навоий Нақшбанд нима эканлигини иншо этиш мақсадида нақш сўзининг мазмун – моҳиятини очилишини ният қилган бўлса керак. Бутун само ва ернинг гўзал суратда нақшлаган Наққош – Тангри, Худо, Аллоҳдир. Баҳоудинни Нақшбанд эканлигини ва у яратган Нақшбандия таълимоти моҳиятини очиш учун сўз мулкининг султони ўттиз мисрада ўттиз бир маротаба нақш иборасини турли мазмун моҳиятда ишлатган.

2. “Бўлғали ер сафҳасиға Нақшбанд” – Наққош – Тангри Ер юзига – ўзи яратган борлиқнинг бир саҳифаси, вароқи, бетининг юза томонида Нақш боғлашни ният қилди. Яъни у Ер юзига бир чиройли, гўзал Нақш боғламоқчи, яратмоқчи бўлди. Бу ерда Нақшбанд Тангри – Наққошнинг сифатидир.

3. “Айлади авроқ мунаққаш баса” – Наққош ўзи яратган асар – ер саҳифаси варақларини жуда зеб бериб мунаққаш айлади, яъни нақшлади, безатди. Ер ҳам Тангрининг яратган китобларидан, асарларидан биридир. Ер юзасини безатиш учун гўзал беғубор боғу роғлар, тоғу дарёлар, далаю қирлар, ажойиб инсонларни нақш этди, яратиб уларга гўзал хилқат

ато этди. Наққош – Тангри бу мисрада мунаққаш сифатида аён бўлмоқда.

4. “Нақш рақам айлади дилкаш базе” – Ер юзида нақшланган безатилган барча халқ қилинган нарсалар ичида дилкаш – қалбни ўзига тортадиган мафтун этадиган бир Нақшни чизди. Бу ерда Нақш – Баҳоуддин Нақшбанддир. Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий – (1318–1389) Нақшбанд, Шоҳ Нақшбанд номи билан машҳур бўлганлар. Алишер Навоий сўз мулкининг султони бўлганлиги учун, нақш сўзини бош сўз сифатида олиб, унга турли маънолар билан жило бериб Баҳоуддиннинг Шоҳ Нақшбанд эканлигини очиб берган. Манбаларда Баҳоуддин Балогардон эканлигига урғу бериб, кўп асосу далиллар келтирилган. Аммо анча мураккаб рамз бўлган, изоҳлаш тушунтириш оғир бўлган Нақшбанд номларига оид маълумотлар оз. Ҳазрат Алишер Навоий айнан Нақшбанд сўзининг моҳиятини очиш ва мазкур илдиздан вужудга келган жаҳоншумул таълимот Нақшбандиянинг мазмунини ошкор этиш мақсадида нақш сўзидан фойдаланган бўлсалар керак. “Нақш рақам айлади дилкаш базе” – мисраси билан Тангри таоло Ер юзасида Баҳоуддин Нақшбанддек улуғвор инсонни яратганини ишора этмоқда.

5. “Лек анинг нақши киби дилнавоз” – Баҳоуддин Нақшбанднинг дилнавоз Нақш эканлигига ишора этилмоқда. Дилнавоз – кўнглини овловчи ёқимли, сеvimли маъноларни англатувчи форсий сўздир. Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот нақшбандия номи билан бутун жаҳонга машҳур. Баҳоуддин

таълимоти “Даст ба кору, дил ба Ёр”, “Нақш банд, ба дил банд” шиорлари ила асосан инсонлар қалбини поклаб, уларни ғафлат уйқусидан уйғотиб, қалбларида Аллоҳни Нақшлашга ёрдам берганлар. Шунинг учун Навоий Нақшбандни дилнавоз, дилтортар Нақш билан қиёс этмоқдалар.

6. “Чекмади то хомасидур нақшсоз” – Аллоҳнинг қалами нақш яратувчи бўлганлиги сабабли бундай дилнавоз Нақш бўлган Баҳоуддин Нақшбанд каби валиюллоҳни яратиб, халқ эта олган.

7. “Собит анинг кўнгли аро нақши жуд” – Баҳоуддин Нақшбанд кўнглида нақши жуд собитдир. Жуд – форсий сўз бўлиб, инъом, эҳсон, сахийлик, қўли очиқлик маъноларини англатади. Бу мисра ила Тангри Баҳоуддинни шунчалик мукаммал қилиб яратганини, унинг изни билан Баҳоуддин кўнгли, қалбида тўла жуд – саховат, эҳсон, бағрикенглик нақш бўлганлиги тавсиф этилган. Шунинг учун Баҳоуддиннинг ўзи ва у яратган таълимотнинг моҳияти бутун борлиққа эзгулик қилиш, барчанинг оғирини енгиллаштириш, хизмат, ҳиммат, риёсиз, пок, ҳалол меҳнат қилишга ундайди.

8. “Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд” – кўнгил саҳифасида вужуд нақшлари умуман йўқ бўлганлигига ишорат. Алишер Навоий Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд қалбида илоҳий нақшлар – эҳсон ва саховат шунчалик кучли нақш солинганки, унинг юзасида бундан илгари мавжуд бўлган вужуд нақши – яъни нафс истаклари умуман йўқ бўлганлигини таъкид этмоқда. Инсонда тана, вужуд истаклари

асосида нафс пайдо бўлади. Нафс инсонни тубанликка бошлайди ва ундаги инсонийлик хислатларини йўқотиб ҳайвоний иллатларни вужудга келтиради. Баҳоуддин қалблари шунчалик пок ва беғубор эдики, унда вужуд истаклари билан боғлиқ нафсоний нақшлар умуман йўқ бўлиб кетган эди.

9. “Нақшиға тенг тутмай ўзин нақши Чин” – Бу мисрада нақш икки маънода келяпти. Биринчи нақш ибораси Баҳоуддин яратган нақшбандия таълимоти англатса, иккинчиси дунёга машҳурлиги ва жуда гўзаллигига қарамай унга тенг бўлолмайдиган нақши Чин. Нақшбанд таълимотидаги қалб нақшларига ҳатто энг гўзал деб ҳисобланган Хитой – Чин нақшлари ҳам тенг эмасди. Яъни бу ерда Баҳоуддин Нақшбанд яратган нақшбандия таълимотидаги тасаввуфий ғоялар Чин нақши бўлган, бошқа ғояларни куфр аҳли кўнглидан кеткизганига ишорадир.

10. “Олам ўлуб илгида нақши нигин” – Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот ва унинг қалбидаги маърифат натижасида бутун олам унинг назарида кўлидаги узукнинг нақши каби бўлди. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандни ҳаёти ва таълимоти баён этиб, у кишига доир шундай маълумотни ёзади: “Ҳазрат Хожа Азизон р.а. дер эрмишларки, “Ер бу тоифанинг кўзида бир суфрачадур” ва биз айтамикки, “Тирноқ юзичадур ҳеч нима булар кўздан ғойиб эмас”. Яъни Баҳоуддин Нақшбанд қалб кўзлари очиқ ва қалбларида бутун олам шунчалик

аён, эрурки худди тирноқ юзини оддий инсонлар кўриб тургандай, бутун олам ҳам Баҳоуддин Нақшбанд олдида кўнглидаги нигин нақши каби аён бўлган. Яъни Баҳоуддин зоҳиран “олами сағир” – кичик оламдай бўлсалар ҳам, ботинан “олами кабир” – буюк оламга айланган ва қалбларидан тажаллий этадиган нурлар бутун борлиқни мунаввар этган.

11. “Бўйла нигин нақшиға фармонбари” – Баҳоуддин Нақшбанд қалбидаги нақш, яъни у яратган нақшбандия таълимоти, Сулаймон пайғамбар кўлидаги узугининг нақши каби бутун борлиққа таъсир эта олган.

12. “Мунча ажаб нақш ила деуу пари” – Баҳоуддин Нақшбанд қалбидаги нақш ва у яратган нақшбандия таълимоти исломий тарҳи ила деуу париларга бўйсунуш, куфру исён нақшини йўқотганлигига ишора.

13. “Саъй ила бу гунбади бисёрнақш” – Бу гумбаз, осмон, фалак кўп саъй ила кўп нақшлар яратган. Яъни турли йўллар билан ибодат қилиш йўллари мавжуд бўлган. Одамлар бутларга, руҳлар, жинларга ва бошқа нарсаларга сиғинганлар. Бисёрнақш – Аллоҳдан ўзга нарсаларга боғланишлардир.

14. “Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш” – Фалак саъй этиб турли хилдаги сохта нақшлар яратиб, шу нақшларни маъбуд санаб қалб изҳорларини бажо келтирганлигига ишора.

15. “Нақшининг олдида намудор уза” – Баҳоуддин Нақшбанднинг нақши - таълимоти олдида бошқа куфр ва исён нақшлари бутпарастлик ва ширк намоён бўлганлигини англатади.

16. “Нақш бўлуб сафхаи девор уза” – деворда бу нақшлар йўқ бўлиб кетдилар. Яъни Баҳоуддин Нақшбанд қалбидаги нур ва ундан таралган ёруғлик, равшанлик зиё уларни кўринмас ҳолатга келтирди, яъни бошқа хитойи ва фаранги нақшлар, куфру исён нақшлари нақшбандия таъсири билан йўқолди. Инсонлар нақшбандия таълимоти маърифати ва нуру зиёси билан ҳақиқий иймонга мушарраф бўлдилар.

17. “Мунча ажаб нақш била аржуманд” – нақшбандия таълимоти илмини ажойиб нақш сифатида Баҳоуддин қалбига солинганлиги Нақшбандни аржуманд азизу мукаррам этилганлигига ишорат этилмоқда. Алишер Навоий нақшбандия таълимотини ажойиб нақш сифатида тавсифлаб, унинг бошқа таълимотлардан афзал ва улуғворлигини таъкид этганлар.

“Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” асарида ҳам Нақшбандлар нақши улуғланиб шундай ёзилган:

Ту нақши нақшбандонро чи дони,  
Ту шаклу пайкари жонро чи дони.  
Дарахти сабз донад қадри борон,  
Ту хушки қадри боронро чи дони.

Мазмуни:

Сен нақшбандлар нақшини қаердан ҳам билардинг.

Сен жонимиз пайкари бўлган шаклни қаердан ҳам билардинг.

Яшил дарахтлар ёмғир қадрини билади,  
Сен қуруқ бўлганинг учун унинг қадрини қаердан ҳам билардинг.

18. “Кимса эмас ғайри Шаҳи Нақшбанд” – айнан Шоҳи Нақшбанд ажиб нақш билан баҳраманд ва азиз этилганлиги бу мисралар орқали баён этилмоқда. Алишер Навоий Баҳоуддинни Шоҳи Нақшбанд, яъни барча мунаққашлар – нақш солувчиларнинг шоҳи деб улуғлаб, бунга сабаб уни азиз ва мукаррам қилаётган у яратган ажиб нақш – нақшбандия таълимоти эканлигини айтмоқда.

Дарҳақиқат, Баҳоуддин Нақшбанд асослаган таълимотни Навоий нақш ибораси билан ифодалаб, айнан ўша гўзал таълимот уни Шоҳи Нақшбанд даражасига юксалтирганлигини таъкид этган.

Алишер Навоийнинг бу қиёси Абдурахмон Жомийнинг Баҳоуддин Нақшбандга берган қуйидаги таърифига уйғундир.

Сикка, ки дар Ясрибу Батхо заданд,  
Навбати охир дар Бухоро заданд.  
Аз хати он нашуд баҳравар,  
Жуз дили бенақши Шаҳи Нақшбанд.

Мазмуни:

Муқаддаслик муҳри нақшини аввал Макка ва  
Мадинага урдилар,  
Кейинчалик уни (муқаддаслик муҳри  
нақшини) Бухорога урдилар.  
Унинг хати нақшидан ҳеч ким баҳраманд бўла  
олмади,  
Ҳақатгина Шоҳ Нақшбанднинг нақшсиз  
юраги баҳра топди.

19. “Жонға чекиб ранжу ано нақшини” – Баҳоуддин Нақшбанд камолот йўлида риёзат чеккани, машаққатлар, азоблар кўрганлигини бу мисралар орқали Навоий баён этмоқда. Мақомотларда Нақшбанд узоқ муддат ўз нафсига ҳукмдор бўлиш, нафси амморани йўқотиш ва нафсни тарбиялаш учун риёзат чекканлари ёзилган.

20. “Сизмоқ учун анда фано нақшини” – Баҳоуддин Нақшбанд риёзатдан мақсади вужудида фано нақшини сизмоқ – чизмоқ, нақш солмоқдир. Фано – йўқ бўлиш, фоний бўлиш. Нарса ва ашёларнинг сўфий назаридан барҳам топишига фано дейилур. Фанонинг туб маъноси – қулнинг ёмон ахлоқ ва феълларни тарк қилиб, Аллоҳнинг гўзал сифатлари ва илоҳий феълларига эришиши, башарий иродадан илоҳий иродага кўчиши. Қушайрий фанони учга ажратган:

1. Илк фано – қулнинг ўзидан ва ёмон хулқ – атворидан фоний бўлиши.

2. Иккинчи фано – Ҳақни томоша айлаган қулнинг Ҳақ сифатларидин ҳам фоний бўлиши.

3. Учинчи фано – Ҳақнинг борлиғида йўқ бўлган қулнинг ўз фаносини кўришдан ҳам фонийлигидир.

Фано ҳолидаги ошиқ “мен”лигини унутиши билан тавҳидга соҳиб бўлади. Тавҳиднинг юқори даражаси эса яна шудир. Фанофиллоҳ эса инсон зот ва сифатининг Ҳақ зоти ва сифатида фоний бўлиши. Тасаввуфда фано фил – ишқ назарияси ҳам яратилган. Бу назарияга кўра, кўнгил тасфийа ва руҳни даражама – даража юксалтириш орқали фано



фил – ишқ марҳаласини эгаллаганлар ишқ, ошиқ ва маъшук бирлигига эришадилар. Яъни ишқ, ошиқ ва маъшук орасида ҳеч қандай фарқ ва ажралиш бўлмас. Бу – ишқнинг башарий ҳис-туйғуларни илоҳийлаштириши демак.

“Рисолаи қудсия” асарида Муҳаммад Порсо фано ҳақидаги Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги фикрларини келтиради:

Чист меърожи фалак? Ин нести.

Ошиқонро мазҳабу дин нести.

Хар кас, ки ў нагардат фано,

Нест роҳ дар боргоҳи кибриё,

Мазмуни:

Нимадир фалакнинг меърожи? Бу йўқликдир.

Ошиқларнинг мазҳабу дини йўқликдир.

Ким агар фано бўлмаса,

Унда кибриё боргоҳи – илоҳий маконда йўл йўқдур.

Демак, инсон камолотининг асосий воситаларидан бири фано бўлиш, барча тааллуқотлардан узилишдир.

21. “Жони чу ул нақш макони бўлуб” – Баҳоуддин Нақшбанд барча Аллоҳдан ўзга боғланишларни тарк этиб, фано ҳолатига етганида унинг жони – вужуди ҳам, руҳи ҳам, бутун борлиғи Аллоҳ нақши маконига айланди. Яъни Баҳоуддин Нақшбанд илоҳий сифатларга эга бўлди.

22. “Нақшдин ўзга бори фони бўлуб” – Баҳоуддин жисму жонига Аллоҳ нақши макони бўлгани учун Аллоҳ нақшидан ўзга нарсалар йўқ бўлди. Баҳоуддин Нақшбанд бу мазмунда шундай деганлар:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам ҳоли,  
Ки ғайратро намешояд дар ин ҳилват саро  
будан.

Мазмуни:

Ғайрат қилиб қалб уйимни, Аллоҳдан ўзга нарсалардан бўшатдим.

Чунки ғайр – Аллоҳдан ўзга нарсалар бу хилватсаро (қалбда) бўлишига муносиб эмас.

Нақшбандийнинг “Даст ба кору, дил ба Ёр” ва “Нақш банд ба дил банд” шиори шунга уйғун моҳиятни англатади.

23. “Турфа буким нақшга кўз солмайин” – Баҳоуддин Нақшбанд бутун вужуди ва руҳияти кўз бўлиб, фақат ягона нақш – Наққоши Азал ва Абадни кўрган ва бошқа нақшларга назар солмаганлигига ишорат этилмоқда.

24. “Жонида жуз нақши бақо қолмайин” – Баҳоуддин Нақшбанд вужуди, руҳияти, жисму жонида фақатгина бақо нақши қолди, унга абадийлик нақши чизилди. Бақо – фанонинг зидди, давомийлик. Тасаввуфий истилоҳда қулнинг ўзида мавжуд нарсалардан кечиб, Аллоҳга оид ҳақиқатлар билан бақога эришиш, башарият иродадан илоҳий, яъни энг олий иродага юксалишдир.

25. “Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр” – Баҳоуддин Нақшбанд бақо ҳолатига етгандан кўнгли бутун борлиқда Аҳадият нақшида сайр эта бошлади. Сайр – тариқатда тариқат асосчиси бино этган усул доирасида маънавиятнинг юксалиши, руҳий камолотга етиштирувчи саёҳатдир. Унинг қуйидаги кўринишлари бор: 1. Сайри илаллоҳ – сайру сулукнинг илк мартабаси бўлиб, соликнинг зикр йўли билан Ҳақ таолога томон юксалиб унинг гўзал исмлари мартабаларидан исми ҳақиқийга восил бўлиш. 2. Сайри филлоҳ – сайру сулукнинг иккинчи мартабаси бўлиб, сифатуллоҳ ила сифатланиш, башарий сифатлардан фориғлик. 3. Сайри маъаллоҳ – сулукнинг учинчи мартабаси бўлиб, соликнинг ҳар мартабада Аллоҳ билан сайрга етишиши. 4. Сайри аниллоҳ – ваҳдатдан касрат томон сайр бўлиб, у сайру сулукнинг тўртинчи мартабасидир.

26. “Сайрда йўқ кўнгли аро нақши ғайр” – Баҳоуддин Нақшбанд сайр этиб кўрдики, кўнглида Аллоҳдан ўзганинг нақши йўқ.

27. “Сайр анга бу тоқи мунаққаш уза” – Баҳоуддин Нақшбанд мунаққаш тоқ, яъни Аллоҳ билан нақшланган, улуғвор манзил бутун борлиқ узра сайр этди.

28. “Нақш кафи лавҳаи заркаш уза” – Нақшбандга сайр этиб зар тортувчи бошқа металлдан зарни олувчи лавҳ – қалбида фақатгина бир нақш Аллоҳ нақши кифоя эканлиги аён бўлди. Яъни қалб покланиб Аллоҳ назаргоҳи, маконига айланса бундай қалб ҳам зар каби нур таратади, ҳам тош қалбларни

дуру инжуга айлантириб, бошқа металллардан зарни тортиб олади, кимёи саодатга айланади.

29. “Чун изининг нақшиға суртуб жабин” – ким пешонасини, манглайини нақшбандлар изига суртса, яъни уларнинг йўлидан бардавом бўлса, албатта яхши натижаларга эришади.

30. “Равшан этиб кўз фалаки нақшбин” – нақшбандия изидан бораётган инсонлар нақшини кўриб турган фалак уларни кўзларини равшан этади, йўлларини ёритади. Нақшбандия таълимотининг Баҳоуддин Нақшбанд “урватул вусқо” – кучли тутқич деган. Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандлардан Аллоҳ рози бўлиб, уларнинг таълимотини ҳозирги кунгача жаҳоншумул ва барҳаёт қилиб азиз ва мукаррам этганлигига сабаб Наққоши Азал Ер юзида Баҳоуддин каби инсоннинг вужудини яратганидир. Алишер Навоий инсон вужуди қудратидан ҳайратланиб, Шоҳ Нақшбанддек улуғ инсонни ўз асарида тавсифлаган. Шоҳ Нақшбанд каби азиз авлиёлар, комил инсонлар “Ҳайрат ул-аброр” асарида яхши кишиларнинг ҳайратига сабаб бўлганлар.

**АЛИШЕР НАВОИЙ**  
**ЛИСОН–УТ-ТАЙР**  
**ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД СЎЗИ**  
**ФАНОЙИ КОМИЛ МАҚОМИДА**

Хожаи олий сифоти аржманд,  
Шаҳ Баҳо ул Ҳақ вад-дин Нақшбанд.

Чун бу иқлим уза бўлди тахтгир,  
Тузди йўқлук кишвари узра сарир.

Ўз вужудин пок сайри ҳақшунос,  
Ҳар не бирлаким қилур эрди қиёс.

Ондин ўзни кам топар эрди баче,  
Сарву гулдин ўйлаким хору хаче.

То кўрунди кўзга бир жифа калб,<sup>1</sup>  
Пайкаридин поклик ойини салб.

Чун онинг бирла тенгуштурди ўзин,  
Нола қилди ашкбор айлаб кўзин.

Деди: «Ул аҳли вафодур, мен – ёмон,  
Ўзни онинг бирла эмди тенг демон.

Ул худовандига қилмас жуз вафо,  
Лек мендин зоҳир ўлмай жуз жафо”.

---

<sup>1</sup> Калб – ит.

Ҳукм мундоқ айлагач соҳиб назар,  
Қилди ит йўл бирла оллидин гузар.

Кўрди топқоч нисбат ойинин туза,  
Ит аёғининг изин туфроқ уза.

Деди: “Мен ортуғ эканму ё бу из?”  
Яна ўзни деди: “К-эй инсофсиз,

Ул вафо аҳли аёғидин нишон,  
Сен вафосизлиғ сари доманкашон”.

Ҳатм қилди чун бу маънига сўзин,  
Ер ўпуб ул из уза қўйди кўзин.

Аҳли Ҳақ бу навъ этиб салби вужуд  
Бўлдини бу важҳ ила айлаб нобуд.

Бўйла ошом эттилар жоми фано,  
Қолмоғондин сўнг асар ўздин яно.

Ҳақ вужудидин бақое топмайин,  
Жоми ваҳдатда лиқое топмайин,

Чун фано хайлига дохил бўлдилар,  
Боқийи мутлаққа восил бўлдилар.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Лисонут-тайр; (Насрий баёни билан) – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991. 224–225-бетлар.

**ФАХРИДДИН АЛИ САФИЙ  
РАШАҲОТ АЙН-АЛ ҲАЁТ  
НАҚШБАНД НОМИ БИЛАН МАШҲУР ҲАЗРАТ  
ХОЖА БАҲОУЛ ҲАҚ ВАД-ДИН МУҲАММАД<sup>1</sup>  
(Қ.С.) ЗИКРИ**

Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с) муҳаррам ойи, етти юз ўн саккизинчи<sup>2</sup> йилда туғилди. У зот туғилган ва дафн этилган жой Бухоро шаҳридан бир фарсанг наридаги Орифон Қасридир.<sup>3</sup>

Ҳали болалик вақтидан у кишида каромат ва хидоят<sup>4</sup> нурлари намоён бўлган. Ҳазрат Хожанинг волидалари: “Фарзандим Баҳоуддин тўрт яшар вақтида сигиримизга қараб: “Бу яқинда оқ пешонали бузоқ беради”, – деган ва ҳақиқатда сигиримиз бир неча ойдан сўнг шундай сифатли бузоқ туғди”.

Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) гўдак чоғларида Хожа Муҳаммад Бобо Самосийдан<sup>5</sup> фарзандликка қабул назари тушган. Тариқат одобининг таълимоти Хожа Муҳаммад Бобо ишорати билан зоҳиран Амир Кулолдан<sup>6</sup> бўлган. Аммо ҳақиқат юзасидан Хожа увайсий<sup>7</sup> бўлганлар ва ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан (қ.с.) тарбият топганлар. Бу маълумот “Мақомот”ларида<sup>8</sup> ҳам ўз тасдиғини топган.

Маълум бўлсинки, Хожагон силсиласида Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий<sup>9</sup> замонидан то Амир Кулол давригача хуфия зикрини алония зикри билан қўшиб олиб борардилар.<sup>10</sup> Уларнинг шариф силсилаларини алонияхонон-алония тарзида зикр этувчилар деб атардилар.

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин (қ.с.) зухур этиш вақтларидан бошлаб ҳазрат Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан (қ.с.) маъмур бўлганларидан сўнг, хуфия зикрни ихтиёр этганлар ва алониядан узоқда бўлганлар.

Амир Кулол ўз асҳоблари билан алония зикрига машғул бўлган вақтда, Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) туриб у ердан кетганлар. Бу (ҳаракат) асҳобнинг хотирига оғир ботса-да, Хожа парво қилмас, бу мақомда уларга тақлид қилмас эканлар.<sup>11</sup> Аммо Амир Кулол хизмат ва мулозиматларидан бирор дақиқа ҳам қолмас, ҳамиша у кишининг ирода остоналарида таслим бошини эгиб, у зотдек бўлишга ҳаракат қилар эканлар.<sup>12</sup>

Амир (Сайид Амир Кулол)нинг ҳазрат Хожага (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) бўлган илтифотлари кундан кунга ошиб борган. Бир кун Амирнинг асҳоблари хилватда ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанднинг қ.с.) қусур ва нуқсонларини очдилар. Амир Кулол бу хилватдан то бутун асҳоб – каттадан кичигигача беш юздан ортиқ киши Сухорий масжидига йиғилмагунча ҳеч нарса демадилар. Ҳар ким (масжид қурилишида) бир иш билан шуғулланарди. Лой ишини тугатгандан сўнг, асҳоб Амирнинг (Сайид Амир Кулолнинг) олдига келдилар. Шу вақтда Амир уларга юзланиб деди:

– Сизлар фарзандим Баҳоуддин ҳақида ёмон гумонлар қилиб, хато қилгансизлар. Унинг баъзи ҳолатларини қусурли амал деб, билгансизлар. Ҳақ субҳонаҳу назари унинг бутун борлиғини қамраб олгандир.<sup>13</sup> Ҳақ таоло бандаларининг назари Ҳақ



субҳонаҳу назарига тобеъдир ва назар қилиш даражасида ундан мақбули ва ихтиёрлиси йўқдир.

Кейин ғишт ташиш билан банд бўлган ҳазрат Хожани Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.)ни талаб этиб, йиғилганлар олдида у кишига юзланиб дедилар:

– Фарзандим Баҳоуддин, сизнинг нафасингиз ўрнига Хожа Муҳаммад Бобо нафасларини қўйдим. У киши айтган эдиларки, “Тарбиятда сенинг ҳаққингга ниманики ўрнига келтирган бўлсам, сен ҳаммасини хато қилмасдан фарзандим Баҳоуддин ҳаққига қўй”. Мен шундай қилдим.

(Амир Кулол) ўзларининг муборак кўкракларига ишорат қилиб айтдилар:

– Сиз учун бўстонни қуритдик. Сизнинг руҳингиз қуши башарият байзасидан оламга чиқди.<sup>14</sup> Аммо сизнинг ҳиммат қушингиз баландга парвоз этгувсидир. Энди сизга ижозат. Ҳар ердаки машомингизга бир бўй етса, туркданми, тожикданми, уни талаб этинг. Талабгорликда ҳимматингизга йўл очинг.

Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) айтдиларки, ҳазрат Амир Кулолдан бу нафас зоҳир бўлганидан сўнг, бизнинг ибтидомиз бошланди. Билдикки, агар шу тарзда тобеълик қилсак балолардан йироқ ва саломатликка яқинроқ бўлурмиз.

Шундан сўнг, ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) етти йил Мавлоно Ориф<sup>15</sup> билан суҳбатда бўлдилар. Сўнг Қусам Шайх<sup>16</sup> ва Халил Ота<sup>17</sup> га етдилар. Халил Ота билан ўн икки йил бирга бўлдилар.

(Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.)) икки бор Ҳаж сафарига чиқдилар. Иккинчи гал Хожа Муҳаммад

Порсо<sup>18</sup> билан ҳамроҳ бўлдилар. Хуросонга етгач, Хожа Порсони Нишопурга томон юбориб, ўзлари Мавлоно Зайниддин Абу Бакр Тойибодий билан учрашиш учун Ҳиротга келдилар ва уч кун мобайнида Тойибодда у киши билан ҳамсуҳбат бўлдилар. Кейин Ҳижозга томон юзландилар ва Нишопурда асҳоб билан кўришдилар. Кейин Марвда неча вақт муқим турдилар, сўнг Бухорога келдилар ва умрларининг охиригача шу ерда қолдилар.

У кишининг (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.)) аҳволларининг тафсили “Мақомот”<sup>19</sup> асарида бордир.

Ҳазрат Амир Кулол сўнгги бетоблик чоғларида асҳобларини Ҳожага (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) итоатга чақирдилар. Асҳоб Амир Кулолга савол берди:

– Ҳазрат, Хожа Баҳоуддин алония зикрида сизга тобеълик қилмадику?

Амир буюрдилар:

– У кишидан ўтган ҳар бир амал қандай тарзда бўлса илоҳий ҳикмат билан бўлур ва у кишининг ихтиёри орада йўқдир.<sup>20</sup>

(Амир Кулол (қ.с.) ушбу фардни айтдилар:

Сендаги бор нарсаларнинг олдида мен кимман?<sup>21</sup>

Ҳожагон хулафосининг сўзлари будир:

Сени сенсиз ўзингдан чиқарсалар кўрқмагил.

Агар сен ўзингдан ўзинг чиқсанг кўрқгил.<sup>22</sup>

Замон ақобирларидан ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Мискин айтадилар:

– Шайх Нуриддин Хилватий Бухорода вафот этганларида, унинг таъзия йиғинида ҳазрат Хожа Баҳоуддин (қ.с) ҳозир эдилар. Таъзияда заифалар ва

асҳоблар баланд овоз билан наъралар тортиб, фарёд чекардилар. Бу ҳолдан ҳозир бўлганларга оғир бўлди ва улар манъ этдилар. Шу пайт Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) дедилар:

– Менинг охирги дамим етганда дарвешларга қандай ўлиш лозимлигини кўрсатаман.

Ҳазрат Муҳаммад Мискин айтадилар:

– Бу сўзлар мудом менинг ёдимда эди. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) бетоб бўлдилар. Бу сўнггиси эди. карвонсаройдаги ҳужраларидан бирида ётардилар. Асҳоби хослари яхши мулозамат қилардилар. У киши (Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) ҳар бир кишига ўзига хос ва мос шафқат ва илтифот кўрсатардилар. Охирги нафасларида икки муборак қўллари дуога кўтардилар, шундан сўнг оламдан ўтдилар.

Ҳазрат Алоуддин Гиждувоний<sup>25</sup> айтардиларки: “Мен Хожанинг (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) охирги касаллик лаҳзаларида ҳозир эдим. Менга дедилар:

– Ало, суфрани (дастурхонни) олдингга ол, таом егин!

Мени у зот (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) доим Ало дердилар. Мен буюрганларига амал қилдим, икки-уч луқмадан сўнг ортиқ ея олмадим. Суфрани йиғиштириб кўйдим. (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) кўзларини очдилар ва кўрдиларки, мен суфрани йиғиштирганман. Дедилар:

– Ало, суфрани келтир ва таом егин!

Мен яна бир неча луқма едим ва суфрани йиғиштириб кўйдим. (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.)

кўрдиларки, яна суфрани йиғиштириб қўйибман.  
Дедилар:

– Суфрани келтир ва таом егин. Таомни яхши  
ейиш ва ишни яхши қилиш керак! – деб тўрт марта  
такрорладилар.

Бу пайтда мулозим ва асҳобларининг хотирида  
“Ҳазрат Хожа қайсимизга иршод<sup>24</sup> ижозатини бера-  
дилар ва фуқаро тарбиясини кимга топширадилар?”  
деган уй чарх урарди. Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин  
Нақшбанд (қ.с.) бундан огоҳ бўлдилар ва дедилар:

– Мени нега шу вақтда ташвишга соласизлар? Бу  
амр менинг ихтиёримда эмас. Қачонки Ҳақ субҳонаҳу  
сизни бунга мушарраф этса, бу ҳолат ҳукм бўлади ва  
сизга буюрилади.

Хожанинг (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) ходим-  
ларидан бири ҳазрат Али Домод шундай дейди:

– Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) охири  
касаллик пайтларида қабрларини таъмирлашни амр  
қилдилар. Бу ул зотнинг муборак мазорлари эди.  
Ишни тугатиб, олдиларига келдим. Хотиримга  
келдики, “Бу кишидан кейин иршод кимга амр  
бўлади?”. (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) бирдан  
муборак бошларини кўтардилар-да, айтдилар

– Ҳижоз йўлида тугатилган ўша сўзлар бўлади.<sup>25</sup>  
Кимнинг мени кўриш орзуси бўлса Хожа Муҳаммад  
Порсога назар қилсин.

Шу сўзлардан сўнг, эртаси кун руҳлари Ҳақ  
субҳонаҳу сари парвоз этди.

Нақл бордирки, Алоуддин Аттор<sup>26</sup> (қ.с) деганлар:

– Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) бу оламдан илоҳий оламга кўчиш вақтларида “Ёсин” сурасини ўқир эдим. Ярмага етганимда анвор ҳосил бўла бошлади. Калима айтиш билан машғул бўлдик, шундан кейин Хожа сўнги нафасларини олдилар.

У кишининг (Баҳоуддин Нақшбанд қ.с) ёшлари етмиш учга тўлиб, етмиш тўртга томон қадам қўйган эдилар (Қамарий йил билан). Нақл қиладилар-ки, у кишининг вафотлари душанба кечаси робиъул аввалнинг учинчиси, етти юз тўқсон биринчи йил<sup>27</sup> бўлган.

Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) вафотлари тарихи ҳақида дебдурлар:

Рафт Шоҳи Нақшбанд,<sup>28</sup> он хожаи дунёю дин,  
Он ки, будй Шоҳи роҳи дину давлат миллаташ.  
Маскану маъвои ў чун буд Қасри Орифон,  
Қасри Ирфон<sup>29</sup> з-ин сабаб омад ҳисоб реҳлаташ  
**Форс тилидан Зевара Қосимова ва  
Гулчеҳра Наврўзова таржимаси.**

## **ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР**

1. Баҳо ул Ҳақ ва Дин – Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)га берилган таърифлардан бири бўлиб, мазмуни Ҳақиқат ва Динни ёритувчи равшан этувчи, демакдир. Яъни, Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с)нинг ўзлари Ҳақиқат ва Диннинг кўзгуси, акси, меъёри, мезонидирлар. “Нақшбанд” деган таҳаллус, бир томондан, оталари билан матога нақш босиш

билан шуғуланганликлари учун берилган бўлса, иккинчи ва асосийси, шу касб билан шуғулланиш асносида у киши Энг Буюк ва Гўзал Нақш – Аллоҳнинг нақши эканлигини англаганликлари ва барча издошларига “Аллоҳни қалбга нақшлаб қўйиш лозим” деганлари сабабидан берилган. Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) Аллоҳ таоло инсонни яратар экан, унинг танасидаги ҳар бир узвини маълум неъмат сифатида беради, ана шу неъматдан тўғри фойдаланиш лозим, қўл меҳнат ва хунар ўрганиш учун керак бўлса, қалб Аллоҳ нурларини жойлаш, унинг муҳаббатини асраш учун зарур деб билган. Шунинг учун ҳам бу тариқат “Нақшбандия”, яъни қалбларига Аллоҳни нақшлаганлар, номи ила машҳур бўлган. Уларнинг асосий шиори “Даст ба кору, дил ба Ёр” яъни, қўл иш, хунар ва меҳнат учун, қалб Аллоҳ ишқи учун – хунарманд, меҳнаткаш, олиму фозилларни ўзига ром этган. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) ҳалол меҳнат билан яшаганлари ва Аллоҳни қалбларига нақшлаганликлари Ҳақиқат ва Дин моҳиятининг ўзидир.

2. Етти юз ўн саккизинчи (718) ҳижрий йил, муҳаррам ойи – Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) туғилган муборақ вақт у киши ҳаётини форс қўлёзмалар асосида тадқиқ этган академик А.А.Семёнов (1873–1958) Вюстенфельд жадвали асосида ҳисоблашча, милодий 1318 йилнинг 5 мартдан 3 апрелигача бўлган вақтга тўғри келар экан.

3. Орифон Қасри – Орифлар (Ҳақиқат мақомига етиб, Аллоҳ ҳақидаги билимларни эгаллаган

кишилар)нинг қасри. Бу жой Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) таваллудларидан бурун Қасри Ҳиндувон – Ҳиндулар яшайдиган қаср номи билан юритилган. Шарқшунос, туркий тиллар бўйича мутахассис В.А.Гордлевский (1876-1956) тадқиқотлари асосида айтиш мумкинки, бу ерда аввал будда динига сиғинган ҳиндулар яшашган. Муҳаммад Бобо Самосий (қ.с) бу ерда улуғ эр дунёга келади, деб башорат қилганлар. Бу ер ҳозиргача Қасри Орифон номи билан маълум ва машҳур.

4. Каромат ва ҳидоятлар – Каромат авлиёлар содир этадиган ғайри оддий ҳолатлар, ҳаракатлар. Ҳидоят – одамларга тўғри йўл кўрсатиш. Каромат ва ҳидоятлар Аллоҳ нури ила буюк кишилар қалбига жо қилингандур. Булар Илоҳий Моҳиятнинг чексиз имкониятларидан гувоҳлик берувчи далиллар.

5. Муҳаммад Бобо Самосий (вафотлари 1335-1336) – Ҳожагон тариқатидан Ҳожа Али Ромитанийнинг халифалари (Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) таваллудларидан олдин башорат қилганлар. Муҳаммад Бобо Самосий Бухорои Шарифнинг Етти Пирнинг бешинчисидир.

6. Амир Кулол – Сайид Амир Кулол (вафотлари 1370) – Ҳожа Муҳаммад Бобо Самосий халифалари, ҳожагон тариқатининг йирик намояндаларидан бири. Бу зот муршидлари Ҳожа Муҳаммад Бобо Самосий васиятларига кўра тариқат одобини зоҳирий томондан Баҳоуддин Нақшбандга (қ.с.) таълим бердилар. Амир Кулолнинг муборак қабрлари

Бухородадир. Амир Кулол Бухорои Шарифдаги Етти Пирнинг олтинчисидир.

7. Увайсий – ўзидан олдин ўтган пир, авлиё ва буюк кишилар руҳидан тарбият топиб, камолотга етган ва тасаввуф йўлига кирган киши. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Ҳақиқат юзидан увайсий” эканликларининг таъкидланиши, руҳий камолотлари Хожাগон тариқатининг асосчиси, Бухорои Шарифдаги Етти Пирнинг биринчиси бўлган. Хожаи Жаҳон – Абдулҳолиқ Гиждувоний (қ.с.) руҳий тарбиятлари орқали бўлганлигидир.

8. “Мақомот” – Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) ҳаёт ва таълимотларини жамъ этган манба. Бу манбалар Баҳоуддин Нақшбанднинг (қ.с.) муридлари ва халифалари Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор, Яъқуб Чархий шаҳодатлари асосида ёзилган. Бизнинг фикримизча, бу ўринда Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрат Хожа Нақшбанд” асарлари ҳақида сўз бормоқда.

9. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (вафоти 1196-1286) – Хожাগон тариқатининг намояндаси, Хожа Ориф Ревгарийнинг халифаси, Бухорои Шарифдаги Етти Пирнинг учинчисидир. Тариқатда алония – ошкора зикр этиш билан шуғулланган.

10. Алония ва хуфия зикрини қўшиб олиб бориш – тасаввуфда, умуман, зикр – Аллоҳни ёд этиш алония – ошкора овоз билан ва хуфия – яширин, ҳеч кимга билдирмасдан, қалбда амалга оширилади. Хожাগон тариқатида Абдулҳолиқ Гиждувоний (қ.с.) издошлари Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан то



Сайид Амир Кулолгача зикри алонияга амал қилган. Шунинг учун хожагон тариқатида Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) хуфия зикри билан шуғуллана бошлангунгача алония зикри хуфия зикри билан қўшиб олиб борилган, деган фикр мавжуд.

11. Мақомда уларга тақлид қилмас эканлар – Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) Сайид Амир Кулол асҳобларидан ҳисоблансалар-да, фақатгина хуфия зикри билан машғул бўлганлар. Қолган асҳоблар алония зикр билан шуғулланишган. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) учун Аллоҳ қалбига солган нарса муҳим бўлган ва Аллоҳ иродасидан ўзга нарсага парво қилмаганлар. Шунинг учун Сайид Амир Кулол асҳобининг ранжишига эътибор бермаганлар ва уларга тақлид қилмаганлар.

12. Бу ерда Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) Сайид Амир Кулолдан фарқли хуфия зикр билан шуғулланганлигига қарамай, бошқа ҳамма жиҳатлардан пирига тўла итоат қилганликлари таъкидланмоқда.

13. Ҳамиша Ҳақ субҳонанинг назари унинг бутун ҳолатини қамраб олган. Бу жумла Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) каломлари, феъллари, амаллари ҳаммаси Аллоҳ иродаси ила амалга ошиши ва юзага келишини англатади.

14. “Сизнинг руҳиятингиз башарият байзасидан оламга чиқди” – Сайид Амир Кулолнинг Баҳоуддин Нақшбандга, барча башарий истаклар устидан ғолиб чиқиб, руҳий камолот билан Аллоҳга яқинлашганини таъкидлаш учун айтган сўзларидир.

15. Мавлоно Ориф – Мавлоно Ориф Деггароний Хожагон тариқатининг машхур сўфийларидан Сайид Амир Кулолнинг иккинчи халифаси. Сайид Амир Кулол таъкидлаганларки, менинг асҳобимда Ориф Деггароний ва Баҳоуддин Нақшбандга (қ.с) тенг келадиган кишилар йўқ. Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.) етти йил у кишининг суҳбатларида бўлганлар.

16. Қусам Шайх – турк машойихларидан бўлиб, Хожа Аҳмад Яссавийнинг (қ.с.) хонадонидандир. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) Мавлоно Ориф Деггаронийдан сўнг Қусам Шайх хизматига бориб, у ерда уч ойга яқин бўлдилар. Шу муддат ичида талабгорликда ўзларини шу даражада намоён қилдилар-ки, Қусам шайх: “Тўққиз ўғлим бор эди. Сен барчасидан улуғроқ ва муқаддамроқсен”, деганлар. Қусам Шайх Нахшабдан Бухорога келиб, шу ерда вафот этдилар. Муборак қабрлари Қаршида, Косонга яқин ерда.

17. Халил Ота – турк машойихларидан, Аҳмад Яссавий хонадонидан бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) билан мулоқотда бўлишлари уйқуларида аён бўлган. Хожа билан танишганларидан сўнг, ўн икки йил хизматларида бўлганлар. Халил Ота 1340 йилдан 1347 йилгача султонлик қилдилар. Султон Халил салтанати таназзулини кўрган Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с) бу оламдаги моддий нарсаларга боғланишдан кечади ва ўзини Ҳақиқат йўлига, Аллоҳга хизмат этишга тўла бағишлайди.

18. Хожа Муҳаммад Порсо – Баҳоуддин Нақшбанднинг (қ.с.) иккинчи халифаси. У зот

вафотларидан сўнг Бухорода Нақшбандия тариқатига муршид бўлганлар. Кўплаб асарларнинг муаллифи, зукко мутасаввиф. Муҳаммад ибн Маҳмуд ал Ҳофиз ал-Бухорий-Муҳаммад Порсо 1345 йилнинг 20 ноябрида Бухорода туғилиб, 1420 йил 11 январда Мадинада вафот этганлар. Муборак қабрлари Мадинаи Мунавварададир.

19. “Мақомот” – 8 – изоҳга қаранг.

20. “У кишининг ихтиёрлари орада йўқ” – ибораси орқали Сайид Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) тўла Аллоҳ иродасига бўйсунилари ва у кишидан зухур этадиган барча ҳодиса Аллоҳнинг иродаси эканлигини тушунтириб, хуфия зикрига амал қилишлари ҳам Аллоҳ томонидан ҳукм бўлганлигини асҳоб аҳлига англашмоқдалар.

21. “Сендаги бор нарсаларнинг олдида мен кимман” – Сайид Амир Кулолнинг Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) илоҳий қобилиятларига берган баҳолари.

22. “Сени Сенсиз ўзингдан чиқарсалар кўрқмагил” – Аллоҳ иродаси ила сенга йўл-йўриқ кўрсатилса кўрқмагил, “Агар сен ўзингдан ўзинг чиқсанг кўрққил” – сен тананг ва руҳиятингни бошқаролмасанг ва улар сени ўзлигингдан жудо этсалар кўрққил керак. Бу маънолар илоҳий йўлнинг ҳақлиги, Ҳақ йўлидан борувчиларнинг амалиётлари ҳам тўғри ва яхшилик келтирувчилигини англашмоқда. Бу байт хожагон тариқатида энг машҳур иборадир.

23. Алоуддин Ғиждувоний – Баҳоуддин Нақшбанднинг учинчи халифаси, Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси. Муборак қабрлари Бухорода.

24. Иршод – тўғри йўлни кўрсатиш, ҳидоят қилиш.

25. Ҳижоз йўлида айтилган сўзлар – бу Баҳоуддин Нақшбанднинг (қ.с.) иккинчи маротиба Ҳажга бориш пайтларида Ориф Деггароний билан ўз асҳобига ўзидан сўнг, иршод ва ҳидоятни Муҳаммад Порсо томонидан берилиши ҳақидаги сўзлар ва у Нақшбандия тариқатига пир бўлиши таъкидланмоқда.

26. Алоуддин Аттор – Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи халифаси. Нақшбандия тариқатининг энг машхур ва буюк намояндаларидан. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) авлодларининг давомчиси. Алоуддин Аттор 1400 йилда вафот этганлар. У кишининг муборак мозорлари Ҳисордаги Чағониён мавзеида.

27. Роббийул аввалнинг учинчиси, етти юз тўқсон биринчи йил ҳижрий ҳисоб бўлиб, милодий 1389 йил 2 мартга тўғри келади. Бу санада Баҳоуддин Нақшбанд вафот этган.

28. Шоҳ Нақшбанд – Баҳоуддин Нақшбанднинг (қ.с.) валийлик даражаларини улугланиб айтиладиган сифат. Маъноси энг Олий Нақш – Аллоҳ нақшини қалбларига нақш этишни мукаммал биладиган зот, демак.

29. Қасри Ирфон – абжад ҳисоби билан 791 – сана. “Қасри Ирфон 3-ин сабаб омад ҳисоби реҳлаташ” – етти юз тўқсон биринчи йил Баҳоуддин Нақшбанднинг риҳлат этиш йиллари эканини билдиради.

30. Шеърнинг мазмуни.

Дунё ва диннинг хожаси бўлган Шоҳ  
Нақшбанд кетди,

У давлати, миллати ва динининг йўл  
кўрсатувчи Шоҳи эди.  
Туғилган ва ўлган маскани Орифон Қасри  
бўлгани учун  
Қасри Ирфон унинг риҳлати ҳисобига  
айланди.

(“Мовароуннахр мусулмонлари” журналида 1993  
йил. №1. 21-25-бетларда нашр этилган.)

**СЎФИ ОЛЛОҲЁР  
САБОТУЛ ОЖИЗИН  
ХОЖА БАҲОУДДИН ҲАЗРАТЛАРИНИНГ БИР  
ЗОЛИМ КИШИГА ЙЎЛИҚҚАНИ БАЁНИ**

Баҳоул Ҳақ ва-д-дин тоба масвох  
Авонийға йўлуқтилар баногоҳ,  
Авон бир сўз деди, ул марди бир сўз,  
Авон қўйди ёмонлиғ кўйига юз.  
Юзига солди қамчин, марди холи,  
Қизил қон бўлди сунбулдек соқоли.  
Ўшал қонлиғ соқолин олди қўлға,  
Деди: «Ё раб, муни сол яхши йўлға.  
Ғазаб қилма анга, қилгил иноят,  
Муҳимми ухравийсин қил кифоят.”  
Бу сўзни эшитиб ул марди бебок  
Уруб наъра, яқосин айлади чок.  
Юзини ерга суртиб нола қилди,  
Кўзини ёшини чун жола қилди.  
Олиб ҳиммат асосин, кирди йўлға,  
Кўлин тобшурди ул ҳимматли қўлға.  
Худо ул бандага қилди иноят,  
Неча кун ўтмайин топти валоят...  
Ана ҳулқу, ана ҳилму, ана ҳол,  
Ана давлат, ана нусрат ва иқбол...  
Ана ҳиммат, ана ҳулқу, ана кор,  
Ана тарбияти султони аброр.  
Ёмонларни ишидур кийна тутмоқ,  
Мусулмонлиғ – ёмонлиғни унутмоқ.  
Ўзини(нг) нафсини кам айлаган қул,

Қилур қанча жафо қилса, таҳаммул.  
Ва лекин бул таҳаммул айлаган нос,  
Ҳамиятда керак чун қаттиғ олмос.  
Ҳамият бобидан ўткормагай мард,  
Агар чандики ул иш бўлса бир гард.  
Ҳамият қайсидур, билсанг батайъин,  
Назар айла китоби мужтаҳидийн.

### ЛУҒАТ

Тоба – тавба-тазарру.  
Масвох – маъсият, гуноҳлар.  
Авон – билимсиз саводсиз.  
Ухравий – охират.

### ИЗОҲ

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётида юз берган бу ажиб воқеадан “Саботул ожизин” (“Ожиз – бечора одамлар саботи”) муаллифи Сўфи Оллоҳёр ажойиб хулосалар чиқаради, Ҳақ таолонинг ҳайратомуз қудрати билан энг тубан, пасткаш инсон ҳам маънавият оламида юксак мартабаларга эриша олиши мумкинлигини кўрсатади. Гоҳида аксинча, энг яхши, илмли, ўқимишли одамлар ҳам ғараз, манфаат, таъмагирлик туфайли бегоналарни ҳам, юртдошларини, диндошларини, миллатдошларини алдаб, тубанлашиб кетдилар.

## ҒУЛОМ САРВАР ЛОҲУРИЙ “ХАЗИНАТ УЛ-АСФИЁ”

Нақшбанд Нақши Наққоши азал,  
Он Баҳоуддин Шоҳи ҳар ду жаҳон.  
Зоҳиди Мушкулкушо таваллуди ўст,  
Қутби Оли Нақшбанд омад аён.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Нақшбанд азал Наққошининг Нақши,  
У Баҳоуддин икки жаҳоннинг Шоҳи.  
Зоҳиди Мушкулкушо таваллудидир,  
Олий Қутб бўлган Нақшбанд бўлди аён.[1]

\* \* \*

Ҳазрат Шоҳ Нақшбанд бин Сайид Муҳаммад  
Бухорий бин Сайид Жалолиддин бин Сайид  
Бурхониддин бин Сайид Абдуллоҳ бин Сайид  
Зайналобидин бин Сайид Қосим бин Сайид Шаъбон  
бин Сайид Маҳмуд бин Сайид Белоқ бин Сайид Тақи  
бин Суфий Хилвати бин Сайид Фахриддин бин Сайид  
Акбар бин Имом Ҳасани Аскари бин Имом Али Тақи  
бин Мусо Ризо бин Имом Мусойй Козим бин Имом  
Жаъфари Содик.<sup>2</sup>[2]

\* \* \*

Шоҳи валошан Баҳоуддин имоми босафо,  
Он ки шуд равшан ба номи у камоле Нақшбанд.  
Соли тарҳилаш чу Сарвар чуст фармудаш херад,

---

<sup>1</sup> Лоҳури Ғулом Сарвар. Хазинат ас асфиё. Канпур: Новал Кишор, 1894 – Т. 2. – Б 551.

<sup>2</sup> Лоҳури Ғулом Сарвар. Хазинатас асфиё. – Канпур: Новал Кишор, 1894. – Т.2-Б.548.



Гў Баҳоуддин имоме бо камоле Нақшбанд.<sup>1</sup>

Мазмуни:

Юқори даражадаги Шоҳ Баҳоуддин сафоли имом,  
Унинг туфайли Нақшбанд камоли равшан бўлган.  
Риҳлат йилини Сарвар ахтарганда ақл буюрдик,  
Айт Баҳоуддин Нақшбанд камолотга етган имомдир.

“Баҳоуддин Нақшбанд ... узамои авлиё ва кибриёи хулафои Сайид Кулол аст, имоми тариқат, пири ҳақиқат, муқтадои шариат, пешвои аҳли суннат ва жамоат, каромати валоят ва хавориқи одот дар туфулият аз вай сар зад”.<sup>2</sup> Мазмуни: Валийларнинг энг азими, Амир Кулол хулафосининг буюги, тариқат имоми, ҳақиқат пири, шариатнинг муқтадоси, суннат ва жамоат аҳлининг пешвоси, болаликдан ундан ғайри оддий воқеалар ва валийлик кароматлари содир бўларди.

## ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР

1. Ғулом Сарвар Лоҳурий томонидан 1864-65 йилларда ёзилган “Хазинат ал асфиё” (Мусаффо кишилар хазинаси) – асарида ҳам Баҳоуддин таваллуди ҳақида маълумот берилади. Бу манбада Шоҳ Нақшбанд ҳижрий 728 йилда туғилган деб таъкидлаб, буни тасдиқловчи юқоридаги тарихий шеър келтирилган.

Бу мисрада “Зоҳиди Мушкулкушо” абжад ҳисоби билан ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг туғилган

---

<sup>1</sup> Лоҳури Ғулом Сарвар. Хазинат ас асфиё. Канпур. Новал Кишор. 1894. Т.2. 551-бет.

<sup>2</sup> Сафинат ул-авлиё. 548-бет.

йилини кўрсатади. Муаллиф бу сўзлар устида араб сонлари билан 728 деб ёзиб қўйган. Бу сўзларнинг абжад ҳисоби ҳам 728 ни беради. Демак, бу манбада муаллиф аниқ қилиб, Баҳоуддин Нақшбанд туғилган йилни 728 деб ёзади. Лекин ўзи у киши 73 йил умр кўрган, деб ҳам таъкидлайди. Агар у келтирган яшаш йилларига қарасак, 63 йил яшагани маълум бўлади. Демак, 728 йил деб муаллиф хатоликка учраган. Бизнинг фикримизча, XV-XVI асрлардаги манбалар Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига доир асосий ва муҳим манбалардир ва уларга таяниб илмий иш олиб бориш таъбирга жоиздир. “Хазинат ал-асфиё”да ёзилган ҳижрий 728 йилни илмий факт дейиш мумкин эмас.

Баҳоуддин Нақшбанд насаби ҳақида Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг “Хазинат-ул-асфиё” асарида Шарофиддин Муҳаммад Нақшбандийнинг “Равзат-ус-сафо” асари асосида маълумот берилган. Нақшбанд насаби бир неча восита билан Ҳазрат Имом Жаъфари Содиққа бориб етади, дейилади.

**ШАРАФИДДДИН РОҚИМИЙ**  
**ТАРИХИ ТОММ**  
**ҲАЗРАТИ ХОЖАЙИ БУЗУРГ ХОЖА БАҲОВУДДИН**  
**ШОҲИ НАҚШБАНД, ҚУДДУСА СИРРУҲУ ВАФОТИ**  
**ТАРИХИ ЗИКРИ**

Ферузаранг тўққиз фалакнинг ягонаси, муқарнас анжом хожа Баҳоулҳақ вад-Дин Ҳазрати Шох Нақшбанд, қуддуса сирраҳу. Ул ҳазратнинг номи Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийдир. Ул зот фарзандлик қабул назари Ҳазрати Хожа Бобои Самосийдандир, тангри унинг сиррини муқаддас қилсин. Хожа Нақшбанд ҳар бир ғойиб борлиқ олам саҳифасида унинг ботиний назарида зоҳир ва ҳозир кўринди. Кўп мартаба бир бечоранинг мушкулини кароматли бармоқлари ишораси, одатдан ташқари бўлган нохунлари имоси билан жуда осон ҳал қиларди. Ул валийлик қутбининг фалаги, азалий сипеҳр авжининг қуёшининг қутблари орасида шундай мартабада эдики, сатҳис-само калиди деса бўларди. Камоли тарбиясини Ҳазрати қутбул-ақтоб Сайид Амир Кулолдан топган. Шундай тарбия топдики, хокий вужуди паймонасини азал корхонасида қорғанди. “Инноллоху халақа билбашари мин тирабин адиман” ояти каримаси шундан ишорадир. Ул қолибни ибодат лангарида, риёзат оташида ва мужоҳидат танури оловида пиширилди, токи Илоҳий маърифат шароби булоғидан татингай. Вужуди иёри холис кумуши риёзат курсида шундай тобландики, ҳақиқий ишлар

асҳоблари наздида иқбол нақши зарби (Нақшбанд)  
билан маскук этилгай. Чунончи, Ҳазрати Маҳдуми  
Мавлоно Абдурахмон Жомий буюрадилар.

### Назм

Сикка, ки дар Ясрибу Батҳо заданд,  
Навбати охир ба Бухоро заданд.  
Аз ҳатти он сикка нашуд баҳраманд,  
Жуз дили бенақши Шаҳи Нақшбанд.  
Он гуҳари пок на ҳар жо бувад,  
Маъдани ў хоки Бухоро бувад.

Мазмуни:

Ясрибу Батҳода сўқилган тангани,  
Охирги навбатда Бухорода зарб этдилар.  
Ул танга хаттидан баҳраманд бўлмади,  
Шоҳи Нақшбанднинг бенақш дилидан ўзга.  
Ул пок гавҳар ҳар ерда бўлавермайди,  
Унинг маъдани Бухоро тупроғидадир.

Санайи 791 ҳижрий (милодий 1389) йил эдики, ул  
фалаклар олами анжуманининг шамъи, хужраи  
хилват истовчиларининг чироғи тупроққа айланди.  
Оқибати маҳмуд бўлган ул зотнинг туғилган  
масканлари Қасри Орифон эди. Дафн этилган  
жойлари ҳам шу ерда бўлди. Замон бандаларидан  
бири ул зот вафотига ушбу тарихни айтган. Тарих:

Рафт шоҳи Нақшбанд он хожаи дунёву дин,  
Он, ки буди шахроҳи мулку миллат миллаташ.  
Маскану маъвои ў чун Қасри Орифон,

“Қасри урфон” (791) з-он сабаб гардид соли рихлаташ.

Мазмуни:

Кетти ул шоҳи Нақшбанд, дунё ва дин хожаси,

Ул мулку миллат шохроҳи эди, миллати.

Маскану маъвоси Қасри Орифон бўлгани учун,

“Қасри урфон” бўлди унинг вафоти санаси.

Шаҳардан бир милга яқин масофада жойлашгани  
сабабдан уни Қаъбайи муаззамдек зиёрат қиладилар.

Илоҳо, ҳаммага бу равза тавофини насиб этгин!

**Шарафиддин Роқимий. Тарихи Томм.**

**(Тошкент. “Маънавият”, 1998. 15–17-бетлар.)**

**НОСИР-АД-ДИН ТЎРА ИБН АМИР МУЗАФФАР  
АЛ-ҲАНАФИЙ АЛ-БУХОРИЙ  
ТЎҲФАТ УЗ-ЗОИРИН  
БАҲО-АД-ДИН НАҚШБАНД  
(Когон ноҳияси, XIV аср)**

Баҳо-ал-ҳақ-ва-д-дин ҳазратлари зикрида. (Ҳазратларининг исми шарифи) – Муҳаммад ибн Муҳаммад Нақшбанд – Оллоҳ Таъоло унинг руҳини муқаддас қилсин.

(Хожа Баҳо-ад-дин) ҳазратларининг шарафли насаби “Тўҳфат ал-ансоб” (китобида) бундай берилган: ҳазрат Баҳо-ал-Ҳақ-ва-д-дин Сайид Муҳаммад ибн Сайид Муҳаммад Жалол-ад-дин Бухорий ибн Сайид Бурҳон ад-дин Холдор ибн Сайид Абд-Оллоҳ ибн Сайид Зайн-ал-обидин ибн Сайид Шайбон ибн Сайид Бурҳон ибн Сайид Маҳмуд Румий ибн Сайид Исҳоқ, лақаби Илоқ ибн Сайид Таки ибн Сайид Ҳалватий ибн Сайид Фахр-ад-дин ибн Сайид Маҳмуд Жоме ибн Сайид Али Акбар ибн ҳазрат имом Али Таки ибн имом Муҳаммад Таки ибн ҳазрат имом Али Мусо ар-Ризо ва (ҳ.к.) насабининг охиригача.

Улуғ хожа (Баҳо-ад-дин Нақшбанд) ҳазратлари – Оллоҳ унинг азиз сиррини муқаддас қилсин-волида (она) томонидан Сиддиқийдир.

Улуғ хожа (Баҳо-ад-дин Нақшбанд) ҳазратлари болалик пайтида Бобо-йи Саммосий томонидан маънавий фарзандликка қабул қилинган.

У киши (хожа Баҳо-ад-дин Нақшбанд) ҳазратларининг пири – сайид Амир Кулол

(ҳазратларидирлар) – Оллоҳ унинг сиррини муқаддас қилсин. Аммо (хожа Баҳо-ад-дин) ҳақиқий насаби бўйича увайсий бўлганлар. (Маънавий) тарбияни (у киши) Хожа-йи (Жаҳон) Абд-ал-Холиқ Гиждувоний – Оллоҳ раҳмати унинг устида бўлсин – руҳиятидан олганлар ва шунингдек турк шайхларидан суҳбатлар таъсири ва файзларини топганлар.

У (киши – хожа Баҳо-ад-дин Нақшбанд)нинг бу (Хожагон ва Нақшбандия) тариқатида Хожа-йи Бузург (Улуғ Хожа) ва Нақшбанд лақаби (бор)дир.

Ҳикоят бор, хожа Ало-ад-дин Аттор (сўзи)дан – унинг сирри муқаддас бўлсин, қайсики, ўз ҳолининг аввал даврида Улуғ Хожа (Баҳо-ад-дин Нақшбанд) ҳазратларининг мулозимати (хизмати)да бўлганлар, (ҳикоят қилганларки, бир вақт) хужа Муҳаммад Дар-Оханин сўради: “Сизнинг юрагингиз қандай кайфиятга мойилдир?”. (Хожа Аттор) айтдилар: “Бу менга маълум эмас”. У (Хожа Дар-Оханин) деди: Кўнгил менга икки-уч кунлик ойдек сезилади. Мен (ўз) кайфиятимни Хожа (Баҳо-ад-дин)га арз (изҳор) қилдим; у киши менга буюрдиларки, дарвеш (ўз ҳаёт тарзи билан) ўз кўнглининг кайфиятини баён қилганлар; хожа (Баҳо-ад-дин) ўша пайтда тик туриб, тўхтаган эдилар, менинг қадамимга қараб қадам қўйдилар; (шу пайт) менда улуғ кайфият пайдо бўлди: мен ўз вужудимнинг ҳамма зарраларини яққол кўрдим; у ҳолда мен ўзимга келгач, Хожа (Баҳо-ад-дин) буюрдилар: “(Мана) бу – кўнгил кайфияти, (у бошқа ҳол-кайфият) эмас”.

У киши (хожа Баҳо-ад-дин)нинг туғилган ва дафн этилган жойи – Орифон даҳаси (қишлоғи), қайсиким, Бухоро (шаҳри)дан бир тош узоқликдаги йўлдир, шарқ томонда.

У киши (хожа Баҳо-ад-дин)нинг вафоти етти юз тўқсон биринчи (ҳижрий 791-милодий 1389) йилда (содир) бўлган – Оллоҳ унинг сиррини муқаддас қилсин.

**Носир-ад-Дин Тўра ибн Амир Музаффар  
ал-Ҳанафий ал-Бухорий. Хўжа Баҳо-ад-дин  
Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг  
устозлари ҳамда муридлари.  
(Бухоро, 1993. 17–18-бетлар.)  
Б.Қазоқов таржимаси.**



**САЙИД АҲМАД ВАСЛИЙ  
НАЗМ УС-СИЛСИЛА**

**БАҲОУДДИН НАҚШБАНД**

Аз он жаноб ба жаноби Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.с.

Рутбааш гардид аз гардун баланд,  
То муриди хоси ӯ шуд Нақшбанд

Он Баҳо-ул-Ҳақ вад-дин валий,  
Пеши чашмаш буд ҳар махфи жалий.

Рутбаи ӯ фавқу аъло илийин,  
Камтари кошонааш хулди барин.

Нури нисбат бар замири он гузашт  
Гӯйи бо жисми латифаш жон гузашт.

Дар замираш ламъа зад нуре чунин,  
Ботинаш шуд маркази илм-ул- яқин.

Як нигоҳ карду баланду паст дид,  
Он нигоҳ аз моҳ то моҳи расид.

Аз ҳама пасту баланд огоҳ шуд,  
Хосса бар тахти маъориф шоҳ шуд.

Шухрати шоҳиш оламгир гашт,  
Гирди кӯяш ҳар жавону пир гашт.

Орифон аз ҳар тараф омад чунон,  
Номи қасраш гашт Қасри Орифон.

Кишвари динро чун ў султон бишуд,  
Ярлиқаш бешак “балоғардон” бишуд.

Руҳи поки Ҳазрати Хожа Жаҳон,  
Кард таълими сулукаш дар ниҳон.

Шуд замин аз файзи ў рашки само,  
Хонақоҳи ў мулаз-ал –авлиё.

Гашт Султон- ул-машойих дар жаҳон,  
Шуд зи нури файзаш анвар жаҳон.

Сити ў шуд Хожаи Мушкулкушо,  
Бар дараш зад сар гадоу подшоҳ.

Оламе бо ў ғулом аз жон бишуд,  
Ки аз дили жон хайрхоҳи он бишуд.

**У жанобдан жаноб Хожа Баҳоуддин Нақшбанд  
қаддаса сирраҳуга**

Унга Нақшбанд мурид бўлгандан сўнг унинг  
мартабаси гардун (осмон)дан ошди.

У Баҳо-ул-ҳақ вад-дин валининг олдида ҳар бир  
махфий иш ошкора эрди.

Унинг мартабаси осмонлардан ҳам юқори,  
Камтарин яшаш манзили хулди барин (биҳишт)  
эди.

Нозик жисмига жон киргани каби,  
Нури нисбат унинг қалбига ўтди.

Замирига нур жилвагар бўлгандан кейин, ботини  
Илм-ул-яқин марказига айланди.

Бир қараш билан еру кўкнинг (сирларини) кўрди,  
у денгиз остидан ойгача етди.

Ҳама пасту баланддан воқиф бўлиб,  
Хуллас, маъориф тахтига шоҳ бўлди.

Шоҳлик шуҳрати оламгир бўлди,  
Унинг кўйига ёшу қари парвона бўлди. (Унинг  
ишқи-кўчасида ёшу қари айланар эрди).

Ориф кишилар ҳар тарафдан шунчалик чунон  
йиғилиб келдиларким, унинг қасрининг номи Қасри  
Орифон бўлди.

Дин мамлакатада у подшоҳ бўлгандан сўнг, унинг  
фармонлари “балогардон” бўлди.

Ҳазрати Хожаи Жаҳонни пок руҳи унинг  
сулукини пинҳона таълим берди.

Унинг файзи билан Ер осмоннинг рашкини  
келтирди,

Хонақоҳи эса авлиёларнинг паноҳгоҳи бўлди.

Жаҳонда Султони Машойих бўлди, баланд файзли  
нуридан жаҳон мунаввар бўлди.

Хожаи Мушкулкушо деб нек ном олди, унинг  
эшигида шоҳу гадо бош урар эди.

Кўпдан кўп кишилар унинг-хайрхоҳи бўлиб, жону  
дил унинг ғуломига айланди.

**Тошкент. Янги аср авлоди, 2001. 70–71-бетлар.  
Бадиа Муҳиддинова таржимаси.**

## ТАҲСИН ЁЗУВЧИ НАҚШБАНД

Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389) нақшбандия тариқатининг илк шайхи[1] бўлиб, ҳижрий 718 (март–апрель 1318) йили Бухоро атрофидаги Қасри Орифон (илгари Қасри Ҳиндувон) деган бир қишлоқда туғилган. Мутасаввифнинг буюк шуҳрат қозонишига қарамасдан таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар оз, бу ҳақида баён қилинадиган манба ҳам бизгача кам етиб келган. У кишини кўриб таниган шахслардан бўлган Салоҳиддин ибн Муборакнинг энг қимматли асари саналган “Анис ат-толибийн ва уддат ас-соликин”[2] (“Толиблар дўсти ва йўловчи дастаги”. Уни Сулаймон Иззий туркчага таржима қилган, Истанбул, 1328) номли асарида берган маълумотлар ҳам жуда шубҳалидир. Мазкур асарда Нақшбанднинг отасининг касби-кори нима, ўзи нима билан шуғуланганлиги ҳақида, шу билан бирга асл исмини олган Нақшбанд ном унга нима сабабдан берилганлиги[3] ҳақида маълумот берилмаган. Авлодлари шуҳрат қозонган инсонлар бўлмасада, кейинги муаллифлар томонидан унинг насабини Имом Жаъфар ал-Содиқ деб ҳам битганлар. Шунчаки, ўзини кўриб таниганлар томонидан ёзилган асарларда фахр билан қайд этилган ҳолда насабини бунчалик бир исбот этилмаганлиги ва бунинг сўнгида уларга яқинлаштириш эҳтимолини қувватлаганлар ҳам бўлган. Нақшбанд лақаби эса бу тариқат-йўлнинг баъзи асосларига таяниб, бошқалар

тарафидан берилган бўлиши эҳтимолидан холи эмас. Негаки, “нақшчи” маъносига тўғри келадиган бу сўз “нақш” ва “банд” (нақш ва боғлаш) маъносига таяниб, уни зикр этишдан ҳосил бўлган таъсир – нақш, нақша ҳамда бунинг таъсири (яъни нақши) боғлашга ўхшатиш билан сўзнинг бу маъноси шу тариқатнинг асосларидан бири бўлиб, муриднинг шайхга нисбатан доимо бир руҳий боғлиқлигини ўзида сақлаган қандайдир робита билан алоқадорлиги эҳтимоли бордек туюлади. Ўзидан олдин яшаган бир шайхнинг руҳониятдан файз ўлароқ, унга нисбатан берилишини илгари сурган ва ўзини ҳам бу хилдаги ҳатти-ҳаракатлари сабабли унга айни чоқда Увайсий нисбати берилиши ҳам ажаб эмас.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳали уч кунлик чақалоқлик чоғида Қасри Ҳиндувонга келган Хожа Муҳаммад Бобои Самосий тарафидан маънавий авлодлигига қабул қилинган. Шунга Хожа Муҳаммад болани доимий тасаввуф йўлида тарбиялаб бориш ишини у пайтда доимо ёнида бўлиб юрган Сайид Амир Кулолга ҳавола этди. Бундан кейин 18 ёшга қадар Нақшбанднинг тарбия ва тарзига доир манбаларда бирор бир маълумот йўқ. Шунда отасининг турлитуман тасаввуф аҳли ва унинг арбоблари билан Нақшбандни таништириш ва уларнинг суҳбатларидан фойдаланиш мақсади билан Самарқандга қадар олиб келганлигини эътиборга олганда, унинг таълим ва тарбияси билан шуғулланганлиги аён бўлади. Баҳоуддин Самарқанддан қайтганда, ҳали 18 ёшда бўлган чоғидаёқ уйлантиришган. Бу орада Хожа

Азизонга[4] (вафоти 715/1315-16) илашган одамлар кийган кулоҳдан унга ҳам юборилиши муносабати билан тасаввуф фикрларига майли ортиб, унинг мизожида катта бир ўзгариш юз берган. Кўп ўтмай Хожа Амир Кулол Қасри Орифонга келди ва Самосийнинг васиятини эслаб, уни тасаввуфий тарбиялаш учун қабул қилди. Бу воқеадан сўнг Амир Кулол Насаф (ҳозирги Қарши)га қайтади. Кўп ўтмай Нақшбанд Мир Кулол ҳузурига бориб, 7 йил унинг хизматида бўлади.[5] Шунда у зикр талқинини ва сулук адабини Амир Кулолдан ўрганади. Шуниси эътиборлики, у ўзининг бу йўлга киришига фақат Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг руҳониятига бурчли эканлигини таъкидлаган. Худди шундай, ўзини Амир Кулолга қарши қўйиб, Абдулхолиқ Ғиждувонийга эргашиб, яширин зикр этишни устун кўриш фикрини қувватлайди. Асосан ўзининг увайсий нисбаси берилишига сабаб ҳам яна аввал ўтган шайхнинг руҳониятидан бир шаклда файз-қувват олганлиги бўлди. Яширинча зикр этиб юриш уни мудофаа этар деган умидда бўлган Нақшбанднинг бу ҳаракат тарзи Амир Кулол муридлари учун шикоят этишга баҳона бўлди. Амир Кулол ҳар турли йўл билан Нақшбанднинг бу ҳатти-ҳаракатини тақдирлаган, уни қўллаб-қувватлаб ҳам юрган. Ниҳоят бир кун, Суҳорда масжид қурилаётган пайтда уни қуришга келган беш юз чоғлиқ дарвешлар орасида Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбандга унинг бундан кейинги ҳатти-ҳаракатида озод эканини, хоҳ турк бўлсин, хоҳ тожик

бўлсин фойдали бўлган ҳар шайхдан файз олиши мумкинлигини сўзлади.

“Рашаҳот”га кўра, Нақшбанд бундан кейин етти йил давомида Ориф Деггароний суҳбатида бўлади.[6] Ундан сўнг ҳам вақт келиб яссавия тариқати шайхларидан бўлган Қусам Шайх[7] ва Ҳалил Ота[8] билан танишди. Бир қанча вақт Ҳалил Ота хизматида ҳукмдор ҳам бўлган. Бир ривоятга кўра олти, бошқа ривоятга кўра 11 йил қолган. Бу ҳукмдор шайхни 747 (1347) йилда йўқ қилиш борасида қилган қилғиликлардан анча руҳан эзилган Нақшбанд дунё ишларидан қўл ювиб барча ҳатти-ҳаракатларидан ҳафсаласи пир бўлиб, ниҳоят Бухоро қишлоқларидан бўлган Ревартунга келиб жойлашди. Ҳатто у шайхлардан ташқари Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий деган зотдан ҳам ҳадис ўқигани маълум. Нақшбанднинг бундан кейинги ҳаёти ҳақида маълумот ҳам йўқ, шу билан бирга қайси вақтдан буён мустақил равишда тариқат фаолиятини бошлагани ҳам маълум эмас. Шунчаки, Амир Кулолнинг 772(1370) йилда юз берган вафотидан бир оз аввал ўз муридларига, бундан кейин Нақшбандга бўйсунуш кераклиги тўғрисидаги васиятида ҳамда Нақшбанднинг бу вақтдан анча илгари ундан айрилгани назарга олинса, унинг бу вақтга келиб анча-мунча издошларни тўплай олгани маълум бўлади. Нақшбанд камолотга эришгандан сўнг икки марта ҳаж сафарида бўлади. У иккинчи бор ҳаж сафарида ўзининг ўринбосарларидан Муҳаммад Порсони муридлари билан бирга Нишопурга жўнатади, ўзи эса Зайнуддин Абу Бакр ал-Тойибодий



(вафоти 791/1388-89)ни зиёрат этиш учун Ҳиротга бориб, уч кун давомида бу шайх билан суҳбатлашгандан сўнг Нишопурга ўтиб, уни кутиб турган дўстларига қўшилди. Ҳаж сафаридан қайтишда Бағдодга борди, ундан Марв тарафга йўл олди. Бу ерларда бир қанча вақт қолиб, Бухорога жўнади. Балки ўз таълимотини ёйиш мақсадида қисқа вақтга бошқа ҳудудларга сафар қилиб турган бўлса-да, лекин Бухородан айрилмади. Шундай саёҳатларининг бирида Сараҳсда бўлган чоғида Ҳирот ҳукмдори Муиззуддин Ҳусайн (1331-1370) уни Ҳиротга даъват қилди. Бу ҳукмдор ва унинг оиласи тарафидан юборилган ҳадялар қабул қилинмаганлиги ва ҳозирланган турли-туман таомлардан емагани ва Ҳирот чўлларида ниҳоят даражада пажмурдаҳол бир қиёфада кезиши халқ орасида унинг шуҳратини яна ҳам ошириб юборди. Бухорода хоҳ тасаввуф, хоҳ бошқа соҳалардаги йирик одамларнинг унинг теварак-атрофига тўпланиши бир қисм дин аҳлларининг ғашига тегса ҳам, улар Нақшбанднинг дин ва тасаввуф соҳасидаги кенг билими қаршисида жим қолишга мажбур бўлдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан бир кун олдин муридларига васият қилиб, ўринбосари бўлган Муҳаммад Порсога бўйсуниларини таъкидлаган. Шу билан у учинчи рабби ул аввал 791 йилда (2 март 1389 й.) душанба куни 73 ёшида вафот этди ва ҳозир кўпчилик томонидан зиёрат этиладиган турбасига дафн этилди.

Ҳаёти давомида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаром нарсадан ўзини ўта даражада тияр, ҳады келтирганларга ҳады билан жавоб берар, аммо бу борада пайғамбар каби ҳатти-ҳаракатда бўлишни ўзига эп кўрмасди. Меҳмонга кўп ҳурмат-эҳтиром кўрсатар, унинг кўнглига қараб, ҳатто зарур бўлса тутаётган рўзасини ҳам бузишга тайёр бўлиб турар эди. У киши ҳайвонларни ҳам жуда севарди.

Яна табиатидаги ижобий бўлган кўп хусусиятларидан ташқари Баҳоуддин Нақшбанд ўз фикр-мулоҳазасида Ҳаким Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ат-Термизий (вафоти 320/932) ва унинг асарларидан миннатдор эканини сўзлайдилар. Шундайки, унинг ўзи ҳам 789(1387) йилда 22 йилдан бери Ҳаким Термизий тариқатига боғлиқ бўлганини[9] сўзлайдилар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод”[10] асаридан ва унинг издоши Муҳаммад Порсо тарафидан ёзилган “Рисолаи қудсия”[11] ва айрича баъзи таржимаи ҳолни баён этган манбаларда қайд этилган сўзлардан бошқа унинг бирор асарига ҳавола қиладиган маълумотлар учрамайди. Маъмун ибн Аҳмад ибн Иброҳим ал-Турнавий билан Муҳаммад ибн Мустафо ал-Ҳомидий тарафидан бажо келтирилган “Ал-Аврод ал-Баҳоийя” деб танилган манбанинг икки шарҳи мавжуд.[12]

Нақшбандга ҳавола этиладиган ва ё ҳеч бўлмаса ундан сўнг бу ном билан шуҳрат топган тариқат излари ундан ҳам олдин Ғазнавийлар даврида (357-579/962-1183) учрайди. Баъзи асослари очик бўлган

тариқат чинакамига ўз шахсиятини Хожа Юсуф Ҳамадоний[13] (ваф. 535/1140)дан сўнг олди. Аҳли суннат ақидаларига боғлиқ бўлгани учунми одамларни халифалик борасида бир овоздан қўллаб-қувватлаши натижасида суннат ҳукмдорларининг рағбат ва ёрдамига манба бўлди. Шу билан бирга Юсуф Ҳамадонийнинг халифаларидан Аҳмад Яссавий тариқатини Хоразм ва Туркистонда Абдулхолиқ Ғиждувоний эса Мовароуннаҳр ва Хуросонда ёйилишига ёрдам берди. Ғиждувонийнинг зикри хуфийа-яширин эслаши Аҳмад Яссавийнинг зикри жаҳрия – очик эслашидан устун қўйиш сабаби билан тариқат мисоли икки қўл ҳолига келди ҳамда бу қўллар келишган муҳитнинг урф ва ишонувчиларининг таъсири билан ҳам бир-биридан фарқли бўлган бир моҳият касб этди.

Бу орада бир қадар заифлашган Ғиждувоний асослаган қоидалар Баҳоуддин Нақшбанд томонидан бойитилди. Ҳақиқатда ҳам, Баҳоуддин Нақшбандга нисбатан бериладиган тариқатнинг маълум ва машҳур асосларидан бўлган, шайхдан олинган зикри қалб ёки дил билан давомли бўлиб такрорламоқ маъносида келадиган “Ёдкард” иборасида, Тангридан бошқа нарсани тушунмаслик мақсади ила қалб эшигига кўз-қулоқ бўлиш маъносига тўғри келадиган “Бозгаш” ва “Нигоҳдошт”, ожизлик ва паст табиатлилик билан Тангрига қаратилган маъносига ҳамоҳанг бўлган “Ёддошт”, Тангридан хабардор ўлароқ нафаснинг кириб-чиқишига нисбатан диққат қилиш маъносига тўғри келадиган “Хуш дар дам”,

ажралишдан эҳтиёткорлик маъносига тўғри келадиган “назар бар қадам”, жамиятда инсон ўзини Тангри билан ҳис этишини ифода этадиган “Хилват дар анжуман”, бериладиган сифатларга қараб илоҳий тавсифлар билан буюккламоқ маъносига тўғри келадиган “Сафар дар Ватан”, ҳар бир оқшом чоғи кунлик аъмолларни ҳисоблаш маъносига тўғри келадиган “Вуқуфи замоний” ва қалб билан бажо келтириладиган эсланишларга – “Вуқуфи қалбий”, эътибор бермоқ, зикр тушган одам ич-ичдан ҳамда дарҳол 3, 7, 15 ва ёки 21 дафъа ва доимий равишда такрорлашдан иборат бўлган “Вуқуфи ададий” каби таъбир ва усуллар тамомила Абдулҳолиқ Ғиждувонийга оиддир.[14]

Кўринишича, Ғиждувоний асосларига содиқ қолган Баҳоуддин Нақшбанд ўз тариқатини увайсийлик[15] ва робита[16] каби икки асос билан кучайтирди. Бошқа тариқатлар аксига юриб, тариқат силсиласига Алининг ўрнига Абу Бакрни қўйиш ҳамда бошқаларда озгина бўлса-да, шиалик таъсирига берилмади.

Шу каби баъзи бўлган фарқлар етилган замон ва муҳитнинг таъсирини ҳисобга олмаган. Айтиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбандга нисбат бериладиган тариқат йўли, Ғиждувонийдан (ваф. 575 ва ё 585/1179 ва ёки 1189) эътиборан Хожагон номини олган бир тариқатнинг давомидан иборатдир. Бу орада унга нисбат бериладиган Яссавий тариқатининг ҳам нақшбандийлик ривожига таъсири бўлган.

Бундан ташқари Баҳоуддин Нақшбанд номи билан шуҳрат топган, катта бир куч-қувватга эга бўлган бу тариқатнинг Ўрта Осиё, Хуросон ва унинг теvarаклари аҳолисининг сунний мазҳабига ўтишига ҳам катта таъсири бўлди. Орадан кўп ўтмай Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор (806 – 895 / 1403 - 1490) нинг ўринбосарлари бўлган ҳамда мулла Илоҳий Симовий номи билан шуҳрат топган Шайх Абдуллоҳ Илоҳий Симовий (ваф. 896/1490-91) воситаси билан (Туркияда), Боқий Биллоҳ Кобулий (ваф. 1014/1605-6) тарафидан эса Ҳиндистонда кенг кўламда ёйилиши имконини ҳам олди.

Ҳиндистонда Мужаддия деган ном билан, ундан Ҳижоз, Ироқ ва Сурия тарафларига ёйилди, кейинчалик Сурияда унинг Холидия деган тармоғи ташкил бўлиб, жуда кўп элларга тарқалди.

(Таҳсин Ёзувчи. Нақшбанд. Ислом энциклопедияси. 9-том. Истанбул. 1954. 53-бет. Турк тилидан шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисов таржимаси.)

## **ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР**

1. Баҳоуддин Нақшбандни нақшбандия тариқатининг илк шайхи деб тилга олиниши уни нақшбандия тариқати ва таълимотини асосчиси эканлигидан гувохлик беради. Баъзи маълумотларда нақшбандияни Хожагон таълимоти билан уйғунлаштириш мавжуд, ваҳоланки, Баҳоуддин Нақшбанд хожагон, яссавия ва ўша даврда мавжуд бўлган бошқа тариқатлардаги яхши томонларни олиб ўзига хос янги таълимотни яратган. Баҳоуддин Нақшбанд яратган нақшбандия йўли жаҳоншумул таълимотдир.

2. Салоҳиддин ибн Муборакнинг “Анис ат-толибин” асарининг Бухородаги нусхаси мавжуд. Бу ҳақда Г.Н.Наврўзованинг “Баҳоуддин Нақшбанд” (Бухоро: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 122–127 бетлар) монографиясида маълумот берилган. Тўпламдаги “Баҳоуддин Нақшбандга оид илк манокиб” мақоласида бу ҳақида маълумот берилган.

3. Таҳсин Ёзувчи ўз мақоласида Нақшбанд номи Баҳоуддинга нима сабабдан берилганлиги ҳақида бирор маълумот йўқ, деб ёзган. Муаллиф Салоҳиддин ибн Муборакнинг “Анис ат-толибин ва уддат асоликин” асарида Баҳоуддиннинг отасини касби кори нима ўзи, нима билан шуғулланганлиги ҳақида маълумотлар йўқ, деб ёзган. Аммо Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” асарида Баҳоуддин оталари билан бирга кимхоб матосига нақш боғлаш билан шуғулланганлари ҳақида ёзилган. Шундан Баҳоудинни Нақшбанд – нақш боғловчи деб атаганлар. Кейинчалик Баҳоуддин касбу кори юзасидан энг гўзал нақшни излаб, Энг гўзал нақш Аллоҳ эканлигини англаб етган. Нақшнинг абадий қолишини истаб, уни мато, темир ва бошқа металларга боғлаганида ҳам маълум муддатдан кейин ҳаммаси йўқ бўлишини, фоний эканлигини англаб, Аллоҳ нақшланиши муносиб манзилу макон инсон қалби эканлигига фаросат илми ила англаган. Баҳоуддин “Нақш банд, ба дил банд”, яъни “Нақшни боғла, қалбда боғла”, деганлар. Баҳоуддиннинг Нақшбанд ва кейинчалик Шоҳ Нақшбанд номи билан машҳур бўлишига сабаб Наққоши Азал ва Абад

бўлган Аллоҳнинг Нақшини қалбларда нақшлаш услубларини мукаммал билганларидир.

Таҳсин Ёзувчи бу амални робита билан алоқадор, дейди. Унинг фикрича, нақшбандияда муриднинг зикр этишидан ҳосил бўлган таъсир – нақшнинг муршид томонидан ҳосил этилган таъсир нақш-мурид ва шайх орасидаги робита натижасидир. Дарҳақиқат Нақшбандия таълимотида хуфий зикр ва “Даст ба кору, дил ба Ёр”ликни амалга ошишида робита – руҳий алоқа имкон берган.

4.Хожа Азизон – Хожа Али Ромитаний (721/1321). Баҳоуддин Нақшбандга у кишининг кулоҳлари етган ва Баҳоуддиннинг ҳолатлари ўзгарган.

5.Етти йил Мир Кулол хизматида бўлган – Амир Кулол Баҳоуддин Нақшбанд – нақшбандия тариқатининг асосчисига тарбия берган устоз ҳисобланадилар. Амир Кулол ўзидаги бор билимларини Баҳоуддин Нақшбандга бергандан кейин бутун асҳоблари мажлисида унга юзланиб шундай деди: “Фарзандим Баҳоуддин, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобои Самосийнинг сиз ҳаққингиздаги гапларини тўлалигича бажо қилдим. Менга айтган эдиларки, мен сенинг тарбиянгни қандай бажо келтирган бўлсам, сен ҳам фарзандим Баҳоуддиннинг тарбиясини шундай жойига қўй. Мен худди шундай қилдим!”. Амир ўз кўкракларига ишорат қилиб дедилар: “Сизнинг руҳоният қушингиз башариятлик тухумидан чиқди. Сизнинг ҳиммат қушингиз баландпарвоз чиқиб қолди. Энди сизга рухсат ва ижозатдир, турк ёки тожик шайхлардан ҳам кимнинг иси димоғингизга

етса, унинг талабида бўлинг. Мақсадга етиш борасида химматингизга нуқсон етказа кўрманг!”<sup>1</sup> Ҳазрат Баҳоуддин шу кундан бошлаб Сайид Амир Кулолнинг нафаслари бўйича янгидан талаб йўлига кириб ҳол тили билан бу рубоийни айтган экан:

Эй, ошиқи шўридаву авбоши талаб,  
Ин ваъда, ки кардааст, ту ҳар жош талаб.  
Дар ғам агараш наёби, дар шоди жуй,  
Саргардони гузин ҳар жош талаб<sup>2</sup>.

Мазмуни:

Талаб йўлидаги эй ошиқ.  
Ваъда қилинганни ҳар ерда тила.  
Ғамда топа олмасанг шодликда изла,  
Саргардон бўл ҳар жойда изла.

6.Етти йил Ориф Деггароний хизматида бўлган. “Рашаҳот”да ёзилишича, Мавлоно Ориф Деггароний Амир Кулолнинг тўрт халифаларидан иккинчиси бўлганлар. Ул зоти шариф Деггарон даҳасида туғилганлар. Бу ҳудуд Бухородан тўққиз фарсаҳ узоқда жойлашган. Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний буюк авлиё, улкан аллома, атоқли тарбиячи, хожагон-нақшбандия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган соҳибкаромат зот эдилар. Бу зоти шариф тахминан 1312 йил Навоий вилояти, Ҳазора қасабасидаги Деггарон қишлоғида туғилганлар.<sup>3</sup> Деггароний ҳақларида

---

<sup>1</sup> Мақомот. 32-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 32-бет.

<sup>3</sup> Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. Бухоро. “Бухоро”, 2006. 173-175-бетлар.



“Рашаҳот айнул ҳаёт”, “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”, “Мақомоти Амир Кулол”, “Тухфат аз зоирин” каби китобларда маълумотлар бор. “Рашаҳот”да келтирилишича, ҳазрати Амир Кулол айтар эканларки: “Манинг асҳобим аросида ҳазрати Хожа Баҳоуддин ва хизмати жаноби Мавлоно Ориф, бу икки тан янглиғ бошқа киши йўқтур ва олар ҳаммадин гўй элтибдурлар”.<sup>1</sup> Бундан маълумки, Амир Кулол муридларидан (манбаларда кўрсатилишича, 114 нафар шогирдлари бўлган) Мавлоно Ориф Деггароний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандга нисбатан юксак ишонч билан қараганлар. Шундай юксак ишонч самараси сифатида Ҳазрати Сайид Амир Кулол иккинчи фарзандлари Амир Ҳамзанинг тарбияларини Мавлоно Ориф Деггаронийга ҳавола қилган эканлар. Амир Ҳамза Ориф Деггаронийнинг қуйидаги сўзларини доимо ёдга олар эдилар: “Агар ёре талаб қилсангизким, сизнинг юкингизни тортғай, бу душворлиқ била муяссар бўлур. Ва агар ёре талаб қилсангизким, сиз онинг юкини тортғайсиз, ҳамайи аҳли жаҳон сизнинг ёрингиз турур”.<sup>2</sup> Амир Ҳамза ўз пирлари Мавлоно Орифнинг бу сўзларига умрлари давомида амал қилганлар ва халқнинг оғирини енгил қилиш, инсонпарварлик, эл дардига малҳам бўлишни асосий қоида деб билганлар.

“Рашаҳот” муаллифининг гувоҳлик беришича, Баҳоуддин Нақшбанд ўз устозлари Амир Кулолдан мустақил иш тутишга рухсат олган маҳалларида шу

---

<sup>1</sup> Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. 2004. 74 – б.

<sup>2</sup> Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. 2004. 70 – б.

васиятга мувофиқ, шайх Мавлоно Орифдан дарак топиб, у кишининг ҳузурларига борганлар. Баҳоуддин Нақшбанд бутун имону ихтиёр ила етти йил Мавлоно Ориф Деггаронийнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ул зоти шарифга таъзим билан муносабатда бўлганлар. Бу муносабат маҳсулида Мавлоно Орифга шунчалик ҳурматлари баланд бўлганки, у киши ариқ бўйида Мавлоно Ориф Деггаронийдан баландда туриб таҳорат олмас, агар йўлда Мавлоно Орифга ҳамроҳ бўлсалар, эътирозсиз тобелик билан суҳбатдош бўлар эканлар, улар билан сафарга чиқсалар “аларнинг қадами устига қадам қўймас эрдилар ва мутобаат сувратида оларга мусоҳабат қилур эрдилар.”<sup>1</sup>

Баҳоуддин Нақшбанднинг эҳтиромига жавобан, Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ҳам ул зоти шарифга эътиқоди баланд бўлган. “Рашаҳот”да келтирилишича, Баҳоуддин Нақшбанд ҳаж сафаридан қайтиб, маълум муддат Марвда ислом аҳли билан улуғлар суҳбатида юрганлар. Шу вақтда Мавлоно Ориф Баҳоуддин Нақшбандга элчи юборадилар ва у кишини ўз ҳузурларига чақирадилар. Баҳоуддин Нақшбанд ўз асҳобларини Марвга қолдириб, Деггарон даҳасига Мавлоно Орифнинг ёнларига келганларида Мавлоно Ориф бемор ётган бўладилар.<sup>2</sup> Мавлоно Ориф ҳозир бўлганларга қарата: “Хожага сир гапим бор, ё биз икковимиз бошқа хонага кирайлик, ёки сизлар бошқа хонага ўтинглар”, деб

---

<sup>1</sup> Ўша ерда. 74 – б.

<sup>2</sup> Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. 2004. 74 – б.

буюрадилар. Турганлар: “Сиз беморсиз, қувватингиз йўқ, биз бошқа хонага кирамиз”, дейишибди. Мавлоно Ориф хилватда Баҳоуддин Нақшбандга шундай деган эканлар: “Сиз билан менинг орамда тўлиқ ҳамжихатлик бор, шунча ҳамкорлик орадан ўтган бўлиб, энди вақт охирига етди. Ўз ёронларимга ва сизнинг ёронларингизга диққат қилдим. Бу йўлнинг қобилияти ва йўқлик сифатини бошқаларга нисбатан Хожа Муҳаммад Порсода кўпроқ кўрдим. Бу йўлда топган ҳар қандай назаримни ва бу соҳада касб этган ҳар қандай маънони унга нисор қилдим ва топширдим. Ёронларни унга эргашишга буюрдим. Сиз ҳам унинг борасида нуқсонга йўл қўймагайсизки, у сизнинг ёронларингиздан”. Шундан сўнг яна икки-уч кун умрлари қолганлиги ва Баҳоуддин Нақшбанд олов ёқиб, сув иситиб у кишини ўз қўллари билан ювишларини, уч кун ўтгандан сўнг уйларига қайтишларини васият қилган эканлар.<sup>1</sup> Хожа Баҳоуддин Мавлоно Орифнинг васиятларини бекаму кўст бажо келтириб, у кишининг дафнларидан уч кун ўтгандан сўнг Марвга қайтган эканлар.

Манбалардаги нақллар билан танишар эканмиз, Мавлоно Ориф Деггаронийнинг юксак маънавий хислатлар соҳиби эканлиги, адолат, инсоф, диёнат тарафдори бўлганликлари, шуҳратпарастлик, манманликни қоралаганликларининг гувоҳи бўламиз. Айтар эдиларки, “Таом истеъмол қилаётган пайтда ҳар бир аъзо бир иш билан банд бўлур. Дил ҳам бу

---

<sup>1</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т. 1993. 65 - б.

пайтда зикр билан машғул бўлур. Лекин бу вақтда дил “Аллоҳ” ёки “Ла илаҳа иллаллоҳ” зикрини этмас, балки дастурхондаги неъматни берувчи Аллоҳ таолони мушоҳада этур. Дил сабабдан мусаббибга келур. Аллоҳнинг Раззоқлигини мушоҳада этур. Мана шу ҳолат зикр ҳисобланади. Шундайлар ҳам борки, ўнг қўли билан таом ейди, чап қўли билан тасбеҳ ўгиради. Бу иш манманлик, кибр, шухратпарастлик, фирибгарлик ҳисобланади.”<sup>1</sup> Ориф Деггароний инсон таом тановул қилар экан, берган ризқи учун Аллоҳга шукрона айтишга чақирадилар. У киши инсонларни ҳалол меҳнат билан ризқ топишга ундаганлар ва ўзлари ҳам зироатчилик билан шуғулланганлар.<sup>2</sup>

Баҳоуддин Амир Кулолдан кейин етти йил унинг тўртинчи халифаси бўлган Мавлоно Ориф Деггаронийнинг хизмати ва мулозаматида бўлди. Бу мулозаматда хилма-хил риёзату жидду жаҳдни ўз бўйинларига олди. Кўп вақтлар Мавлоно Ориф билан бирга Работи Малик қурилишида мардикорлик қилдилар.

7.Қусам Шайх – Яссавия тариқати шайхларидан бири Мавлоно Орифдан сўнг Баҳоуддин икки-уч ой Қусам Шайхга мулозамат ва мутобаатда бўлди. Охири Қусам Шайх Хожамизга ташриф буюриб дедилар: “Менинг тўққиз ўғлим бор, ўнинчиси сенсан ва уларнинг ҳаммасидан сен улуғсан!” Қусам Шайх йиллаб Нахшаб туманларидан Бухорога келиб юрди. Ҳазрати Хожа уларни иззат-икром қиларди. Қусам

---

<sup>1</sup> Хидоят журнали. 2005, 1 - сон, 31 – б.

<sup>2</sup> Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. 2004. 80 - б.

Шайх айтарди: “Сенда мавжуд бўлган бундай сифат ва қатъий талабни толиблардан бирортасида кўрмаганман!” Қусам Шайх ғоят карамли ва ўта оддий бўлганлигидан ҳаётининг охирида Бухоро шаҳрида Масжиди Саррофон яқинидаги тимга кириб, ҳар хил харидлар қилди ва тимдан чиқди. Бир дўкончага кирди. Фарзандлари ва тобеъларидан кимки ўзи билан бирга бўлса ҳаммасини олдига чақирди ва деди: “Кетишимиз яқинлашди, калимаи тавҳидни бирга айтайлик”. У айтди, бошқалар такрорлади, бир онда жонини Ҳақа таслим қилди.<sup>1</sup> Қусам Шайхнинг мозори Қарши қишлоғида, Пудина Мадин деб аталади.<sup>2</sup>

8.Халил ота. Баҳоуддин Нақшбанд олти йил Халил ота кейинчалик яна олти йил Халил Султон хизматида бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбанд бу манбада 11 йил, “Рашаҳот” да 12 йил Халил ота хизматида бўлган деган маълумот бор. Халил Султонни салтанати 1347 йилда танназулга учраган. Бундан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд 1335 йилдан то 1347 йилгача, яъни 18 ёшларидан 29 ёшга етган давригача Султон Халил хизматида бўлганлар. Султон Ҳалил салтанати таназзулини кўргач, Баҳоудин тўла сўфийлик ҳаётига қайтиб, Бухоронинг Ревартун қишлоғида келиб яшай бошлайдилар. Маълум бўладики, қолган 43 йил умрларини дарвешона ҳаёт ўтказишга бағишлаганлар.

---

<sup>1</sup> Мақомот. 33-бет.

<sup>2</sup> Носириддин Тўра. Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари. 15-бет.

Шайх Халил ота кейинчалик Султон Халил ҳақида Аҳмад Закий Валадий Тўғон “Ғозонхон Халил ва Баҳоуддин Нақшбанд” мақоласида маълумот берган (қаранг: Фан ва турмуш. 1993. №3. Б.10.). Бу манбада Тўғон – Халил Султон 1340-1347 йил Туркистон (Ғарбий Бухорода) ҳукмронлик қилганлиги ёзилган. Ғозонхон – Султон Халил ҳақида Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” ва А.Ю.Якубовский асарларида маълумот мавжуд. Шайх Халил Ота – Яссавийнинг шайхларидан бўлиб, тарихда Халил Султон, Ғозонхон Халил номлари билан маълум бўлган. Аҳмад Закий Валадий Тўғон фикрича, 1347 йил Амир Қазағон фитна ва суйиқасдлари туфайли Ғозонхон – Шайх Халил ота ўлдирилади. Бу фожиадан сўнг Баҳоуддин узил-кесил Амир Сайид Кулол Сухорий этагидан тутиб янги тариқатга асос солган. Шоҳ саройидаги хизмат Баҳоуддинни дунё мол-мулки ва салтанатнинг фанийлигига мустаҳкам ишонч ҳосил қилиб эътиқодини кучайтирган.

9.Йигирма икки йил Ҳаким Термизий тариқатига боғлиқ бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд увайсий эканлигининг маъноси фақат Абдулҳолиқ Ғиждувоний руҳиятидан таълим олганларидангина эмас, кенгрокдир. Баҳоуддин Нақшбанд таважжуҳ улуғлар руҳига юзланиш билан таълим олган. Баҳоуддин Нақшбанд йигирма икки йил ҳакимия деган илк тасаввуфий тариқат асосчиси, валийлик ҳақида таълимотини яратган, тасаввуфда машҳур “Хатм ул авлиё” асари муаллифи Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий (вафот.320/932) руҳиятига таважжуҳда

бўлганини ва у кишидан таълим олганини ёзади. Манбаларда хижрий 789, милодий 1387 йилда у киши йигирма икки йилдан бери Ҳаким Термизий руҳиятидан нур олаётганлиги қайд этилган. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд 1365 – 1387 йилларда 47 ёшликларида то 69 ёшларигача шу ҳолатда бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбанд ва Ҳаким Термизий ҳақида батафсил маълумот Г.Н.Наврўзова, Х.Х. Рахматованинг “Нақшбандия тушунчалари генезиси” (Бухоро: “Бухоро”, 2010. 101–111 бетлар.) асарида берилган.

10.Таҳсин Ёзувчининг мақоласида “Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод”идан (**таъкид бизники – Г.Н.**) ва халифаси Порсо тарафидан ёзилган “Рисолаи қудсия” ва бошқа таржимаи ҳол билан боғлиқ манбалардан ташқари ҳеч қандай асарлар учрамаяпти”,<sup>1</sup> – деб ёзилган. “Қомус ул-аълум” энциклопедиясининг олдинги нашри Истанбулдан чиққан бўлса-да, лекин Таҳсин Ёзувчи ундаги маълумотни келтирмаган. Фақат Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” номли асари борлигини ёзиб қолдирган, холос. Таҳсин Ёзувчи ўз фикрининг исботи учун шундай ёзади: “Ал-Авроди Баҳоия” номи билан маълум бу “Аврод” нинг Маъмун бин Аҳмад бин Иброҳим ал Турнавий ва Муҳаммад бин Мустафо ал Ходимий тарафидан ёзилган икки шарҳи бордир”.<sup>2</sup>

Бизнинг тадқиқотларимиз “Аврод” асарининг қўлёзма нусхаси сақлангани ва бу асарга ёзилган яна иккита шарҳнинг мавжудлигини аниқлашга имкон

---

1 Таҳсин Ёзувчи, Нақшбанд Ислои энциклопедияси. Истанбул. 1954, 53- бет.

2 Таҳсин Ёзувчи, Нақшбанд Ислои энциклопедияси. Истанбул. 1954, 53- бет.

берди. Биринчидан, “Аврод” асарининг ушбу нусхаси тўғрисида батафсил тўхталмоқчимиз.

Москвадаги “Наука” нашриёти собиқ Шўролар иттифоқи Фанлар Академияси қошидаги Шарқ-шунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган қўлёзмалар ҳақидаги қисқа каталогини “Арабские рукописи института Востоковедения Академия Наук СССР” номи билан икки қисмда нашр этди. Унинг биринчи қисмида 3464 ва 3465 тартиб рақамлари, В 3829 ва А 1539 шифр остида Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ал-Бухорийнинг (вафоти 791/1389) “Аврод” номли асари сақланаётганлиги кўрсатилади.<sup>1</sup> Асар номи зикр этилгандан кейин А.Б.Холидов таълиф маъносини билдирувчи белгини қўйиб, “Баҳоуддин Нақшбанд” исмини ёзган. Бу билан “Аврод” нинг муаллифи Баҳоуддин Нақшбанд эканлигини таъкидлаган.

Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод” асарининг В 3829 шифр билан сақланаётган қўлёзма нусхаси 75б-89а варақларида сақланган. Бу нусха хижрий 1287, милодий 1870/71 йилда Волга бўйига кўчирилган. “Аврод”нинг А 1539-шифрли нусхаси 25б-44а-варақларда ёзилган қўлёзмада сақланмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” номли асари борлиги ҳақида жаҳондаги машхур библиографик маълумотномаларда қайд этилган. Шарқда Котиб Чалабий ва Ғарбда Хожа Халифа номлари билан машхур Мустафо ибн Абдулло (1609-1657) томонидан

---

1 Арабские рукописи Востоковедения Академии Наук СССР, (Краткий каталог) под. ред. Халидова А.Б. Москва. Наука. 1986. стр 171.



тартибга келтирилган 9512 нафар муаллифнинг 14501 та асари ҳақида маълумот берувчи “Кашф аз-зунунан ассомий кутуб вал фунун” (Китоблар номлари ва фанлар ҳақидаги тахминларни ечиш) китобида Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” номли асари борлиги қайд этилган. Ушбу библиографик асарнинг 1835–58 йилларда немис шарқшуноси Г.Л.Флюгель томонидан Лейпцигда нашр этилган 7 томлигининг 1-томида 1473-рақам ва 492-шифр остида “Аврод” ҳақида маълумот берилган.

Йирик немис шарқшуноси Брокельманн Карл (1868–1956) нинг “Араб адабиёти тарихи» номли асарининг 2-томида ҳам “Аврод”га бағишланган шарҳ мавжуд. Жаҳонда машҳур икки библиографик каталогда келтирилган Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” номли асари ҳақидаги қайднинг ўзи ҳам мазкур асар мавжудлигига муҳим исбот ва асос бўла олади. “Шарқ кўлёмалари тўплами”да Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” асари ҳақида шундай дейлади: “Суфийский сборник молитв” Ал-Аврод ал Бахойя” Бехавийские молитвенные обращения известного Бухарского шейха Бахауддина Накшбанда (ум. в 791/1389) (“Машҳур шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг сўфиёна дуолар тўплами”). “Дуо” арабча сўз бўлиб, Худодан ёлвориб яхшилик тилаш маъносини билдиради. Бу асар бўлса “А в р о д”, яъни в и р д л а р маъносидадир. “Вирд” арабча сўз бўлиб, “тарк этмай доим бажариб туриладиган вазифа” деган маънода қелади. Айни замонда “Вирд”нинг тасаввуфий тусунча маъноси ҳам бор; шайх ва муридларнинг

узлуксиз ўқиб юришлари шарт бўлган тиловат, зикр, тасбеҳ, дуо, салават каби мажбуриятларни ўз ичига олган. Демак, “вирд” тушунчаси дуо тушунчасидан кенг бўлиб, асосий мақсад талаб этиш эмас, балки Тангри ризолиги учун юкланган вазифаларни бажаришдан иборат экан. Шунинг учун ҳам библиографик мазмундаги асарларда дуолар ва вирдларни алоҳида гуруҳларга бўлиб тартибга келтирганлар. “Арабча-русча қомус”да “вирд” сўзи “манба, сарчашма” деб таржима қилинган. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” рисоласининг матни, изоҳ ва шарҳлари ҳақида маълумотни биз нашр этган эдик. У билан танишиш мумкин. (Баҳоуддин Нақшбанд. Авроди Баҳоия. Бухоро. “Бухоро”, 2000 йил, 30 бет.)

11.Муҳаммад Порсо томонидан ёзилган “Рисолаи қудсия” ҳақида тўпламдаги шу номли мақолага қаранг.

12.“Ал Аврод” “Ал Баҳоия” рисоласига ёзилган иккита шарҳ мавжуд деб Таҳсин Ёзувчи ёзган, аммо, тадқиқотлар Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асарининг тўла мазмун ва моҳиятини очишга ёрдам берадиган биринчи ёзилган шарҳнинг борлигини аниқлашга имкон берди. Бу XV асрда яшаган Али бин Аҳмад ал Ғурийнинг “Канз ал ибод фи шарҳ ал Аврод” (“Ал Аврод” асарини шарҳлашда ибодат аҳли хазинаси”) шарҳидир. Тадқиқотлардан яна шу нарса аниқландики, Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод” асарининг муҳим таркибий қисми “Вирди кабир» ва “Вирди Нақшбандия” ҳам нашр этилган. Бу Мисрда чоп этилган Шайх Муҳаммад Амин ал Курдий ал Ирбилий

томонидан ёзилган “Ал-ижобатул раббония аш шарҳ ва манофеъ ли вирди Нақшбанди Шайх-ал Акбарий Сайид Муҳаммад Баҳоуддин ал Ҳусайний ал Ҳасаний ал Увайсий ал Бухорий Нақшбанд” асаридир.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбанднинг ушбу асари “Ал Аврод ал Баҳоия” ва “Вирди Нақшбанд” номлари билан маълум ва машхур бўлган. Лекин Нақшбандия тариқатида хуфия зикр қабул қилингани учун бу асар фақат тариқат аҳли орасида маълум бўлган ва уларнинг ўзига хос руҳий камолот йўлини кўрсатган. Шунинг учун бўлса керак ҳозирги кунгача бу асар тадқиқ этилмай келинган. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” асари мазмун ва моҳиятини чуқурроқ билишда биз Али бин Аҳмад ал Ғурийнинг “Канз ал ибод фи шарҳ ал Аврод” (“Ал Аврод” асарини шарҳлашда ибодат аҳли хазинаси) асарига таянамиз.<sup>1</sup>

Асар: “Бу шарҳи кабир шайх, суннатни тирилтирувчи, Оллоҳнинг дўсти, кашф ул ҳақоик, ҳужжат ал Ҳақ алал ҳалқ Баҳо ул Ҳақ ва дин Нақшбанднинг олам илмининг энг юқориси бўлган Авродига ёзилган” деган сўзлар билан бошланади. Муаллиф бу шарҳни ёзишдан мақсади китобдаги сўзларнинг луғавий маъноси, ҳукмларнинг қийин томонларини араб бўлмаганлар учун тушунтириб оммалаштириш эканлигини қайд этади.

“Канз ал ибод”нинг мундарижасидан асарнинг мазмунини англаш мумкин. Унда тавба (2 варақда),

---

<sup>1</sup> Батафсилроқ бу манба ҳақида қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 2-боб.

руҳ, нафс ва қалб(3) истиқомат алал аҳвол вал ахлоқ вал хилват ваш шариат фи қироат(12), нафс фазилати, фазлил қалб(34), ихлос(46), истиғфор(47), илм ул яқин, айн ул яқин, ҳақ ул яқин(104), мизон(107), лавҳ(111), истиғфор баъд аз салавот(113), сураи “Залзала”(133), “вал Адиёт”, “Вал Қориа”, “Вал Такасур”, “Қиссаи Асҳобил Қаҳф”(217), зиёрати қабр(294), “Лайлатул Қадр”(337), олим ва жоҳил(373) тушунчалар билан бирга васл, салом, салавот, қироат ал фажр, фи вирд, сирот, қиёмат, таҳорат, илмул нужум, имон, мадор ал қалб, калимати радди куфр, фи салавот би ҳузурул қалб, савоб ва хатоларга шарҳлар берилган.

“Канз ал ибод”нинг бошида “Аврод” вазифа бўлиб, улар Оллоҳ томонидан буюрилган топшириқлар эканлиги қайд этилган. Шарҳловчи Оллоҳ олдидаги вазифаларимизни изоҳламоқчи эканлигини айтади. Биринчи таҳоратли бўлишга эътиборни қаратиб, тавба тушунчасига изоҳ беради.

Бу шарҳдан маълум бўладики, ҳазрат Нақшбанд инсон руҳий камолотининг биринчи мақомини тавба деб тушунган. Тавба тушунчаси “қайтмоқ” маъносини англатиб, киши илоҳий даражага юксалиш йўлига кираркан, унга элтадиган узоқ йўлдан яқин йўлга қайтади.

Баҳоуддин тавбани турли босқичларни ўз ичига олган ягона руҳий камолот жараёни деб билган. У тавбани тўрт гуруҳга бўлади.

1. Авомнинг тавбаси – зоҳирий гуноҳлардан қайтиш.

2. Солиҳнинг тавбаси – ахлоқи замимадан қайтиш.
3. Тавбаи ботиния – қалбни поклаш учун қайтиш.
4. Муҳибларнинг тавбаси – ғафлатдан қайтиш.

13. Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) Абдулхолиқ Гиждувоний ва Аҳмад Яссавийнинг устози бўлганлиги учун у кишини Ўрта Осиёда кенг тарқалган хожагон ва яссавия тариқатларини асослаган устоз сифатида тан оладилар. У киши ҳақидаги маълумот Г.Н.Наврўзова, Н.Нурматованинг “Юсуф Ҳамадоний – Етти пирнинг табаррук устози” (Тошкент, “Mashur-Press” 2016.) монографиясида баён этилган.

14. Барча рашҳа ва усуллар тамомила Гиждувонийга оиддир деган фикрни Таҳсин Ёзувчи ёзиб, бу билан нақшбандия таълимотидаги ўн бир рашҳани ҳам Гиждувоний айтган деган фикрни илгари суради. Ҳолбуки, Абдулхолиқ Гиждувоний ўзининг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарида “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан” ва “хилват дар анжуман”ни Юсуф Ҳамадоний унга ўғит берганлигини ёзган. Юсуф Ҳамадонийнинг берган топшириқларига асосан Абдулхолиқ Гиждувоний хотира билан боғлиқ тўртта рашҳани: “ёдқард”, “бозгашт”, “нигаҳдошт”, “ёддошт” яратган ва саккиз рашҳани ўзи асослаган Хожагон тариқатининг тамойили сифатида киритган. Фахриддин Али Сафий “Рашаҳот” асарида “Ҳазрат Хожа Абдулхолиқнинг калимоти қудсияларидан бу саккиз иборатким, Хожагон тариқатларининг биноси онга турур” деб юқоридаги саккизта рашҳани киритган ва таъкид қилганки, “Булардан ғайри барча пиндошт, яъни

ужбу ғурур турур”(31-бет). Бундан маълум бўладики Таҳсин Ёзувчининг фикри ҳақиқатга тўғри келмайди. Нақшбандия таълимотида мавжуд бўлган 11 рашҳанинг 8 таси Хожагон тариқатидан олинган ва 3таси – “вуқуфи замоний”, “вуқуфи ададий”, “вуқуфи қалбий”ни Баҳоуддин Нақшбанд асослаган ва ўзлари асослаган нақшбандия тариқатини киритган.

15.Увайсийлик – манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг у в а й с и й эканлиги таъкидланган. XV аср ёзма манбаси бўлган Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида: “Ҳазрат хожамизнинг йўллари увайсийлар тариқасидир”, – деб ёзилади.<sup>1</sup> Увайсийлик тасаввуфдаги ўзига хос камолот йўлидир. “Увайсийнинг маъноси – авлиёуллоҳлардан бир тоифа бўладики, тариқат машойихлари ва ҳақиқат бузрукворлари уларни “увайсийлар” деб аташади. Улар учун зоҳирда пирга эҳтиёж бўлмайди, чунки Рисолатпаноҳ уларни ўзларининг иноят ҳужраларида ўзгаларнинг воситасисиз парвариш қилдилар, чунончи, Увайсга (Қаранийга) шундай парвариш берган эдилар”.<sup>2</sup>

Увайсийлар сулукида Раббоний файз ва Раҳмоний тажаллиётга етишишда муқаддас арвоҳлар воситачи бўлади.

Алишер Навоий “Насойим – ул муҳаббат мин шамойил ул футувват” асарида увайсийлик Увайс Қараний номи билан юритилишини таъкидлайди,

---

<sup>1</sup> Порсо Хожа Муҳаммад. Рисолаи Қудсия. -Бухоро: Бухорои Шариф, – 1327 х. й. 58-бет.

<sup>2</sup> Рисолаи қудсия. 58–59-бетлар.

чунки у Муҳаммад Пайғамбарни зоҳир кўзи билан кўрмасдан туриб, маъно ва руҳоният юзидан тарбият олган эди. Навоий ёзадики, “ҳар кишинингки бу тоифадан зоҳир юзидан пири маълум бўлмаса ва машойихдан бирининг руҳи ани тарбият қилган бўлса, уни увайсий дерлар”.<sup>1</sup>

Демак, увайсийлик – ботиний, руҳлар воситаси ила маънавий, руҳий тарбия бўлиб, зоҳирий тарбияга нисбатан олий мақомдир.

Фаҳриддин Али Сафий “Рашаҳот айн ал ҳаёт” асарида Нақшбанд номи билан машҳур ҳазрат хожа Баҳоуддин зикрини келтириб: “Аммо ҳақиқат юзасидан хожа у в а й с и й бўлганлар ва ҳазрат хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан тарбият топганлар”, – дейди.<sup>2</sup> Бу билан Нақшбанднинг увайсийлигини ўзидан олдин ўтган Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (вафоти 1180 ёки 1220) руҳониятидан тарбият топганлиги билан изоҳлайди. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ва Салоҳиддин ибн Муборак ал Бухорий томонидан XIV-XV асрларда ёзилган “Мақомот” ва “Маноқиб”га асослансак, Баҳоуддин увайсийлигини кенгроқ изоҳлаш мумкин. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, хожанинг биринчи руҳий ҳолатининг ўзгаришига сабаб Хожа Али Ромитаний руҳонияти бўлди. Шунинг учун Нақшбанд ўзини “биз Ҳазрат Азизоннинг муридимиз” деб таъкидларди. Кейин унинг тушида Ҳаким ота – Сулаймон Боқирғоний (ваф. 1186) руҳи ишорат қилган ва у Ҳалил ота

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул муҳаббат мин шамойил ул футуват жилд.15 Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 74-бет.

<sup>2</sup> Рашаҳот. 54-бет.

тарбиятини олган. Шундан кейин Хожайи Жаҳон руҳонияти тарбиясида бўлган. Унинг айтган ўғитларига тўла амал қилиб, руҳан камолга етган.

Руҳий устозлар ишорати билан Баҳоуддин ҳар бир одамнинг қалбини топишга интиланган, ожиз-нотавонларга ёрдам берган, етти йил ҳайвонларга қараган, итларга хизмат қилган. Кейинчалик етти йил йўлларни тоза сақлаган. Бу ҳақда Нақшбанд тилидан ёзиладики, “Шу етти йил ичида енгим ва этагим тупроқдан асло холи бўлмас эди. Бу Ҳақнинг дўсти қандай амални буюрса, садоқат билан бажо келтирардим, ҳар бир амалнинг натижасини ўзимда мушоҳада қилардим ва аҳволимда тўлиқ тараққий юз бераётганини сезардим”.<sup>1</sup>

Йўлнинг бошида Нақшбанд Увайс Қараний руҳониятига юзланиб, унинг сифатларига кириб сайр этган. Бу ҳақда манбада шундай ёзилади: “Саккиз ойдирки, биз таважжухимизни Увайс Қаранийнинг руҳониятига қаратган эдик ва уларнинг сифатига кириб сайр қилардик, бугун уларнинг сифатидан чикдик”.<sup>2</sup>

Баҳоуддин Нақшбанд буюк мутасаввиф Мансур Ҳаллож (ваф.858) руҳониятидан ҳам таълим олган. Нақл қилинишича, у айтган: “Талаб айёмларида Мансур Ҳаллож сифати икки марта менда туғён урди. Бир дор бор эди. Икки марта ўзимни дор остига етказдим ва дедим: “Жойинг мана шу дордир!”. Тангри инояти билан бу мақомдан ўтиб кета олдим”.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Рашаҳот. 54-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 15-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда. 21-бет.



Нақшбанд буюк сўфийлар Боязид Бастомий (ваф.875), Жунайд Бағдодий (ваф.910), Шиблий (ваф.861) руҳоний оламидан баҳра олган<sup>1</sup>. Лекин у доимо ҳушёрлик мақомида турган. Манбада унинг куйидаги сўзи келтирилади: “Охири бир боргоҳга етдимки, бу боргоҳдан муаззамроқ боргоҳ йўқ эди, билдимки, бу Муҳаммад боргоҳи эди. Боязид қилган ишни қилмадим, яъни беадабликка йўл қўймадим”.<sup>2</sup> Демак, Нақшбанд беҳушлик – сукр йўлидан бормасдан, Жунайд Бағдодий каби огоҳлик, ҳушёрлик мақомида турган.

Манбаларда кейинги руҳий тарбия берган валий Хожа Ҳаким Термизий (ваф.831) эканлиги кўрсатилган. Ҳижрий 789 йилда Баҳоуддин айтган эдики: “Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким ат Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса мен ҳам бу замонда бесифатдурман”.<sup>3</sup>

Нақшбанд шунингдек, Абулқосим Абдулкарим ибн Хавазан Қушайрий (ваф.986) ва Фаридуддин Аттор (ваф.1220) руҳониятидан тарбия олган. Мақомотда ёзиладики, у айтар эди: “Бизнинг сулуқимиз тариқатда Имом Қушайрий ва Шайх Аттор айтган сўзларига жуда мувофиқ келади”.<sup>4</sup> Абулқосим Абдулкарим ибн Хавазан ал Қушайрий – хуросонлик диндор ва сўфий, “Рисала фи илм-ат-тасаввуф”нинг муаллифи. Бу асар сўфийлар учун қўлланма сифатида хизмат қилар эди ва ҳанузгача шундай бўлиб

---

<sup>1</sup> Ўша ерда. 28-бет.

<sup>2</sup> Мақомот. 28-бет.

<sup>3</sup> Мақомот. 15-бет.

<sup>4</sup> Ўша ерда. 28-бет.

турибди. Асарда машхур сўфийларнинг таржимаи холи, уларнинг муслмон қоидаларига муносабатлари, сўфиёна тушунчаларга изоҳ ва шарҳлар берилган.

Қушайрийнинг 1983 йилда Мисрда нашр этилган “Латоиф ал-ишорат”, 1969 йилда чоп этилган “Арбаа расаъил фит-т-тасаввуф”, 1968 йилда Бағдодда чиққан “Тартиб ас-сулук” асарлари машхур. 1964 йилда Қорачида нашр этилган “Рисаъил ал-қушайрия” асарида унинг таълимоти тўла ёритилган.

Манбадан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбандга Абу Али ал Хорис Мухосибий (781), Абу Сайид Абулхайр (967), Абдуллоҳ Ансорий (1006) ва Абдулқодир Ғилоний (1077–1166)лар руҳий таъсир этган.

16.Робита нақшбандия таълимотида меҳнат қилиб, жамиятда фойдали киши бўлишга имкон берадиган тушунчадир. Абдурахмон Жомий комил инсон даражасига етишни асосий йўлларига зикр, таважжух, муроқаб ва билан бирга робитанинг ўрнини қайд этган.

Робита – арабчада боғланиш, алоқа воситаси, алоқа, муносабат маъноларини билдирувчи тасаввуфий истилоҳдир. “Робита – солиқ (тарикат йўлидан боровчи – Г.Н.)нинг комил шайхга кўнглини боғлаб, унинг хузурида ғайбан шайхининг сурати, сийрати ва айниқса, руҳониятини хаёлида ўзи билан бирга эслаб, ёнида эканини ўйлаб, одоб сақлаши”, – демакдир. Холид Бағдодийнинг таълимотига кўра, робита – муриднинг комил шайх суратини хаёлан сақлаш орқали унинг руҳониятидан истимдод тилаш, демакдир.

Мубтадий муриднинг шайхига қилган робитаси: мурид ҳар он ва ҳар жойда шайхининг ҳузурда тургандек ҳаракат қилади, ҳар доим шайхи билан бирга эканини, ҳаракат ва туйғулардан шайхи хабардор эканини, ҳатто ухлаётганида ҳам гўё уни кўриб тургандек, ҳатти – ҳаракатларини шунга қараб назорат қилиши ва одоб сақлаши лозим. Буни амалга ошириш жараёнига “фано фиш-шайх”, дейилади.

Ўрта ҳолатдаги мурид Муҳаммад пайғамбарга робита қилади. Бу робита эса сайру сулукда маълум босқичдан ўтган солиқ ҳаётининг ҳар онда Муҳаммаднинг ҳузурда ва мувоқабаси остида эканини ўйлаб, унинг ахлоқи билан хулқланишига интилишидир. Буни рўёбга чиқарган солиқ, шайхда фоний бўлиш мартабасини ошиб ўтиб, “фано фир-расул” мартабасига юксалади.

Мунтаҳий мурид Аллоҳ билан робита-алоқа ўрнатади. Васл мақомига эришган солиқ ҳам шайхда ҳамда Муҳаммад пайғамбарда фоний бўлиш мартабаларидан ошиб, “фано филлоҳ” мартабасига эришгай. Бу мартабада солиқ ҳар он ва ҳар жойда Аллоҳ таолонинг ҳузурда эканини идрок этади. Робитанинг энг мукамал ва охирги кўриниши бўлган бу мақомда мурид бутун борлигини Аллоҳга фидо қилиб, ўзини ва дунёни Аллоҳнинг борлиғи олдида ҳеч нарса эмаслигин англаб этади.<sup>1</sup>

М.А.Жўшон нақшбандия тариқати вазифасини бажариш одобида робитани учга бўлади:

---

<sup>1</sup> Гундуз И. Кумушхонавий Аҳмад Зиёвуддин. Истанбун, 1984. 278-279-бетлар. Иқтибос ўша ердан олинган.

1. Робитаи мавт: мурид ҳар лаҳза ўлимни эслаши керак.

2. Робитаи муршид: мурид шайхини гўё икки қошининг ўртасида тургандек тасаввур қилиб, кўнглига мос равишда ва шайхи қалбидаги файзларнинг ўз қалбига оқишини ўйлашидир.

3. Робитаи ҳузур: Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсани ақлу хаёлидан улоқтириб ташлаб, тамоман Аллоҳ севгиси билан тўлган қалб билан Ҳақнинг ҳузурини эканини ўйлашдир.<sup>1</sup>

Робита, бир томондан нақшбандия таълимотидаги Ҳақ йўлидан бораётганларнинг “Даст ба қор” – “Қўли ишда” бўлишига имкон берса, иккинчи томондан “Дил ба Ёр” – “Қалби Оллоҳ билан бўлиши”ни тақозо этади. Робита амалиёти нақшбандларнинг фаол ва ҳушёр яшаб, ўзини англашга ва камолга етишига ёрдам беради.

---

<sup>1</sup> Жўшон М. А. Зикруллоҳнинг фазилатлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр. 2000. 33-35-бетлар.

## МУНДАРИЖА

Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида .....	4
Баҳоуддин Нақшбанд .....	7
Баҳоуддин Нақшбандга оид илк маноқиб .....	21
Салоҳиддин ибн Муборак “Анис ат-толибин”.	
Қатралар .....	31
Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Ҳазрат Хожа Нақшбанд” асари ҳақида .....	45
Муҳаммад Боқир “Мақомоти Ҳазрат Хожа Нақшбанд” асаридан .....	50
Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асари – Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига оид манба .....	66
Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия”. Баҳоуддин Нақшбанднинг ибратли каломлари .....	73
Баҳоуддин Нақшбанд Яъқуби Чархий тавсифида ...	85
Яъқуби Чархий “Рисолаи унсия” .....	96
Жомий ва Нақшбандия .....	100
Абдурахмон Жомий “Нафоҳат ул-унс мин ҳазаротул қудс”. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.).....	105
Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий .....	120
Навоий ва Нақшбандия .....	142
Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ.т.с. ....	148
Алишер Навоий “Хамса”. Ҳайрат ул-аброр .....	175

Алишер Навоий “Лисон-ут-тайр”. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сўзи фанойи комил мақомида .....	189
Фахриддин али Сафий “Рашаҳот айн-ал ҳаёт”. Нақшбанд номи билан машҳур Ҳазрат Хожа Баҳоул Ҳақ Вад-дин Муҳаммад (қ.с.) зикри .....	191
Сўфи Оллоҳёр “Саботул ожизин”. Хожа Баҳоуддин ҳазратларининг бир золим кишига йўлиққани баёни .....	206
Ғулом Сарвар Лоҳурий “Ҳазинат ул-асфиё” .....	208
Шарафиддин Роқимий “Тарихи томм”. Ҳазрати Хожайи Бузург Хожа Баҳовуддин Шоҳи Нақшбанд қуддуса сирруҳу вафоти тарихи зикри .....	211
Носир-ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар ал- Ҳанафий ал-Бухорий “Тўҳфат уз-зоирин”. Баҳо-ад-дин Нақшбанд .....	214
Сайид Аҳмад Васлий “Назм ус-силсила” .....	217
Таҳсин Ёзувчи. Нақшбанд .....	221

